

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АҲБОРОТ МАРКАЗИ

ДИЛДОРА СОИПОВА

МУСИҚА ЎҚИТИШ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

Ўқув-методик қўлланма

Тошкент – 2009

Ўқув қўлланма Ўзбекистон давлат консерваториясининг Илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилинган № 7-сонли баённомасига кўра нашр этишга тавсия этилган.

Маъсул мухаррир: санъатшунослик фанлари доктори О.А. Иброҳимов

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Педагогика фанлари номзоди, профессор Р.Г.Қодиров

Педагогика фанлари номзоди, доцент А.П.Сулаймонов

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада мактабгача таълим муссасалари, умумий ўрта таълим мактабларидаги мусиқа машғулотларини, дарсларини ташкил этиш масалалари, мусиқа ўқитишнинг назарий асослари, хорижий мамлакатлардаги мусиқа ўқитиш тизими, синфдан ташқари мусиқий тарбияни ташкил этиш шакл ва йўллари ўз ифодасини топган. Кўлланма “Мусиқий таълим” йўналишида тахсил олаётган талабалар ҳамда “Мусиқа маданияти” ўқув фани ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалардаги мусиқа раҳбарлари учун мўлжалланган.

КИРИШ

Мусиқий тарбия – бу мусиқачи тарбияси эмас, инсон тарбиясидир
В.А.Сухомлинский

Мустақил Ўзбекистоннинг келажагини, эртасини ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аждодларимизга муносиб авлодни тарбиялаш бизга, энди етишиб чиқаётган кадрлар зиммасига масъулиятли ва шарафли ишни, яъни бола тарбиясини тўғри йўлга қўйиш юклатилди.

Мактабгача ёшдаги болалар мусиқа тарбияси, унинг тараққиёти тимсолида юртимизнинг порлоқ келажаги, давлатимизни буюклигини тасаввур этганининг натижасига кўра таълим тўғрисидаги қонун” ва янгича дунёқараш талаб этилар эди. 1997 йил “Таълим тўғрисидаги Қонун” ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Таълим соҳасида, жумладан, унинг биринчи поғонаси бўлган мактабгача таълим босқичида ҳам катта ўзгаришлар қилиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун пишиқ – пухта ўйланган, маълум мақсад ва вазифаларни ўзида мужассамлаштирган истиқболли дастурлар талаб этар эди.

Унда узлуксиз давом этадиган бир бутун таълим-тарбия жараёнининг белгиловчи илк тури “мактабгача таълим” деб аталди. Биргина шу ёндашувнинг ўзиёқ тарбияга меҳрибонлик ва адолат билан қарашни талаб этади. Негаки, бугунки ёш авлод зиммасида XXI асрда кучга тўлиб, соғлом, билимли, ақлли бўлиб жамиятимизнинг фаол аъзоларига айлантиришдек улкан вазифа турибди. Бунда эса у сиз-у бизга, яъни катталарга ишонадилар. Агар ёшларимиздаги шиҷоатни, куч-қудратни, билимдонликни ва ватанпарварлик билан уйғунлаштира олсак, бунданда зиёда қудратни топа олмаймиз. Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш жараёни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш учун «Учинчи мингийилликнинг боласи» таянч дастури ва ўқув қўлланма асосида амалга оширилади. Бундан ташқари қўпгина ўқув ва методик қўлланмалар мавжуд. Буларнинг асосий мақсадлари бир йўлга, яъни комил инсонни тарбиялаш ва вояга етказишидир. Президентимиз «Болаларимиз биздан кўра доно, ақлли, билимдон, соғлом ва албатта баҳтли бўлиши керак» деб таъкидлашлари бежиз эмас.

«Учинчи мингийилликнинг боласи» дастури мактабгача таълим билан шуғулланадиган барча муассасалар учун бажарилиши зарур бўлган таянч дастур ҳисобланади. Таянч дастурининг пировард натижаси мактабгача

ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларининг бажарилишига эришишдан, яъни мактабга жисмонан, ақлан ва маънан етук болаларни тайёрлашдан иборатdir.

«Учинчи мингийилликнинг боласи» дастури болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёни қуидаги З йўналишда амалга оширилишини белгилаб беради:

1. Болаларни жисмонан ривожлантириш.
2. Болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантириш.
3. Болаларни маънан ривожлантиришдир.

«Учинчи мингийилликнинг боласи» миллий дастурининг З-йўналиши бўлмиш болаларни маънан ривожланишида айнан мусиқа машғулотларда болани ақлан, жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялаш кўзда тутилади. Бу борада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Таълим тўғрисида»ги қонун таълим тарбия тизимини ислоҳ қилиш йўлида ҳаётга тадбиқ қилинди. Санъат — кишилик фаолиятининг ажralmas қисми бўлиб, киши шахси санъат воситаси ёрдамида ва иштирокида тўлалигича ёрқин намоён бўлади. Ҳозирги келажак авлодни тарбиялашда санъат муҳим ўрин тутади. Санъат инсонпарварлик ва одамийлик ҳамкорлиги руҳида унинг ҳиссиётини ўстиришда ёрдам бериб, ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради. Ҳозирги замон ёшларига эстетик идрокларини тарбиялаш борасида ғамхурлик қилар эканмиз, санъат билан муомала қилишдан ҳосил бўладиган ҳис-ҳаяжондан уни ўз ҳаёти ва фаолиятида фойдалана олишга ўргатишимиш керак. Шу сабабли эстетик тарбия тармоғининг ажralmas қисми саналади.

Болаларда ёшлик чоғидан идрок этиш, ҳис этиш, турмуш ва санъатдаги гўзалликни тушуниш иштиёки тарбияланади ва бу каби гўзалликни яратишга интилиш кучаяди. Боланинг бадиий фаолиятга бўлган қизиқиши ортади. Унда бадиий-ижодкорлик қобилияти ривожланади. Мусиқий-эстетик тарбия демократик жамият кишисини гармоник тарбиялаш йўлида олиб борилаётган улкан ишнинг таркибий қисмига айланмоғи керак. Болалар билан мусиқали иш олиб бориш айниқса катта аҳамият касб этади. Омма орасида мусиқали тарғибот олиб бормай туриб, тўлақонли натижаларга эришиб бўлмайди. Мусиқий тарбия болаларда эрта ёшдан бошланиши керак. Мусиқа бола қалбida қучли эмоционал туйғу уйғотади. Мусиқа ёрдамида унинг бадиий идроки ўсиб, ҳиссиётини янада бойитиб боради. Болаларда мусиқий идрокини ривожлантирмай уларнинг мусиқага меҳр-муҳаббатини етарли даражада қизиқтирмай туриб, ҳар томонлама жисмоний, маънавий бой ва бошқа сифатларни тарбиялаб бўлмайди. Мусиқага ёшлиқдан уйғонган қизиқиши кишининг кейинги мусиқий ривожига қучли таъсир кўрсатади. Шунга кўра

музиқани идрок этишнинг вазифаси ва мазмунини аниқлаш мухимdir. Булар шахснинг ҳар томонлама ривожи, жумладан эстетик тарбияси вазифалари билан боғлиқ умумий мақсадлар билан белгиланади. Маълумки, бундай вазифалар болаларни мусиқа соҳасидаги фаолиятларга жалб этиш, бадиий мусиқага нисбатан эстетик идрок этишни ва эмоционал ўзлаштиришни ривожлантириш, муҳаббатни тарбиялаш, мусиқий қобилиятларини ўстириш, мусиқий дидни шакллантириш, қисқаси болаларнинг бадиий ижодкорлиги ҳамда иқтидорини ривожлантириш керак. Мусиқанинг бола ҳиссиёти ва интилишига, унинг мазмунини тушуниш ва ҳис этишга катта таъсирини ҳисобга олганда ҳаққоний ва воқеликни тўғри акс эттирган мусиқий асардан ўринли фойдаланиш алоҳида мухим ўрин тутади. Маълумки, мусиқали образларнинг шаклланишининг асосий манбай табиат ва киши нутқига мос келишига, атрофимиздаги дунё ва ундаги гўзалликларни идрок этишга бевосита боғлиқдир. Шу борада мусиқа машғулотлари мазмuni болалар томонидан бажарадиган қатор фаолиятларни тақозо этади. Булардан тинглаш, куйлаш, мусиқий ритмик ҳаракатлар, мусиқа чолғуларида ижро этиш жараёнида болалар ижрочилиги ва ижодкорлиги малакалари шаклланади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг асосий устуворлигидан бири – бу фанлараро боғликларни йўлга қўйишдир. Мусиқа — санъатнинг бир тури. У санъатнинг яна бошқа турлари билан мусиқа чамбарчас боғлиқдир. Масалан мусиқа дарсларини ракс, шеърият (адабиёт), бадиий санъат ва санъатнинг бошқа турлари, ундан ташқари жисмоний тарбия, тасвирий санъат ва бошқалар билан қўшиб олиб бориш назарда тутилган. Бу масала «Учинчи мингийилликнинг боласи» таянч дастури ва ўкув кўлланмада ҳам алоҳида таъкидланади.

Болалар ижрочилиги — куйлаш, мусиқий ритмик ҳаракатлар, мусиқа чолғуларида ижро этиш ва ҳоказо масалалари ҳозирги кунда ўзининг долзарблиги билан кўпгина педагог-олимларнинг диққат марказидадир.

Узлуксиз таълим тизимида мусиқий таълим тизими бир неча босқичлардан иборат. Мусиқа таълими бошқа фанлар каби мактабдан эмас, балки мактабгача таълим муассасаларидан бошланади ва таълим тизимининг барча жабҳаларидан давом этади. Шунинг учун биз келажак авлодни мусиқий билимга эга бўлишларига замин яратар эканмиз, уларнинг мусиқий-эстетик тарбияларига алоҳида эътиборимизни қаратмоғимиз зарур. Бунинг учун «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таъкидлаб ўтилганидек, нафакат бола шахси, балки мусиқа ўқитувчиси шахсини, унинг маънавий-маданий қиёфасини шакллантиришимиз, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий-музиқий анъаналаримизга амал қилган ҳолда бўлажак мусиқа ўқитувчилармизни ёш авлодни тарбиялашга лойик ҳамда

муносиб инсон қилиб шакллантиришимиз керак. Умумий ўрта таълим мактабларининг “Мусиқа маданияти” ўқув фани учун таянч дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда умумий ўрта таълим мактабларида мусиқий таълим-тарбияга қўйиладиган маҳсус талаблар ҳам дастурнинг асосий қисмлари қаторидан ўрин олган. Унга кўра мусиқий-эстетик тарбия учун қуидагиларга риоя қилиш керак:

- Мусиқий-эстетик фаолиятни атроф муҳит ҳамда замон билан ҳамоҳанглиги;
- Мусиқанинг санъат сифатида ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;
- Ўқувчиларнинг мусиқий ривожланишларида узвийликни таъминлаш;
- Ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларидан қатъи назар уларнинг мусиқий тарбияларига қўйиладиган мажбуриятлар.

Дастурда мусиқий тарбиянинг мазмуни ва йўналишлари очиб берилган, болаларнинг ривожланишининг динамикаси бегиланган, ҳар хил ёшдаги синфларга минимал талаблар қўйилган ва акс эттирилган.

Дастурнинг мақсадлари қуидагилардан ташкил топади:

- болаларни қувноқ, ғамгин, енгил ва вазмин мусиқани тинглашга паст ва юқори регистрни эшига олишга, мусиқа тилини тушунишга, паст овозли ва баланд овозли мусиқага мос чапак чалиш орқали мусиқа динамикасини ажратишни ўргатиш;
- катталар кетидан мусиқани тақлид қилиб, интонацион мос равища қайтара олиш;
- мусиқий раҳбар бошчилигига рақс ҳаракатларини бажариш;
- композиторлар, мусиқий чолғу асбоблари ҳақида гапириб бериш орқали болаларда мусиқа санъатига муҳаббат уйғотиш;
- болаларни мусиқани диққат билан тинглашга ўргатиш, енгил ва осон ҳалқ қўшиқ ҳамда куйларини мусиқасига мос ритмик ҳаракатлар бажариб ижро этишга ўргатиш. Мусиқа суръатига мос чапак чалиш ёки оёқ билан жўр бўлиш орқали қўшиқни ижро эта олиш.

Дастурда ўзбек композитор ва бастакорларнинг болалар учун ёзилган куй ва қўшиқлари ўрин олган. Мусиқий асарлар болаларнинг психологик хусусиятларини, уларнинг қизиқишлари ва дунёқарашларини ҳисобга олган ҳолда танланган.

Биз ушбу ўқув қўлланмада мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумий ўрта таълим мактабларидаги мусиқий таълим-тарбия масалаларига ҳамда уни тўғри ташкил этиш масалаларига тўхталиб ўтдик. Замонамиздаги маънавий, маданий, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, замонавий педагогик технологиялар, ахборот технологияларининг таълим жараёнига кириб келиши бўлажак

«Мусиқа таълими” йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга нисбатан юқори талабларни қўймоқда. Ушбу ўқув қўлланмада биз асосан, «Мусиқий таълим» йўналишида таҳсил олаётган талабалар ҳамда мусиқий педагогика факультетлари талабалари, «Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси» ўқув фани бўйича маъруза ўқиётган, мактабгача таълим муассасаларида мусиқий машғулотлар олиб бораётган мусиқий раҳбарлар учун Мусиқа таълимининг бошланғич босқичларида қўллашлари керак бўлган назарий-амалий, психологик ҳамда педагогик билимларини ошириш ҳамда мусиқа раҳбарлари, ўқитувчиларини касбларига йўналтириш мақсадида методик тавсиялар беришга ҳаракат қилдик.

I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МУСИҚА ТАРБИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисидаги Қонун”га таянч сифатида мактабгача таълим муассасалари учун «Учинчи минг йиллик боласи” дастури 1991 йил М.Ш.Расулова томонидан ишлаб чиқилди. 2000 йилда ушбу дастур қайта нашр қилинди ва унда мактабгача таълим муассасаларида болалар эгаллашлари керак бўлган билим, кўникума ва малакаларга қўйиладиган талаблар, замонавий педагогик жараённи ташкил этишга қўйиладиган талаблар ўз аксини топган. Мактабгача бўлган давр психологияда илк болалик даври деб юритилади ҳамда болаликнинг энг гўзал ва эсда қоладиган дамларини ўз ичига олади. Мусиқа тарбияси болалар боғчаси ва умумий ўрта таълим мактабларида умумий фанлар таркибида ўқитилади. Шунинг учун бу ўқув фанини ўқитиш назарияси ҳамда методикасини ўзлаштиришни ҳозирги кунда ўта аҳамиятли ва муҳим фаолиятдир.

Ҳозирги кун талаби мактабгача таълим муассасалари олдига мусиқий-эстетик тарбия бериш борасида аниқ вазифаларни қўяди:

- болаларни табиат гўзалликларини, бадиий асарларни идрок этиш;
- эстетик дид ва ҳиссиётни шакллантириш;
- ҳаётда гўзаллик тушунчасини тўлиқлигича англашни ўргатиш;
- болаларга бадиий ижодкорликни шакллантириш;
- болаларда гўзалликни ўз ҳаётларига, ўз фаолиятларига олиб киришни ўргатиш ва ҳоказо.

Узлуксиз таълим тизимида мактабгача таълим муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларининг аҳамияти узлуксиз таълимнинг олдинги босқичи сифатида муҳим роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳар бир фаннинг алоҳида ўқитилиш аҳамияти ошиб бормоқда. Мактабгача таълим муассасаларидағи ҳар бир фаннинг асосий вазифаси болаларни фикрлаш ва ўйлашга ўргатишдир.

Мусиқа санъатининг аҳамияти

Мусиқа шундай санъат турики, у инсонларни кечинмалари, эмоционал ҳиссиётлари орқали бирлаштиради. Улар орасидаги алоқа воситасига айланади. Бир композитор томонидан яратилган мусиқа бошқа инсонлар қалбida турлитуман кечинмалар уйғотишининг ўзини бир мўжиза деб, аташ мумкин. Мусиқа тарбияси эстетик тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. инсон шахсини

шакллантирувчи етакчи омиллардан бири – таълим-тарбиядир. Эстетик тарбия эса унинг таркибий қисми сифатида гўзалликнинг моҳияти, эстетик ва ахлоқий ҳиссиётларнинг бирлиги, санъатнинг халқчиллиги тўғрисидаги таълимотга суяниб, ўқувчиларнинг объектив дунё ҳақидаги билимини кенгайтиради ва чукурлаштиради, ижодий қобилиятини ва истеъодини ўстиради ҳамда уларда юксак маънавий фазилатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Одатда, эстетик тарбиянинг мақсади болаларда эстетик ҳис-туйғу ва фикрларни ривожлантириш, гўзалликни кўра билиш ва улардан завқлана олишдан иборат, деб тушунилади. Аслида эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари бу билан чегараланиб қолмайди, ўқувчиларни гўзаллик ва хунуқликни, юксаклик ва тубанликни, шодлик, кулфатни англаш ва кўра билишга ўргатади. Эстетик тарбия умуминсоний ва миллий қадриятлар қарор топишига хизмат қиласди. Аёнки, тарбия инсон онгига, ҳис-туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёкарашига, хатти-харакатларига, хулқ-авторига таъсир ўтказади.

Мусиқа тили барчага тушунарли ва яқинdir.

Мусиқа товуш товланишлари орқали фикр ва туйғуларни акс эттиради, ҳаёт босқичларида инсониятни тўлқинлантириб келган ахлоқий муаммоларни баён қиласди. Бунда мусиқанинг фалсафий моҳияти ҳам намоён бўлади. Ажойиб мусиқа асарлари чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган бўлади, мусиқада ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, эзгулик ва зулм, қудрат ва заифлик каби масалалар акс этади.

Мусиқанинг инсон рухиятига таъсир қилишининг тугалланмас имкониятлари ҳақида қадимдан мусиқашунослар, мутафаккирлар ва олимлар дикқатини ўзига тортган. Файласуфлар, психологлар, педагоглар ва жамоат арбоблари санъатлар ичida мусиқа санъатининг инсонни шахс сифатида шаклланишига таъсир қиласидиган хусусиятлари ҳақида аниқлашга уринганлар. Қадим замонлардан мусиқанинг, айниқса, унинг компонентлари – ритм ва куйнинг инсон кайфиятига таъсири, унинг ички дунёсини ўзgartiriши ҳақида фикрлар мавжуд бўлган.

Мусиқа санъати эстетик тарбиянинг муҳим омили сифатида шахс шаклланишига кучли таъсир этади. Оилада, боғчада, мактабда мусиқа машғулотларини мақсадга мувоғик тарзда уюштириш, ёш авлоднинг ички дунёсини бойитиш ва санъатни тўғри тушунишдаги самарали йўлдир.

Мусиқа инсон ҳис-туйғуларини, орзу-умидларини, хоҳишистакларини ўзига хос бадиий тилда ифода этади ва кишининг ҳис-туйғуларига фаол таъсир этади. Мусиқа ҳам фан, ҳам санъатдир¹. У физика ва математикага асосланади, бу фанлар мусиқани фанга айлантиради. Лекин мусиқа асарига шу фаннинг

¹ Асафьев Б. В. Музыкальная форма как процесс. Л.: Госуд. муз. изд., 1973г., -24стр.

турғун тушунчаси сифатида қараб бўлмайди. Чунки мусиқа хар доим ривожланиб турувчи жонли санъатdir. Мусиқа санъати инсон ҳәётининг илк йиллариданоқ унинг ҳамроҳига айланиб, умумий маданий ривожланишига салмоқли ҳисса кўшади. Мусиқа инсон умрининг доимий йўлдоши. Стендалнинг айтишига кўра, мусиқа – санъат турлари ичида инсоннинг юрагига чуқур кириб, унинг ички кечинмаларини акс эттиришга қодирдир.

«Мусиқа санъатнинг ифодали тури тизимиға киради. Мусиқа ҳам воқеа-ходисаларни ифодали акс эттиради. Аммо у меъморчиликдаги каби фазо ва моддий ашё ўлчовлари билан белгиланмайди. Мусиқа кўриш орқали эмас, балки эшитиш воситасида идрок қилинади. Мусиқа мавзуи ўз хусусиятига эга бўлиб, инсон ва воқеликдаги барча томонларни қамраб ололмаганлиги учун, энг аввало, инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятини ифодалайди... мусиқа воқеликнинг ҳис-туйғули қиёфасини яратади.»²

Мусиқа кайфият ҳолатини ифодалашда кенг имкониятга эга. Инсон кайфияти мураккаб ҳиссиёт бўлиб, у ҳеч нарса билан боғланмаган. Кайфият умумлашган хусусиятга эга бўлиб, ундан иккиласми томонлар чиқариб ташланади ва инсоннинг воқеликка бўлган туйғу муносабатини белгилайдиган энг муҳим томонлари ажратиб олинади. Мусиқанинг куч-қудрати шундаки, у шодланиш, қайғуриш, ҳаёл суриш, бардамлик, жасурлик, тушкунлик ва шунга ўхшаш инсон руҳий ҳолатларини хусусий ва умумий тарзда ўзаро боғлиқликда, бир-бирига сингиб кетишида намойиш қила олади.

Мусиқа «тил»и барча қисмларнинг узвий бирлигини, асар шаклини ифодалайди. Шакл – мусиқа мазмунининг моддий ифодасидир. Бастакор фикри, туйғулари, тасаввурлари эшитувчиларга мусиқий шакл орқали етиб боради. Шу боис мусиқа «тил»ини эгаллашга, унинг мазмун-моҳиятини англашга, мусиқадаги фикрлар, туйғулар, кечинмалар бойлигини ўзлаштиришга кенг йўл очади.

Ўсиб келаётган авлод учун мусиқий тарбиянинг аҳамиятини ниҳоятда буюк эканлигини қадимий мутафаккирлар алоҳида урғу билан таъкидлашган. Келажак жамият аъзосининг инсоний ва ижобий фазилатлари айнан болалиқдан бошлаб шаклана боради. Айнан шу даврда мусиқа ижобий сифатларни шакллантирувчи восита ҳисобланган. Мусиқа ашула ва рақс таркибида ҳам вужудга келади ва кейинчалик бадиий ижоднинг мустақил турига айланади, ўта ўзига хос бадиий ифода «тил»ига эга бўлиб, маҳсус ишлаб чиқилган ва танлаб олинган товушлар ана шу «тил»нинг манбаидир.

Албатта, мусиқа шахсни шакллантиришнинг, унинг ижобий фазилатларининг йўналишларини ўз-ўзидан белгилаб бермайди. Тарбиявий

² Э.Умаров. Эстетика Т.: “Ўзбекистон”, 1995й., -210–бет

таъсирнинг энг муҳим томонлари мусиқий асарнинг ғоявий мазмунига боғлиқдир. Ана шу билан мусиқий-эстетик тарбиянинг вазифалари белгиланади. Машхур поляк композитори К.Шимановский ўзининг «Жамиятда мусиқанинг тарбиявий аҳамияти» номли мақоласида, мусиқанинг табиий кучи ҳақида гапирав экан, – унинг икки қарама-қарши йўналишда – яратиш ва бузиш учун ишлатиш мумкинлигини — «көракли ишга йўналтирган ҳолда, тез оқар дарёning сувларидан фойдаланиб, фойдали ва унумли ишлар учун, яъни тегирмонни айлантириш учун ишлатгандек, мусиқа кучидан ҳам унумли фойдаланиш керак»³, – деган.

Мусиқанинг инсонга таъсири, шахснинг ва жамиятнинг руҳий ҳаётидаги ўрни комплекс муаммо ҳисобланади. Ушбу мураккаблик ва серқирралик фанга дарров келмади. Шу ўринда Асафьевнинг «...мусиқа – бу ҳам санъат, ҳам фан, ҳам тил, ҳам ўйин»⁴ – деган сўзларини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Демак, болаларнинг мусиқий ҳамда шахсий хусусиятларини шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни бекиёсdir. Мусиқа кишига ҳар томонлама таъсир кўрсатар экан: куй ва унинг мусиқий ифодаси кишининг ҳиссиётiga чуқур таъсир қилиб, унда ҳар хил ҳисларни уйғотади, турлича кайфиятларни ҳосил қиласди. Кўшиқнинг матни, ғоявий мазмуни фақат ҳиссиётга эмас, балки тингловчиларнинг онгига ҳам таъсир қилиб, уларни ҳаяжонлантиради ва фикрлашга мажбур этади. Кишиларда асарда акс этган маънавий муаммоларга нисбатан муайян муносабат уйғотади. Бундай таъсир ғоят мураккаб ва кучлидир.

Мусиқа қобилиятини ривожлантиришининг шарт-шароитлари

Қобилият – маълум бир турдаги фаолиятни муваффақиятли амалга оширишнинг субъектив шарти бўлиб ҳисобланувчи шахснинг индивидуал хусусиятидир. Қобилият – фаолият жараёнида намоён бўлади.

Психология фанининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирон-бир қобилиятынинг рўёбга чиқиш ва ривожланиш манбаи лаёқат билан туғилади. Лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, унинг ривожланиши учун қулай мухит керак. Бола мусиқага лаёқат билан туғилиши мумкин, лекин унинг мусиқий хусусиятлари шаклланиши учун қулай мухит яратилмаса, мусиқага бўлган лаёқати ривожланмай қолади. Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида етакчи омиллардан бири мухитдир. Мухит деганда

³ Шимановский К. Танланган мақола ва хатлар. Л., 1963, 80–бет.

⁴ Асафьев Б. В. “Замонавий рус мусиқашунослик ва унинг тарихий вазифалари”. — De Musica, 1–сон. Л., 1926, 17–бет.

кишига таъсир этадиган ташқи воқеалар йифиндиси тушунилади. Мұхит ўз навбатида – табиий мұхит, ижтимоий мұхит, оила мұхити ва бошқаларға бўлинади. Инсондаги мусиқий лаёқатнинг ривожланиши ва шаклланиши учун ижтимоий ва оила мұхити мұхимдир. Инсон боласи, агар инсоний мұхитта тушмай, ҳайвонлар мұхитига тушиб қолса, унда ирсий белгиларнинг айрим биологик кўринишлари сақланади, лекин инсоний фикр, фаолият, хатти-ҳаракат шаклланмайди. Одоб, ахлоқ, феъл-атвор – шахснинг барча руҳий сифатлари фақат мұхит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади.

Болаларнинг мусиқа ижрочилиги малакаларини ривожлантиришдаги энг мұхим шартлардан бири – уларнинг мусиқий қобилиятларини шакллантиришдир. Чунки мусиқий қобилияtlар – мусиқаны ритмик ҳис қилиш, ладни ҳис қилиш, мусиқий эшитиш, мусиқий хотира, мусиқага эмоционал таъсирчанлик болаларда ижрочилик малакаларини ривожлантириш омили ҳисобланади. Педагог Н.В. Ветлугина “... мусиқа кечинмалари аслини олганда доимо сенсор қобилиятта асосланади, чунки мусиқа энг оддий оҳанглар, мураккаб образлар ва энг аввало ҳиссиётлар орқали идрок этилади ва мусиқий қобилият ривожланади”, - деб таъкидлаган. Қобилиятнинг энг юқори даражаси – талантдир. Талант – инсонга қайсиdir мураккаб фаолиятни муваффақиятли, мустақил ва ўзига хос равишда амалга ошириш имкони қобилиятдир.

Шу ўринда бир нарсани айтиш керак, мусиқий қобилияти бўлган барча инсонларнинг авлодлари ҳам мусиқий қобилиятга эга бўлади, деган фикрга кўшилмаймиз. Уларнинг болаларида мусиқага лаёқат бўлиши мумкин, лекин шу лаёқат ривожлантирилмаса, лаёқат қобилиятга айланмай, яъни шаклланмай қолади. Зоро, мусиқа ёш авлоднинг маънавий, бадиий-ахлоқий маданиятини шакллантиришга, миллий ғурури ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишга, фикр дойрасини кенгайтиришга, ижодий маҳорати ва бадиий диди ўсишига, мустақиллиги ва ташаббускорлигини тарбиялашга хизмат қилади. Шу сабабли Республикамиздаги ҳар бир мактабда ҳозирги кунда мусиқий-эстетик тарбияга педагогиканинг шахсни шакллантирувчи энг мұхим омили сифатида қаралмоқда. Олимлардан Платон инсон қобилиятлари туғма эканлигини айтган ва инсон билган барча нарса унинг идеал билимлар дунёсида бўлган пайтидан хотиралар бўлиб ҳисобланади, деб тахмин қилган. Френсис Гальтон ўзининг “талантнинг туғмалиги, унинг қонуниятлари ва оқибатлари” (1869) номли китобида “... буюклик ва истеъдод авлоддан авлодга ўтади, мұхит эса бунда иккинчи даражали омилдир...”, - деб айтган. Бироқ кўпгина машхур ижрочилар буюклиknинг сабаби тўқсон фоиз меҳнатдандир ва қолган фоизларигина қобилиятга боғлиқлигини таъкидлашган. Лекин фақат меҳнат билан ҳам қобилиятни чексиз даражада ривожлантириб бўлмайди.

Кишининг қобилияти маълум бир имконият ва шахсий хусусиятлари дойрасидагина шаклланади.

Эстетик ва эмоционал муҳит мусиқа оламида болага эмоционал қулайликлар яратиб, ундаги ижодга бўлган қизиқиши шакллантиради. Бироқ, мусиқий муҳитнинг самарадорлиги фақат ташқи шароитларгагина боғлиқ бўлмай, балки бола мусиқий ривожланишини тартибга солувчи мулоқот, мусиқий-назарий билимлар, ижодий усулларга ҳам боғлиқ. Ўқувчиларни мусиқий тарбиялаш жараёни самарали кечиши учун: қобилият йўналишларида акс этувчи инсоннинг ижтимоий-маданий фаоллиги (Е.А.Бодина); ижтимоий ва шахсий тажриба тўплаш, маданиятни сақлаш йўллари (А.И.Арнольдов, Л.П.Буева, Э.С.Макарян, В.М.Межуев); белгиловчи фаолият (Л.С.Виготский); ҳиссиёт ва образли тафаккур билан боғлиқ эстетик тажриба, бадиий маълумотлар билан боғлиқ тушунчалар (А.Е.Лазарь); инсонлар ва нарсалар дунёси билан алоқадорлик (В.С.Мухина); фаолиятларни билиш ва янада ривожланишга интилиш (В.А.Петровский) бўлиши лозим.

В.В.Богословскийнинг фикрича, қобилият фаолият талабларига жавоб берувчи ва ундаги юқори натижаларни таъминловчи инсон шахси хусусиятларининг синтезидир. Шунингдек, В.В.Богословский қобилиятларни уларнинг йўналиши ва соҳасига қараб турларга ажратади. Бу борада психология асосан умумий ва маҳсус қобилиятларни фарқлайди. Умумий қобилиятлар деганда, билимларни ўзлаштирганда ва ҳар хил фаолият турларини кўллагандан нисбатан енгиллик ҳамда сермаҳсулликни таъминловчи шахс хусусиятларининг тизими тушунилади, деб ҳисоблайди психолог.

Қобилият – кўникма, малака ва билим эмас, балки уларни ўзлаштириш динамикасидир. Қобилиятлар – фаолият давомида намоён бўладиган имкониятдир. Мусиқий қобилият фақат мусиқа амалиёти, мусиқа санъатига хос бўлган мусиқий материал, маҳсус усуллар орқалигина ривожлантирилиши мумкин. Фақат мусиқагина инсоннинг мусиқий ҳисларини уйғотади.

В.Н.Шацкая ўқувчиларда мусиқани ҳис қилиш ва тушуниш қобилиятини тарбиялаш лозимлигини кўп маротаба уқтирган. Мусиқий тарбия бериш, ҳар бир болада мавжуд мусиқий қобилият ва истеъдодни тарбиялаш, ўқувчининг ақлий, физиологик, меҳнат ва эстетик хусусиятларини шакллантириш айнан мусиқа санъати орқали, маълум бир тизимга солинган мусиқий таълим ва тарбия орқали амалга оширилади, дейди олима.

Мусиқий таълим олмаган кишиларда, мусиқий қобилият бўлмайди. Чунки улар мусиқий билимларни ўзлаштирганлар. Ўқувчилар мактабга келгунга қадар мусиқа билан таниш бўлганлар, лекин мусиқий билимларни ўзлаштириш узлуксиз таълимнинг – умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфларига тўғри

келади. Чунки бошлангич синф ўқувчисининг руҳий жиҳатлари – хотираси, онги, дикқат-эътибори, тафаккури билимларни ўзлаштиришга тайёр бўлади.

Б.М.Теплов ўзининг «Мусиқий қобилиятлар психологияси» асарида мусиқий-педагогик амалиётдаги мусиқий қобилиятларни уч асосий гурӯхга: мусиқий эшиши қобилиятига – куйдаги товушларнинг лад функцияларини, товуш ифодалилигини эмоционал жиҳатдан ажратади олиш, ритм ҳиссига – мусиқий ритм ифодасини ҳис эта олиш ва мусиқий кечинмаларни фаол (ҳаракатлар билан) акс эттириш, мусиқий хотирага (музиқий маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тиклаш) бўлади.

«Мусиқа маданияти» ўқув дастурида дарсдаги барча «... фаолиятлар ўқувчилар мусиқий қобилиятини, хусусан, ритм-усул ҳисси ва асар бадииятини ифодалаш малакаларини ривожлантириши мухимдир», дейилган.

Қобилиятнинг мусиқий таълимдаги аҳамиятини кўриб чиқар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бизнинг фикримизча, қобилият мусиқани ижро этишда жуда катта роль ўйнасада, мусиқий-назарий билимларни ўзлаштиришда (нота ёзуви, назарий маълумотларни эгаллаш, мусиқа ифода воситаларини ўрганишда) мусиқий қобилият мухим эмас. Лекин айни вақтда биз ўз фикримизни қисман инкор этган ҳолда шуни айтишимиз керакки, «Мусиқа маданияти» ўқув дастурида айтилишича «... мусиқа саводи бошқа мусиқий фаолиятларни бирлаштирувчи жараёндир...», яъни назарий билимларни ўзлаштиргандан кейин уларни амалий қўллаш мумкинdir. Бунинг учун мусиқий хотира, мусиқий ритм ҳисси, мусиқий эшиши қобилияти – бир сўз билан айтганда мусиқий қобилиятлар зарурдир.

В.И.Кириенко, Е.И.Игнатьев ва бошқа психологларнинг фикрига кўра, мусиқий қобилиятлар ўз ўрнида мураккаб таълимий комплексга ҳам эга бўлиб, ўз тузилишига бир қатор зарур ва маҳсус қобилиятларни олади.

Қобилият куч, ҳаракат, жисмоний ва ақлий жараёнлар, табиий иқтидор, истеъдод, шунингдек, ташқи муҳит таъсирида ривожланади. Одатда умумий ва маҳсус қобилиятлар фарқланади. Одам умумий қобилиятларга эга бўлганда фаолиятнинг ҳар хил турлари билан айтарли қийналмай шуғулдана оладилар. Бундай ўқувчилар табиат фанларини ҳам, ижтимоий фанларни ҳам бирдек яхши ўзлаштирадилар. Маҳсус қобилиятга эга бўлган одам қандайдир аниқ нарса билан муваффақиятли шуғулдана олади. Маҳсус қобилиятлардан бири – бу мусиқий қобилият ҳисобланади.

Ўқувчиларда мусиқий қобилият жуда эрта ривожланади. Бирор айрим ҳолларда мусиқий қобилият кеч намоён бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун мусиқий қобилияти суст бўлган болаларда умуман мусиқий қобилият йўқ деб ҳисоблаш нотўғридир. Болаларнинг хотиралари жуда яхши ривожланган

бўлади, лекин дарс давомида диққатлари бир жойда турмайди. Мактаб ёшидаги болалар ижодий топшириқларни яхши бажарадилар. Улар турли ритмлардаги кичик кўйлар ўйлаб топишлари, қўшиқларни таҳлил қилишлари, мусиқани расм орқали ифодалашлари ва қобилияtlарини намоён қилишлари мумкин. Бу ёщдаги болаларда ритмни ҳис эта оладиган юқори мусиқийлик, яъни мусиқага эмоционал жавоб қайтариш қобилияти, шунингдек, мусиқани нозик дид билан фарқлаш, яъни мусиқани эшитиш қобилияти намоён бўлади. Ўқувчиларнинг мусиқий қобилияtlарни дарс (машғулотлар)даги фаолиятларда намоён бўлади. Шу билан бирга улар асарларни фарқлаш, қарама-қарши хамда ўхшаш томонларини ажратиш, қисмларни таққослаш, товуш, ритм, динамикадаги ўзаро муносабатларни билишга ўрганадилар. Бу жараёнда эса уларнинг мусиқий асарни ижро этиш, ритмни ҳис қилиш ва ижрочилик қобилияtlари ўсади. Болалар ўзлари эшитиб идрок этган куй ва қўшиқлари асосида пайдо бўлган тасаввурларини акс эттиришга қодир бўладилар. Буларнинг барчаси мусика дарс (машғулот) лари ва мусиқий тўгаракларда амалга оширилади.

Мусиқий қобилияtnинг асосий шаклларини таҳлил эта туриб куй ва гармония идрокини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар асосида учта қобилият ётади:

1. Мусиқий эшитиш қобилияtinинг перцептив ва эмоционал қисми деб аталувчи лад ҳисси мавжуд. Лад ҳисси, яъни куй, товушларнинг лад вазифасини эмоционал ҳис қилиш ёки товушларнинг юқорига-пастга ҳаракатланишининг ифодаланишини эмоционал ҳис қилиш қобилияти. Бу қобилияtn бошқача қилиб мусиқий эшитиш қобилияtinинг эмоционал ёки перцептив қисми дейилади. Лад ҳисси мусиқий товушларнинг баландлигини ҳис этиш ва бевосита куйнинг англаш ва интонацияларни ҳис қилиш жараёнида намоён бўлади. У ритм ҳисси билан бир қаторда мусиқага бўлган асосий эмоционал муносабатни ташкил қиласди.

2. Мусиқий таълимнинг репродуктив ёки идрок этиш қисми бўлиб ҳисобланувчи музиқий эшитиш қобилияти. У лад ҳисси билан биргаликда уйғунликни ҳис этишга ёрдам беради. Бу қобилият мусиқий хотира ва мусиқий тасаввурнинг асосий негизидир.

Мусиқий эшитиш қобилияти – мусиқани тўла тўқис идрок этиш қобилиядидир. Мусиқий эшитиш қобилияти қўйидаги турларга бўлинади: мутлақ, нисбий ва ички қобилият.

Мутлақ эшитиш қобилияти – мусиқий товушларнинг мутлақ баландлигини эталонлари билан солиштирмаган ҳолда аниқлаш қобилияти.

Нисбий ёки интервал эшитиш қобилияти – куй, интерваллар, аккордлардаги товушлар сони, улар орасидаги масофа ва товушлар

баландлигини сезиш, аниқлаш, ижро этиш қобилиятидир. Бунинг учун кишига ҳеч бўлмаганда битта товуш маълум бўлмоғи керак.

Ички эшитиш қобилияти – мусиқани бутун таркибий қисмини ҳаёлан тасаввур қилиш қобилиятидир.

Мусиқий эшитиш қобилияти мусиқий фаолиятлар давомида ривожланиб боради. Мутлақ эшитиш бундан мустасно, негаки уни маҳсус машқлар орқали такомиллаштиришнинг иложи йўқ. Мусиқий эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун ихтисослашган мусиқа мактабларида сольфеджио дарслари ўтилади.

3. Мусиқий ритм ҳисси – мусиқани фаол бошдан кечириш, мусиқий ритм ифодавийлигини эмоционал ҳис этиш ва уни аник ижро эта олиш қобилияти. Ритм ҳисси ривожлантириш жуда мураккаб бўлган қобилиятлардан биридир.

Товушларнинг паст-баландлигини ҳис этиш ва ритмик ҳаракатларнинг ифодали мазмунини бошдан кечириш асосида юқорида санаб ўтилган уч қобилият ётади. Бу қобилиятлар мусиқий фаолият учун зарур бўлган асосий қобилиятлар бўлса-да шу билан қобилиятлар мажмуаси тугалланмайди. Мусиқий қобилиятнинг аоссий белгиларидан бири – маълум бир мазмун ифодавийлигини ҳис эта олишдир.

Назария ва амалиётга асосланган ҳолда шуни айтиш жоизки, мусиқий қобилиятлар ва уларни ривожлантириш муаммоси педагогика ва психологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу қобилиятларни ривожлантириш ижтимоий муҳит, табиатдан берилган истеъодод, иқтидор, шахснинг ирода кучи, фаоллиги, жисмоний ва ақлий жараёнларга ҳам боғлиқдир. Демак, болаларда мусиқий қобилиятлар эрта намоён бўлиши, шунингдек уларнинг қобилиятлари таълим-тарбия ва атроф-муҳит таъсири остида шаклланишини ҳисобга олган ҳолда биз қўйидаги холосага келдик. Узлуксиз таълим тизимидағи мусиқа машғулотлари (дарслари)да ижрочилик малакаларини ривожлантиришда мусиқий қобилиятлар муҳим омил бўлиб хизмат қиласкан.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ёши психологик хусусиятлари

3-7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга:

3-4ёш кичик мактабгача даври

4-5ёш кичик боғча ёши ўрта мактабгача давр(ўрта боғча ёши)

6-7 ёш ва катта мактабгача давр катта боғча ёшларига ажратиш мумкин. Бола ривожланиш жараёнида одамларнинг илгари ўтган авлодлари томонидан яратилган предмет ва ҳодисалар олами билан алоҳида маҳсус муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишида ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, ҳамда улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак. Асосан, мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшдаги болаларга бериладиган тарбия уларнинг мураккаб ҳаракатларини такомиллаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакалари ҳосил қилиш, нутқини ўстириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик диднинг дастлабки куртакларини юзага келтириш давридир.

Машхур рус педагогларидан бири Лесгафтнинг фикрича, инсоннинг боғча ёшдаги даври шундай бир даврки, бу даврда болада келгусида қандай характер ҳислатлари пайдо бўлиши белгиланади ва ахлоқий характернинг асослари юзага келади.

Боғча ёшдаги болаларнинг кўзга ташланиб турувчи хусусиятларидан бири уларнинг серҳаракатлиги ва тақлидчанлигидир. Бола табиатнининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз фаолият кўрсатишни талаб қиласди, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва бир томонламалигидан чарчаб колади. Мана шу сўзлардан боғча ёшидаги бола табиатнинг асосий қонуни бўлмиш серҳаракатлигини ортиқ чеклаб ташламай, балки мақсадга мувофиқ равишида уюштириш кераклиги яққол кўриниб турибди.

Катталар ва тенгдошлари билан бўлган муносабат орқали бола ахлоқ нормалари, кишиларни англаш, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Боғча ёшидаги бола энди ўз гавдасини жуда яхши бошқара бошлайди. Унинг ҳаракати мувофиқлаштирилган ҳолда бўлади. Бу даврда боланинг нутқи жадал ривожлана бошлайди. У янгиликларни эгаллашга нисбатан ўзи билганларини мустаҳкамлашга эхтиёж сезади. Ўзи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир.

Боғча ёшдаги болалар эхтиёжи ва қизиқишилари жадал равишида ортиб боради. Бу аввало кенг дойрага чиқиши эхтиёжи, муносабатда бўлиш, ўйнаш эхтиёжлариниг мавжудлигидир. Боғча ёшидаги болалар нутқни бир мунча тўла ўзлаштирганлари ва хаддан ташқари ҳаракатчанликлари туфайли уларда

ўзларига яқин бўлган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Улар тор дойрадан кенгроқ дойрадаги муносабатларга интила бошладилар. Улар энди қўни-қўшниларнинг болалари билан ҳам жамоа бўлиб ўйнайдилар.

Ҳамма нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Боғча ёшидаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бир унинг ҳар нарсани янгилик сифатида қўриб бола уни ҳар томонлама билиб олишга интилишидир.

Боғча ёшдаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатидан ўсишида қизиқишининг роли ҳам каттадир. Қизиқиш худди эҳтиёж каби боланинг бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам қизиқиши билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ходиса деса бўлади.

Мусиқий таълим–тарбиянинг муваффақиятли амалга ошириш учун унинг психологик асосларини ўрганиш ўта муҳимдир.

Бизнинг ҳаётимизда мусиқа ҳар бир уйга кириб борган. Мусиқа мавзуи ўз хусусиятига эга бўлиб, инсон ва воқеликдаги барча томонларни қамраб ололмагани учун, энг аввало, инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятини ифодалайди. Мусиқада мусаввирлик ва ҳайкалтарошлиқдан фарқли тарзда дунё ҳақида тасаввурлар эмас, балки туйғулар ва кайфиятлар ҳосил қиласиди. Мусиқада туйғулар ҳаётий туйғуларнинг айнан ўзи бўлмай, улар танлаб олинган, тасодифий лаҳзалардан тозаланган, муайян орзуласидан назардан англашади. Мусиқада инсон ҳиссиётлари ҳолатининг барча ранго-ранг товланишларини акс эттиришга қодир. У энг мураккаб туйғулар, энг нозик кечинмалар ва кайфият ҳолатларини ҳам ифода эта олади. Мусиқа вақт мезонига амал қилиб, кечинмаларнинг ўзгартириб туришлари, авжланиши ва пасайиши жараёнларини қамраб олади.

Мусиқа инсон ички дунёсининг ҳиссиётли томонлари билан бирга маънавий оламини бутунлигича ифода этиб, унинг ақлий ва ирода қудратини, яхлит қиёфасини яратади. У руҳий тизим хусусиятларини ифодалаш, миллий рух ҳолатларини вужудга келтириш имкониятига ҳам эга. Буюк бастакорлар ижодида у ёки бу халққа хос бўлган руҳий тизим хусусиятлари, туйғу ҳолатлари ва воқеликни инъикос этиш имкониятлари беқиёслиги яққол кўринади. Миллий рух хусусиятларини мусиқа воситаларида акс эттириш жараёнда халқ мусиқий ижоди катта ўрин тутади.

Буюк рус физиологи И.П.Павлов таълимотига кўра, инсон кечираётган турли хис туйғулар бош мия ярим шарлари пўстлоқ қисмининг фаолияти асосида юзага келади. Атроф муҳитнинг инсон организмига доимий таъсири ва организмнинг бу таъсиrlарга қонуний жавоб реакцияси натижасида аста-секин маълум бир муносабатлар тизими вужудга келади. И.П.Павлов буни – динамик

стереотип, деб атаган эди. И.П.Павловнинг динамик стереотип ҳақидаги таълимоти кишидаги ҳиссиётларнинг физиологик ва психологик табиатини чукурроқ ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Гап боғча болаларида эстетик ҳиссиётни таркиб топтириш ҳақида борар экан, эътиборни аввало икки мухим масалага қаратишимиз керак:

1) болаларда эстетик ҳиссиётнинг пайдо бўлиши учун объектив шартшароитлар мавжудми?

2) болалар санъат асарларини гўзаллик нуқтаи назаридан баҳолай оладиларми?

Психология фанидан маълумки, воқелик таъсири остида пайдо бўладиган сезги ва идрок ҳиссиётнинг асосий манбаидир. Болаларда бош мия ва сезги органларининг тараққиёти етарли даражада юксак бўлмаганлиги туфайли уларда сезувчанлик бир мунча таъсири бўлади.

Мусиқани тўла тўқис идрок этиш учун диққат, хотира ва мусиқий тафаккур зарур ва мухимдир. Ана шундагина инсоннинг тасаввури ёрдамга келади ва эстетик ҳиссиёт шаклланади. Айтилганлардан кўриниб турибдики, мусиқий асарни тўлиқ идрок этиш учун инсон психикасининг фаолияти хилма-хил бўлмоғи лозим. Мусиқий билимларни ўзлаштиришдан мақсад болаларнинг мусиқий асарнинг лад, ўлчов, суръат, регистрини айтиб беришлари эмас, балки мусиқанинг юқоридаги ифода воситалари орқали уларда шахсга хос бўлган хусусиятларни: ижодий қобилият, эркин йўналтирилган диққат, мусиқий хотира, тасаввур, фаолликни, ташаббускорликни шакллантиришdir.

Болалар ҳиссиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг муайян шароит билан боғлиқлигидир, яъни болаларда содир бўладиган ҳиссий кечинмалар аниқ бир шароитдагина вужудга келади. Шунга кўра уларни қизиқтирадиган, диққатларини жалб этадиган шароитни яратиш уларда эстетик ҳиссиётнинг, мусиқий маданиятни ўстиришнинг энг мухим шартидир. Болалар бирор бир мусиқий асарни тинглар эканлар, мусиқанинг ранг-баранг овозлари, ифода воситаларини (темп, ритм, куй, ўлчов, регистр, динамика ва ҳоказолар), характер ва кайфиятини фарқлашни, эшитилган мусиқий асарларнинг қайси жанрга мансублигини, мумтоз, эстрада ёки бошқа мусиқаларни бир-биридан фарқлай олишни ҳиссий-эмоционал жиҳатдан идрок эта борадилар, бошқача қилиб айтганда, уларнинг мусиқий дидлари шакллана боради. Мусиқий дид, мусиқий дунёқарашнинг шаклланишида машғулотлардан ташқари ва мактабдан ташқари ишларнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги, болаларнинг яшаш шароитлари, оиласидаги мухит ва оиласидаги мусиқага нисбатан муносабати, отаоналарнинг ва бошқа оила аъзоларининг мусиқага қандай муносабатдаликлари ҳам ғоятда мухимдир. Инсон бирор бир нарсани идрок этар экан, идрок

етилаётган нарсага нисбатан сезги органларидан бирортаси асосий ўринга чиқади. Масалан, расм чизганда қўриш сезги органи, мусиқа тинглашда эшитиш сезги органи бош ўринда туради. Идрок этишда сезги органларининг бир нечтаси ҳам иштирок этиши мумкин. Бундай идрок аралаш идрокка мисол бўла олади.

Мусиқий оҳангдорлик инсон нутқи оҳангига ўхшаб кетади. Одам ўзининг ҳис-туйғу ҳолатини бошқаларга нутқи оҳангни орқали билдиради, нутқ оҳангни овознинг баландлиги, пастлиги, тебраниши, вазни орқали намоён бўлади. Айтиш мумкинки, инсон нутқи оҳангининг улкан ифода имкониятлари мусиқий оҳангга табиий шарт-шароит яратади, унда оҳанг бутунлай янги бадиий сифат олади. Инсон нутқи оҳангни мусиқа бадиий тилининг асоси бўлиб, бастакорнинг воқеликка муносабатини мусиқада акс эттиришда восита бўлиб хизмат қиласи. Кўп асрлик тажриба нутқ оҳангни имкониятлари инсоннинг мусиқий сезгирлиги ва идроклилигини, мусиқани идрок этиш қобилиятини вужудга келтирди.

Боланинг камол топишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиқкан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишига интилади ва бинобарин узоқ вақт давомида қизиқкан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди. Бу эса ўз навбатида боланинг диққати ҳамда иродаси каби муҳим хислатларни ўстиришга ва мустаҳкамлашишга ёрдам беради.

Боланинг қобилиятлари мусиқий фаолият жараёнида ривожланади. Ушбу ривожланишни болаларнинг ёш психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ташкил этиш ва йўналтириш мусиқа тарбиячиларининг вазифасидир.

Масалан, болани илк болалик давридан товушлар баландлигини ажратишга ўргатилмаса, у етти ёшга етганида ўзидан кичик болалар осонгина бажара оладиган вазифаларни бажара олмайди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий ривожланишнинг муҳим хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Уларнинг эшитиш сезгиси, мусиқий эшитиш қобилияти ривожланиб боради;
2. Ҳар хил характердаги мусиқага эмоционал таъсирчанликнинг сифати ва дарражаси ортади;
3. Қўшиқ куylаш мусиқий-ритмик ижрочиликда қўлланиладиган содда кўникма ва малакалар шаклланади.

Болалар ёшии хусусиятлари

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ёшига кўра ҳосил қиласидиган қобилият ва имкониятларини кўриб чиқамиз.

Бир ёшли болалар – психолог А.Люблинскаяяниң тўплаган маълумотларига кўра, гўдакнинг 10-12-кунларида эшитиш органи ишга тушар экан. Икки ойлик гўдак эса, мусиқа товушларини эшитганда, қимирламай, жим бўлиб қолар экан. 4-5-ойларида бола товуш келаётган томонга қарай бошлайди. Илк болалик даврларида ёк гўдакларда мусиқа товушларига нисбатан шахсий муносабат шаклана боради. Биринчи йилининг охирларида боланинг умумий эшитиш ҳисси шаклланади. Болакай катталардан ҳар хил мусиқани тинглаб уни ўзига хос интонацион (ўхшаш овозлар чиқарашиб) хиргоя қиласиди. Мусиқага нисбатан эмоционал муносабат билдириш, эшитиш ҳиссиётларини ривожлантириш илк болаликдан мусиқий тарбияни амалга оширишга хизмат қиласиди.

Икки ёшли болалар – мусиқани идрок этишда болалар ёрқин эмоцияларини намоён этадилар. Эшитиш ҳиссиёти табақалашган бўлади: бола юқори ва қуви, баланд ва паст товушларни, ҳатто, тембрни ҳам фарқлай олади. Болада илк куйлаш кўнималари онгли равишда шаклана боради; бола катталарга қўшилиб куйлай бошлайди. Бола оддий мусиқий ҳаракатлар – чапак чалиш, оёқни тўпиллатиш, мусиқа остида айланиш каби фаолиятларни бемалол бажара олади.

Уч ва тўрт ёшли болалар – эшитиш ҳиссида индивидуал ажралиб туриш ҳоллари кўринади. Масалан, мураккаб бўлмаган куйни аниқ ижро этишлари мумкин. Сўзларни ифодалашда аввал алоҳида сўзларни қўллаган бўлсалар, энди уларни бир-бири билан боғлаган ҳолда ишлата оладилар. Тафаккурларида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Кўргазмали-ҳаракатли тафаккурлари кўргазмали-образли тафаккурга айланади. Бу ёшдаги болалар ўзлари мустақил ҳаракатлар бажара оладилар ҳамда мустақил равишда рақсга тушиб ўйнайдилар.

Беш ёшли болалар – болаларнинг фаол тарзда “нимага?”, “Қаердан?” каби саволларни пайдо бўлиши давридир. Бола воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни англай бошлайди ва уларни оддий усулда умумлаштира бошлайди. Болалар кузатувчан, айниқса, мусиқанинг қувноқ ёки ғамгин, товушлари баланд ёки пастлиги, қандай чолғу асбобида ижро этилаётганлигини бемалол аниқлай оладилар. Улар қўшиқни қандай ижро этиш кераклигини, қандай ҳаракатлар бажариш кераклигини яхши тушуна бошлайдилар. Бу даврда болаларнинг овозлари жарангдор ва ёрқин тус олади. Овоз интонациялари турғунлашиб

боради, лекин ҳали катталарнинг кўмагига мухтож бўлади. Бу ёшда эшиши қобилияти шаклана боради. Бу даврда ҳаракатларнинг асосий турларини – юриш, югуриш, сакраш каби фаолиятларни яхши ўзлаштира бошлайдилар. Болалар ўз индивидуал хусусиятларидан, қобилиятларидан келиб чиқиб бир фаолият турини афзал кўришлари мумкин.

Олти ва етти ёшли болалар – бу даврда болалар мактабга тайёргарлик кўра бошлайдилар. Мусиқа машғулотларида олинган билим ва таассуротларига асосланиб болалар мусиқий асарларга шарҳ беришлари, мусиқанинг ифода воситаларини аниқлашлари, мусиқий кайфият белгиларини ажратса олишлари мумкин.

Бу даврда болалар ривожлана борадилар ва бир неча ривожланиш босқичларидан ўтадилар:

- эмоционал ривожланиш – оддий мусиқий товушларга кескин ёки ёрқин эмоционал реакция бериш;
- ҳиссиёт, идрок ва эшишишнинг ривожланиши – мусиқий товушларни алоҳида идрок этишдан, бутун, онгли ва фаол идрок этиш, товушнинг хусусиятлари, баландлиги, тембри, динамикаси, ритмини идрок этиш;
- муносабатлар билдириш жараёни – бекарор қизиқишлардан барқарор қизиқишларга, эҳтиёжларга ўтиш, мусиқий диднинг илк қирраларининг пайдо бўлиши;
- ижрочилик фаолияти – кўриб бажарилувчи фаолиятлар, мусиқий ритмик ҳамда қўйлаш фаолиятида тақлидчанлик.

Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари гурух ва фаолиятлар кесимида

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, эртанги кун тараққиёти эгалари бўлмиш болаларни тўғри ва маънавий бой, тарбияли шахс сифатида тарбиялашдир. Бу мақсадни амалга оширишда барча соҳалар каби мусиқа ҳам алоҳида ўринни касб этади. Мактабгача тарбия муассасаларида мусиқий тарбия – бу бир аниқ мақсадга йўналтирилган, яъни мактабгача ёшдаги болани эстетик, ахлоқий, ақлий ривожини амалга ошириш, болани шахс сифатида тарбиялаш, уни дунёқарашини кенгайтириш, ўз иқтидорини намоён қила олишга, эстетик жиҳатдан мусиқани тушунишга, унга ижодкорона ёндаша олишга ўргатишидир.

Ҳар бир бола мусиқанинг қайси йўналишини ўрганишидан қатъий назар унинг ёш хусусиятларини, психологик ривожини мусиқа раҳбари назарда тутиши лозим.

Боланинг мусиқий ривожи бу тўғри ва узлуксиз равишда йўлга қўйилган фаол мусиқий жараёндир. Бу ривожланиш қуйидагича кечади:

- Ҳиссий муносабат. Оддий мусиқий тасаввурдан мураккаб ва кўптомонлама ривожланган мусиқий асарларни тушуна олиш;
- Мусиқани эшитиш қобилияти — мусиқанинг тембри, товуш баландлиги, мусиқа ифода воситалари.
- Ижрочиликнинг илк шаклланиши. Бола ўзининг билим ва кўникмаларига таяниб, унга таниш бўлган мусиқага матн ёки рақс элементларини ижро этиш.

Мусиқа тарбия бошқа соҳалар каби ўйлаб чиқилган тизим ва режаларга асосланиб узлуксиз олиб бориладиган жараёндир, яъни ҳар бир машғулотда ўйлаб чиқилган маълум мақсад сари бирин-кетин қадамба-қадам эришилади. Бу жараёнда мусиқа раҳбари сардор вазифасини ўтайди ва болаларни ўзи билан эргаштириб юради.

Бу жараённинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу – ҳар бир боланинг индивидуал дунёкараши ва иқтидорини назарда тутиш керак. Айрим болаларга танбех бериш билан кифояланса, айрим болаларга танбех салбий таъсир кўрсатиб, улар ўз фаолиятларини кўрсатмай янада қисилиб қолишади.

Мусиқий тарбия вазифалари:

1. Мусиқага муҳаббат ва қизиқишини ўстириш.
2. Болаларнинг мусиқий тажрибасини бойитиш (мусиқий асарлар асосида).
3. Болаларни оддий мусиқий тушунчалар билан таништириш, мусиқа тинглаш, куйлаш, мусиқий ритмикаси борасида малакаларни ривожлантириш.
4. Болаларда эмоционал ҳисни шакллантириш. Уларда лад ҳисси, ритм туйғусини ўстириш ва ҳаракатни ўтириш.
5. Мусиқий дидни ўстириш (мусиқий таассуротлар асосида).
6. Болаларда ижодкорликни ўстириш (барча фаолиятлар асосида).

Болаларнинг шахс сифатида тарбиялаш учун таълим жисмоний ва онгли тарбия уйғунликда олиб борилиши керак. Бу мақсадга эришиш учун болаларда тўғри ташкиллаштирилган мусиқий машғулотлар ташкил этилади.

Эстетик тарбия мактабгача ёшдаги болаларда гўзалликни тушуниш, уни ҳис қилиш, яхши ва ёмонни, бадиий санъат турларини фарқлай олиш ва уларга ижодкорона ёндашишга йўналтирилгандир. Эстетик тарбиянинг энг кўзга кўринган омилларидан бири бу — мусиқадир. Бу мақсаддарга эришиш учун мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий мусиқийлигини ривожлантириш керак.

Болаларнинг умумий мусиқийлигига нималар асос бўлади: мусиқа боланинг эстетик тарбия омили сифатида унга гўзалликни кабул қилиш, тушуниш қобилиятларини ривожлантириш. Бу масалаларни хал этиш учун умумий мусиқийликни ривожлантириш зарурдир.

Мусиқий омиллар 3 тамойилга бўлинади:

1. Мусиқанинг характери, кайфиятини ҳис этиш, мусиқага эмоционал муносабат билдириш (мусиқанинг ифодавийлиги ва тасвирийлиги). Болада мусиқани тинглаганда унинг характерига мос кайфиятда бўлишига эришиш керак.

2. Энг ёрқин мусиқий образли асарни тинглаш, таққослаш ва баҳо бериш. Бунда мусиқа ифода воситалари, мусиқий асбоблар тембрлари, эшитиш маданияти талаб этилади. Масалан, чолғу асбобларнинг юқори ва паст тембрлари (скрипка — алт, констрабас — виолончель ва бошқа асбоблар).

3. Мусиқага ижодкорлик муносабатини билдириш. Ҳар бир бола бирор мусиқий асарни эшитиб ўзича бадиий тасаввур қиласида, ўйинларда, рақс элементлари билан ҳиссий муносабат билдириши мумкин. Бу болаларда ижрочиликнинг илк намойишлари, яъни илк уруғлари бўлиши мумкин.

I. Мусиқа — болаларнинг ақлий фаолиятининг фаоллаштирувчи омилдир.

II. Мусиқа — ахлоқий олим бўлиб, маънавиятнинг ажралмас қисмини таркиб топтиради. Мусиқадан анъаналарга ҳурмат, Ватанни севиш ва бошқа тарбиявий ахлоқий муаммоларни тарбиялайди.

III. Мусиқа — жисмоний тарбия омили ҳамдир.

Энди бу омилларнин бирма-бир кўриб чиқамиз:

I. Мусиқа боланинг ҳиссиётига ва кайфиятига таъсир қиласи.

Бу болаларга асарни таништирас эканмиз уларда мусиқани ҳис қилиш, у билан бирга кечинмаларни бошдан кечиришга ўргатамиз. Қардош ва чет эл қўшиқлари ва рақсларини ўргатар эканмиз бу халқларнинг анъаналари, тарбияси билан ҳам таништирамиз. Мусиқанинг бой жанрлари — қахрамонлик образи ёки лирик образларни, юмор ёки рақсонна куйни эшитиб тушунишга унрайди.

Мусиқа болаларнинг ички дунёсини бойитишга хизмат қиласи. Таълим ва тарбия масалалари жамоа бўлиб куйлашда, рақс ва ўйинларда намоён бўлади, чунки болалар бу жараёнларда жамоа деб ҳис қиласидар.

Куйлаш фаолияти биргаликни, бирдамликни талаб этади. Жамоа бўлиб куйлаш жараёнида бола ўзини ёлғиз ҳис қилмайди ва аста-секинлик билан унинг индивидуал ривожига ҳам таъсир қиласи. Мусиқа машғулоти боланинг умумий маданий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Мусиқа машғулотлари жараёнида турли фаолиятларни қўллаш (қўшиқ куйлаш, тинглаш, мусиқа чолғу асбобларида ижро этиш, мусиқий ритмик харакатлар) болаларда диққатни жамлаш, тез реакция ва иродасини кучайтиради: қўшиқ куйлаш жараёнида бирга бошлаб бирга тугатиш; рақс ва ўйин жараёнида мусиқани темпини сезиш талаб этилади.

Шундай қилиб, мусиқий фаолиятлар мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий фаолиятини ривожлантиради.

II. Мусиқани идрок этиш. Бу боланинг ахлоқий ва ақлий ривожининг уйғунлиги билан олиб борилади, яъни диққатини жамлаш, мусиқага нисбатан кузатувчинлик, уни таққослаш ва фарқлай олиш талаб этилади. Бола мусиқий асарни тинглагандан сўнг бола мусиқа ҳақида илк фикрларини билдиради: асарнинг умумий характерини, қўшиқдаги бадиий матнини, мусиқа ифода воситаларига эътиборини қаратади. Бу эътиборни шакллантириш учун албатта мусиқа раҳбари кўмаги керак.

Мисол қилиб М.Отажоновнинг болалар учун ёзилган «Гулдаста» тўпламидан жой олган «Мусича» асарини тинглаб кўришади.

Боланинг илк диққатини тортган нарса бу асарнинг кайфияти — енгил ўйинқароқлигидир. Бу асарда мусичанинг образини композитор жуда яхши очиб берган. Болалар тинглаш жараёнида бу асар ўйинқароқ ва шўх мусича ҳақида эканлигини тасаввур қиласидар.

Болалар боғчасида ўрта, катта ва мактабга тайёрлов гурухларида ижодкорлик масаласини ўртага ташласа, албатта болаларда ақлий фаолият билан ишлашади, яъни бирор бир таниш бўлган қўшиққа ўзлари бирор матн кўйишлари ёки айнан шу қўшиқни импровизация қилишлари. Ундан ташқарии бирор бир бадиий мантга ўзлари куй басталашлари, бирор бир куйга рақс элементларини ўйлаб кўришлари. Болалар билан ишлаш жараёнида ўларнинг ақлий фаоллигини оширишда уларнинг ижодкорлигини шакллантиришда болалар бирор куйга рақс элементлари ёки сахналаштиришни севишиади. Бу жараён бир неча босқичда амалга ошади:

1. Болалар асарни тинглашади;
2. Унинг бадиий таҳлил қилишади;
3. Бадиий образни ўйлаб кўришади;
4. Ролларни тақсимлашади;
5. Ижро этишади.

Бу босқичларнинг ҳар бирида мактабгача ёшдаги болалар олдида янги-янги масалалар қўйилади.

III. Мусиқа инсоннинг нафақат кайфиятига, эстетик ривожига балки умумий организмига ҳам таъсир ўтказади. Бола мусиқа тинглаганда, куйлаганда, рақс давомида бутун организм фаолият олиб боради (нафас йўллари, мушаклар, қон айланиши, асаб тизими ва бошқа аъзолар). Бу масала бўйича кўплаб физиолог олимларимиз иш олиб боришган ва ўз изланишларида жуда кўплаб маълумотларни беришиади. Шулардан бири физиолог олим П.Н.Анахин таъкидлашича: «Кичкина гудак бола мажор ва минор ладида

ёзилган асарларни тинглаб кўрганида шунга мос кайфиятини кўрсатган экан». Бу унинг рухий психикасига таъсир кўрсатади.

Кўшиқ куйлашда болаларда овоз аппарати, товуш пайлари ва ҳаттоки, талафузи ривожланади. Бола тўғри ўтриб куйлаганида танаси, кўкрак қаваси ва нафас органлари яхши ишлайди ва ривожланади.

Ритмика болаларда мусиқани ҳас қилиш, тананинг асоси (асанка), қадамларнинг шахдамлиги ва енгил югуришини ривожлантиради.

Шундай қилиб, болаларнинг ҳар томонлама ривожида мусиқанинг ўрни каттадир. Бола мусиқани тушуниш, уни идрок этиш, унга ҳиссий муносабат билдириш, ижрочилик малакаларини шакллантиришга мунтазам олиб борилган мусиқа машғулотлари катта аҳамият касб этади.

Мактабгача ёшдаги болаларда кўшиқчилиги кўникмаларини тарбиялаш.

Кўшиқ куйлаш — болалрга кўтаринки кайфият бағишлийди. У болаларда нафакат рухий балки жисмонии жиҳатдан ривожлантиради. Чунки бола куйлаётганда оғиз, бурун, нафас йўллари, кўкрак қафаси, умуман олганда барча аъзолари фаолият олиб боради. Бола куйлаш жараёнида тик гавдасини эркин ва тўғри ўтириши талаб этилади. Куйлаш жараёнида нафас йўллари ҳам ривожланади. Бу жараёнлар масаласини жуда кўплаб физиолог-медик — олимлар кўп тадқиқотлар ва ишлар олиб боришганлар. Булардан Алмазов, Н.А.Ветлугина, А.Н.Кенеман, М.А.Метлов, С.Г.Товбина, Е.П.Иова, И.П.Павлов, А.Г.Менабени ва бошқа кўплаб физиологларни таъкидлаб ўтсак бўлади.

Болаларга куйлаш жараёнида матн ва мусиқа уйғунлигига бўлганда матн ва куйга эътибор берилади. Кўшиқда матн ва мусиқий куй бирикиб, тингловчига эмоционал таъсир кўрсатиб турли ҳис-туйғуларни уйғотади. Бу таъсиранчалик бола тарбиясида катта аҳамиятга эга.

Боланинг кичик давридан қўшиқни маъносини тушунмаса ҳам, унинг мазмунини ва мусиқасига тушунмаса ҳам унга ҳиссий муносабатни билдиради. Боланинг ривожлангани сари, нутқи ва ҳаёт давомида олган кўникмалари қўшиқни умуман куйни тушуна олишга ёрдам буради.

Жамоа бўлиб куйлаганда болага куй қўшиқ матнга нисбатан кучлироқ таъсир қиласи. К.Д.Ушинский таъкидлаганидек: «Кўшиқда, айниқса хор жамоасида қалбни тарбияловчи унинг жумбушга келтирувчи ҳиссиётлар мавжуд»⁵

⁵ Ушинский К.Д. Сбор, соч. —М.: Л., 1948.

Кўпгина ҳолларда ўғил боланинг шахдам юриб маршни куилаётганини, қиз болани эса қуғирчоқни аллалашини кузатишимииз мумкин.

Боланинг овози — табиий чолғудир, чунки бу чолғу у ёшлигидан мавжуд. Мана шунинг учун ҳам унинг ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлади ва турли ўйинларда фойдаланади. Ундан ташқари қўшиқ бола ҳаётининг бошқа фаолиятларида ҳам қўлланади. Масалан, рақс, хоровод, болалар чолғуларида ижро этганда.

Қўшиқ — бу боланинг дунёқарашини кенгайтириб, ёрқин образли тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Қўшикларда табиатга, Ватанга муҳаббат, катталарга, аждодларга ҳурмат ўзаро муносабатларни яхшилаш ва бошқа тарбиявий ахлоқларни ўстиришга ёрдам беради.

Қўшиқ ўргатиш жараёнида болалардан катта ақлий меҳнат талаб этлади. У ёнидаги болани эшитишни, унинг қўшиғига ўз муносабатини билдиришни, мусиқий жумлаларни бир-бири билан солиштиришни, таққослашни, фортепиано жўрлигини тинглай олиши, қўшиқни гармоник ва мелодик тизимини эшита олишни ва ижро сифатини баҳолашни ўргатади.

Қўшиқ бола организмига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, нутқини ўстиради, овоз аппаратларини ривожлантиради, қўшиқчилик нафасини шакллантиради. Бола қўшиқ куйлашда асосан мусиқий ҳисси, эмоционал таъсири, мусиқий эшитуви (слух), ритм ҳисси ривожланади. Қўшиқ куйлашнинг яна бир асосий хусусиятларидан бири бу — жамоа бўлиб кўйлашдир.

Бола эшитув қобилияти (слух) ва овозини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Қўшиқ — товуш ҳосил қилишнинг мураккаб жараёнларидан бири бўлиб, асосан овоз ва эшитув органларининг мужассамлашуви асосини ташкил этади, яъни эшитув аппарати ва қўшиқчилик овозининг ўзаро боғлиқлигидир.

Эшитув қобилиятининг такомиллашуви — болаларнинг кичик ёшидан ривожланади. Улар мусиқа раҳбари ёки тарбиячи куйлаб берганда қўшиқ, куй ёки оҳангни соғлигича эшитадилар ва шундайлигича куйлайдилар.

Кичик ёшдаги болалар 2-3 та нота оралиғидаги қўшиқларни кўйлай оладилар. Болалар катталар куйларини эшитиб, кейин ўzlари ҳам шу куйни катталардек куйлашга ҳаракат қиласадилар. Мактабгача ёшдаги болаларда овоз аппарати мукаммал ривожланмаган (товуш пайлари ривожланмаган, нозик, нафас кучсиз ва бошқалар). Бола ривожлангани сари организм ва қўшиқчилик органлари ҳам такомиллашади. Мактабгача ёшдаги бола овози етарли даржада ёрқинлиги бўлмайди. Бу муаммолар устида кўпгина тадқиқотчилар илмий ишлар ва изланишлар олиб боришади. Боланинг овоз хусусиятлари, уларнинг

диапазони имкониятлари ҳақида Н.Д.Орлов, Е.И.Алмазов, Н.А.Метлов, Н.А.Ветлугина, А.Д.Войнова, Р.Т.Зиничлар шулар жумласидандир. Улар ўз илмий ишларида «боланинг табиий овози ре 1 - си 1, яъни ундан юқори ва пастки ноталарни бола куйлаганда товуш зўриқиши ва сиқиб куйлаши мумкин. Бу болаларнинг товуш пайларининг шикастланишига олиб келиши мумкин». Бу муаммоларга йўл қуймаслик учун аниқ мақсадга йўналтирилган ва пухта ўйлаб чиқилган репертуар танланиши керак. Бунда асосий эътибор қўшиқчилик диапазонига қаратамиз.

Ёши	Диапазони
2 — 3 ёш	ми 1 — ля 1
3-4 ёш	ре 1 — ля 1
4 — 5 ёш	ре 1—си 1
5 — 6 ёш	ре 1 — си 1 (до 2)
6 — 7 ёш	до 1 (ре 1)-до 2

Берилган жадвалда болаларнинг овози пастки, юқори ва ишчи диапазони мавжуддир.

Болаларга қўшиқ ўргатаётганда ва репертуар танлаганда нималарга эътибор берилиши керак? Ҳар бир қўшиқ маълум педагогик мақсадларни амалга оширишни кўзга тутиб танланади. Унда ҳар бир янги қўшиқ олдингисидан ҳосил этилган куйлаш малакаларини мустаҳкамлайди ва уларни ривожлантиради. Қўшиқ диаразони болалар овозига мослиги, бадиий ғоявий мазмуни, болалар дунёқараши ва ёшига мос бўлиши керак.

Қўшиқларни қўйидаги талабларга кўра танлаш тавсия этилади:

1. Қўшиқни тарбиявий аҳамияти, ғоявий мазмуни, мусиқий тузилиши ва характеристининг болалар ёшига мослиги.
2. Қўшиқ матнининг осонлиги, бадиий юксаклиги, болаларнинг луғат бойлигига мослиги ва уларнинг нутқини ва тафаккурини ўстириш учун хизмат қилиши.
3. Қўшиқ оҳангি, унинг характеристи (хушчақчақ, қувноқ, марш, мунгли, ғамгин, байрамона, қўтаринки руҳда), лад ва тесситураси, овоз диапазони болалар ёшига мос бўлиши.
4. Қўшиқнинг бадиий хусусиятлари ва ифодавийлиги, болалар идрокига мослиги, гармоник тузилиши ва оҳангдошлиги.
5. Қўшиқ шакли (1, 2 қисмли ёки куплет шаклида тузилганлиги) нақаротнинг мавжудлиги.

Қўшиқни танлашдаги болаларга қисқа, мазмунли, образли, қизиқарли ҳикоя қилиб берилади. Қўшиқ мазмунидаги ахлоқ-одоб, табиат, она Ватан,

мехр-муҳаббат ҳақидаги ғояларни болалар онгига сингдириб, уларда қизиқиши үйготади.

Бадиий қўшиқлар сирасига Д.Омонуллаеванинг болалар учун ёзилган «Дилоромнинг қўшиғи», «Бувижоним», «Азиз бустон — Ўзбекистон», «Навзўзим», «Ўзбекистон — Ватаним маним»; Н.Норхўжаевнинг «Ўйнасангчи типратикан», «Неварапар қўшиғи», «Капалак ва камалак», «Каклигим», «Шафтолига саволим», «Навўзим — шух созим», «Салом берган болалар», «Бувижоним яхшисиз», «Гуллар маним кулганим», «Яхши бола», «Биз аскармиз»; Ш.Ёрматовнинг «Ай-яй-яй», «Ислом бобо»; А.Мансуровнинг «Музқаймоқ», «Ватангинам»; Ф.Назаровнинг «Иноқ ўйнаймиз», «Пахтаой», «Қиши чоғлари» ва бошқа кўплаб Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари болалар ижодиётида сўнмас из қолдириб уларнинг бадиий тарбияси ва дидини ўстиришга ёрдам беради.

Қўшиқни тарбиячи ифодали қилиб ижро этиб беради. Қўшиқ мазмунига мос тасвирий санъат қўшиқ мазмунига ва тузилишига хос савол-жавоблар қилиб, қўшиқни мусиқий жумлаларга бўлиб ўргатади. Сўнгра қўшиқ мазмунга мос мусиқий-ритмик ҳаракатлар билан ўргата бошлади. Матн ва оҳанг талаффузнинг аниқлиги маълум меъёрга тушгандан сўнг, қўшиқнинг бадиий ижросига эришилди. Қўшиқни вақт-вақти билан сайр вақтида, машғулотдан-машғулотга такрорлаб қуйлаб туриш лозим, акс холда унинг матни болалар хотирасидан қўтарилади ва унга нисбатан қизиқиши сусаяди. Ҳар бир машғулотда айниқса, янги қўшиқни ўрганишдан олдин, илгари ўргатилган қўшиқни такрорлаб туриш, болалар ижросидаги айтим нуқсонларни тузатиб боришга ёрдам беради. Болалар толиқмаслиги учун қўшиқ ўргатиш шакллари ўзгартириб турилади. Масалан: гуруҳларга бўлиб ўргатиш; яккахон ва гуруҳ жўрлигига; мусиқий ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилиб; қўшиқ матнига мос рақс элементларини ўйлаб кўришга ва ўзлари уни ижро этишга унда бўриш яхши самара беради.

Қўшиқ мукаммал ўрганилгандан сўнг, уларнинг қизиқиши янада ортади. Шунингдек, машғулот шаклларини (ноанъанавий машғулотлар) ўзгартирилиб туриш ҳам машғулотларда болаларнинг зерикишини олдини олиб, қизиқишини кечайтиради.

Йил давомида болалар 10-12 та қўшиқ ўрганишлари кўзда тутилади. Бунга эришиш учун қўйиладиган вазифалар: болаларда соф интонация ва қўшиқчилик малакаларини шакллантириш; болаларга якка ва тарбиячи билан қўшиқ қуйлаш, а'капелла тарзида ижро этиш; мусиқий эшитув қобилиятини, куйнинг баландлиги, уларнинг узунлиги, куйнинг йўналиши, ўзини эшита олиши (куйлаётганида), ижро вақтида ўзининг хатоларини эшита олишини

ривожлантириш; овоз ривожи, табий ижрога эришиш; болаларда ижодкорлик малакаларини ривожлантириш, улар ижро этган қўшиқларини хороводлар ва ўйинларда қўллаш.

Қўшиқчилик малакалари

Бола тўғри куйлаши учун қўшиқчилик, вокал-хор малакаларини шакллантириш керак. Қўшиқчилик малакалари. Бу тўғри ҳолатда куйлаш. қўшиқ куйлаш жараёнида бола гавдани кўтариб буқчаймасдан, стул орқасига суяниброк ўтириши керак. Қўллари эса тиззага қўйилади.

Вокал малакалари. Бу овоз ҳосил қилиш, нафас ва дикция. Нафас қисқа, енгил ва шовқинсиз бўлиши керак. Сўзлар аниқ ва бурро талаффуз қилинади. Хор малакалари. Бу ансамбл ва тузилиш (строй)нинг ўзаро боғлиқлиги. «Ансамбль» — французча сўз бўлиб, «уйғунлашув» (слитность) яъни, овозларнинг куч ва баланлигининг бирлашувидир. Бу жараёнда овоз унисон куйлашга ва тембрнинг текисланишига эришишимиз керак.

Куйлаш малакаларини ривожлантириши

Куйлаш малакалари қўшиқ ёдлаш ва ўргатиш жараёнида ривожланади. Асар мураккаблашгани сари малака ривожланади.

Боғчада тарбиялаш жараёнида билиши керак:

Кичик ва ўрта груп — мусиқа раҳбари мусиқа асбоби ёрдамида оддий, мураккаб бўлмаган қўшикларни куйлай олиши керак.

Катта груп — асбобсиз фақат мусиқа раҳбарининг ёрдами билан ёки мусиқа раҳбарисиз мусиқа мусиқа асбоби жўрлигига куйлаши, товушлар баландлиги ва чўзимларини фарқлай олиши, қўшиқ куйлаш жараёнида тўғри, тик, елкани кўтариб ўтириши керак.

Мактабгача тайёрлов груп — ёдлаган қўшиғини ифодали куйлаб бериш, олдин ёдлаган қўшиғини эслаб куйлаши, куйлаш жараёнида ёнидаги болаларни эшита олиши ва камчилик — у хатоларини тўғирлай олиши, эвушларнинг юқорига ва пастга ҳаракатланишини фарқлай олиши, ноталар қисқа узунлигини ва ноталарнинг номларини билиши керак.

Қўшиқ куйлашига ўргатишнинг методлари ва йўллари

Мусиқа раҳбари болаларга қўшиқни ўргатишдан олдин қўшиқни таништириши, композитори ҳақида, асарнинг матни, мазмуни ҳақида гапириб бериши керак, бир сўз билан айтганда болаларда бу қўшиқни ўрганиш учун қизиқишлигини уйғотишидир.

Қўшиқ ўргатиш жараёнида ёш даврлар бўйича кўриб чиқамиз.

Кичик гуруҳ болаларини куйлашга ўргатиши методлари

3 ёшда овоз аппарати энди шакллана бошлайди. Қўшиқчилик овози ҳали йўқ, нафас қисқа, лекин болалар шу даврда жуда қизиқувчан бўлиб, катталар ижрочига бажонудил қўшиладилар, жумлаларнинг баъзи товушларини куйлай олишадилар. Асосий вазифа. Бошланғич қуйлаш малакаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш. Бу ёшдаги болалар қўшиқни бутун яхлитлигича куйлай олишмайдилар, факат баъзи қисмларинигина куйлай олишади.

4 ёшга келиб овоз кучаяди, улар энг оддий қўшиқларни куйлай олишади. Бунда қўйиладиган вазифа — болаларда табиий товушда куйлашга, зўриқмасдан, товушни сиқмасдан куйлашга ўргатиш. Бу ёшда муҳим ишлардан бири бу талаффуз устида ишлаш. Болалар бу ёшда ҳали кўп сўзларни маъносини тушунмайдилар. Уларга сўзларнинг мазмунини ва тўғри талаффузини тушунтириш керак. Бу ёшдаги болалар умумий бир темпда куйлаши қийин кечади. Бу нарса тарбиячининг доимий эътиборида бўлиши ва болаларнинг биргаликда куйлашга ўтгатиши керак.

5 ёшли болалар мураккаб бўлмаган қўшиқларни мусиқий раҳбарига эргашиб куйлайдилар.

Методик усуллар:

1. Мусиқа раҳбари томонидан қўшиқни ифодали эмоционал ижрода кўрсатиш;

2. Қўшиқни биринчи бор таништириш жараёнида расм, ўйинчоқлар билан қўшиқни мазмунини очиб беришга ёрдам беради.

3. Ўйин шаклларини қўллаш.

4. Таълимий усул — мусиқа раҳбари асарни 2-3 марта фортепианода чалиб беради ва болалар билан биргаликда куйлайдилар.

5. Қўшиқ матнини куй билан биргаликда ўрганилади.

Ўрта гуруҳ болаларини куйлашга ўргатиши методлари

5 ёшдаги болалар маълум даражадаги умумий мусиқий тайёргарликка эга. Овози анча мустаҳкамланган бўлиб диапазон (ре 1 — си 1) кенгайган. Нафас бироз мустаҳкамланган, чуккурлашган, сўзларни тўғри тўлаффуз қилиш малакаларига эгадир.

Асосий вазифа:

1. Табиий товушда зўриқмасдан куйлаш. Бу малака устида мунтазам равища иш олиб борилади.

2. Тўғри нафас олиш, яъни бир жумлани бир нафасда куйлаш.
3. Тўғри талаффузга эътибор бериш
4. Артикуляция устида ишлаш (қўшиқ ижроси вақтида оғизни тўлиқ очишга, паст жағни зўриқтирмасдан, сиқмасдан очиб куйлаш).
5. Ансамбль малакалари — қўшиқни бирга бошлаб, бирга тугатишга эришиш. Бу ёшдаги болаларни жўрсиз ижрога ўргатиш (яхши ўрганилган ва мустаҳкам биладиган қўшиқни жўрсиз айтиши мумкин) керак.

Методик усуллар:

1. Қўшиқни ўргатиш жараёнида фортепиано жўрлигига ёки жўрсиз олиб борилади.
2. Мусика раҳбарининг овозидан куйлашга ўргатиш болалар учун осонлашади.
3. Қўшиқ ўргатиш жараёнида мусиқий жумлаларни болаларни гурӯхларга бўлиб, навбатма-навбат айттириш (бундай методни қўллашдан мақсад болаларнинг эшитув жараёнини ва диққатини ривожлантиради).
4. Чўзиб куйлаш малакасини ўстириш (контеленно ижроси). Бу ёшда куйлаш олдидан овоз созлаш машқларига катта эътибор берилади. Машқлар болаларда қўшиқчилик овозини ва қўшиқчилик нафаси ривожига олиб келади.

Катта гурӯҳда куйлашга ўргатии методлари

Товуш ҳосил қилиш устида ишлагандан зўриқмасдан куйлашга эътиборини қаратади, аммо овоз жаранглаш турли-туман бўлишини, яъни табиий, жарангдор, чақкон, енгил, майин куйлашга эришиш керак.

Қўшиқчиликда дикция ва қўшиқчиликни ривожлантириб ўз-ўзини эшитишга овоз кучини бошқаришга, сўзларни аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Мусика раҳбари доим болалар соғ куйлашига эътибор бериши керак. Куйлашнинг сифати куйлаш ҳолатига боғлиқдир.

Ифодали куйлашга эришишда динамиз туслар, ансамбль малакалари тўғри бажарилиши муҳимдир.

Методик усуллар:

1. Акс-садо усули.
2. Қиёслаш-таққослаш методларидан фойдаланилади.

Мактабга тайёрлов гурухларида куйлашга ўргатиши методлари

Мактабга тайёрлов гурухида мусиқий-эстетик масалалар алоҳида аҳамият касб этиди. 6-7 ёшли болаларда куйлашга эҳтиёж кучаяди. Мактабга болаларни пухта эгаллаган билим ва малакалар билан юборилади.

Мактабга тайёрлов гурухи болаларидан талаб этилади:

1. Қўшиқни ифодали ижро этиши: жарангдор, куйчан, енгил овоз билан куйлаш; кўкрак ва елкани кўтармасдан нафас олиш; жумлани бошида олинган нафасни жумланинг охиригача тежаб сарфлаш; артекуляция малакалари, сўзларни (унли ва ундош ҳарфларни) аниқ ва бурро талаффуз қилиш.

2. Қўшиқни бирга бошлаб бирга тугатиши (темпни тезлаштирмасдан ёки секинлаштирмасдан); ритм ва темпни аниқ ҳис қилиши; куйни соф интонация қилиши, ёнидаги дўстини камчилигини айта олиши; таниш бўлган қўшиқни асбоб жўрлигига ёки жўрсиз ижро эта олиш; куйнинг юқорига ва пастга ҳаракатланиши, узун ва қисқа товушларни аниқлай олиши; ноталар номларини билиши; юқори ноталар нота йўлининг юқорисида, паст ноталар эса пастига ёзилишини билиши керак.

3. Жамоа ва якка куйлай олиши. Бунда қоматини тик тутиб, эга бўлган қўшиқчилик малакаларини кўрсата олиши.

4. Қўшиқчилик диапазонини ривожлантириши (до (до#) 1-ре2).

Қўшиқчилик малакалари

1. Товуш ҳосил қилиш устида ишлаш (енгил, юқори, жарангдор, куйчан). Мусиқа раҳбари қўшиқ ўргатиш жараёнида ўзи ёки яхши куйлайдиган бола мисолида кўрсатади.

2. Унли товушлар (а, о, у, э, и)ни тўғри талаффуз қилиш. Бунда мусиқа раҳбари куйлашдан олдин овоз созлаш машқларида (ля-ле-ли бўғинлари) кўллаши мақсадга мувофиқдир.

3. Қўшиқчилик нафаси устида ишлаш.

4. Дикция ривожи. Бола матнни мазмунини тушунган ҳолда тўғри куйлаши керак.

5. Интонация (строй) нинг софлиги ва тўғрилигига эришиш.

Методик усуллар:

1. Қўшиқ куйлашдан олдин овоз созлаш.
2. Қўшиқни юқори ва паст тоналликларда транспортда куйлаш.
3. Куйни эшитиш қобилиятини ривожлантириш.

4. Куйни қўл характида кўрсатиш (дирижёрлик элементлари).

Мусиқий асар таҳлилига намуна:

«Янги йил арчаси»

М.Абдушукрова шеъри А. Берлин мусиқаси

Асар мактабга тайёрлов ёш болаларга мўлжалланган. Бу қўшиқнинг мураккаб жойлари қўп бўлиб, болаларда қўйлаш фаолиятини такомиллаштиради. Қўшиқ диапазони ми 1 – до 2.

Бу қўшиқда қишининг зийнати, қуёнча, тулкича, қорбобо ва бошқа меҳмонларни кутаётганлари ҳақида, умуман олганда, болаларнинг ҳаётида янги йил хотиралари ўчмас из қолдиради. Унинг ёрқинлиги, болалар эртак қаҳрамонлари билан ҳамнафасликда бўлғанлиги болаларни ўзига жалб этади.

Қўшиқ қийинчиликлари ва уларни бартараф этиш йўллари:

1. Қўшиқда сакрама харакатлар кўп. Булар болалар қўйлаши учун мураккаблир. Шунинг учун соф қўйлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

2. Қўшиқда пунктир ритмларидан ҳам кенг фойланилган ва уларни аниқ талаффуз этиш керак.

3. Лигали ноталар. Бундай ноталар асосан жумлалар охирида учрайди ва буни тўғри ва соф қўйлашга эришиш керак.

Мусиқий ритмик фаолият

Мусиқа тарбиясидаги фаолиятлардан болалар боғчаси учун энг муҳими ҳисобланган мусиқий ритмик фаолиятдир. Болалар боғчасида бу фаолият эрталабки бадантарбия машқлари сифатида амалга оширилади. Болалар машқларни ҳавоси тоза хоналарда ёки очиқ ҳавода ўтказилади. Бунинг учун бола кийими енгил ва қулай бўлиши керак. Мунтазам машқ бажариш болаларни елка, қорин ва бошқа аъзоларини мустаҳкамлайди. Оёқ уни ва тавон учун бажариладиган машқлар ясси оёқликни олдини олади. Бундан ташқари бундай машқлар болаларни қон айланиш тизимиға таъсир кўрсатади.

Мусиқий раҳбар машғулот ўтказиш жараёнида болаларга мусиқа остида ҳаракат қилишларига ёрдам беради ва уларга рақс элементларини ўргатиб боради. Мусиқий машғулотларни бошлашдан аввал болаларни мусиқа билан югуриш ва сакрашга ўргатиш лозим.

Юриш – хар хил бўлади. Оддий қадамларни кенг ташлаш, турган жойида тиззаларни кўтариб, юмшоқ, чўзилиб оёқни учини юриш турлари мавжуд.

Югуриш – бу оддий, енгил, оёқ унида қўлни юқорига кўтариб югуриш ва кенг қадамлар билан югуриш.

Сакраш – бунда икки оёқда сакраш, оёқни жуфтлаб, оёқларни алмаштириб, бир оёқни олдинга иккинчи орқага қилиб сакраш, обручлар орасидан арқон билан сакраш турлари мавжуд.

Нафас

Мусиқий ритмик ҳаракат бажараётгандан тоза ҳаводан нафас олиш керак. Бунинг учун болаларга тўлиқ нафас ва бурундан тўлиқ олишга ўргатиш керак. Болаларга машқлар жараёнида нафасни узук ушлаб турмаслик кераклигини уқтириш лозим.

Ана шу вазифалар қўшиқ куйлаб рақсга тушганда ҳам катта ёрдам беради.

1 ёшли бола – мусиқа товушига импульсив реакция қиласилар ва улар тақлид қиласилар. Катталар мусиқага мос қандай ҳаракат қиласалар ёш болалар ҳам худди шундай қиласилар.

2-3 ёшли болалар – мусиқани ритмик англашга етарли равища тайёр бўладилар.

4 ёшли болалар – ўйин ҳақида фикр айта оладилар ва қийин асарларга мос ҳаракатни қила оладилар.

5 ёшли болалар – ритмик ҳаракат ва машқлар ҳақида бемалол ўз фикрларини ҳаракатда ифода эта оладилар. Лекин, мусиқа темпини ўзгариши улар учун қийинчилик туғдириши мумкин.

6 ёшли болалар – мусиқа билан ҳаракатни бир-бирига мослигини ҳис этадилар. Ўйин жараёнида ҳаракат кетма-кетлигини ҳис этадилар.

7 ёшли болалар – мусиқани фаол идрок этадилар. Мусиқани ҳаракат билан боғлиқлигини ифодасини ҳис этадилар. Улар рақс, ўйин жараёнида мустақил ҳаракатлана оладилар.

Бошланғич гурухларда ритмик ҳаракатларни бажариш, болаларни жисмоний ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич гуруҳ болаларининг овоз аппаратлари нозик, диққат эътибори тарқоқ, серҳаракат, ўйинга берилувчи, хотираси, нутқи тўлиқ ривожланмаган бўлганлиги сабабли мусиқа машғулотларида фаолият турлари тез-тез алмасиб туриши лозим. Мусиқага мос рақс, ўйин ҳаракатларини бажариш, болалар диққатини жамлашда, хотирасини мустаҳкамлашда ва жисмонан ўсишига ёрдам беради. Машғулотлар давомида қўйидаги ҳаракат турларидан фойдаланиш тавсия этилади: марш мусиқаларига қадам ташлаш, югуриш рақси элементларини бажариш, мустақил ўйинлар ўтказиш, мусиқали ҳаракатларни, турли қўл ва тана ҳаракатлари билан ифодалаш. Маълумки, миллий мусиқа маданиятида рақс муҳим ўрин тутади ва унга ҳар бир бола қизиқади. Рақс ҳаракатлари мусиқа машғулотларида болалар фаоллашувини оширади. Энг муҳими шундаки, рақс ва ритмик ҳаракатлар воситасида болаларнинг мусиқий

иқтидори, ритм туйғуси фаол ривожланади. Ҳар бир ҳаракат турини мусиқа раҳбари олдиндан белгилайди ва ўзи уни аник, гўзал ва ифодали қилиб кўрсатиб беради. Ҳар бир ҳаракатни бажаришдан олдин, унга доир мусиқа мазмунини аввал онгли равишда тинглаб ёки куйлаб, сўнгра ҳаракатлар бажариш яхши натижа беради. Болалар мусиқали ўйинларга ҳам жуда қизиқадилар. Кўп мусиқий асарлар мазмунида ўйин методларидан фойдаланиш мумкин. Машғулотлар жараёнида бажарилган ҳар бир мусиқий ҳаракат тури, мусиқали ўйинлар, болаларни хотирасини мустаҳкамлайди, нутқини ўстиради, жисмоний соғлом бўлишга кўмаклашади ва уларни руҳлантириб, мусиқа машғулотларига қизиқишини оширади. Чунки, кичик гуруҳ болаларининг дикқат-эътиборининг тарқоқ, овоз аппаратлари кучсиз, мусиқий ўқув қобилиятлари тўла шаклланмаган, серҳаракат, ўйинга мойил бўладилар. Бунда машғулотларнинг тузилиши педагогик мақсадларга қараб машғулотларни хоҳлаган машғулотлар фаолиятидан бошлиши мумкин. Бундан мақсад, болаларни мусиқага қизиқтира олиш, мусиқий қобилиятларини ўстириш, машғулотлар фаолиятларини бир-бири билан чамбарчас боғлаб мазмун жихатдан мантиқий бир бутунликка эришишдир.

Демак, янги дастур мазмунида машғулотлар ўтиш учун, мусиқа мусиқа раҳбариси ижодкор бўлиши, мусиқадан зарур билимларга ҳамда ашулачилик малакаларига ва мусиқий ритмик ҳаракатларни ўргатиш методикасига ва унга керак бўлган қўнималарга эга бўлиши лозим.

Болалар чолғу асбобларида ижро этиши фаолияти

Мусиқа машғулотларида бу фаолият тури энг қизиқарли жараёнлардан биридир. Бу фаолият болаларни ижодкорликка ундейди. Болалар чолғу асбобларида жонли товушли ўйинчоқлар сифатида ҳар бир болани қизиқтиради. Чапак ва болалар чолғу асбобларида ритмик жўр бўлиш, мусиқанинг характер ва образларни чукурроқ ҳис этишда, уларга мос эмоционал туйғулар ҳосил қилиш, айниқса, болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади. Мусиқа машғулотларида болалар чолғу асбобларидан фойдаланиш ижобий натижалар бериш билан бирга болаларнинг машғулотга интилевчанлиги, қизиқиши ва мусиқий ўқувини (хотираси, ритмни ҳис қилиш туйғусини, нутқини) ўстиради.

Бу борада кўплаб педагогик олимлар методик қўлланмалар яратганлар. Илмий ишлар ва тадқиқотлар олиб борганлар. Мисол қилиб, Н.А.Ветлугинананинг «Мусиқий алифбо», Н.Г.Кононова «Обучение дошкольников игры на детских музыкальных инструментах» китобларини

таъкиблаб ўтиш мумкин. Ундан ташқари Мустақилликка эришилгандан сўнг ўзбек халқ чолғуларида ижрота катта эътибор қаратилди. Ва айнан болалар ёшига мос келадиган ўзбек халқ чолғулари ясатилди. Бу асбобларнинг катталар ижро этадиган асбоблардан фарқи — бу асбоблар шакл жиҳатдан кичкина. Болаларнинг қўлига тўғри келади, яъни ижро вақтида болаларга қийинчилик туғдирмайди. Энди бу асарларни ҳаётга тадбиқ этиш учун маълум бир ўқув қўлланма талаб этиларди. Бу борада Ўзбекистон Давлат Консерваторияси профессор-ўқитувчиси А.Левиев «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик» номли китобини ҳаётга тадбиқ этди.

Бу китобнинг ўзига хослиги шундаки, биринчидан, ўзбек композиторларининг болалар учун ёзган қўшиқларидан фойдаланилган. Бу болаларда таниш бўлган қўшиқларни чолғуларда ижро этиб куйлашларига катта туртки бўлади.

Иккинчидан, айнан ўзбек халқ куйларидан намуналар келтирилганлигидир. Бу боғча болаларида ёшлигидан ўзбек халқ куйларida меҳр-муҳаббат ҳиссини, уларга ҳурматини уйғотади. Болалар ўзлари ўзбек халқ куйларини чолғуда ижро этишса, анчагача эсларида қолади.

Учинчидан, бу чолғулар тафсифи, уни ижро этиш малакалари ва кўнималари батафсил ёритиб берилади. Лекин бу китобнинг мураккаб жиҳати — болаларда машғулоти жараёнида қўллаш қийинчилик туғдиради. Бу масалани бартараф этиш учун машғулотдан ташқари вақтда қўллаш керак. Ёд бўлган куй ва қўшиқлада байрам эрталиклардан ва тантаналарда болалар ижро этишса ўзларини кичкина созандалар деб ҳис қиласидилар.

Турли тантаналарда ижро этилган куй ва қўшиқлар анчагача хотирада муҳрланиб қолади.

Болалар чолғу асбобларда жўр бўлишда, аввал, болалар чапак чалиб, ритмик жўр бўладилар. Мусиқа раҳбари болалар куй ритмини тўғри ҳис этиб ижро этишлари учун, болаларга стол устида териб қўйилган чолғу асбобларида чалиб, мусиқага жўр бўлиши хақида батафсил сўзлаб бериши лозим. Сўнг бирор чолғуда қуйни ўзи ижро этиб чапак билан жўр бўлишини кўрсатади. Кейин барчани куйга чапак чалиб, жўр бўлишни таклиф этади ва ижро жараёнини диққат билан кузатиб, болалар чолғу асбобларини тарқатиш учун илғор ва зеҳнили болалардан бирини тайинлайди (биринчи марта илғор болаларни танлашдан мақсад куй чиройли ва тўғри бўлиб ижро этилса кейин қолган болалар ҳам ўз тенгдошлари ижро этганлариdek чалишади). Биринчи ижродаги ютуқ ва камчиликларни бартараф қилиш учун яна бир такрорлаб чиройли, тўғри ижро этилиши керак. Сўнгра мусиқа раҳбари ижро этмаган болаларга чолғуасбобларида жўр бўлишни таклиф этади. Шу тарзда гуруҳдаги

барча болалар галма-гал чолғу асбобларида жүр бўлишга ундан, уларнинг қизиқишини оширади. Чолғуларда чалишга ҳамма интилади, албатта. Шунинг учун берилган асарни болалар хато қилмай мусиқани ҳис этишга ва хотирада сақлашга харакат қиласидар. Кейинчалик ижрочилик турлари мураккаблаштирилади. Айни шу ҳолда гурухни 2 жамоага бўлиб, 1-жамоа чапак чалиб, 2-жамоа эса овозда учул бериш билан ёки чолғу асбобида ҳам жўр бўлишлари мумкин. Бу усулнинг яна бир фойдали томони шундаки, болаларда жамоа бўлиб куйлаш малакаларини, қўповозли куйлашнинг ilk малакаларини ривожлантиради. Ижро этишнинг яна бир тури — болалар дойрада усулни аниқ ва текис чалиб туради. «Бум»га 1-жамоа болалари, «бак»ка эса 2-жамоа болалари жўр бўлишади. Буни иложи бўлса магнитофон тасмасига ёки ёзувга ёзиг олиб бажариса ҳам бўлади. Шунингдек, куйни динамик белгилари ва ифода воситаларини кўрсатиб туриш учун карточкалардан фойдаланса ҳам бўлади.

Бундай машғулотлар — қизиқарли ўтади, болалар билим ва кўникмалари мустаҳкамланади ва мусиқий қобилиятлари ҳар томонлама ривожланишни таъминлаиди. Мусиқа машғулотларида болалар чолғу асбобларини қўллаши, тарбиясидан катта масъулият, ижодкорлик ва топқирликни талаб этади.

Болалар мусиқа чолғулари характеристикаси

Болалар мусиқий ўйинчоқлари ва мусиқий чолғуларда товуш ҳосил бўлиши ва товуш сифатига кўра маълум гурухларга бўлинади.

Болалар мусиқа чолғулари асосан иккита гурухга, яъни товуш баландлигига эга бўлган (мелодик) ҳамда уриб чалинадиган (мелодик булмаган) чолғуларга бўлинади.

1. Уриб чалинадиган (мелодик бўлмаган) ритмик чолғулар: дойра, ногорачалар, кайрок, клавес, блоклар, тамбурин, барабан, марокас, учбурчак, румба, ёғоч кошиклар, тарелкалар. Шу чолғуларнинг баъзиларининг тавсифини келтирамиз:

Клавес – палисандр дарахтидан тайёрланган иккита таёқча, бир бирига уриб овоз чиқарилади. Уларни ушлаганда (бош ва кўрсаткич бармоқлар ёрдамида) ёғоч учалри буш булиши керак.

Барабан – икки тарафи тери билан копланган темир цилиндр. Товуш ёғоч таёқчалар ёрдамида марказига уриш орқали ҳосил килинади.

Марокас – иккита пластмасс шар, уларнинг ичида тошчалар харакатланади. Бу чолғунинг товуши оғирроқ бўлгани учун болани тез чарчатади. Шунинг учун эҳтиёт бўлиб фойдаланиш зарур. Қўлда ушлаб, майин харакат билан силкитиб товуш ҳосил қилинади.

Учбурчаклар – чалиш пайтида осиб қўйилади ёки чап қўлда тасмачасидан ушлаб турилади ва ўнг қўлда металл тайёқча билан урилади. Тез темпда таёқчани учбурчакнинг ички икки ёнига уриб «тремало» ижро этиш мумкин. «Нозик», «ялтирок», киска товушга эга.

Тарелкалар – барабанчага мустаҳкамланади ёки чап қўлда ушлаб турилади. Иккита ёғоч тайёқча билан баробар ёки алоҳида-алоҳида чалиш мумкин.

2. Мелодик чолғулар: товуш баландлигига эга бўлган металлофон, ксилофон, металлофон ва ксилофон альт (C1-C2), металлофон ва ксилофон сопрано (C2-C3), кўнгироқчалардан иборат:

Бу чолғуларнинг асосий созланиш тоналлиги – До мажор. Алмаштириладиган пластинкалар яқин тоналликларда ижро этиш имкониятини беради. Энг пастки товуш доимо тоника бўлади. Ижро пайтида чолғулар ўкувчининг бел қисми баландлигига булиши лозим. Таёқчаларни бош ва кўрсаткич бармоқлар орасида енгил ушлаш керак. Бунда қўллар тирсақдан билакларгача эркин ҳолатда булишига эътибор тортилади. Аввал болаларга товушни икки қўл билан ҳосил қилиш таклиф қилинади. Бунда иккала қўлнинг баландлиги бир хил бўлиши лозим.

Хар бир чолғунинг ўз таёқчалари бор:

- ксилофонда – қаттиқ пробкали таёқчалар билан чалинади.
- металлофонда резина таёқчалар билан ижро этилади.
- кўнгироқчаларда – ёғоч таёқчалар билан ижро этилади.

Булардан ташқари чолғуларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд.

Товушсиз чолғулар.

Буларга мусиқий чолғуларни ифодалайдиган ўйинчоқлар киради. Масалан, товушсиз фортепиано, рояль ва бошқалар. Булар болаларга ўйинни қизиқтириш учун хизмат қиласиди. Мусиқий ўйинлар эса ижодий ва мусиқий эшитувни ривожлантиради.

Товуш баландлиги аниқ бўлмаган чолғулар — барабан, шақилдоқ, учбурчак, қофора, сафойил, қутича, кастанета.

Фақат бир товушни берувчи ўйинчоқ — чолғулар.

(булар ритмни чалиш учун қулай бўлади) — сурнайча, най, рожки, сверель ва бошқалар.

Маълум бир куйнигина ижро эта оладиган чолғу ўйинчоқлар.

Масалан мусиқий шкатулка, мусиқий қутича. Буларни чалиш механик тус олади.

Хроматик ва диатоник товушқаторли ўйинчоқ-чолғулар — металлофон, пианино, рояль, кларнет, саксофон, лаб гармони, баян ва бошқалар.

Урма зарбли чолгулар.

Ёғоч қошиқлар. Бу чолғу болалар боғчаларининг ансамбларида, мусиқа машғулотларида ва байрам тантаналарида ижро этилади. Бу чолғу болаларнинг римтик ҳиссини ривожлантиради. Учбурчак — ансамбль, оркестр ва қўшикларда жўр бўлади. Товуш асбобга енгил урилиши билан ҳосил бўлади.

Мусиқий болғача — икки томонлама пласмассадан ясалган болғасимон чолғу. Болға даста ва ҳаво тўлдирилган товушчиқарадиган асосдан ташкил топган. Бу ўйинчоқ — чолғу кичик грух болаларида катта қизиқиш уйготади. Ундан ташқарии ўрта грух болаларида ритмни ҳис қилишга ўргатади.

Қўнғироқлар. Бу чолғулар шакл жиҳатидан катта-кичик бўлади. Бу болаларда мусиқий эшитув қобилиятини ривожлантиради. Турли шаклдагилари турли баландликка эгадир. Масалан катталиги жиҳатидан турли бўлган учта қўнғироқларни кўллашдан мақсад болалар товушларни юқори ва пастларини фарқлай оладилар. Оркестрларда катта қўнғироқлар мавжуд. Бу айrim куйларда пастки товушни алоҳида ижро этиш учун белгиланган.

Металлофон. Бу асбоб ёғоч таёқчала рва таёқчаларга уларган метал пластинкалардан иборат.

Мусиқий зина — етти босқичдан ташкил топган товушқаторни эслатадиган зина. Зинанинг асоси ёғоч ёки металл. Бу чолғу иккита таёқча билан ижро этилади. Бу болаларда ноталарнинг жойлашуви ва юқорига йўналишини кўрсатиб беради. Бу чолғуда ижро этиш катта ва мактабга тайёрлов грух болаларига мўлжалланган.

Урма клавишили чолгулар.

Пианино, рояль. Бу чолғулар катта ва мактабга тайёрлов грух болаларига мўлжалланган. Бу асбобларни машғулот давомида ва машғулотдан ташқари вақтда ҳам фойдаланиш мумкин. Машғулот давомида мусиқий дидактик ўйинлар жараёнида тадбиқ этилса, боланинг машғулотга қизиқиши ошади.

Дамли чолгулар

Дамли чолғуларга кларнет, саксофон кабилар киради. Уларда ижро этишни индивидуал тарзда ўзлаштирилади.

Дамли гармоника. Бу асбобда товуш ҳосил қилиш учун пулфлаб клавишиларини босиши билан чалинади. Асбоб 6-7 ёшли болаларга мўлжалланган.

Триола асбоби. Ранг-баранг клавишларга эга бўлган болалар мусика чолғуси. Бу асбобда пулфлаш билан бирга клавишларини босиб товуш чиқарилади. Бу асбоб ёқимлилиги билан бошқа асбоблардан фарқ қиласди.

Дойрада ижро этишдаги ҳолат.

Дойрада белни буқчайтирмасдан, ўтириб, кифтларни эркин, бошни тўғри тутиб, тирсаклар танадан сал нарирокда ушлаган ҳолла чалинади. Дойра икки қўл билан, нотани қўриб туриш учун қўлларни танадан сал чапроққа қайириб ушлаб чалинади.

Ўнг қўл: бош бармоқ дойра гардишини ташқи томонига, қолган панжалари эса дойранинг пардаси (мембронаси)га зарб уриш учун эркин ҳолатда ушланади.

Чап қўл: бош бармоқ гардишни ички томонида туради, қолган бармоқбар эса товуш чиқариш учун хизмат қиласди. Дойранинг вазни асосан чап қўлга тушади.

Дойра чалиш усуллари

Дойра муайян бир товуш баланд-пастлигига эга бўлган урма чолғу асбоби гуруҳига киради. Дойра турли-туман ритмик ва динамик имкониятларга эга бўлиб, дойрачи икки қўл ва барча бармоқларнинг зарбларидан фойдаланади.

Кичик ноғоралар

Кичик ноғоралар маълум бир созда созланмайди, лекин уни оловда ёки электр иситгич олдида қиздирилганда товушнинг жарангдорлиги кучаяди. Иккала кичик кўзалар сози бир-бирига нисбатан тахминан квартага тушади. Бу асбобларга ёғоч таёқча билан уриб товуш чиқарилади. Ноғоранинг бирмунча чукқурроқ товуши ўзига хос тус билан ажралиб туради. Ноғора партиясини ёзиш учун битта чизиқдан фойдаланади. Нота чўзимлари чизиқнинг устига ёки остига ёзилади. Чизиқнинг остига ёзилган ноталар пастроқ создаги кўзачага урилади, устига ёзилгани эса юқори создаги кўзачага урилади.

Сафойил

Сафойил — жарангдор чолғу бўлиб, 2 та ёғоч дастачаларга маҳкамланган, 2 та катта буралган халқалардан иборат. Ҳар бир катта халқага 15 тадан кичик халқачалар ўтказилган. Бу халқачаларнинг жарангги ўнг еткага уриб ёки ҳавода тез-тез ҳаракат билан олдинга силкитишдан келиб чиқади. Сафойил партияси битта нота чизигида ёзилади.

Кутича

Кутичалар қаттиқ дараҳт туридан ясалиб, ҳар хил йириклиқда бўлиши мумкин ва унга ёғоч чўплар билан уриб чалинади. Кутичани чап қўлда ушлаб, ўнг қўл билан ёғоч чўпларини қутичанинг ўрта қисмига ўриб чалинади. Баъзан бир жуфт ёғоч чўп билан ҳам ижро этилади. Бунда қутича стул устига қўйиб чалинади.

Кичик гуруҳларда чолғуларни ижро этишига ўргатиш малакалари

Мусиқа чолғуларида ижро этишига ўргатиш кичик ёшдан бошланади (2-3 ёш). Болалар мусиқа чолғуларининг товуш баландлигини фарқлай олишга эришиш керак. Шиқилдоқ ва бубенларни фарқлаши керак. Болалар билан ишлаш жараёнида мусиқий ўйинчоқлардан фойдаланилади. Масалан сурнайча ва бошқа ўйинчоқлар асбобларга нисбатан қизиқиш уйғотади.

Болалар билан турли дидактик ўйинларда чолғуларни қўллаш мумкин. Масалан, урма зарбли чолғулар болаларда катта қизиқиш уйғотади. Болаларда ритмни ҳис қилиш туйғусини ривожлантириш айнан шу ёшдан бошлаш керак. Турли зарбли урма чолғу ўйинчоқлардан фойдаланиб, ритмнинг аниқ ижросига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта ёшида ижро этиши

Ўрта гуруҳ болаларида ижро этишига зарбли чолғуларга яна бир янги чолғу қўшилади. Бу металлофонда ижро. Бу чолғуда болаларнинг ҳисси, хотираси ва эшитиш қобилияти ривожланади. Болаларга чолғуни мусиқа машғулоти давомидатанишириш керак. Лекин унда ижро этиш ва маълум бир кийни ўргатиш эса машғулотдан ташқарии ўтказилади. Металлофонда ижро этишига ўргатишдан олдин унинг таёқчасини тўғри ушлашга, у билан тўғри фойдаланиш, товуш чиқариш устида ишлаш керак. Масалан, таёқчани қўлинин қаттиқ зўриқтириб ва қисиб ушласа талаб этиладиган товуш чиқмайди. Бирор бола ижро этишига таклиф этилади. Уни болалар қузатиб туришади. Бола қўлидаги таёқчани қисиб ушлаётганини мусиқа раҳбари тушунтириб беради.

Катта гуруҳ

Катта гуруҳ болаларига ижро этишни ўргатар эканмиз улар олдига янада мураккаброқ масалани қўямиз. Уларга таниш бўлган қўшиқларни ва куйларни якка ва оркестрда ижро этишига ўргатамиз. Бу даврда болалар мусиқа асбобларининг барчасини қўлласак бўлади. Айнан шу даврда болаларга

ижодкорлик малакаларини ҳам шакллантириш мумкин, чунки болалар чолғу асбоб ҳақида етарли даражада малака ва кўникмаларга эга. Улар фақат ритм ёки жамоа бўлиб бир нотани ижро этардилар. Энди бу даврда ҳар бир чолгунинг индивидуал партиясини ижро этишлари талаб қилинади. Бу болаларда ўзларини партияларини ижро этиш билан бир қаторда ёнидаги ўртоғини ҳам ижросини тинглай олиш мақсадда тутилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳи

Мактабгача тайёрлов гурухи болалари ижросига алоҳида эътибор берилади. Бу даврга келиб болалар чолғу асбоблари билан батафсил танишадилар. Унинг имкониятларини тўлиқ ўрганиб чиқадилар. Болалар нафақат мусиқа раҳбари, балки ўzlари мусиқий ансамбл тузадилар. Бу даврда ижрога ҳар бир машғулотда 5-10 дақиқа сарфлаш керак. Бу жараён тизимиликни ва изчиликни талаб қиласди. Қўланилаётган асарлар мураккаблашиб боради.

Ўргатиш вазифалари.

Мактабгача ёшдаги болалар тарбия дастурига кўра чолғуларда ижрочиликка ўргатиш ишларини катта, ўрта ва мактабгача тайёрлов гуруҳларида олиб бориш кўзда тутилади. Дастур мазмунига кўра қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. Болаларда катталар ижро этган асарларни идрок этиши;
2. Болаларда чолғу малакаларини ошириш.

Болалар қуйидагиларни билишлари лозим.

1. Чолғулар ном ива уларнинг кўринишлари.
2. Чолғуларнинг жаранглаш характеристи.
3. Чолғулардан фойдаланиш йўллари.
4. Турли чолғуларда баланд ва паст жойлашуви.
5. Ноталар номларини ва уларни асбобларда жойлашуви.

Болалар қуйидагиларни ўрганишлари лозим:

- а) Турли чолғу асбобларида ижро этишнинг оддий усулларини;
- б) Пуфлаб чалинадиган асбобларда нафасни тўғри сарфлаш;
- в) Учбурчак ва тарелкалар (шу жумладан барча урма-зарбли чолғулар)ни чалганда товушни пасайтира олиш;
- г) Ансамблни хис қилиш, ансамбл темпига эътибор бериш ва шу темпда ижро эта олиш;

д) Ритмик ва мелодик машқларни эркин ижро этиш ва импровизация қила олиш.

Болаларга чолғу асбобларида ижро этишга ўргатишда бир қанча босқичлардан олиб борилади. Булардан:

- 1) чолғу асбобини ташки кўриниши билан таништириш;
- 2) бир неча машғулотлар давомида ижро асари болаларга таништирилади;
- 3) чолғу гурухларга бўлиб ўргатилади;
- 4) умумий машғулотларда бошқа чолғулар билан таништирилади.
- 5) уриб чалинадиган чолғуларга камроқ меҳнат талаб этилади. Шунинг учун 1-машғулотда 2-3 та чолғу асбобини таништириш керак.

Болалар чолғуларида ижрого ўргатиш методлари

Асбоблар турли гурухларга бўлинганлиги учун уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндошмоқ лозимдир. Мусика чолғуларида ижро этиш методикасида пухта ўйлаб чиқилган дастур асосида олиб борилади. Улардан:

- асарнинг ифодали ижроси, ижро усулларини кўрсатиш ва тушунтириш;
- болаларга асбобларни мустақил ушлаб кўриш, уни қўздан кечиришга бериш;
- улар олдига мураккаб бўлмаган ижро вазифаларини кўйиш;

Бу методларни уйғунликда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Асарга қўйилалигандан талаблар.

1. Болалар ёшига ва билим даражасига мослиги.
2. Бадиий ва тасаввурга бойлиги.
3. Тарбиявий аҳамиятга эгалиги.
4. Ижронинг қулайлиги, енгиллиги ва равонлиги.
5. Ритм жиҳатдан аниқлиги.

Энди 2та асарни ижро методини кўриб чиқамиш.

1. Н.Норхўжаевнинг «Наврўзим — шўх созим»
2. Ўзбек халқ куйи «Яллама — ёрим»

«Наврўзим — шўх созим»

Х.Рахмат шеъри Н.Норхўжаев мусиқаси

Асар қўшиқ бўлиб, катта гурух болаларига мўлжалланган.

Асарда барча асбоблар (рубоб, соз, танбур, қонун, дойра, ноғора, сафойил, қутича) иштирок этади.

1. Асарнинг кириш қисмини фортепиано жўрлигига дойра ва ноғора ижро этишади. Қолган асбоблар ижро этишмайди. Бунда болаларга ўзлари ижро этгунларига қадар дўстларини ижросини диққат билан тинглашга ундейди.

2. Асосий қисмда барча чолғулар ўз партияларини ижро этишади. Бу жараёнда болаларда бирга бошлини ва темпдан олдин шошиб ёки орқага чўзиб қолишни бартараф этишга қаратилшган, яъни болалар ўзлари ижро этатган асбобдан ташқари ёнида турган ўртоғининг чалишини эшита олиши ва камчиликларини айта олишга эришиш керак.

3. Асарда берилган узун ва қисқа чўзимли ноталарни текис ижро этишлари.

4. Бу асарада сафойил ва қутича фундамент, яъни асос вазифасини бажаради.

5. Асар қўшиқ бўлганлиги учун гурухнинг бир қисм болалари чолғуларда ижро этишса, бир қисми эса қўйлашлари мумкин.

Бу қўшиқ байрам тадбирлари репертуаридан кенг жой олиши мумкин.

«Яллама ёrim» (Ўзбек халқ куйи)

Куй мактабга тайёрлов гуруҳи болалари ижросига мўлжалланган.

Асарни фактура жиҳатдан мураккаблиги учун 4-5 машғулот дараёнида ўрганилади.

Асарни ўрганиш жараёнида мусиқа раҳбари асбобларни гуруҳларини машғулотдан ташқарии йигиб тайёрлаши керак, чунки машғулот давомида болалар билан ижро устида ишласа қолганлари зерикади ва кутишдан чарчашади. Бу ўрганиш жараёнини ва болалар қизиқишини сустлаштиради. Асарни ўрганишда машғулотларни аниқ вазифаларга йўналтириб ўтилади:

1-машғулот. Мусиқа раҳбари асарни ифодали ва қизиқарли қилиб ижро этади. Мусиқа раҳбари болалардан: «Бу асарни ижро этишда қандай асбоблардан фойдаланса бўлади ёки «Бу асар қандай жанрга мансуб?» - деган саволни ўртага ташлайди.

Бу болаларда рақс жанри ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишлари мумкин.

2-машғулот. Мусиқани яна бир бор ижро этгандан кейин баҳс бошланади. Болалар ўз тасаввурлари ва фикрлаш қобилиятларидан ва дунёқарашларидан келиб чиқиб турли жавобларни беришлари мумкин. Шунда мусиқа раҳбари болалар фикрини жамлаб якуний бир фикрга, яъни бу «халқ» куйи эканлигига келтиради.

3-машғулот. Мусиқа раҳбари фортепиано жўрлигига дойрада ижро этишга ҳаракат қиласи. Унда усул ҳисси кучли бўлган болани ижрога таклиф қиласи. Асар 2-3 марта ижро этилгандан кейин болалар хотирасида қолади. Куйни

овозда тахминий ижро эта олганларидан кейин қолган зарбли урма чолғуларни ижрөгө қүшса бўлади.

4-машғулот. Машғулотдан олдин асбобларни созлаб болаларга ўргатиш керак. Чунки болалар ҳаяжонланиб, ижро этишлари қийинлашади. 2-3 марта оркестр чолғулари (рубоб, соз танбир, дутор, танбур, қонун) биргаликда ижро этишлари яхшилангандан кейингина урма зарбли чолғуларни бирлаштиrsa бўлади.

Машғулот давомида яхши ижро этишганидан сўнг бирор бир чолғуга бошқа болаларни иштирок эттиrsa бўлади. Чунки ҳар бир бола ижро этиб кўришга ўзини оркестр чолғучиси сифатида кўришни хоҳлайди.

5-машғулот. Оркестр жўрлигига қолган болаларга рақс элементларини ўргатилса, улар рақсга тушишади, яъни байрам тадбирида бир гуруҳ болалар ижро этишса, иккинчи гуруҳ болалари рақсга тушишади. Бунда болалар байрам вақтида зерикишни ҳис қилишмайди ва ҳаммалари иштирок этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, болалар чолғуларида ижро этишга ўргатиш, ва уни ҳаёти давомида қўллаш болаларга катта завқ улашади. Улар ўзларини созандা сифатида кўрадилар. Бу уларда ижрочилик иқтидорини шакллантиришга бир туртки бўлиши ҳам мумкин.

Мусиқа машғулотлари

“Уч минг йилликнинг боласи” мактабгача таълим муассасаларининг дастури давлат ҳужжати бўлиб, мусиқа раҳбарини таълимиy-тарбиявий иши, болаларни баркамол тарбиялаб мактаб таълимига тайёрлашини назарда тутади. Мусиқа машғулотларини режалаштирап экан, педагог болалар ақлий, жисмоний, эмоционал юкламаларини ҳисобга олиш керак ва шунга кўра ўрганадиган репертуар ва фаолият турларини кетма-кетлигини тўғри тузиш керак.

Ўқув материалини мураккаблигига кўра хилма-хилдир: кўпроқ ақлий фаолияти, дикқатни талаб қиласидиган вазифаларни машғулотлар бошида бериш керак. Куйлашдан олдин мураккаб жисмоний машқларни бериш мумкин эмас, чунки бундай машқлар болаларни нафас олишларини қийинлаштиради. Амалиётга кўра фаолият турларини қўйидагича бериш мақсадга мувофиқ.

Машғулот бошида кичик мусиқий-ритмик машқлар улар бирорта рақс элементлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳаракатлар бола дикқатини жамлайди.

Ритмик машқлардан сўнг болалар ўтирадилар ва мусиқа тинглайдилар. Кейин эса қўшиқ куйлашга ўтадилар. Болалар бир машқ давомида 2-3-та қўшиқ

куйлашади. Масалан, марш, рақс, қўшиқ жараёнида мусиқа саводидан хабардор бўладилар. Бундай машғулотлар мавзули машғулотлар дейилади.

Яна бири бу комплекс машғулотлардир. Бунда болалар билан фақат мусиқа, балки, адабиёт ва тасвирий санъат билан шуғулланадилар. Бундай машғулотлар асосида учта санъатни бирлаштирувчи бадиий образ ётади. Масалан, “Қиши завқи”, “Куз келди”, “Баҳор”.

Ҳар бир боланинг мусиқий қобилиятини ва мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама таълим-тарбия берувчи машғулотлардир. Уларда ҳар хил фаолият турлари: куйлаш, ритмик ҳаракатлар бажариш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи билан танишиш каби фаолиятлар узвий боғлаб олиб борадилар. Мусиқа фаолиятини бажариш болаларни фаолроқ бўлишларига асос бўлади. Ташкил этиладиган байрамлар ҳам қизиқ ва муваффақиятлироқ ўтади.

Мусиқа машғулотлари бутун гуруҳ билан бир вақтда ўтказилади. Унинг мазмуни ва тузилиши болалар ёши ва бериладиган вазифаларга боғлиқ. Бир яшар болаларда машғулотлар қисқа ўтади.

Бир ярим яшар болаларда 10-13 дақиқа олиб борилади.

Мусиқа машғулотлар 2-гуруҳдан бошлаб ҳафтасига икки марта ўтказилади. Мусиқа мазмуни – қўшиқ ўргатиш, мусиқа тинглаш, ритмик ҳаракатлар бажаришни қамраб олади. Болаларни билим ва малакаларига кўйилдиган талаблар ҳар бир гуруҳ учун фаолият турига қараб тузилади.

Бундай машғулотларнинг қийинлиги шундаки, болаларнинг диққатини бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга кўчириш керак бўлади. Шу кетма-кетликни режа асосида амалга ошириш мураккабдир. Чунки болаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олсак улар бугун ўрганган асарларини кейинги сафар унутишлари мумкин.

Мусиқий эрталиклар ва байрамлар

Мактабгача таълим муассасаларидағи эрталиклар ва байрамлар давлатимизнинг муҳим воқеалари билан боғлиқ тарзда ташкил этилади. Турли хил байрамларга бағищланган эрталикларда болалар мамлакатимизнинг муҳим саналари ва байрамлари билан танишиб борадилар. Бундай эратликларда мусиқа асосий ўринда туради. Бундай эрталикларда болалар қўшиқ куйлайдилар, рақсга тушадилар, болалар мусиқий чолғуларида ижро этадилар. Бундай байрам-эрталиклар учун атайлаб сценарийлар ёзилади. Сценарийлар мавзуси байрам рухига яқин бўлиши, турли хил шеърлар, куй ва қўшиқлардан ташкил топган бўлиши керак. Демак, байрам эрталикларидағи репертуар хилма-хил бўлмоғи лозим. Танланадиган репертуарнинг мазмуни байрам

мазмуни билан ҳамоҳанг бўлиши муҳим. Давлатимиз байрамларидан ташқари мактабгача таълим муассасаларида ҳайрлашув кечалари ҳам ташкил этилади. Бунда асосан, тайёрлов гуруҳлари болалари иштирок этиб, улар боғча билан ҳайрлашиб мактабга йўлланма оладилар. Байрам эрталикларидағи сценарий мусиқий фон остида намойиш этилади. Шунинг учун мусиқа раҳбари ҳар бир, ҳодиса ва ҳолатлар учун мос бўлган мусиқа намуналарини танлаши ўта муҳим шартлардандир. Бундан ташқари кеча ўтказиладиган залларни ҳам байрам кайфиятига мос жиҳозлаш даркор. Юқоридаги шартларни бажарилиши байрам-эрталикларни кўтаринки руҳда ўтказилишини таъминлайди.

Мусиқа раҳбари (ўқитувчиси)га қўйиладиган асосий талаблар

Замонавий педагогика таълим тизимининг мақсади, янги тоифага мансуб бўлган мусиқа ўқитувчининг умумий ва касб камолотига эришишдан иборат, чунки умумий ўрта таълим мактаби раҳбари олдига унинг касб малакасига ва шахсий ҳислатларига нисбатан юқори талаблар қўймоқда.

Ҳар қандай педагоглик касби мураккаб ва серқирра жараёндир, шунинг учун бу касб қайси соҳага тегишли бўлмасин, мусиқий раҳбар олдига кўпгина талабларни қўяди. Таълим-тарбиянинг барча соҳаларининг мақсади баркамол шахс тарбиясидир. Лекин бу борада мактабгача таълим муассасаларидағи эстетик туркумга киравчи фанлар – мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги асосий ролни ўйнайди. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларидағи “мусиқа” машғулотлари мусиқий раҳбарлари ҳам маҳсус билимлар, кўникма-малакалар, педагогик қобилият ҳамда педагогик маҳоратга эга бўлмоқлари лозим. Маълумки, “мусиқа” машғулотлари тўртта мусиқий жараённи ўз ичига олади:

1. Қўшиқ куйлаш;
2. Мусиқа тинглаш;
3. Мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажариш.
4. Болалар мусиқий чолғу асбобларини чалиш.

Мана шу тўртта жараён бир-бири билан узвий боғланган ҳолда ўтилиши мақсадга мувофиқдир. Болаларда юқори натижаларга эришиш учун мусиқа ўқитувчиси мусиқий билимларни: гармония, полифония, сольфеджио, мусиқа назарияси, мусиқа тарихи, мусиқа адабиёти, мусиқий асар таҳлили ва яна бирорта мусиқий асбобни чалишни билиши зарурдир. Лекин юқорида айтилган билимларни эгаллашнинг ўзи етарли эмас.

Мусиқа (раҳбари) ўқитувчиси машғулот жараёнида мусиқа ҳақида болаларга жуда қизиқарли, саводли ва образли қилиб, ҳар хил иллюстрацияларни қўшган ҳолда гапириб бера олиши ҳам керак.

Бирор композитор ёки бастакорларнинг асарини ўрганиш жараёнида, шу асар ҳақида, асарнинг муаллифлари ҳақида, асар яратилган давр ҳақида тўлиқ маълумот бера олиши зарур.

Асарнинг лади, тонлигини, тузилишини, аккордлар функциясини ва ҳоказоларни билиши лозим.

Булардан ташқари мусиқа ўқитувчиси олдига амалий вазифалар ҳам қўйилади:

1. Берилган қўшиқни кўйлаб бера олиши;
2. Кўйга аккомпонимент чала билиши;
3. Бемалол транспозиция қила олиши;
4. Дирижёрлик қила олиши керак ва бошқалар...

Мусиқа ўқитувчиси нафақат ўз предметини, балки фалсафа, эстетика, психология, педагогикани яхши билиши ва ўз иш фаолияти давомида қўллай олиши шарт.

Мусиқанинг таъсирчанлигини, унинг моҳиятини тўлиқлигича болалар онгига етказиш педагогиканинг энг қийин муаммоларидан биридир. Мусиқа ўқитувчиси “Мусиқа маданияти” дарсларида болаларда қуйидаги фазилатларни шакллантириши лозим: Дўстлик, ватанпарварлик, садоқат, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ҳоказо.

Болаларда юқорида санаб ўтилган фазилатларни шакллантириш учун мусиқий раҳбар бир қатор вазифаларни бажариши керак:

- 1) Болаларни мусиқани севиш ва тушунишга ўргатиш;
- 2) Болаларнинг бадиий ва эстетик дидларини шакллантириш;
- 3) Болаларда мусиқий қобилиятни ривожлантириш;
- 4) Болаларнинг мусиқа саводи, мусиқа тарихи, мусиқа адабиёти, қўшиқ кўйлаш каби мусиқий билимларини ҳамда тушунчаларини кенгайтириш.

Санаб ўтилган фазилатларни шакллантириш учун, аввалам бор мусиқа ўқитувчиси дарсларни юқори профессионал даражада ўтиши зарурдир. Дарсдан кутилган натижаларни олиш учун машғулотларда таълим тамойилларига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги ривожланиш жараёнида кўпчилик мактабгача таълим муассасалари, мактаблар компьютерлар, мусиқий марказлар, телевизор, радио каби бир қатор янги ахборот технологиялари билан жиҳозланмоқда. Бу технологиялардан мусиқа маданияти машғулотлари, дарсларида ҳам фойдаланиш юқорида келтирилган шахсий фазилатларни шакллантиришда жуда қўл келади.

Мусиқа (раҳбари) ўқитувчиси ўтиладиган машғулотларини маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда, таълим-тарбияни узвий боғлаган ҳолда, аниқ бир режа асосида олиб борса, машғулот ва ундан олинадиган натижа юқори бўлади. Мусиқа (раҳбари) ўқитувчиси ўзининг ҳамда болаларнинг машғулот давомида қиладиган таълимий-тарбиявий ҳатти-ҳаракатларини ҳар хил қизиқарли усулларини ишлаб чиқиши лозим. Бунинг учун мусиқа ўқитувчиси қуидаги нарсаларни билмоғи даркор:

1. Болаларининг мусиқий фаолиятларини уюштириш шаклларини;
2. “Мусиқа маданияти” дастури мазмунини, унинг ғоявий-назарий асосларини, дидактик усул ва тамойилларини;
3. Болаларнинг ёш хусусиятларини;
4. Мусиқа машғулотлари (дарслари)да ўрганиладиган асарларнинг бадиий хусусиятлари, тарбиявий аҳамиятини;
5. Мактабгача таълим муассасаларида, мактабда ва мактабдан ташқари олиб бориладиган машғулотларнинг самарали шакл ва усулларини ташкил этишни;
6. Мусиқа машғулотлари (дарслари)ни конструкциялаш: режа-конспект тузиш, керакли мусиқий асарларни тўплаш, мусиқани ўргатишнинг унумли йўлларини излаш;
7. Педагогик масалаларини формулалаш ва ечиш;
8. Болаларнинг мусиқий қобилиятларини очиб берувчи ижрочилик мусиқий фаолиятларини уюштириш (Байрам эрталиклари ташкил этиш);
9. Болаларда мавжуд бўлган билимларни, янги билимларни ўзлаштиришга йўналтириш ва ҳоказолар.

Мусиқа машғулотлар (дарслар)и болаларга ўз миллий мусиқий тарихлари, мусиқанинг элементар назарияси, жаҳон мусиқа санъати намоёндаларининг ижоди ҳақида тушунчалар бериш, уларда мусиқий маданиятни, одобни ва нафосатни тарбиялашга асос солади.

Болаларда куйлаш малакаларини тарбиялашнинг ўз қийинчиликлари бўлади. Болалар ҳали асарни тўла таҳлил қила олмайдилар. Шунинг учун аввалам бор мусиқий раҳбар ўзи қўшиқни намунавий тарзда куйлаб бермоғи лозим. Агар қўшиқ ёзув лентасида ёзилган бўлса, магнитофонда қўшиқни бирор бир болалар хорлари ижросида эшилтириш ҳам яхши натижа беради. Кейин қўшиқни қайта-қайта куйлаб ёд олинади. Қайта куйлаш усулининг иккита шарти мавжуддир:

- 1) Бола куйлаётганда айнан нима қилиши ва нимага эришиши мумкин бўлган, пухта, аниқ билимга эга бўлиши лозим.

2) Бола нимага эришганини, ҳар бир машқнинг қандай натижа берганини, қандай хатоларга йўл қўйилганини билиши керак ва кейинги машқларида хатоларни бартараф этиши лозим.

Биринчи шартнинг тўғри бажарилиши учун мусиқа саводхонлиги жараёнини куйлаш жараёни билан боғлиқлиги, мантиқан бир-бирига мослигига эътиборни қаратиш даркор. Иккинчи шартнинг бажарилиши қайта куйлаш машқининг маълум бир мақсадга қаратилганлигига боғлик. Бунда мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) ҳар гал қайта куйланганда машқни болалар билан ўз вақтида таҳлил қилиб бориши зарур. Мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) куйлашда яхши натижаларга эришиш учун қуидаги тадбирларни ўтказиши тавсия этилади:

- 1) Болаларни оҳангдошликни ҳис этишларига эришиш;
- 2) Ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш;
- 3) Иложи борича миллий чолғу асбобларидан фойдаланиш;
- 4) Машғулот (дарслар)да фаол қатнашган, қобилиятли болаларни мусиқа тўгаракларига жалб этиш.

Болалар мусиқа машғулотларида фақат қўшиқ ўрганиш ёки мусиқа ритмик харакатларни эгаллаш билан чекланиб қолмай, балки мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) ижросида, пластинка ёки магнит ленталари ёрдамида мусиқа асарларини тинглайдилар, идрок этадилар. Мусиқа асосларини болаларга тушунтириш ва таништириш болаларнинг мусиқий билим савиясини кенгайтиради. Мусиқа асарларини эшитиш машғулотларни мазмунан бойитади, хилма-хиллигини оширади, машғулотларни ҳаяжонли ўтишига катта ёрдам беради.

Болалар билганларича жавоб берадилар. Мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) болаларга қўргазмали қуроллар ёрдамида ўзбек миллий чолғу асбобларини кўрсатиб, бирма-бир таништириб чиқади, болалар билан фикр алмашади. Болаларда чолғу асбобларида ижро эта олиш учун тўгаракларга қатнашишни тавсия этади.

Кўриб турганимиздек, мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) фақатгина қўшиқ куйлашни эмас, балки бир қатор мусиқий-назарий билимларга эга бўлмоғи шарт. Мусиқа машғулотлари ҳоҳ у қўшиқ куйлаш бўлсин, ҳоҳ мусиқа тинглаш бўлсин, ҳоҳ назарий билимлар бўлсин ёш авлодни ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган ҳар тамонлама етук шахс қилиб шакллантиришга асос солар экан.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мусиқа машғулотлари (дарслари) орқали мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) болаларда юксак маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятни, миллий ғурур, ватанпарварлик тарбиясини, нафосат ва

бадиий дидни ўстиришга, тафаккурларини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қиласы.

Мусиқа үқитиши методикаси педагогик принциплар тизимида

Мусиқа маданияти машғулотларлари педагогиканинг дидактик назарияси ва принциплари асосида тузилади. Мазкур принциплар мусиқа раҳбари ҳамда бола томонидан бажариладиган барча таълим асослари- машғулотлар мазмунининг методлари ва машғулотларларнинг тузилишидаги асосий талаблар ва унинг йўналишларини белгилаб беради. Мазкур принциплар асосан, ўқув материалларини қўллаш, мусиқа машғулотлари (дарслари) мазмуни ва режасини тузиш жараёнида қўлланади. Юқоридаги қайд этилган умумдидатик принциплари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, мусиқа машғулотларини давлат таълим стандартига мувофиқ миллий хусусиятларини асос қилиб мусиқа фаолияти изчиллигини таъминлади.

“Мусиқа маданияти” дарсларининг дидактик принциплари бир неча турдан иборат:

1. Мусиқа таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик принципи.

Мусиқа таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик принципи ҳар бир машғулотларда ўзининг тузилиши ва мазмуни билан илмий асосда ташкил топиши лозим. Мусиқа хақидаги билимлар дойраси, мусиқа таълими ва тарбиясининг асосий омилидир. Унда инсоният яратган мусиқага оид қоидалар, хуносалар, умумлашган мусиқий тажрибалар ўз аксини топган. Уларни ўзлаштириш - мусиқа амалиёти йўлида билим ва қўникмалар ҳосил қилиш демакдир. Машғулотлар (дарслар) жараёнида ўқув материалларини болаларнинг билим тажрибасига мослиги, болалар овозининг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиш, нота қонуниятларини тўғри ўргатиш, асосларини болаларнинг фикрий қобилиятига мос равишда таҳлил этиш машғулотларининг илмийлик принципларини ташкил этади. Илмийликни, тизимлиликсиз амалга ошириш қийин. Машғулот (дарс)ларнинг барча ўқув фаолиятини ҳамда кейинги машғулот (дарс)ларнинг ўзаро мантиқий боғланиши тизимлилик асосини ташкил этади. Куйлаш ва тинглаш учун асарларни билим ва малака даражасига кўтариб, соддадан мураккабга, номаълумдан маълумга қараб ўзлаштириб бориш принциплари муайян тартибга мос бўлиб, тизимлилик демакдир. Машғулотларнинг ҳар бир фаолияти ўз навбатида, ҳар бир машғулот, дарсларнинг мантиқий давоми бўлиб, педагогик мақсадларни тобора амалга ошириши давомийлик принципи демакдир.

Мусиқа дарсларида мусиқий билимларни ўзлаштириш мукаммал ўйланган ва асосланган тизим бўйича ўтилиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Бериладиган билимлар соддадан мураккабга қараб йўналтирилган бўлмоғи даркор. Ушбу принципнинг бузилиши болаларнинг ўқув материалини ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг мусиқа маданияти машғулот (дарс)ларига бўлган қизиқишларини сўндиради. Мусиқий билимларни тушунтиришда мусиқа раҳбари (ўқитувчиси), аввало, ўтилган мавзуларга таянмоғи лозим. Мусиқа саводи, жумладан, мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бериладиган билимлар аниқ тизимга солинган бўлмоғи керак. Янги тушунча ва билимлар аввал ўзлаштирилган билимларга асосланган бўлиши, аста-секин кенгайтирилиб ва чукурлаштириб борилиши лозим.

« ... оддийдан мураккабга ва чуқурроққа қараб борган ҳолда ўз дидимизни мумтоз мусиқанинг энг яхши намуналари, замонавий композиторларнинг энг яхши асрлари асосида тарбиялашимиз керак» (Д. Шостакович).

“Мусиқа маданияти” дарсларини тизимлиликка асосланган ҳолда ташкил этиш, мусиқий билимларни ўзлаштириш ва кўникма-малакаларни шакллантириш жараёнида болаларда ўзларига ишонч пайдо қиласи, руҳларини кўтаради ва мусиқа машғулотларларига бўлган қизиқишларини орттиради. Тизимлилик бузилса, болалар тез чарчайдилар, машғулотларга нисбатан дикқат ва қизиқишлари бўшашиб боради, машғулотлар материалыни ўзлаштириш пасайиб кетади.

Таълимда изчилликка риоя қилиш лозим, токи бугун олинган билимлар кечагисини мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганига замин яратсин. Шу маънода барча гуруҳларда мусиқий билимларни бериш тизими (мазмун)нинг таҳлил қилиш ҳамда уни тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

2. Машғулот (дарс)ларда болаларни онглилик ва фаоллиги принципи

Мазкур принцип дидактиканинг етакчи принципларидандир. Чунки, билимни ўзлаштириш боланинг ақлий фаолиятига асос бўлган билиш жараёнига боғлиқдир. Мусиқа идроки кишининг ҳаётий тажрибасини бойитади, реал воқеаларни бадиий ҳис этиб, билиш, фикрлаш қобилиятини ўстиради. Мазкур малака ва кўникманинг шаклланиши бола онгининг узоқ ривожланиш жараёнини талаб этади. Бунинг учун, боланинг ўқув материалларини онгли равишда билиб ўзлаштириш билим жараёнларини фаоллигини вужудга келтириши лозим. Маълум мусиқа асарини куйлаб ёки тинглаб ўзлаштириш ва ундан бадиий-эстетик, завқланиб, идрок этишда, боланинг энг аввало, дикқат эътиборини жалб эта билиш унда қизиқиш уйғота билиш, онглилик ва фаолликни вужудга келтиради. Мусиқани онгли идрок этиш ва ўз навбатида бадиий оҳанг ва мантиқий жиҳатдан хотирада турғун сақланишни талаб этади.

Мусиқа машғулотларида онглилик ва фаоллик айниқса, вокал-хор малакаларини шакллантирилиши учун зарурдир. Хор бўлиб қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, фаолиятларида ҳам онглилик ва фаоллик мусиқани назарий ва амалий жихатларини тўғри билиш ва ўзлаштиришни осонлаштиради.

3. Мусиқа машғулот (дарс)ларида кўргазмалилик принципи.

Мусиқа таълимида кўргазмали идрок этиш катта имкониятларга эгадир. Эслаб қолища кўргазмалиликнинг ўзи эмас, балки унинг нутқ ва амалий фаолият билан бириктирилиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам бошланғич гуруҳ болалари шахсини шакллантиришда қўлланиладиган мусиқий билимлар кўлами, мазмунини танлашда мазкур принципга мослигига алоҳида эътибор қаратилади.

Кўпинча кўргазмалилик принципини ўқув-билиш фаолиятидаги жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккурнинг узвий боғлиқлигини таъкидлаб, аниқ ва мавҳумнинг бирлиги сифатида, яъни хусусийдан-умумийга, аниқдан мавҳумга ўтиш; бошқа ҳолларда эса мавҳумдан муайян тушунча ва фактларга ўтиш тарзида талқин қилинади.

К.Д.Ушинский кўргазмалилик принципининг педагогик самараси ҳақида шундай деган: «...бу шундай таълимки, у мавҳум тасаввур ва сўзларга эмас, балки болалар бевосита идрок қиласидиган маълум образларга асосланади...». Мазкур принцип кўргазмали методни танлашда унинг илмий-дидактик вазифаларини назарда тутиб, эътиборни мақсадга мувофиқлигига қаратади.

Мусиқа тарбиясида мусиқанинг ўзи кўргазмали воситадир. Чунки, у кўз билан эмас, балки қулоқ билан идрок этилади. Мусиқа тинглашда ҳам, асар таҳлилида ҳам, оҳанг кўргазма сифатида чалиб кўрсатилади. Мусиқа раҳбарининг ўзи, нутқи, ижроси ҳам асосий кўргазма бўлиб хизмат қиласиди. Бундан ташқари, турли тажриба-синов материалларини: методик тавсиялар, машғулотлар ишланмалари, схема, жадваллар, бошқотирмалар, техник воситалар, кўргазмали карточкалар, график ёзувлар, расмлар,nota ёзувлари, назорат ва бошқа дидактик материаллар ва қўлланмаларни тайёрлашда ҳам ушбу принципга суюнилади.

4. Ўқув материалларининг болалар билим ва малакаларига мослиги принципи.

Мазкур принцип, дастурдан танлаб олинган ўқув материаллари ва мазкур методик материаллар асосида машғулотлар мазмунини тузиш жараёнида қўлланилади. Бунда ҳар бир гурухнинг умумий билим ва малака даражаси ҳисобига олиниши шарт. Дастур асосида ҳар бир гурухнинг билим ва малакалари ҳисобига олинган ҳолда, мусиқа машғулотларининг йиллик

календар-мавзули режаси тузилади. Календар-мавзули иш режасининг тузганда, унинг мазмунида болаларнинг ёш хусусияти, мусиқий ўқуви, янги қўшиқлар, мусиқа тинглаш учун асарлар, мусиқа саводидаги ўқув материаллари, машғулотлар фаолиятлари ҳисобга олинади.

5. Мусиқа машғулот (дарс)ларида билим ва малакаларининг мустаҳкамлиги принципи.

Мазкур принципни амалга оширишнинг энг асосий шарти, юқорида баён этилган тўртта принципга жиддий амал қилишдан иборатdir.

Биринчидан билим ва малакаларнинг чуқурлиги, мустаҳкамлиги ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим, яъни мазкур асарни ва унинг ижро услубини, маданий ҳаётимиз учун зарур эканлиги ҳақида болаларда ишонч ҳосил қилиниши лозим.

Иккинчидан асарларни танлашда қуйидагиларга амал қилиш керак:

а) Асарнинг болаларни бадиий ва ахлоқий тарбияси учун мослиги.

б) Мусиқа таълим мининг хусусияти.

с) Гуруҳдаги барча болаларни мазкур асарга қизиқтира олиш ва тўла ўзлаштиришга эришиш. Учинчидан машғулотларда олинадиган билимлар дойраси ва малакаларини амалиётда такрорлаш ва мустаҳкамлаш. Масалан: Қўшиқларни жумлаларга бўлиб ўргатиш ва кейинги машғулотларларда мустаҳкамлаб такрорлаш.

Тўртинчидан мусиқа машғулот (дарс)ларида ҳар бир янги билим элементи машғулотлар фаолиятида тўлиқ ўзлаштирилади ва кейинги машғулот (дарс)ларда кенг қўлланилиб, доимий билимга айлантирилади.

6. Таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи. Мактаб болаларига таълим бериш билан бирга тарбиялаш, яъни уларнинг ақлий ва ахлоқий шаклланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур. Мусиқа машғулотлари болаларга мусиқий билимларни бериш билан бирга уларнинг ахлоқий сифатларини ҳам шакллантириб боради. Қандай фаолият тури бўлмасин, хоҳ мусиқа тинглаш, хоҳ қўшиқ қўйлаш, хоҳ мусиқа саводи, хоҳ мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажариш ва мусиқий асбобларда жўр бўлиш – буларнинг барчаси болаларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қиласи. Шунингдек, мусиқий дид, мусиқий қобилият, мусиқий тафаккур, мусиқий идроқ, мусиқий дунёқарашиб ва мусиқа маданиятини шакллантиради.

Ҳ.Н.Нурматов болаларни мусиқий-эстетик тарбиялашнинг қулай шартшароитлари сифатида қуйидагиларни тавсия этади:

– дарсларнинг мақсадга йўналтирилганлиги (эстетик тарбия борасида);

– мусиқа дарсларининг аниқ тузилиши ва ўтилаётган материалга

мувофиқлиги;

- ўргатиладиган материални тўғри танлаш (кatta бўлмаган, лекин ёрқин асарлар) ва таълимга мос усул ва услубларни танлаш;
- мусиқа ўқитувчисининг ҳар бир синф (гурух) ва ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятларини билиши;
- мусиқа мусиқа ўқитувчисининг маҳсус йўналтирилган иши болаларнинг мусиқий-эстетик тарбиясининг асоси сифатида бўлиши;
- мусиқа ўқитувчисининг болаларга мусиқий-эстетик тарбия беришида узвийлик ва тизимлиликка эришиш;
- бутун дарс (машғулот)лар давомида мусиқа ўқитувчиси томонидан маълум бир психологик муҳитнинг яратилиши;
- эстетик характердаги кечинмаларни ҳосил қилиши;
- мусиқа ўқитувчисининг эстетик, методик, психологик ва педагогик жиҳатдан тайёр бўлиши;
- ота-оналарнинг болалари эстетик диди, қизиқиши ва ҳиссиётларига эътибор бериши.

7. Мусиқа таълимига табақалаштирилган тарзда ёндашиш принципи.

Болаларнинг қобилияти, имкониятларига мувофик равишда мусиқага қизиқишлигини ошириш ва мусиқа билан шуғулланишининг ўзига хос йўлларини танлаш, уларнинг мусиқий диди, мусиқий идроки, мусиқий дунёқараси ва мусиқий маданиятлари шаклланишини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Болаларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга йўналтирилган дидактик чоралардан яна бири мусиқа таълими мазмунини табақалаштиришdir. Табақалаштирилган ёндашув асосида болалар мусиқий билимларнинг узвийлигини таъминлаш учун босқичлараро боғланишга оид амалий топшириқларни бажаришда турли тайёргарликка эга бўлган болаларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган ўқув имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўз билимларини қўллашлари ва индивидуал ютуқларга эришишларини таъминлаш кўзда тутилиши лозим.

Бу соҳада мусиқий билимларни ўзлаштиришда гуруҳдан ташқари олиб бориладиган кўринишлари ҳам ўқиши табақалаштириш учун катта имкониятларни очиб беради. Қ.М.Мамиров мусиқа таълимини табақалаштириш учун болаларнинг билим даражаларини текшириб чиқиб, уларни уч гурухга ажратади:

1-гурухга – мусиқани севадиган, мусиқашунос бўлиш истагидаги, машғулотларларда ўта фаоллиги билан ажralиб турувчи болалар.

2-гурухга – мусиқий раҳбарнинг барча талабларини ўз вақтида бажарувчи, лекин мусиқий тўгаракларга қатнашмайдиган, ўzlари мустақил вазифа

бажармайдиган, бироқ машғулотлар вазифаларини ўз вақтида бажарадиган болалар.

3-гурухга – уйида мусиқага кам эътибор бериладиган, берилган вазифаларни ўз вақтида бажармайдиган, паст ўзлаштирувчи болалар.

Қ.М.Мамиров болаларни яна овоз диапазонига қараб ҳам табақалаштириш мумкинлигини кўрсатиб берган. У овозга қараб табақалаштиришда фақат овозни ҳисобга олмасдан, болалар мусиқий билимларини қай даражада ўзлаштирганликларини ҳам ҳисобга олишни таъкидлаб ўтган. Мусиқий билимларни ўзлаштиришни ҳам болаларнинг шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Мусиқий билимлар мажмуаси (мазмуни) ва методикасини белгилашда шахсий хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим таълимий-тарбиявий шарт ҳисобланади.

8. Таълим жараёнида болаларнинг ёши ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш принципи. Ушбу принцип ўқув материалининг мазмуни, унинг ҳажми, характеристи у ёки бу гурух болаларининг жисмоний ривожи, умумий тайёргарлик савияси ва имкониятларига мос бўлишини тақозо этади.

Ушбу принцип мусиқий таълимнинг икки томонини назарда тутади:

1) Мусиқа таълимида маълум гурух учун белгиланган ўқув материалларининг характеристи, мазмуни ва ҳажми шу гурух болаларининг ёш хусусиятларига мос бўлмоғи лозим;

2) Ҳар бир гурух учун белгиланган мусиқий билим ҳажми шу гурух болаларининг савиясига мос бўлиши керак.

Бу принцип мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки мусиқий билимларни болаларга содда, лўнда қилиб тушунтирилмаса, уларни ўзлаштириш яхши натижа бермайди. Кўпинча ўзлаштирилган билимлар содда, ўзлаштирилмаган мавзулар мураккабдек кўринади. Таълимнинг содда бўлиши у ёки бу ўқув материалини ортиқча уринмай тушуниб олинишидир. Болалар яхши тушунган, ўзлаштирган билимларини янги (мураккаб) тушунчалар билан аниқ ва равshan боғлаш натижасида содда вазифаларни бажариб, мураккаб вазифаларни ўзлаштиришга ҳозирланиб борадилар. Мусиқий билимлар тизимини шакллантиришда айнан шу принципга амал қилинади.

9. Билим берувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи таълим принципи. Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсини шакллантиришда бу принципдан мақсадга мувофиқ, мунтазам фойдаланиш лозим. У ўқитишининг билим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифаларини чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб боришга хизмат қиласди. Ўқитишининг билим берувчи вазифалари болаларнинг факт, ҳодиса, тушунча ва хуносаларни

ўзлаштиришлари зарурлигини белгиласа, тарбияловчи вазифалари бола шахсининг маълум эътиқод ҳамда ахлоқий сифатларини шакллантиришга қаратилган. Ривожлантирувчи таълим эса мусиқий материални ўрганиш болаларда қандай кўникма ва малакаларни шакллантиришга умумий ва мусиқий тафаккурнинг қайси жиҳатларини ривожлантириш лозимлигига эътибор беради. Шунингдек, билим бериш ва болаларни ҳар томонлама камол топтириш жараёнлари орасида узлуксиз алоқа ўрнатилишини талаб қиласди.

Ўзлаштириладиган билимлар ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар учун асос бўлиб хизмат қиласди. Юқорида қайд қилинган машғулот(дарс)лар болаларда мустақил фикр юритиш, мусиқий материални замон ва маконда таҳлил қилиш, мусиқа асарларини ўҳшашлик ва фарқ қилувчи хусусиятларига қараб таққослаш, мусиқий фактлар ўртасида мавжуд бўлган сабаб – оқибатли алоқани аниқлаш каби кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга кўмаклашади.

Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи шахсини шакллантиришнинг мазмуни ва методикаси, шакл ва усуллари, бир сўз билан айтганда унинг педагогик тизимини яратиш – мусиқий педагогиканинг ҳозирги даврдаги энг долзарб муаммоларидан бири. Бу тизим мусиқа санъатининг воситалари орқали шахсни шакллантиришнинг умумий педагогик принципларидан иборат бўлмоғи лозим. Шунингдек, у маълум усуллар ва шаклларни ҳамда илмий-методик тавсияларни ўзида мужассам этиши керак.

Э.Б.Абдуллин: – «...мусиқий таълимнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, йўналиши, мазмун ва жараёнининг характеристини очиб беришда принциплар асосий ўрин эгаллайди», дейди. У мусиқий таълимдаги бир нечта принципларни йўналишларга ажратади:


1. Фалсафий-эстетик йўналиш (... мусиқий таълимда инсонпарварлик қараши; бола шахсини санъат билан мулоқотда ўз-ўзини баҳолаши...).
2. Мусиқашунослик йўналиши (... халқ, миллий ва замонавий мусиқа бирлигига таяниш; мусиқа жанрлари ва уларнинг ҳаёт билан боғлиқлигига таяниш; тинглаш, ижро этиш, ижод этиш фаолият асоси сифатида...).
3. Бадиий-психологик йўналиш (... мусиқий таълимда онг ва тафаккур бирлигига таяниш...).
4. Бадиий-дидактик йўналиш (... мусиқий таълим-тарбия бирлиги, изчиллик ва тизимлилик, илмийлик, мусиқий таълим натижалари мустаҳкамлиги...).
5. Мусиқий педагогик йўналиш (... образлилик ва бутунлик, мусиқий-педагогик мақсад ва воситалар алоқадорлиги, бадиийлик ва технология бирлиги...).

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, бола шахсини шакллантиришда амал қиласынан илмий асосланған мазмун ва методика, шакл ва усуллар муайян педагогик принципларга амал қилиши лозим. Бу принциплар таълим-тарбиянинг давр талабига, яъни замонавий ижтимоий буюртмага мослиги, педагогик жараёнда объектив-субъектив жараёнларнинг уйғунлиги, таълим-тарбияда мақсад, мазмун, метод ва воситаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги каби педагогиканинг умумий қонуниятларига асосланади. Натижада, мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсини шакллантириш учун қуидаги принциплар мұхим ва улар нафақат мусиқий таълим стратегиясини, балки таълим ва тарбиянинг бошқа масалаларини ҳам мұваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Мусиқий билимларга оид мазмунни белгилаш, унга монанд методика, таълим шакли ва усулларини танлашда, педагогик шартшароитларини ишлаб чиқиша бу принципларга амал қилиш пировард педагогик ижобий натижанинг самарасидир.

10. Назариянинг амалиёт билан узвийлигини таъминлаш принципи.

Мусиқий билимларни ўзлаштиришда назарий билимларни амалий фаолият билан боғлаган ҳолда машғулотлар ўтиш ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

Умумий мусиқа таълими түзилиши



Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий жараёнлар ўрганилиши керак бўлган қуидаги фаолиятларни ўз ичига олади:

Кўшиқ куйлаш ↔ мусиқа тинглаш, ритмик ҳаракатлар бажариш жараёнида мусиқа ижодкорлари, мусиқанинг ифодавийлик воситалари, мусиқа тарихи, мусиқий жанрлар ҳақида (сада қилиб) маълумотларни беради.

Мусиқа тинглаш ↔ куйланадиган ёки тингланадиган куйнинг нота хусусиятларини, динамик белгилари, суръати, куй йўналинишини онгли кузатиш ва ижро этиш имконини беради.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар бажарииш ↔ куйланадиган ёки тингланадиган күйнинг суръати, усулини ўргатади. Ритмиз куй бўлмайди. Шунинг учун бирор куй нотўғри ритмда ижро этилса, мусиқий асар ўз шаклини йўқотади. Машғулотларларда амалий машқлар жараёнида мусиқий асарга хос ритмик ҳаракатлар бажарилади (рақс элементлари).

Болалар мусиқа чолғу асбобларида мусиқага жўр бўлиши ↔ куйланадиган ёки тингланадиган асарнинг яратилиш тарихи, ўша даврнинг хусусиятлари, яратувчилари ҳақида маълумот беради.

Мусиқий билимларни ўзлаштириш билан бирга, ўзлаштирилган билимларнинг бошқа фаолиятлар билан узвийлигини таъминлаш ҳам зарур.

Умуман, юқорида қайд этилган принциплар мусиқий билимларни ўзлаштиришда, болаларнинг шахсий хусусиятларини шакллантириш ва уни амалиётга жорий қилиш учун методик шароитларни ишлаб чиқишида асос бўлади. Хулоса қилиб айтганда, педагогиканинг умумдидактик принциплари, мусиқа маданияти машғулотларларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мусиқани ҳаёт билан боғлашда катта аҳамият касб этади.

Мусиқа ўқитиши методлари

Мусиқа ўқитиши методикаси – бу педагогиканинг бир қисми ҳисобланиб, педагогика фани сифатида тажрибада синалган ишларни назарий қисмларини – усул, услуг, воситаларини умумлаштириб, амалиётда самарали натижалар берган ўқитиши методларини тақдим этади. Ушбу методлар ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини умумлаштириб, унга кирувчи алоҳида ва бир бутун вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланади. “Метод” юонон тилидан олинган бўлиб, “йўл”, “усул” деган маъноларни англатади. «Методика» сўзи грекча сўз бўлиб, «тадқиқот йўли», «билиш усули» деган маънони англатади ва таълим-тарбиянинг алоҳида қисмлари бўлиб ҳисобланади, уларнинг йиғиндиси мусиқа ўқитиши методлари дейилади. Мусиқанинг ўқитиши методлари деганда, мактаб болаларининг билим, маҳорат ва малакаларини эгаллашда, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ва дунёқарашини таркиб топтиришда мусиқа раҳбариларнинг қўллаган иш усуллари тушунилади. Методика асосан, педагогика, психология, эстетика ва санъатшуносликнинг тадқиқот натижаларига асосланади. У мусиқа ўқитишининг қонун-қоидаларини таърифлаб беради, келажак ёш авлодни тарбиялашда қўлланадиган замонавий методларни белгилайди. Методика, таълим-тарбия жараёнида мусиқа раҳбарининг болалар билан ишлаш усулларининг, мазмунини англатади. Мусиқа ўқитиши методикаси мусиқа раҳбаридан истеъдод, қобилияtlар ва

ишиёклар мавжуд бўлишини талаб этади, чунки, санъат педагогикаси машақкатли ва жуда масъулиятли соҳадир. Мусиқани ўқитиш методикаси, юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, мусиқа машғулотларининг ташкил этиш усуллари ва йўлларини ўргатади.

Хозирги кунда мусиқа ўқитиш методикаси бирданига келиб шаклланган фан эмас, балки бунга қадар мазкур фанни шаклланиши ижодий ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Республикаизда мусиқа ўқитиш методикасини шакллантиришда маҳаллий олимлар, методистлар, тажрибали мусиқа раҳбариларнинг қатор изланишлари, ўқув қўлланмаларининг аҳамияти катта бўлади. Педагогиканинг методика соҳасидаги сўнгги ютуқлари талабаларни педагогика фаолиятига тайёрлаш, уларни методик билим ва маҳоратлар билан қуроллантириш, мусиқа ўқитиш методикасини бу мақсадга эришиш учун амалий машғулотлар мобайнида узоқ меҳнат қилишни талаб этади. Маълумки, мактабгача таълим муассасаларда болаларнинг ёш физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кўникма ва малакаларига мувофиқ мусиқа ўқитиш методикаси қўлланилади. Бу ерда таълим усули, ўқув материалларининг (ўқув режа, дастур, дарслар) таълим принциплари, ўқувтарбиявий ишларнинг умумий мақсад ва вазифалари энг муҳим аҳамиятга эгадир. Демак, мусиқа ўқитиш методикаси талабаларнинг мусиқа санъатига ўргатишнинг мазмuni, вазифалари, методларини ўргатувчи ва ўқув жараёнларини ташкил этувчи шакл ва йўлларини тадбиқ этувчи фандир. Мусиқа ўқитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда, мусиқа ўқитишнинг қатор методлари билан биргаликда, педагогиканинг амалий йўналишини унумли методлар эгаллаб, мусиқа машғулотларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа ўқитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда, мусиқа машғулотларида ўқитишнинг унумли методларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Етук олимларимизнинг тадқиқотларида мактаб мусиқа ўқитувчисининг шахсияти ва унга бўлган касбий талаблар ва болалар муносабатини, хусусий методлардан фойдаланиш жараёнида ҳал қилиш лозимлигини илмий асосда таърифлаб берганлар. Унумли метод – бирор бир фаннинг амалий ва ижодий ишлари мазмунини ва мавзусини кенг ёритиб бериш ва мустаҳкамлашда, мусиқа раҳбари ва бола фаолиятида ўзаро алоқадорлигини ва болаларни билиш жараёнида изланишга ундовчи методдир.

Унумли методлар ўқитиш фаолияти ва мақсадига қараб тўртга бўлинади:

1. Машғулот (дарс)ларнинг мусиқий умумлаштирувчи методи.
2. Ўтилажак машғулот(дарслар)га олдиндан «югуриб», боғлаб ўтиш ва илгари ўтилганларга қайтиш методи.
3. Машғулот (дарс)лар мазмунининг эмоционал драматургияси методи.

4. Машғулот (дарс)ларнинг педагогик жиҳатдан кузатилиши ва билимларнинг баҳоланиши методи.

Энди ҳар бир методни алоҳида кўриб чиқамиз.

1.Машғулот (дарс)ларни мусиқий умумлаштирувчи методи етакчи методлардан бири бўлиб, болаларни мусиқа идроки, мантиқий бадиий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилгандир:

а) Мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) машғулот (дарс)ларда ҳал қилиниши лозим бўлган конкрет вазифаларни вужудга келтиради;

б) Мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) ва бола ўзаро ҳамкорликда масалани ечади;

в) Болалар томонидан якуний хуносалар чиқарилади.

2.Олдинга «югуриб ўтиш», яъни илгари ўтилган материалдан фойдаланиб, болаларни янги материал ўзлаштиришга тайёрганини синаб кўриш ва бунда олдин эгаллаган билимларга суюниш учун фойдаланилади.

3.Эмоционал драматургия методи билан машғулотларнинг мантиқий яхлитлигига эришилади.

Бунда чорак мавзуси асосида машғулотлар режаси учун асарлар танланади. Танланган мавзулар ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, бошланиши ва якунланишига боғлиқдир. Мусиқа раҳбари машғулотларни ижрочилик маҳорати, сўз усталиги билан қизиқарли қилиб ўтиши керак ва болаларни машғулотларга фаол қизиқтириб, машғулотларнинг эмоционал драматургияси, яъни авжига эришиши лозим.

Мусиқа маданияти ўқитувчиси мактабда мусиқа дарсларидан ташқари концертлар, бадиий кечалар, учрашувлар ўтказиши талаб этилади.

Машғулот (дарс)ларни педагогик кузатилиши ва билимларни баҳолаш мақсадга қараб бир неча турларга бўлинади:

а) Болаларни билиш фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи тури.

б) Билим фаолиятини рағбатлантириш ва танбеҳлаш талабларини қўйиш.

в) Ўқиши, билиш фаолиятини самарадорлигини бошқариш ва назорат қилиш. Баҳолашда шундай эҳтиёткор бўлиш керакки, болаларнинг кайфияти тушиб кетмасин, машғулотларга, қўшиқ куйлашга қизиқиши сўнмасин. Рағбатлантиришда эса аксинча. Мусиқа раҳбари ва бола муносабатлари меъёрдан чиқиб кетмаслиги керак. Балки, рағбатлантириш, гуруҳда бошқа болаларга намуна бўлиб хизмат қилсин ва улар одобли, ақлли бўлишга интилсинглар.

Шундай қилиб, мусиқа ўқитишнинг хусусий методларидан ташқари бошқа турлари ҳам мавжуд:

1. Мусиқа ўқитишнинг оғзаки методлари.
2. Кўргазмали ўқитиш методлари.
3. Амалий ўқитиш методлари.
4. Ўйин методлари.
5. Таққослаш методлари.

6. Мусиқий ўқуви, мусиқий эшлитиш қобилияти бўш бўлган болалар билан ишлаш методлари.

1.Мусиқа ўқитишнинг оғзаки методлари.

Мусиқа машғулотларида мусиқа раҳбарининг сўз маҳоратига алоҳида талаб қўйилади. Мусиқа раҳбари ўзининг асар ҳақидаги бадиий кириш сўзи билан болаларни ажойиб ва сехрли мусиқа оламига олиб киради ҳамда қизиқарли ҳикоя ёки сухбат йўли билан болалар диққатини жалб қилиб, мусиқани бадиий идрок этишларига эришади.

Ҳикоя - бу мусиқа раҳбарининг мусиқа асари ҳақида жонли, эмоционал ёрқин баёни. Ҳикоя қисқа, образли, жонли, қизиқарли бўлиб, унинг мақсади болаларни асарни бадиий идрок этишга ўргатиш.

Сухбат – мусиқа раҳбари ва болалар орасидаги диалог шаклидаги фаолиятидан иборат бўлиб, болаларни мустақил фикрлашга ундейди. Уларнинг нутқини ўстиради, фикрий фаолиятини кучайтиради, билиш қобилиятини фаоллаштиради ҳамда дунёқарашини кенгайтиради. Тушунтириш-илмий исботлаш методи сифатида мусиқа машғулотларида қўлланилади. Бу асосан, мусиқа саводи фаолиятида қўлланилади.

2.Кўргазмали ўқитиш методлари. Маълумки, мусиқа ҳаракатланувчи куй ва гармоник товушларидан иборат бўлган санъатdir. Уни фақат эшлитиш органи орқали тинглаб идрок этиш мумкин. Кўргазмали ўқитишни эса, нота ёзувларини, плакатлар, расмлар, мусиқа раҳбарининг сўзи, дирижёрлик ифодалари, ракс ҳаракатлари, болалар чолғу асбоблари, мусиқани жонли ва аниқ ижроси, техник воситаларидан фойдаланилади. Демак, мусиқанинг жонли янграши машғулотларда асосий кўргазма бўлиб хизмат қиласи.

Мусиқа таълимидаги кўргазмалилик турлари:

1. Табиий кўргазмалар (табиатдан олинган).
2. График кўргазмали қўлланмалар (чизма, схема, жадваллар).
3. Тасвирий кўргазмалар (суратлар, фотосурат, видеофильмлар).
4. Муайян белгиларни ифодалайдиган рамзий кўргазмалар.

5. Эшиттиришга доир кўргазмалар (граммпластиналар, магнит ленталари, компьютернинг эшиттириш мосламалари).

Мусиқа таълимида иллюстрация методи асосан плакатлар, чолғу асбоблари, стенд, чизмалар, композиторларнинг суратлари, жадваллар кабиларни кўрсатишни ўз ичига олса; намойиш этиш методларига асл ҳолидаги табиий обьектларни кўрсатиш, машғулотлар жараёнида эса техник намойиш, яъни замонавий компьютер, ахборот коммуникация тармоқлари ёрдамида, компакт диск электрон китобларида мавзуларни экранда ёритиш, мавзуга оид кино ва диафильмлар, аудио ва видеоматериаллар киради.

3. Амалий ўқитиши методлари. Амалий методлар воситасида болалар вокал-хор малакаларини, мусиқанинг тузилиши ҳамда ифода воситаларини таҳлил этиш, унинг жанр ва шаклларини аниқлаш ва нўта ёзувини ўрганиш малака-кўнилмаларининг шакллантириши учун фойдаланилади. Амалий методлар, вокал-хор малакаларини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

4. Ўйин методи – асосан бошланғич гурухларда кўпроқ яхши натижа беради. Янги дастур асосида яратилаётган қўлланма ва машғулотларликларда ўйин ва унинг элементлари кенг жорий этилади. Бошланғич гурух болалари серҳаракат ва ўйинга мойил бўладилар. Машғулотларда қўлланиладиган мусиқали ўйинлар болаларнинг мусиқий ўқувини ўстиради, мусиқий қобилиятинни ривожлантиради, хотирасини мустаҳкамлайди ва мусиқа машғулотларига қизиқиш уйғотади.

5. Таққослаш методи. Мусиқа машғулотлари жараёнида таққослаш методи кенг қўлланилади. У вокал-хор ишларида мусиқа раҳбари, болалар ва грамёзувдаги ижроларини таққослашда мусиқа асарининг таҳлили ва жанрларини белгилашда кенг қўлланилади. Масалан, рақс, марш, жанрларининг темпларини, турли чолғулардаги ижролар фарқини аниқлашда фойдаланилади.

6. Мусиқа ўқуви, мусиқий эшитиши қобилияти бўш бўлган болалар билан ишлаш методи. Мусиқа ўқуви бўш бўлган болалар билан машғулотлар жараёнида дифференциал гурухларга бўлиб ва машғулотлардан кейин вақт ажратиб, якка (индивидуал) тарзда иш олиб борилади. Дифференциал гурух - деганда болаларнинг мусиқий қобилияти, ўқуви ва овозига қараб табақалаштириш ёки гурухларга бўлиш тушунилади.

1-гурухга овози жарангли, яхши мусиқий қобилиятга эга бўлган болалар киради.

2-гурухга овози, мусиқий қобилияти ўртача бўлган, яъни мусиқа раҳбарининг овозига эргашиб, таяниб куйладиган болалар киради.

3-гурухга эса овози унча яхши бўлмаган, мусиқий қобилияти бўш бўлган болалар киради.

Мусиқа машғулотлари жараёнида бу болаларни қуидаги тартибда ўтказиш керак: биринчи қаторга мусиқа раҳбарининг овозига таяниб куйладиганлар, иккинчи қаторга мусиқий ўқуви бўш, яхши мусиқий қобилиятга эга бўлмаган болалар, учинчи қаторга қобилиятли, овози жарангдор бўлган болалар ўтирадилар. Бунда иккинчи қатордаги болалар мусиқа оҳангларини атрофдагилардан эшишиб уларнинг овозларига эргашиб, чиройли, тўғри куйлашга ҳаракат қиласилар.

Шу услуб билан болаларни мусиқий ўқувини ўстириш мумкин. Баъзи мусиқий ўқуви бўш бўлган болалар билан, машғулотлардан кейин алоҳида, якка тартибда шуғулланиб, топшириқлар берилади ва овозлари созланиб, қўшиқлар алоҳида ўргатилади. Шу тариқа, болаларда мусиқага қизиқиш, қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш иштиёқи, мусиқий қобилият, мусиқий ўқув, қўшиқ куйлаш малакалари ҳосил бўлади.

7. Мусиқа билан таъсир кўрсатиш методи. Бу метод мусиқа тинглаш фаолиятида қўлланилади. Болалар мусиқани турлича тушунадилар. Масалан, П.И.Чайковскийнинг “Тўргаг” куйини тинглаб, уни номини билмай туриб, турлича фикр юритадилар. Айримлари табиат манзарасига, бошқалари қушни куйлашини, қолганлари эса бошқача характер ҳис этиб айтадилар. Яна бошқаларида эса яхши кайфият туғилади. Шунинг учун мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) болаларга асарни тушунтириб беради. Болалар диққатини мусиқанинг ифода воситаларига қаратади.

Улар куйловчи қуш образини яратадилар. Бу мусиқа билан таъсир қилиш методидир. Болаларнинг мусиқага қизиқиш, мусиқа тинглашда такқослашга ўрганиш, куйлашда, рақсда, турли чолғулар ижросида ўргатилади. Мусиқа раҳбари ушбу фаолиятларни кетма-кет олиб борганда аниқ мақсадга эришилади.

Мусиқа ўқитиш методикаси фанининг мақсади таълим мақсадидан келиб чиқиб, мусиқа маданияти ўқитувчисини дарс (машғулот) бериш жараёнига назарий ва амалий тайёрлаш. Бу мақсад қуидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутади.

1. Мактабда мусиқа таълимини ва тарбиясини мазмунини ташкил қилишнинг турли шакл ва методлари ҳақида асосий маълумотлар бериш.

2. Мусиқа таълими ва тарбияси соҳасидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш.

3. Мусиқа таълими ва тарбияси жараёнида педагогик амалиёт бўйича методик адабиётларни мустақил ўрганишга тайёрлаш.

4. Мусиқа асосларининг бадиий педагогик таҳлили методикаси асосини билиш.

5. Илмий тадқиқот ишлари масалаларини ҳамда болаларни мусиқа воситасида ўқитиш ва тарбиялаш масалаларига тўғри ёндашувни шакллантириш. Мусиқа ўқитиш методикаси мусиқа раҳбарининг мусиқа таълими касбини мукаммал билгувчи мусиқачи педагогни тайёрлайди. Мусиқа ўқитиш методикасини ўзлаштиришда педагогика, психология, мусиқий педагогика тарихи, мусиқий таълимда инновацион технологиялар, мусиқий педагогика ва бошқа мусиқий, психологик ва педагогик фанларга асосланади.

Аждодларимиз баркамол инсонни вояга етказишида бадиий эстетик тарбия воситалари, жумладан, мусиқа санъатининг аҳамиятини чуқур англаб, ёшларнинг ички дунёсини бойитишга, маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш ва камол топтиришга унинг таъсири жиҳатларига диққат-эътибор билан қарашган.

Мусиқани катталар, болалар ва қариялар ҳам севиб тинглашади. Хоҳ у мумтоз бўлсин, хоҳ халқ мусиқаси, хоҳ енгил ёки вазмин мусиқа бўлсин, барчамиз уни бажонудил тинглаймиз. Лекин мусиқий йўналишларни англаш, айниқса болаларга жуда қийин. Ҳаётда ҳамма ҳам мусиқа тилини тушунавермайди. Кўпчилик мумтоз мусиқамизга нисбатан ўта бефарқ. Бунинг сабаби болаликда мусиқий тарбияга керакли эътибор берилмаганлигидadir.

Бола ривоҷланишида мусиқанинг ўрни

Мактабгача таълим муассасалари болалари учун мусиқий билимлар мазмунини белгилаш бир қатор психологик хусусиятларни эътиборга олишни талаб этади. Зоро, мусиқий билимларни эгаллаш аввало шахснинг руҳий олами билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам **Б.М.Теплов** томонидан берилган тезисларни бу жараёнда йўналтирувчи деб идрок этиш мумкин. Унда қуидагиларга эътибор қаратилган:

1. Мусиқий кечинмалар табиатдан олинган кечинмалардир... Мусиқани тушуниш, агарда мусиқий асарнинг ички тузилишини назарда тутмасак, доимо ҳис-ҳаяжон тушунчаларидир.

2. Мусиқий кечинмалар фақат ҳис-ҳаяжондан иборат бўлиши керак эмас. У ҳис-ҳаяжондан бошланади, лекин тугамайди. Ҳис-туйғулар орқали биз ҳаётни англаймиз. Мусиқа – дунёни ҳис-туйғулар орқали англашдир.

3. Мусиқанинг асл мазмунини чуқур англаш қийин. Уни билишнинг бошқа воситалари орқали ўрганиш мумкин. Мусиқий образлар олами «ўз-ўзидан охиригача тушунарли бўлмайди».

Б.М.Тепловнинг нуқтаи-назари инсоннинг эстетик онги шаклланишини ilk бора ўрганган буюк олим Арастунинг фикри билан ҳамоҳангдир: «Пайдо бўлган нарсаларнинг бири оддий йўл билан пайдо бўлса, бошқаси санъат орқали юзага келади, учинчиси ўз-ўзидан яралади... Санъат орқали инсон руҳидаги мавжуд ҳиссиёт шаклланади». Инсон рухиятида мавжуд бўлган нарсаларга Арасту қўйидагиларни киритади: «ўсиш қобилияти», «интилиш қобилияти», «ҳис қилиш қобилияти», «харакатланиш қобилияти», «фикрлаш қобилияти».

«Шахснинг мусиқий маданияти»ни шакллантириш тушунчасига А.Н.Соҳор мурожаат этиб қўйидаги жадвални тавсия этган:

Шахснинг мусиқий маданияти (А.Н.Соҳор концепцияси)

<i>Мусиқий қадриятлар</i>	<i>Фаолиятнинг барча турлари</i>	<i>Фаолият субъектлари</i>	<i>Махсус муассасалар</i>
(жамоада яралган ва сақланадиган)	(қадриятларни яратиш, асраш ва тарғиб қилишга қаратилган)	(Ушбу фаолият турлари билан шуғулланувчилар)	(ушбу фаолиятни таъминловчи)


Шахснинг эстетик онги таркибий қисмлари кўринишини **В.Г.Мозгот** ўзининг илмий ишида содда ва тушунарли қилиб берган: – «...замонавий ёшларнинг эстетик онгини муваффақиятли шакллантириш жараёни, мамлакатдаги ижтимоий-психологик муҳит, сиёсий ва маданий шароитга боғлиқдир...», дейди у.

Шахснинг эстетик онг компонентлари (В.Г.Мозгот концепцияси)

Эстетик ҳиссиёт	Қадриятларни эъзозлаш	Дид	Қараш	Ғоялар
-----------------	-----------------------	-----	-------	--------

Юқоридаги концепцияларга таяниб, биз мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсининг қандай фаолият турида қайси шахсий хусусиятлари шаклланишини чизма ёрдамида кўрсатиб бердик.

Мусиқий билимларни ўзлаштириши жараёнида бола шахсни шакллантириши



1. К'ushiq kuylash фаолиятида мусиқий дунёқарааш, мусиқий дид шаклланади. Бу фаолият турида болалар мусиқий билимларга асосланган ҳолда к'ushiq kuylайдилар. Бунинг учун улар мусиқий асарга тааллукли бўлган маълумотларни ўзлаштирадилар. Шу жараёнда уларда мусиқий дунёқарааш ва мусиқий дид шаклланади.

Мусика саводи фаолиятида мусиқий тафаккур, тасаввур ва мусиқий дунёқарааш шаклланади. Бу фаолият турида болалар мусиқанинг яратилиш тарихи, мусиқанинг ифода воситалари – ритм, метр, регистр, ўлчов, лад, темп, нота йўли ва ёзуви, товушлар узунлиги ва баландлиги, мусиқа ижодкорлари, ижрочилиари ҳақида билимга эга бўлиш билан бирга, уларнинг мусиқий тафаккурлари шаклдана боради. Бу ўз навбатида болаларни мусиқа оламига олиб киради ва мусиқий дунёқараашларини шакллантиради.

2. Мусика тинглаш фаолиятида мусиқий идрок, мусиқий дунёқарааш шаклланади. Бу фаолиятда болалар мусиқа тинглаб, уни бевосита идрок эта бошлайдилар. Бу эса уларнинг мусиқий тафаккурларини шакллантиради

шунингдек, уларда мусиқий дунёқарааш ҳам шаклланиб боради. Тингланган мусиқий асар ҳақида мулоҳаза юрита бошлайдилар.

3. Мусиқа остида ритмик харакат бажариш фаолиятида мусиқий дунёқарааш, мусиқий дид, мусиқий тафаккур, мусиқий идрок, мусиқий ритм ҳисси ва мусиқий хотира шаклланади. Бу фаолият турида ўқувчиларда деярли барча мусиқий психологик хусусиятлар шаклланади. Чунки бу фаолиятда улар ўзлари бевосита мусиқий асарга жўр бўладилар. Аввал улар мусиқий асарни тинглаб кўрадилар (мусиқий идрок), бу эса мусиқанинг ритмик кўринишини эслаб қолишни (мусиқий хотира), қайси асбобда жўр бўлса яхшироқ жаранглашини (мусиқий дид) танлашни тақозо этади. Ўқувчи бу фаолиятда мустақил фикрлайди (мусиқий тафаккур), натижада унинг мусиқий дунёқараши шаклланиб боради.

4. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш фаолиятида мусиқий дунёқарааш, мусиқий дид, мусиқий тафаккур, мусиқий идрок, мусиқий ритм ҳисси ва мусиқий хотира шаклланади. Бу фаолият турида болаларда деярли барча мусиқий психологик хусусиятлар шаклланади. Чунки бу фаолиятда улар ўзлари бевосита мусиқий асарга жўр бўладилар. Аввал улар мусиқий асарни тинглаб кўрадилар (мусиқий идрок), бу эса мусиқанинг ритмик кўринишини эслаб қолишни (мусиқий хотира), қайси асбобда жўр бўлса яхшироқ жаранглашини (мусиқий дид) танлашни тақозо этади. Бола бу фаолиятда мустақил фикрлайди (мусиқий тафаккур), натижада унинг мусиқий дунёқараши шаклланиб боради.

Айни вақтда шуни айтиш жоизки, мусиқанинг қандай фаолият тури бўлмасин, у шахснинг барча психологик жиҳатлари шаклланишига ёрдам беради. Шуни таъкидлашимиз керакки, мусиқий фаолиятларнинг ҳар бири барча санаб ўтилган психологик хусусиятларни шаклланишига қисман бўлса ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Жумладан, мусиқий хис-туйғулар, мусиқий дунёқарааш, мусиқий идроқ, мусиқий тафаккур, мусиқий тасаввур ва мусиқий қобилиятни шакллантиради. Демак, улар болаларнинг умумий мусиқий маданияти, эстетик дунёқарашининг шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Мусиқа болаларнинг эстетик қиёфасини шакллантирувчи восита сифатида

Мусиқа болаларнинг ҳис-туйғуларига бевосита таъсир қилиши орқали уларнинг маънавий қиёфасини шакллантиради. Мусиқа санъатининг таъсир кучи бошқа – таъкид ва уқтиришларга нисбатан кучлироқ бўлади. Болаларни ҳар хил эмоционал-образли мазмундаги асарлар билан таништирас эканмиз, биз беихтиёр уларни ҳиссиётларига таъсир қиласиз ва уларни кечинмалар оламига олиб кирамиз.

Мусиқа жанрлари қаҳрамонлик руҳидаги, лирик оҳангдаги, қувноқ юморни ва жўшқин рақсона куйларни ўта жилоли товушлар ҳамда бой тембри билан идрок этишга кўмак беради. Кўшиқ, рақс ва мусиқа тинглаш фаолиятлари жараёнида болалар руҳан бирлашадилар ҳамда жамоада тарбияланадилар. Болалар индивидуал шаклланнишлари учун ҳам уларга жамоада яхши муҳит яратилган бўлмоғи лозим. Ижроси яхши бўлмаган, тортинчоқ болалар ўз тенгдошларининг ижросини кўриб руҳан тетиклашадилар ва фаоллашадилар, уларга эргашадилар ва яхши ижрога интиладилар. Ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган болаларга ижроси суст бўлган ўртоқларига ёрдам беришни таклиф қилиб, уларни камтаринликка ўргатиш ҳамда уларнинг қобилияtlарини ривожлантириш керак.

Мусиқа машғулотлри болаларнинг умумий маданиятига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Ҳар хил фаолиятлар билан шуғулланиш (мусиқа тинглаш, кўшиқ айтиш, мусиқий-ритмик ҳаракатлар бажариш, болалар мусиқий чолғуларида ижро этиш) болалардан диққатни, уюшқоқликни, иродавийликни, зукколикни талаб қиласи. Бу фаолиятлар давомида болаларда иродавийлик шаклланиб, тортинчоқлик йўқола боради.

Шу тарзда мусиқий фаолиятлар болалар шахсининг маънавий-маданий сифатларини шакллантириш учун керакли бўлган шарт-шароитларни таъминлайди ва уларнинг умумий маданий савиясига асос солади.

Болаларни жисмоний тарбиялашда мусиқанинг роли

Мусиқа эшитиш органи орқали идрок этилсада, у киши организмининг умумий аҳволига – қон айланиш тизими, нафас олишга ва бошқа жиҳатларига таъсир қиласи.

Кўшиқ куйлаш овоз аппаратини ривожлантиради, овоз аппаратини мустаҳкамлайди, нутқни яхшилайди (логопед врачлар куйлашни нутқ талафғузини даволовчи восита сифатида қўллайдилар), овоз-эшитиш координациясини яхшилайди. Куйлаш жараёнида тўғри ўтириш нафас олиш тизимиға ижобий таъсир қиласиди. Мусиқий ритмик ҳаракатлар бажариш жараёнида болалар мусиқа билан биргаликда ҳар хил ҳаракатлар бажарадилар. Бу эса ўз навбатида бола қоматини тўғри ривожланишига, унинг координациясини, тўғри қадам қўйиш, юришини тўғри ва енгил бўлишига имкон беради. Мусиқадаги барча динамиқ, ритмик ва суръатга дахлдор ифода воситалари болаларни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишларига, чарчоқларини ёзишларига, кайфиятларини кўтаришлари учун муҳим восита бўлиб хизмат қиласиди.

Буюк мутафаккирларимиздан Ибн Сино мусиқа овозларининг киши руҳига таъсири ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этган. Бу борада буюк аллома машхур «Қонун-фит-тиб» асарида қўйидагиларни таъкидлайди:

«Танани чиниқтиришда чақалоқлар учун жуда фойдали воситалар қаторига, биринчидан енгил тебратиш, иккинчидан, одатда ухлатиш учун айтиладиган қўшиқлар – аллалар киради. Боланинг ушбу икки нарсани идрок этиш даражасига мувофиқ унинг жисмоний машқларга ва мусиқага мойиллигини аниқлайдилар. Уларнинг биринчиси танага, иккинчиси эса руҳиятга тегишлидир»⁶. Бунда Ибн Сино маънавий тарбия боланинг чақалоқ ёшидан беланчагини тебратиш давомида (жисмоний тарбия) алла (кўшиқ) айтиш воситалари билан муштарак тарзда олиб борилиши лозимлигини айтиб ўтган. Ибн Синонинг мусиқага оид асарлари у яшаган давр мусиқа илмидан жуда муҳим маълумотлар бериши билан ҳам қимматлидир.

⁶ Ражабов И. Мақомлар. Т., “Санъат” 2006 й., 18- бет.

II БОБ. МУСИҚА ТАЪЛИМИДА МУСИҚИЙ ФАОЛИЯТЛАР

Мусиқа идроки (тинглаш) – болалар мусиқий фаолиятининг етакчи тури

Болаларнинг мусиқий билимлар тизимида мусиқа тинглашнинг аҳамиятини баҳолаш мураккабдир. Мусиқа тингламай маданиятни ўргатиш, дунё мусиқа санъати дурданалари билан танишириш, мусиқанинг ифода воситаларини ўргатиш, юқори мусиқа санъати асарларига нисбатан муҳаббат уйғотиш мумкин эмас. Бу сифатларни шакллантиришда мусиқа тинглаш жараёнининг жуда катта ўрни бор.

Мусиқа тинглаш жараёнида, болалар турли бастакор ва композиторлар асарларидан намуналар тинглайдилар. Шостаковичнинг таъбири билан айтганда, «Мусиқани севиш учун, аввалам бор уни тинглаш керак...» Ватан, дўстлик ҳақидаги, меҳнат ва бошқа жисмоний ҳамда ақлий фаолиятлар мавзусидаги асарларни тинглаш, болаларга ижобий таъсир қиласи. Бола тингланган мусиқа ёки санъат асари ҳақида бирорта савол бермаса, унда бирор ҳиссиёт вужудга келмаса, шахсий ҳиссиёт ва муносабат билан боғланмаган хабар тарзидаги алоқагина пайдо бўлса, демак вазифа бажарилмаган, мақсадга эришилмаган ҳисобланади.

В.И.Петрушин “Мусиқий психология” асарида мусиқанинг психологик хусусиятлари ҳақида тўхталар экан, мусиқа идрокига ҳам тўхталиб ўтади.

Унинг фикрича, тингловчи бирор бир мусиқий асарни тинглагандан, унинг муаллифи ва куйнинг номини аввал эшитган бўлса дарҳол аниқлай олади. Ҳар бир мусиқий асар инсоннинг ҳаёти давомида ортирган таассуротлари, кечинмаларини уйғотади. Лекин тингловчи мусиқий асарни тинглагандан, ўзининг эмас, балки композиторнинг қайфияти, хис-туйғуларини мусиқанинг ифода воситалари орқали англаши керак. В.Петрушиннинг фикрига кўра, мусиқий идрокни шакллантириш бу мусиқий эшитиш қобилиятини шакллантиришга боғлиқ экан. Лекин у яна шуни таъкидлайдики, кишининг тарбия кўрган муҳити, билими, ёши ҳам уни мусиқий идрокига сезиларли таъсир кўрсатар экан. Ҳар бир кишининг мусиқий диди унинг турар жойи, яшаш муҳити ва уни ўраб турган ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқ, деб ҳисоблайди, В.Петрушин. Олим яна “... мусиқий идрок тафаккурнинг бошланғич босқичи...” – дейди.

Демак, олимнинг фикрини таҳлил қиласи эканмиз, шундай хулоса чиқаришимиз мумкин:

1. Мусиқий идрок эшитиш сезгиси билан боғлиқдир.

2. Мусиқани идрок этганда аввал эгалланган таассуротлар гавдаланар экан.

3. Кишиларнинг мусиқий диди улар яшаётган ижтимоий мухит билан бевосита боғлиқ экан.

4. Мусиқий идрок таффакур жараёнининг илк босқичларидан биридир.

Н.А.Ветлугина ўзининг “Мусиқани идрок этиш” назариясида мусиқанинг ниҳоятда таъсирчанлиги ва уни инсон онги орқали идрок этиш малакаларини шакллантиришнинг бошланғич босқичлари ҳақида баён этади. Аввалам бор, Н.Ветлугина болаларни мусиқий асарларни идрок этиши муаммоси билан кўп шуғулланган олимадир. У мусиқа тинглашнинг аҳамияти ҳақида гапирап экан, ижро этишдан кўра мусиқа тинглаш кишилар руҳиятига қўпроқ таъсир қилишига ургу беради. Шунингдек, Н.Ветлугина мусиқа тинглаш жараёнининг ҳам ўз методикаси бўлиши ҳақида гапиради. Мактабда ўқувчиларга ҳар хил мазмундаги қўшиқларни тинглатар эканмиз, тинглаш жараёнини ташкил этиш ва уни самарали усулларини ишлаб чиқиш жоиздир. Н.Ветлугинанинг таъбирига кўра, мусиқа кишига ҳар томонлама таъсир қўрсатади: куй ва унинг мусиқий ифодаси кишининг ҳиссиётига таъсир қилиб, унда ҳар хил ҳисларни уйғотади, турлича кайфиятларни ҳосил қиласди. Қўшиқнинг матни, ғоявий мазмуни фақат ҳиссиётга эмас, балки тингловчиларнинг онгига ҳам таъсир қилиб, уларни ҳаяжонлантиради ва фикрлашга мажбур этади.

Б.В. Асафьев (1884–1949) мусиқа тинглаш ёки мусиқани идрок этишни икки хил маънода тушунтирган:

1. Тингловчи ўз ижроси билан уйғунлашиб ундан завқланиб, мусиқа тинглаш унинг кундалик ишига айланиб қолади.

2. Тингловчи ўзини, бутун вужудини мусиқа уммонига ғарқ этиб, қалби билан уни ҳис этиб ҳақиқий мусиқа билимдони сифатида тинглайди.

Кўриб турганимиздек, Б.В.Асафьев мусиқа тингловчиларни ҳам фарқлайди. У мусиқани асл билимдони бошқача тинглайди ва шунчаки ҳаваскор бошқача тинглайди, деб уқтиради. Табиийки, мусиқашунос мусиқани идрок этар экан, у мусиқа ижодкори, шакли, характери, жанри ҳақида бемалол фикр билдира олади. Бироқ, ҳаваскор мусиқа тинглагандан, фақатгина мусиқанинг характери, бадиий образи ҳақида қисман тушунча бера олади.

Асарни билишнинг иккинчи босқичида бола асар ҳақидаги ўз фикрини айтиши, унинг ғоявий-бадиий мазмунига баҳо бериши, асарнинг характерли хусусиятларини таҳлил қилиши керак. Бунда танқидчилик санъатшунослик ва ҳоказолардаги муаллиф ва унинг асарлари ҳақида инсоният тўплаган билимлар мужассамлашади. Мусиқа тинглаш, якканавоз ва жўровозликни ажратади.

билиш, созлар ва созлар тембрини ажрата олиш, мусиқий дид ва идрокни ривожлантириш, ўзбек, қардош ва жаҳон халқлари бастакорлари асарларидан намуналар тинглаш каби мусиқий-назарий билимларни ўз ичига олади. Ушбу билимларни ўзлаштириш болаларнинг мусиқий-эстетик савиясини оширади.

Болаларнинг мусиқани идрок этиш малакаларини шакллантириш, унинг тилини тушуниш, ҳар бир боланинг ўз севимли мусиқий асарлар дойрасини пайдо қилиш, уларда мусиқий асарларнинг муаллифларига нисбатан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш, миллий ва мумтоз мусиқага нисбатан қизиқиш уйғотиш муҳим вазифалардандир.

Мактабгача таълим муассасаларда болаларнинг ёшлирига мос бўлган, ўз тузилиши, мазмуни жиҳатдан гўзал, юксак ғояларни, ўтмиш ва келажакни акс эттирувчи мусиқа янграши керак. Болалар оилада, радио, телевидение орқали, шунингдек, театр, концерт ва бошқа жамоатчилик жойларида мусиқа билан доимо ошно бўладилар, яъни болаларнинг ҳафта давомида тинглайдиган мусиқа қўлами ҳафтадаги бир соатлик машғулотдан бир неча бор кўпdir. Аммо улар тинглайдиган мусиқа асарларининг ҳаммаси ҳам болалар ёшига мос эмаслиги ва улар мусиқани бадиий-ғоявий жиҳатдан ҳамма вақт ҳам мақсадга мувофиқ идрок эта олмаслигини ҳисобга олишимиз лозим. Шунинг учун ҳам мусиқа машғулотларида мусиқа тинглаш жараёнлари болаларнинг ҳаётий мусиқий фаолиятида бошқарувчи ва педагогик мақсадга мувофиқ йўналтирувчи, бадиий-ахлоқий тарбия берувчи восита сифатида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, машғулотлар жараёнидаги ҳар бир фаолият хоҳ у қўшиқ куйлаш бўлсин, хоҳ мусиқа саводи, хоҳ мусиқа тинглаш, буларнинг барчаси баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган бўлади.

Мусиқа маданияти дарсларининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда мусиқа таълимининг кўргина фаолиятилари қамраб олинади. Бу фаолият турлари ичida хор бўлиб куйлаш ва мусиқий асар тинглаш жараёнида болаларнинг мусиқий дидини шакллантириш етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, машғулотнинг таркибий қисмлари — қўшиқ куйлаш, мусиқа чолғу асбобларида жўр бўлиш, мусиқа остида ритмик ҳаракатлар қилиш жараёнларида ҳам болаларнинг мусиқий дидлари шакллантириб борилади. Болаларда мусиқага ҳавас уйғотиш учун уларнинг эшитаётган мусиқа асарларини севиш катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳислат факат юксак бадиий-эстетик савиядаги асар воситасида амалга оширилади.

Инсон яхши қўшиқни маҳоратли ижроидан тинглагандан унда мусиқий асарга нисбатан таассуротлар, фикр-мулоҳазалар уйғонади. Тингловчиларнинг

күшиқни қандай идрок этишлари, ундан қанчалик таъсирланишлари, мусиқий асарнинг тингловчилар ҳиссиётига ва онгига таъсири мусиқанинг қандай янграши, созанда ёки хонанданинг асарни қай даражада ижро этишига боғлиқдир. Лекин бунинг ўзи мусиқа тинглаш учун етарли эмас. Тингловчилар мусиқа ижодкорлари ва муаллифлари ҳақида, тингланётган асарнинг яратилган даври, шакли, тури, ўлчови, ритми ва бошқалар ҳақида тушунчага эга бўлса, мусиқий асарни тинглашда асарнинг мазмун-моҳиятини тўла-тўқис тушунади, шунингдек, асар унга ижобий таъсир қиласи, ички ҳиссиёт ва кечинмаларни ҳосил қиласи.

Болаларни миллий мусиқамизни тинглашга тайёрлаш учун ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларида қандай ишлар олиб борилаяпди? Юқорида айтилган мусиқа тинглаш учун керак бўладиган шартларни бажариш мусиқа раҳбари олдига катта вазифаларни қўяди. Мусиқа раҳбари мусиқий асарни эшиттиришдан олдин, болалар билан шу мавзуда қисқача сухбат ўтказади ва сухбатда асарнинг мазмуни ва характери, асар муаллифлари ҳақида болаларга сўзлаб беради. Е.Горскаянинг фикрига кўра, мусиқа тинглашдан аввал ўтказилган сухбат ўқувчиларни психик жихатдан асарни идрок этишга тайёрлайди. Асарнинг жанри, яратилиш тарихи, ижодкорлари, асадаги ғоя ҳақида ўтказилган сухбат ўқувчиларни шу асарни тинглашга замин яратади. Кўйни тинглаш жараёнида уни яратилган давр ҳақида, композиторнинг ҳаёт ва ижоди ҳақида, қўшиқ ёки куй билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳақида ўтказилган сухбат мусиқани идрок этишда ўта муҳим жараён ҳисобланади.

Е.Горская шу фикрларни баён этар экан, бир қатор ҳар хил мавзудаги қўшиқ ва куйларни келтиради. Шунингдек, у ҳар бир куй ва қўшиқни ижро этишдан – тинглашга беришдан аввал бериладиган кириш сухбатларидан намуналар келтиради. Ўқувчиларга ҳар бир мусиқий асар замирида маълум воқелик, ҳис-туйғу ва фикрлар ётиши ҳақида уларнинг ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда тушунча бериб бориш лозим.

Мусиқий тарбияни амалга оширишда болаларни нафақат мусиқий асарни ижро этишга, балки мусиқани эмоционал ва руҳан идрок этишни ўргатиш керак. Асосан, болалар мусиқани қўшиқ куйлаш жараёнида эшитадилар. Қоидага кўра, мусиқа раҳбари қўшиқ ўтгатишдан аввал, болаларга уни ўзи ижро этиб беради. Болаларнинг мусиқани эшитиш ва идрок этишлари учун бу жуда камлик қиласи. Бунинг учун аввало мусиқа раҳбари болаларни ўзлари куйлайдиган қўшиқларидан мураккаброқ куй ва қўшиқларни тинглашга ўргатиши керак. Шунинг учун ҳам мусиқа раҳбарининг ўзи юқори даражада мусиқани ижро эта олиши ва қўшиқ куйлай олиши талаб этилади. Афсуски, ҳозирги пайтда ҳамма мусиқа раҳбарилар ҳам бундай имкониятга эга эмаслар.

Лекин методик жиҳатдан маҳоратли мусиқа раҳбари турли техник воситалар, аудио тасмалар, мусиқий марказлар ва компьютерлардан фойдаланган ҳолда болаларни юқори эмоционал ҳолатда мусиқа эшитишларини ташкил эта олади, яъни замонавий мусиқа маданияти мусиқа раҳбари барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда болаларнинг мусиқани асл моҳиятини тушунишлари, уни маъносини англашлари учун мавжуд бўлган техник ва кўргазмали қуроллардан самарали фойдалана олиши лозим. Лекин шуни инобатга олиш керакки, магнитофон ёрдамида эшитилган асарга нисбатан мусиқа раҳбарининг ўзи ижро этган мусиқий асар болаларда кўпроқ таассурот қолдирап экан. Агар мусиқа раҳбари мусиқий асарни аввал ўзи ижро этиб, сўнгра магнитофонда кўйиб берса натижа юқори даражада бўлади, албатта.

Бошланғич синфларда мусиқа тинглаш бўйича қўйиладиган асосий вазифалар иккита асосий йўналишни ўз ичига олади:

1. Ҳар хил мазмундаги ва ҳар хил муаллифлар асарлари билан танишиш, мусиқий заҳира тўплаш.

Мусиқий термин ва тушунчаларни ўзлаштириш, асосий мусиқанинг ифодаловчи воситалари ҳақида, мусиқий асар элементлари ҳақида бошланғич тушунчаларни эгаллаш. Мусиқа таълим тизимидағи дарсларни методик жиҳатдан тўғри ташкил этишда машғулотларда тингланадиган асар мусиқий тузилиши, бадиий-гоявий мазмун жиҳатидан чорак мавзусидан келиб чиқиши лозим. Мусиқа тинглаш жараёнини қуидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Тингланадиган асар ҳақида мусиқа раҳбарининг кириш сўзи (бунда, мусиқа раҳбари болаларга мусиқий асар муаллифлари ҳақида, асарнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб беради).

2. Мусиқа раҳбари ёки магнитофон ижросида асарни тинглаш.

3. Тингланган асарни сухбат-баҳс йўли билан мусиқий ва бадиий-гоявий жиҳатдан оддий таҳлил қилиш.

4. Мусиқий асарни бир бутунлигicha қайтадан тинглаш ҳамда асар ҳақида болаларнинг умумий таассурлари юзасидан якуний хулоса чиқариш.

Юқорида келтирилган босқичларга амал қилган ҳолда, мавзу жиҳатидан болалар ҳаётига оид бўлган, турли характердаги мусиқа асарларини тинглаб ва бу асарларни яратган композиторларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қисқача маълумотга эга бўлсалар — кўзланган мақсадга эришган бўламиз. Шу тариқа болалар машғулотларнинг мусиқа тинглаш қисмида қуидаги қўнимка ва малакаларга эга бўладилар:

- мусиқий асарни диққат билан жимликни сақлаган ҳолда тинглаш.
- мусиқий асарни тинглагандан асар мазмуни ва характерини англаш;

- мусиқанинг ифода воситалари, жанрлар (кўшиқ, рақс, марш), тембрлар ҳақида оддий тушунчага эга бўлиш;
- эркаклар, аёллар, болалар ва аралаш хор овозлари, якканавозларни эшита олиш ҳамда бир-биридан фарқлай олиш;
- миллий чолғуларини, оркестр турларини, мусиқа жанрларини бир-биридан фарқлаш ва ҳоказо.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, болалар ўз тинглаган асарлари ҳақидаги таассуротларини расм чизиш орқали акс этишлари яхши натижалар беради. Мусиқа раҳбари болаларнинг тасвирий фаолияти натижаларига асосланиб уларнинг фикрлаши, идрок этиши, тафаккури, онги қай даражада шаклланганлигини баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Мусиқа тинглашнинг яна бир муҳим шартларидан бири, мусиқий асарни тинглаш жараёнида гурӯҳда тинчлик бўлмоғи лозим. Мусиқани диққат билан, жимлик шароитида тинглашга ўрганиш ёшликтан бошланади ва бола улғайгандан сўнг юксак маданиятли шахс бўлиб этишади.

Ҳар қандай соҳада кўникма ва малакаларни ошириш учун такрорлаш ўта муҳим шарт ҳисобланади. Мусиқа тинглашда ҳам эшитилган мусиқий асарни қайта-қайта тинглаб туриш, ушбу асарни яхшироқ тушуниш ва ўзлаштиришга имкон яратади. Энг асосий талаблардан бири шундаки, бола тингланган асар ҳақида ўз таассуротларини айтиб бера олиши керак. Ҳар бир боланинг ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиши эшитилган асар ҳақидаги таассуротлар кўламини кенгайтиради. Масалан, мусиқа тинглашда — «Бу қўшиқни биласизми? Биринчи марта қаерда эшитгансиз? Қўшиқ сизга ёқдими? Қўшиқнинг маъносини тушунтириб бера оласизми?» — каби саволлар орқали болаларни янада диққат билан тинглашга, уларни ўзлари эътибор бермаган айrim жиҳатларни идрок этиш ва англашга, мустақил фикр юритишга одатлантириб боради.

Мусиқа маданияти машғулотларларида мусиқа тинглашни аҳамиятини баҳолаш мураккабdir. Болаларга мусиқа тинглаш маданиятини ўргатиш, уларни дунё мусиқа санъати дурдоналари билан таништириш, мусиқанинг ўта бой ифода воситаларини ўргатиш, юқори бадиий савиядаги мусиқа санъати асарларига нисбатан муҳаббат уйғотишда мусиқа тинглаш жараёнининг ўрни жуда катта.

Мусиқий таълим тизимида, хусусан, мусиқа тинглаш таълим мазмунининг асосини ташкил қиласди. Болалар асар тинглаш жараёнида якканавоз ва жўрнавозликни ажрата билишлари, ансамбл ва оркестр ижросини фарқлай билишлари, созлар ва чолғулар тембрини ажрата олишлари, ўзбек, қардош ва

жағон халқлари бастакорлари асарларидан намуналар тинглай олишни үрганишлари зарур.

Мусиқа тинглаш машғулотларда барча фаолият турларини бажариш жараёнида амалга ошади. Демек, мусиқа тинглаш орқали болаларда мусиқани, унинг образлари воситасида ҳаётни, борлиқни эстетик идрок этиш, англаш ва билиш қобилияти ривожланиб боради. Юқорида санаб ўтилган шартлар бажарилса, болаларни мусиқий асарларни бадиий-гоявий жиҳатдан мантиқан тұғри идрок этишга, мусиқий дид ва тафаккурларини ривожлантиришга, мусиқий асарни қадрлашга, уни тұғри баҳолашга қулай шароит яратилади.

Құшиқ күйлаш фаолияти

Болалар тарбиясида мусиқа етакчи үрин әгаллайды. Бу фаолият тури болаларга бошқа фаолият турларига нисбатан яқин ва тушунарлидир. Болалар құшиқ күйлашни севадилар. Күйлаш болалар ижрочилиги фаолияти ичидә етакчи фаолият тури бўлиб, у ўқувчиларнинг мусиқий-эстетик тарбиясида муҳим үрин әгаллайды. Яхши құшиқ болани қувонтиради, ҳар томонлама камол топдиради ва тарбиялайды. Чолғу күйларидан фарқли ўлароқ құшиқ күйлаш кучли эмоционал таъсир кучига эга. Чунки құшиқда матн ва мусиқа бадиий бирлиги намоён бўлади. Құшиқ күйлаш бола шахси тарбиясига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Құшиқ инсон ақлий камолотини ўсишига, дунёқарашини кенгайишига, атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қиласи.

Құшиқ күйлаш жараёнида улар мусиқани чуқурроқ идрок этадилар, ўз кечинма ва ҳис-туйғуларини фаолроқ ифодалайдилар. Құшиқнинг матни болаларга мусиқа мазмунини тушунишга ва күйни осонроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Бирор бир чолғуда ижро этилган күйга нисбатан овозда ижро этилган күйни болалар яхшироқ идрок этадилар.

Құшиқ күйлаш жараёнида болаларда мусиқий қобилият ривожланади: мусиқий эшитиш қобилияти, мусиқий хотира, ритм ҳисси, шунингдек, құшиқ күйлаш мусиқий қобилиятлардан: метр ва ритм ҳисси, мусиқий эшитуви, лад ҳисси ривожланади.

Жамоа бўлиб күйлаш фаолияти ўқувчиларни мусиқий ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Синфда жамоа бўлиб күйлаш жараёнида ўқувчи ўз овоз ижросини бошқаришни, устозлари ижросини эшитиб, кузатишни ҳамда улар билан баҳамжиҳат

жўрновозлик қилишга интилади, жамоавий бирлик, уюшқоқлик, ўзаро дўстлик ҳислари тарбияланади.

Қўшиқ куйлаш бола руҳиятига таъсир қилиш баробарида, унинг жисмоний ўсиши ва ривожланишида ҳам катта таъсир кўрсатувчи омилдир. Жамоа бўлиб куйлаш машғулотларида ўқувчиларнинг диққат-эътибори, онглилиги ва фаоллиги ошади, мусиқий хотира яхши ривожланади ва ўрганган қўшиқларни ижро этганда, завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Қўшиқни сўз маъноси ва мусиқа оҳангини чуқур идрок этадилар ва асарни мазмуни орқали ҳаётни ўрганадилар.

Қўшиқ куйлаш болаларнинг нутқини ҳам ривожланишига замин яратади. Қўшиқ сўзлари чўзиб ижро этилганлиги туфайли болалар янги сўзларни бўғинлаб, хатосиз ўрганадилар. Мусиқий раҳбар ва тарбиячилар сўзларнинг тўғри ижро этилишини текшириб борадилар.

Қўшиқ куйлаш жараёни болаларни умумий кайфият билан бирлаштиради, улар ҳамкорликда фаолият бажаришга ўрганадилар. Улар шошиб кетаётган ёки орқада қолиб кетаётган ўртоқларини эшитадилар ва уларни бир хил суръатда куйлашга чақирадилар.

Қўшиқ куйлаш – мусиқий тарбиянинг асосий воситасидир. У бошқа фаолиятларга нисбатан болалар учун жуда яқиндир. Қўшиқ куйлаб, улар мусиқани янада фаолроқ идрок этадилар. Қўшиқ матни эса мазмунан қўшиқ куйини англашга ёрдам беради.

Куйлаш фаолиятида болаларда мусиқий қобилияtlар эшитиш қандай хотира ва ритм ҳисси ривожланади. Куйлаш боларнинг нутқини ривожлантиради.

Мусиқа ўқитувчиси (раҳбари) болаларни қўшиқ куйлаш жараёнида сўзини куйга мос қилиб куйлаш уларни назорат қилиб туради.

Бола овозни ўзига хос хусусиятлари боғча болаларининг овози нозик, юмшоқ майин бўлади. Бола томоғи ундаги бўғин билан катта кичкина бўлади. Шунинг учун овози юмшоқ ва товуш резанатори орқали кучайтириб берилади. Резонатор иккига бўлинади:

1. юқори бош резонатор.
2. пастки қўкрак резанатори.

Кўкрак резанатори овозни кучайтириб беради. Бош резанатор эса овозни жарангли қилиб беради.

Куйлаш – бу мураккаб жараён бўлиб, товуш ҳосил қиласди, яъни куйлаш даврида эшитиш ва куйлаш бир-бири билан боғлиқ бўлиши керак. Болалар катталарнинг нутқи ва оҳангига тақлид қиласдилар, овозларида қушларнинг, уй

ҳайвонларининг товушларини ифодалайдилар. Ўқувчиларда куйлаш малакаларини самарали шакллантиришда энг аввало инсон овоз аппарати тузилишини билиб олишимиз керак. Оғиз, бурун бўшлиғи, ҳалқум, трахея, бронхлар ва ўпкалар овоз ҳосил килувчи аъзолар ҳисобланади. Асосий овоз аппарати эса ҳиқилдоқда жойлашган. Болаларни куйлаш ижодини ривожлантириш буйича иш аста-секин олиб борилади. Шуни инобатга олган ҳолда мактаб таълим-тарбия дастурида хар бир синф диапазонига мос асарлар берилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ёш болаларда ҳали овоз мушаклари ривожланмаган бўлади. 7 ёшдан 13 ёшгacha бўлган вақт овоз мушакларининг шаклланиш даври ҳисобланади. Унга қадар овоз мушаклари вазифасини пайлар бажаради. 11-13 ёшга келиб болаларда ҳиқилдоқ мушаклари тўлиқ шаклланади ва 20 ёшга қадар ривожланиб боради. Шундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, 11-13 ёшда овоз ҳосил қилиш катталарнидан фарқ қиласди. Буни қўшиқ ўргатиш жараёнида албатта инобатга олишимиз керак.

Болалар овозини тўғри шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқитувчи овоз аппарати ўзгариш хусусиятлари билан бирга, болаларнинг куйлаш имкониятларини яхши билиш керак. Чунки боларнинг ёш диапазонига амал қилишлик овознинг тўғри тарбиялашнинг, куйлаш фаолиятини самарали амалга оширишда муҳим шартларидан биридир.

6-7 ёшли болаларда куйлаш имконияти у қадар катта эмас. Юқорида айтиб ўтилгандек, бу уларнинг овоз аппаратлари тўлиқ шаклланмаганлиги билан боғлиқ.

1-синф ўқувчилари овози ми 1-соль 1, фа 1- ля 1 диапазонида яхши жаранглайди. Шунинг учун ҳам дастлаб диапазон жиҳатдан чегараланган, унча мураккаб бўлмаган, содда, аммо характеристи ва образ жиҳатдан эркин қўшиклар куйлашга берилиши лозим. Аста-секин қўшиклар диапазони кенгайтириб борилади. Ҳар бир қўшиқда ўқувчилар куй товушлари ва баландлигини кўргазмалар ва ҳаракатлар орқали билиб борадилар. Бу эса овоз ва эшитув мувозанатини таъминлайди ва товуш баландлигини тўғри аниқлашга ўргатади.

2-синф ўқувчиларининг овозлари эса ми 1 - си 1, диапазонида анча табиий жаранглайди. Шу билан бирга ушбу диапазон ҳали нозик ва калта овоз пайлари имконияти билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда енгил, зўриқмай куйлашга эришиш керак.

Аста-секин куйлаш диапазони кенгайтириб борилади. Ўқув йили охирига келиб ушбу синф ўқувчилари диапазони ре 1 - ре 1 га ўтади.

Учинчи-тўртинчи ўқув йилларида эса ўқувчилар овози до 1- ре 2 (ми 2) диапазонида тўлиқ жаранглайди. Тўртинчи синф ўқувчилари овоз диапазони до кичик октава - ми 2 (фа 2) диапазонида тўлиқ жаранглайди. Бу даврга келиб улар куйлаш малакаларига эга бўладилар.

5-6-синфда 11-13 ёшли ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ўқитувчи ишида қийинчиликлар вужудга келади. Чунки бу даврда ҳиқилдоқнинг ўсиши натижасида болалар овозида «мутация» ҳолати кузатилади.

Мутация ҳар кимда турлича кечади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчини яхши билиши ва овозидаги индивидуал ўзгаришларни кузатиб бориши лозим.

Қизларда ҳам «мутация» борми деган савол илмий адабиётларда у қадар тўлиқ ёритилмаган. Яхши маълумки, овоз ўзгариши физиологик жараён бўлиб, у бевосита бутун организм ўзгариши билан боғлик. Қизларда ҳам овоз пайларининг ўсиши кузатилади. 13-14 ёшга келиб куйлашдан сўнг қизлар овоз пайларида ҳам қизариш ва овознинг бир мунча чарчаш ҳолати кузатилади. Лекин қизлардаги мутация жараёни ўғил болалардагидек сезиларли даражада ўтмайди.

Болалар овозини муҳофаза қилишда куйлаш малакалари устида иш тўғри олиб борилиши керак. Жамоа бўлиб куйлаш малакаларига:

- Куйлашдаги ҳолат (туриб, ўтириб куйлаш)
- Нафас ҳосил қилиш
- Товуш ҳосил қилиш
- Соз
- Талаффуз
- Ансамбл

Кўшиқ айтиш ҳолати

Боғча болаларнинг куйлаш жараёнида уларни тўғри ўтириш, қоматларини, бошларини тик тутишларини, оғиз очишларини тўғри ўрганишларини назорат қилиб туриш. Стулга тўғри ўтириш, лекин, 3-4 ёшли бола стулга суюниб қўлинни тиззига қўйиб ўтириши мумкин, оғизларини вертикал очишлари керак.

Мактабда эса ўқитувчи биринчи дарсдан бошлабоқ, қўшиқ айтиш ҳолати - партада ўтириб ёки туриб куйлаганда бош, қўл ва оёқларни қандай тўтиш лозимлиги ҳақида болаларга тушунча бериб боради. Куйлаганда гавдани

қийшайтирмасдан тўғри тутиш, елкаларни енгил кериб, иякни ортиқча кўтартмасдан, бўйинни ва бошни тўғри ушлаш, қўлларни эркин ҳолда пастга тушириш ёки кафтларни тиззалар устига енгил қўйиб, энгашмасдан ўтириш ва оёкларни елка кенглигида эркин қўйиш каби ҳолатлари устида иш олиб боради. Бу иш ҳар бир дарсда қайта-қайта такрорланади ва бутун йил давомида назорат қилиб бориш билан болаларда кўникма ҳосил этилади .

Нафас ҳосил қилиш

Нафас қўшиқ куйлаш жараёнида мустаҳкамланади. Куйлашдан аввал мусиқий жумлалар орасида нафас олишга болаларни ўргатади. Нафас ҳосил қилиш куйлаш нафасни тўғри олиш ва ундан унумли фойдалана билиш асосида амалга оширилади. Бошланғич синф ўқувчиларда нафасни қўкрак қисмида олишлари сабабли кафтларни кўтаришлари, жумлани тугатмасдан ёки сўзни бўлиб нафас оладилар.

Ўқитувчи елкаларни кўтартмасдан вазмин нафас олиш ва жумла ҳамда сўз ўрталарида нафас олмасликка алоҳида эътибор бериши лозим, Болалар қўшиқ ёки машқ куйлаганларида ўқитувчининг қўл ишораларига қараб

нафас олишиларига ва уни жумла охиригача одатлантириб борилади. Дирижёрлик ҳолатлари - «диққат», «ауф», «ижрони бошлаш», «ижрони тугатиш»га одатлантириб бориш бошланғич синф ўқувчиларида нафасни тўғри йўлга қўйишда энг самарали усул ҳисобланади.

Интонация (Товуш ҳосил қилиш)

Бунинг учун болалар куйни яхши идрок этиш керак. Интонация эшитиши қобилияти ва овоз аппаратининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Айрим нутқида нуқсони бўлган болалар сўзларни нотўғри айтиш натижасида фальш (носоз) қилиб куйлашлари мумкин. Интонацияни соф бўлиши тарбия олаётган муҳитга ҳам боғлиқ. Товуш ҳосил қилиш куйлашни асосий воситаларидан биридир. У кўпинча маҳсус машқлар ва қўшиқлар ўрганишда сўзларни аниқ-равshan талаффуз этиш йўли билан шаклланиб боради. Болаларни куйлаш малакаларини шакллантириш ва ўстириш ишлари, мусиқа товушларини диққат билан эшитиши ва уларни аниқ баландликда куйлаб бера олиш қобилиятини ривожлантириш асосида амалга оширилади. Бу ёшдаги болаларда, қўшиқни куйлаганда кўпроқ нутқ товушларидан фойдаланишга интилиш ҳолларини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу, биринчи навбатда, болаларни битта товушда чўзиб майин, яъни легатода куйлашга ўргатишдан бошлаш зарурдир.

Бошланғич синфларда болаларни майин “атака”да куйлашлари аниқ товуш ҳосил бўлишини, овознинг мулојим ва ёқимли бўлишини таъминлайди. Қаттиқ “атака”дан фойдаланиш болалар овозига қўполлик ва дағаллик олиб

келиши мумкин. Айрим болалар бақириб, зўриқиб куйлайдилар. Бу эса, вокалхор малакаларининг яхши шаклланишига халақит беради, овозларга путур етказади. Болаларни тўғри куйлашга ўргатиш учун керакли машқлардан фойдаланамиз: пастки жағни бўшатиш учун «ля-ля-ло-лу» ; «да-де-ди-до-ду»; «ма-ме-ми-мо-му» машқини иккинчи бармоқларимизни лабимиз четига қўйиб ижро этамиз.

Соз ва ансамбл

Жамоа бўлиб куйлашнинг энг асосий шарти соз ва ансамблга эришишдир. Соз жамоа бўлиб куйлашда овозларнинг интонацион уйғунлиги, жўрлиги, бирлиги бўлиб, мелодик ва гармоник турларга бўлинади. Соз ҳар бир боланинг мусиқа товуши баландлигини аниқ куйлай олишига асосланади. Барча болаларни созга бир хил тушуши жамоа бўлиб куйлаганда талаффуз жиҳатдан уйғунлашишга имконият беради. Шунинг учун 1-дарсдан бошлаб, соз устида мунтазам иш олиб борилади. Фақат шундагина соф унисонга эришиш мумкин бўлади.

Талаффуз

Товуш яхши чиқиши учун талаффузнинг муҳим аҳамияти бор. Жамоа бўлиб куйлаш ишини ривожлантиришда талаффузнинг яхши ривожланиши муҳимдир. Бунда артикуляцион органлари - лаб, тил, жағларнинг фаол ҳаракатидан ҳамжиҳатлиги, аниқ, оҳангдор, мазмунан ифодали талаффуз этилишига эришиш лозим. Болалар нутқида заифлик, ноаниқлилик, овоз аппаратини сиқиб гапириш каби нуқсонлар учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан индивидуал иш олиб бориш лозим. Энг муҳими, болаларни машқ ва қўшиқлар матнларининг вокал талаффузига ўргата бориш лозим. Қўшиқ куйлашда унли товушларни тўғри шакллантира олиш муҳимдир. Бу иш вокал машқлари, машқ-қўшиқ, ва қўшиқларни ўрганиб куйлаш жараёнида амалга оширилади. Нутқимизда унли товушдан кўра, ундош товушлар кўпроқ ишлатилади. Шунинг учун бизнинг вазифамиз кўпроқ унли товушларни куйчан, чўзиб куйлаш ҳисобига ундош товушларни қисқа аниқ талаффуз этишга эришишдан иборатдир. Хусусан, «А» товушини очик кенг талаффуз килиниб, куйланганда лаблар бир-бирига яқин, ёпиқли, бироз «О» товушига яқинлаштириш; «О» товушини талаффуз қилганда очик, томоқка яқин, куйлаганда балларга яқин, ёпиқли, юмшоқ куйланади; «Е» товуши талаффузда очик, куйлаганда ёпиқли «е» тарзида келадиган сўзларни «Э» га яқинлаштириб куйланади. «И» товуши тил олди, йиғиқ, баъзан сиқиқ ҳолда талаффуз этилади. Уни фақат овоз аппаратиннинг эркинлиги ва енгил

нафасда «у» га яқинлаштириб куйлаш лозим. Товушларни вокал машқларида «да, дэ, ди; ма, мэ, ми» каби бүғинлар билан қуйлаш фойдалидир.

Ундош товушларни кескин, чаққон ва аниқ талаффуз этиб, уларни унли товушлар оралигиде куйлашга ўргатиб бориш лозим. «Қ», «х» ва «ғ» товушлари нутқда томоқта яқин талаффуз этилади. Куйлашда талаффуз механизмини ўзгартирмай, уларни юмшоқ талаффуз қилишга эришиш лозим.

1.Куйлашдан олдин қўшиқ матнини ифодали ўқиши.

2.Қўшиқ ўргатиш жараёнида ҳамма биргалиқда шошмасдан сўзлаб секин куйлаш.

3.Қўшиқни кўплетларга бўлиб, ифодали ўқиши куйлашга ёрдам беради.

Ансамбл

Жамоа бўлиб куйлашда овозларнинг ритмик, динамиқ, тембр ва интонацион уйғунлигидир. Соз малакаси эса, ансамблнинг вужудга келишида асосий омил ҳисобланади. Қўшиқларнинг бадиий ижро этилишига овозлардаги соз ва ансамблнинг уйғунлиги воситаси билангина эришиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларида жамоа бўлиб куйлаш

Бошланғич синф ўқувчиларини жамоа бўлиб қўшиқ куйлашга ўргатиш умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа ўқитувчи зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир. Жамоа бўлиб куйлаш ўқувчиларда бир қатор ижобий жиҳатларни жумладан, уларни ахлоқий жиҳатдан шаклланишига катта таъсир этади. Биринчидан, қўшиқ аниқ бир мавзуга қаратилган бўлади, иккинчидан, ўқувчилар қўшиқларда акс этган ўзга инсонларнинг руҳий ҳолатини, унинг кечинмаларини ҳис қиласидилар. Жамоа бўлиб куйлаш нафақат эстетик дидни, балки ўқувчиларнинг ташаббускорлигини, фантазияларини, ижодий қобилиятларини, тарбиялайди ва мусиқий қобилиятлар (қўшиқчилик овозини, усулни ҳис этишни, мусиқий хотирани)ни ривожлантиради, қўшиқчилик малакаларини, мусиқий қизиқишиларини ошириб, эмоционал ҳамда вокал-хор малакаларини орттиради. Жамоа бўлиб куйлаш инсон ҳаётида жамоатчиликнинг ўрнини тушунишга ёрдам беради. Шу билан бирга ўқувчиларнинг дунёқарашларини шакллантиради ва уларга жиспештирувчи, тартибга солувчи таъсир қиласиди ҳамда жамоатчилик, дўстлик ҳисларини шакллантиради. Жамоа бўлиб куйлаш дарсларида ижро этиш учун мусиқий асар танлашда куйланадиган материални тўғри танлаш асосий шартлардан биридир. Бу турдаги дарслар учун қўшиқ уларни мавзу, мусиқий жанрга

мансублик, мақоми (миллий ва чет эл мусиқий асарлари) жиҳатидан турли туман бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни репертуарда ҳар хил мавзу ва жанрлардаги замонавий ва мумтоз асарлар, маҳаллий ва чет эл мусиқаларини бўлиши мақсадга мувофиқ. Кўшиқ айтиш бошқа мусиқий фаолиятлар туридан шуниси билан фарқ қиласиди, унда мусиқа билан сўз биргаликда келади. Шунинг учун ҳам қўшиқнинг мазмуни ўқувчиларга мусиқанинг бошқа турларига қараганда тушунарлироқ бўлади.

Мактаб мусиқий тарбия амалиётида жамоа бўлиб куйлашнинг бир қатор ўзига хос ҳусусиятларини юзага чиқарган:

- жамоа бўлиб куйлаш болалар хулқини тарбиялайди ва жамоага бирлаштиради;
- жамоа бўлиб куйлаш болаларни жисмоний ривожлантириш воситасидир;
- жўрсиз куйлаш болаларни эшитиш қобилиятини ва хотирасини ривожлантиради;
- кўп овозлилик гармоник эшитиш қобилиятини тарбиялайди.

Болаларни жамоа бўлиб куйлашга қизиқтириш ва ўргатишда ўқитувчининг олдида қатор вазифалар белгилаб берилган.

Жамоа бўлиб куйлашнинг вазифалари:

- болаларда бадиий сезирликни ошириш ва мусиқага бўлган мухаббатни уйғотиш, жамоа бўлиб куйлашга болаларни қизиқишини ривожлантириш;
- вокал-хор малакаларини ривожлантириш;
- мусиқий қобилиятларини ривожлантириш;
- мусиқий ижрочилик малакаларини ривожлантириш.

Жамоа бўлиб куйлашда белгилаб берилган ҳусусиятлар, мақсад ва вазифалардан тўлақонли фойдалана олсак, болаларда мусиқага, ҳусусан, жамоа бўлиб куйлашга бўлган қизиқишиларини янада оширамиз

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштиришнинг қўшиқ куйлаш жараёнида, ўқувчилар аввал куйланадиган қўшиқни ўқитувчи ижросида, маълум чолғу чолғуи жўрлигида тинглайдилар. Бу ўқувчиларда қўшиқ ҳақидаги дастлабки эмоционал таассуротларни ҳосил қиласиди. Ўқитувчи ўқувчиларга танланган қўшиқнинг яратилиши ҳақида, уни ёзган композитор ҳақида қисқача маълумот беради. Кейин ҳамма биргаликда қўшиқнинг тузилиши, лади, ўлчови ва тонлигини аниқлайдилар. Сўнгра ўқитувчи ёрдамида қўшиқни куйлашни ўрганадилар. Ўқувчиларга қўшиқ куйлашни ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўз билимини улар онгига етказиши учун жуда

қулай вазият вужудга келадики, бунда ўқитувчининг болаларни мусиқани тўғри идрок қилишга тайёрлаши муҳимдир. Бу жараённи амалга оширишда тафаккур, дикқат, хотира ва эмоционал қўтариинки рух ёрдамга келади. Педагогика ва психология фанларида ўтказилган тадқиқотлардан маълумки, ижодиётни шакллантиришнинг барча турларига бу нарсалар бевосита алоқадордир, қолаверса бутун таълим жараёнини бўларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мусиқа дарсларида хотирани кучайтириш ва ривожлантиришнинг асосий принципларидан бири дарсларни соддадан - мураккабга, қўйидан-юқорига қараб бориш принципларига асосланган ҳолда уюштиришдир.

Қўшиқ айтиш санъати вокал-хор малакаларига эга бўлишни талаб этади ва қўйидаги шартларни ўз ичига олади:

1. Куйлаш жараёнида тўғри ўтириш ёки туриш.

2. Тўғри нафас олиш.

3. Оҳангдошликни ҳис этишга эришиш.

4. Бошқа ўқувчиларни тинглаган ҳолда куйлаш (ансамблга эришиш) ва ҳоказолар.

Жамоа (хор) бўлиб қўшиқни куйлаш олдидан ва уни куйлаш жараёнида мусиқий саводхонлик компонентларини ташкил этувчи бир қанча вазифаларни амалга ошириш лозим, чунончи:

— қўшиқ ҳақида дастлабки эмоционал таассуротлар ҳосил қилиш (қўшиқни тинглаб кўриш орқали);

— қўшиқни мусиқий таҳлил қилиш (ўлчов, темп, ритм, жанр ва ҳоказоларни аниқлаш);

— қўшиқнинг сўzlари устида ишлаш;

— қўшиқни кичик бўлакларга бўлиб ўрганиш;

— қўшиқни бир неча маротаба қайтариш орқали мустаҳкамлаш;

— асарнинг мусиқий–бадиий образини тингловчига етказиб куйлаш (мусиқий ҳаракатлар, эмоционал туйғулар орқали).

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ўқитувчи энг аввало танланган қўшиқнинг яратилиши ҳақида қисқача маълумот бериши ва ушбу қўшиқни маълум чолғу асбоби жўрлигида ифодали куйлаб бериши лозим. Ўқитувчи қўшиқ устида ишлагандা, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши зарур.

Юқоридаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қўшиқ кичик бўлакларга бўлинниб ўргатилади. Сўнgra бир бутун қилиб фразалар, жумлалар бўйича қўшилади. Қўшиқни бир бутун куйлаганда ўқувчилар ўқитувчининг ижросига

сұянағылар. Бу вазифаларни ўқувчиларнинг билим дойрасини, яғни күйлаш маданиятини шакллантирмасдан амалға ошириб бўлмайди. Ўқувчиларда күйлаш малакаларини шакллантириш жараёни бир хилда кечмайди. Бу жараён маълум қонуниятларга бўйсўнган ҳолда мақсадга мувофиқ равишда амалға оширилади. Бошланғич синфларда күйлаш малакаларини шакллантиришнинг қуидаги уч босқичга бўлишимиз мумкин:

1. Оддий элементар күйлашни ўрганишга эришиш.
2. Оддий машқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
3. Ҳосил бўлган күйлаш маҳоратидан самарали фойдаланиш.

Шаклланишнинг илк босқичлариданоқ ўқувчилар кичик диапазонда бўлса ҳам, соғ, тоза ва ифодали, динамик белгиларга риоя қилган ҳолда күйлашга ҳаракат қилишлари керак. Куйлаганда, оғизни тўғри очиш, нафасни тўғри олиш, күйлаш талаффузини яхшилаш, овоз тембрини ёрқинроқ ҳамда юмшоқроқ қилишга эришишлари лозим.

Биринчи босқични амалға оширишда мусиқа ўқитувчисининг ушбу малакаларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлашга эришиши муҳим ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг товуш пардасига оғирлик тушмаслиги ва уларнинг овозлари чарчаб қолмаслиги учун қўшиқ айтиш фаолиятини бошқа фаолиятлар билан алмаштириб туриши лозим.

Иккинчи босқичда асосий ўқувчиларнинг күйлаш малакаларининг барча қирраларида ижобий ўзгаришлар рўй беради. Нафас йўлларида эркинлик ҳосил бўлади, овоз тембри ёрқинлашади мусиқий хотира, эшитиш, ладни ҳис этиш қобилияти, диққат ривожланади.

Сўнгги босқичда күйлаш малакаларини ривожланганлик даражаси юқори бўлади. Жарангдорликнинг соғ ва ифодали бўлиши, овоз ҳосил бўлиш усулининг мустаҳкамланиши, овоз тембри сифатининг янада ошиши, овоз диапазонининг сезиларли даражада кенгайиши, куйлашда талаффузнинг ҳамда нафас олишнинг тўғри, равон ва тўла шаклланганлигини қўришимиз мумкин. Бу босқичда ўқувчилар чуқур мусиқий ҳис-туйғу ва мусиқий тўғри күйлашга эришган бўладилар. Бу даврда ўқитувчи катта диапазонли, сакрашлар иштирок этган машқлардан фойдаланиши мумкин. Куйлаш малакаларининг ўзаро узвийлиги пайдо бўлиши шу босқичга хос омиллардандир. Масалан, мусиқий эшитиш қобилиятининг ривожланиш даражаси овоз тембрининг сифатига, овоз ҳосил қилиш усулига ва бошқа малакаларга таъсир қиласи.

Табиийки, ўқувчиларда күйлаш малакаларини шакллантиришнинг ўз қийинчиликлари бўлади. Ўқувчилар ҳали берилган асарни тўла таҳлил қила

олмайдилар, дастлабки машқларда қўлга киритилган ютуқларни кейинги машқларда ишлата олмайдилар, куйлаш малакалари орасидаги боғлиқликни тўлиқ кўра билмайдилар. Бу қийинчиликларни бартараф этишда ўқувчиларнинг мусиқа тинглаш ва куйлаш изходиётини тўғри тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Куйлаш малакаларини шакллантиришда қайта куйлаш машқлари усулининг мақсадга мувофиқ равишда бажарилиши муҳимдир. Қайта куйлаш усулининг икки шарти мавжуд:

1. Ўқувчи куйлаётганда ўз олдига аниқ бир мақсадни қўйиши керак.
2. Ўқувчи нимага эришганини, ҳар бир машқнинг қандай натижага берганини, қандай хатоларга йўл қўйилганини билиши лозим ва келажакда ушбу хатоларни бартараф этишга ҳаракат қилиши керак.

Юқорида санаб ўтилган шартларни бажариш мусика маданияти дарслари самарадорлигини оширади ва келажакда янги усул ва услублар ишлаб чиқаришга замин яратади. Бунинг учун биз мусиқий тарбия тизимини яхшироқ англашимиз зарур.

Ҳар бир дарс ўз хусусиятига кўра такрорланмас ва бир-бирига ўхшамайдиган бўлади. Дарснинг ҳар бир фаолияти, методлари, мақсади ва вазифалари эришилмоқчи бўлинган натижалар аввалдан тузиб чиқилган бўлади.

Қисқа вақт ичида дарсни ташкил этиш учун 3-синф мисолида бир аралаш дарс турининг режаси қуидагича бўлиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Дастлаб дарснинг мақсади белгиланади.

I Дарснинг мақсади:

1) Таълимий мақсад – интонация устида ишлаш, янги мавзуни тушунтириш, янги қўшиқ ўргатиш, дарс жараёнида аввал ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш ва дарс мобайнида улардан унумли фойдаланиш.

2) Тарбиявий мақсад – ўрганилаётган қўшиқ орқали ўз Ватанига, халқига нисбатан меҳр–муҳаббат уйғотиш, ўз миллий мусиқасига, миллий урфодатларга ҳурмат ва фахрланиш ҳиссини уйғотиш.

3) Ривожлантирувчи мақсад – мустақил фикрлай олиш, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олиш, бошқа ўқувчиларнинг хато ва камчиликларини тўғри топиб, уларни тузата олиш.

4) Шакллантирувчи мақсад – мусиқий қобилиятни, эшитиб аниқлаш малакаларини, тўғри ўтириш, қўшиқ куйлагандаги тўғри нафас олиш, овоз аппаратидан қоидагидек фойдаланишни, мусиқий дид ва дунёқарашни шакллантириш.

II Дарснинг тури: баҳс–мунозараға асосланган интеллектуал ўйин.

III Дарснинг кўргазмалилиги:

Дарслик ва қўшимча адабиётлар, чолғу асбоблари (пианино, рубоб, аккордеон...), магнитофон ёки граммпластинка, карточка ва плакатлар.

IV Дарснинг режаси:

1) Мусиқа оҳанги остида ўқувчилар синфга кирадилар ва жойларига ўтирадилар. (ўрганилиши ёки эшитилиши керак бўлган қўшиқ бўлса яна ҳам яхши).

2) Эшитилган мусиқа юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашинади. (мусиқий асарнинг муаллифи, қандай жанрга хослиги, темпи (суръати), ритми (усули), тонлиги ва ҳоказо.

3) Янги мавзу: «Тоника».

Куйнинг таянч нуқтаси – тоникадир. Ҳар бир тонликда тоника мавжуд. Мусиқий асарлар ўз ёзилган тонлигининг тоникасида тугайди ва ҳоказо.

4) Ўрганишимиз керак бўлган «Ота-оналарга» қўшиғини тинглаймиз. Ўқувчилар қўшиқ борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Қўшиқнинг композитори хақида ўқитувчи сўзлаб беради. Янги мавзуга боғлаган ҳолда ўқитувчи ўқувчиларга асарнинг тоникасини топишни вазифа қилиб беради.

5) Қўшиқ ўрганиб куйлаймиз. (Овоз созвучи машқлар билан овоз созланади, қўшиқ кичик жумлаларга бўлиб ўрганилади)

6) Ўқитувчи ўқувчилар билан қўшиқни мусиқий (тонлиги, ўлчови, темпи, динамикаси ва бошқалар) ва мазмуний (ота-онага нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғулари ва ҳоказо) жиҳатдан таҳлил қилиб, ўқувчилар фикрларини тўлдиради ва қўшиқнинг тарбиявий аҳамиятини очиб беради.

V Дарснинг бориши: мусиқий таълим анъанавий шаклда (ўқувчиларни давоматини текшириш, уйга берилган вазифани текшириш, қўшиқ ўргатиш, мусиқа тинглаш, мусиқий саводхонлик) олиб борилади. Сўнг ўқитувчи юқорида белгиланган режага асосан дарсни олиб боради. Дарс сўнгида уйга вазифа берилиб, фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади. Фаол қатнашган ўқувчиларнинг аниқлаш учун ёрдам сифатида, ҳар бир тўғри жавоб учун ўқувчига рағбатлантирувчи карточкалар бериб бориш дарснинг самарасини оширади.

Юқорида берилган дарс ишланмаси бир дарснинг кўриниши бўлсада, биз бундан ташқари бошқа усулдаги, масалан, концерт дарслари (барча ўрганилган қўшиқлар ўқувчилар ижросида тингланади ва баҳоланади), контрол дарслар

(барча ўрганилган мавзулар мусобақа тарзида (қаторлараро) савол-жавоб қилинади), «ким тұғри топади» дарслари (ижро этилган күйнинг номи, муаллифи, темпи, қандай жамоа учун ёзилғанлығи ва ҳоказо топилади) ва шу каби дарс шакларидан ҳам фойдаланишимиз, янгиларини излаб топишимиз мүмкин. Бундай ёндошув ўқувчиларни барчасини дарсда фаол қатнашишга, уларнинг аксариятини бир дарсда баҳолашга кенг имконият яратади.

Мусиқа маданияти дарсларининг самарадорлигини ошириш учун мазкур предмет хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муайян дидактик принципларга асосланади.

Дарсларга күйиладиган дидактик талаблар тизимида қўлланиладиган методиканинг аниқ ва тушунарли бўлиши, аввалги ўтилган дарслар билан ҳозирги дарсларнинг узвийлиги, дарсда ўтиладиган мавзуга мос материал танлаш, дарс ўтишда самарали усул ва услублардан фойдаланиш, дарсни ташкил эта билиш, жамоа, груп ва индивидуал ишлаш усулларини умумлаштириш, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш, мусиқа маданияти дарсларини бошқариш, турли хил дарслар ёрдамида дарсларнинг мазмунини бойитиш, бериладиган вазифаларни тұғри баҳолаш, ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Нотага қараб куйлаш (солфеджио)

Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида нотага қараб куйлаш мураккаб жараёндир. Солфеджио – италянча solfeggio – ноталар, мусиқа белгилари, гаммаларни куйлаш – эшитув малакасини юксалтириш ва нотага қараб уларни тез ўқиши ўрганиш учун ўтказиладиган вокал машқлардир. Солфеджио – мусиқа асарлари ва турли хил мусиқий машқларни нотага қараб, нота номини айтиб куйлаш тариқасида олиб бориши мүмкин. Солфеджио термини сол-фа нота номларидан олинган. У ўқитувчидан дарсларни тизимли ва изчил равищда олиб бориши талаб қиласы. Агар ўқувчилар синфдан-синфга ўтаётганларида нотага қараб куйлаш малакаларини аста-секин, оддийдан-мураккабга қараб олиб борсалар юқори синflарга ўтганда улар ўрганилайдиган қўшиқларни bemalol нотага қараб куйтай оладилар. Нотага қараб куйлаш – солфеджио мусиқа саводи билан узвий равищда олиб борилади. Мусиқа саводи ноталар жойлашуви, узунлиги, саналиши ҳақида ўргатса, солфеджио орқали ноталарни амалда куйлаб кўриш имконияти бўлади. Шунинг учун мусиқа саводи ва солфеджио параллел тарзда олиб борилади.

Бириңчи синфданоқ ўқувчилар нотага қараб күйлаш малакаларини эгаллашлари керак. Бунинг учун күйланыётган күйнинг ҳаракатини нотага қараб кузатиб бориш лозим. Аввалам бор осон бўлган кичик мусиқий лавҳалар бериб борилади. Нотага қараб күйлаш учун ўқувчилар ноталар тизимини яхши билишлари ва уларни нота чизифидан бемалол топа олишлари муҳимдир. Нотага қараб күйлаш яхши самара бериши учун ўқувчиларга таниш бўлган, аввал күйланган ёки тингланган күйни бериш уларни куй ҳаракатини кузатишларида қулайлик туғдиради. Күйлашдан олдин күйнинг ўлчови, қандай узунликдаги ноталар (бутун, ярим, чорақ, нимчорақ...) иштирок этганилиги, күйнинг темпи, тонлиги аниқланади. Кейин шу тонликда овоз созлаш машқларини бажариш тонликка мослашишга имкон беради. Машқларда тонликдаги турғун ва нотурғун босқичлар аниқланади ва айтилади. Кўргазмали қурол сифатида бундай машғулотларда дарсликдан ташқари, мусиқий куй ёзилган плакатлар яхши натижа беради. Плакат ҳаммага кўринадиган жойга осиб қўйилади. Ўқитувчи бошчилигига ўқувчилар күйнинг барча ноталарини бараварига айтадилар. Кейин ўқитувчи шу күйни оҳанги ва ўлчови билан куйлаб кўрсатади, ўқувчилар нотага қараб кузатиб турадилар. Сўнгра ҳамма биргаликда нотага қараб күйни куйлайдилар ва бир вақтда дирижёрлик қиласидилар. Нотага қараб күйлашда дирижёрлик қилиш, күйнинг ритмидан чиқиб кетмасликка, метр хиссини ривожлантиришга, ноталар узунлигини тўғри санашга ёрдам беради. Сольфеджио малакаларини эгаллаш ўқувчиларнинг мусиқий ўқувларини ўстиришда, уларнинг амалий ишида катта аҳамиятга эгадир. Сольфеджио асосан нотаниш бўлган куйларни биринчи галданоқ нотага қараб күйлашни назарда тутади. Нотаниш күйни нотага қараб күйлаш учун ёзилган күйнинг оҳангини фикран тасаввур қила оладиган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам мусиқий ўқувни ўстириш ва мусиқа тажрибасига етарли даражада эга бўлишилик узоқ вақтни ва мунтазам равишда меҳнат қилишни тақозо этади. Бунга мусиқа саводини ўстириш мусиқа адабиётлари билан танишиш, вокал-хор малакаларини эгаллаш жараёнларида эришилади. Ўқувчилар аста-секин мусиқий нутқнинг баландлиги, лади, метроритмик хусусиятларини тушуна бошлайдилар, шунингдек уларда мусиқий идрок, мусиқий тафаккур, мусиқий хотира, мусиқий ҳиссиётлар пайдо бўла бошлайди. Ўқитувчи ўқувчиларга солфеджио малакасини эгаллаш бўйича машғулотларни 1-синфдан бошласада, 5-6-синфлардагина кўзлаган мақсадга эриша олади.

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида нотаниш күйни нотага қараб ижро этиш учун қуидаги тадбирлар амалга оширилади:

Ўқитувчи доскага нота мисолларини ёзади. Кейин ўқитувчининг саволлари ва ўқувчиларнинг жавоблари асосида куй таҳлил қилинади. Таҳлил қилиш ўқувчилар аввал эгаллаган мусиқий-назарий билимлари уларнинг ёшига мос равишда ўтказилади. Ўқувчилар тушунмаган элементларни ўқитувчи тушунтириб беради, ўқувчилар диққатини асосий мавзуга қаратади.

Таҳлил қилиш жараёнида қўйдагилар аниқланади:

1. Асар тонлиги, лади.
2. Асарнинг ўлчови.
3. Асарда учрайдиган динамик белгилар.
4. Кўйнинг ритмик тузилиши (ноталар чўзими, паузалар, асарнинг қайси ҳиссидан бошланиши ва ҳоказо).
5. Асадаги жумлалар, нафас олиш учун қулай бўлган тактлар.

Ана шундан кейин солфеджиога, яъни нутқлашга ўтиш мумкин. Бошланғич синфларда солфеджио учун машқлар асосан До мажор гаммасида берилади. Чунки бу тонлик энг осон ва куйлаш учун қулайдир. Солфеджиолаш учун машқларни солфеджио дарслекларидан топиш мумкин. Бундай дарслекларда осон мисоллардан бошлаб мураккаб машқларгача мавжуд бўлиб, у ерда ўқувчиларнинг ёши ва ўзлаштириш даражалари ҳисобга олинган бўлади. Ўқувчилар синфдан-синфга ўтганлари сари уларга бериладиган машқлар ҳам тонлиги, ўлчови, лади ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан мураккаблашиб боради.

Айрим ҳолларда машқлар ритми тез бўлади. Бундай ҳолларда ўқитувчи машқларни аввал секин темпда бошлаб кейин секин-аста тезлаштириб бориши керак. Агар ўқитувчида метроном бўлса, у ҳолда у bemalol кўзланган темпга эришиши мумкин. Мусиқий асарни аввал мўътадил темпда куйлаш куйни яхшироқ эшитиш, тўғри санаш, нафасни тўғри олиш, аниқ дирижёрлик қилиш имконини беради. Солфеджио учун машқлар танлашда ўқитувчи ўқувчиларнинг овоз диапазонини, нафас олиш малакаларини ҳисобга олиши лозим. Нутқлашда бақирмасдан, овозни зўриқтирмасдан, ҳар жумланинг охирида нафас олиб майн овоз билан куйлашни ўқитувчи назорат қилиб турмоғи даркор. Солфеджио машқлар 1-синфнинг иккинчи ярмидан бошланиб 7-синфнинг охиригача давом этади.

Ўқувчиларни куйлашга ўргатишда, уларни солфеджио малакасини эгаллашларига эришиш катта аҳамият касб этади. Бу жараён ўқувчиларнинг мусиқий савиясини оширишдаги етакчи омиллардандир.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар фаолияти

Ўқувчиларнинг хар томонлама мусиқий ривожида мусиқий-ритмик ҳаракатлар бошқа фаолият турлари каби муҳим аҳамиятга эга. Уларда мусиқийлик, ижодийлик қобилияtlари ривожланади, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш малакалари шаклланади. Мусиқага мос ҳаракат бажаришнинг тарбиявий аҳамияти – ритм ҳисси фаоллашади, мусиқий материалнинг ўзлаштириши чукурлашади. Ҳаракатлар бажариш мусиқий образ ривожини қузатишга ёрдам беради.

Мусиқани диққат билан тинглаб ўз ҳиссиётларини ҳаракатларда ифодалаш имконияти ўқувчининг ўз ҳаракатларини назорат қилиш қобилиятига таъсир этади.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар жамоавий фаолиятлардан бири ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларида юриш, югуриш ва сакрашда ҳаракат координациялари жуда яхши. Мусиқа садолари остида ўзлари мароқ билан: қарсак чаладилар, оёқлари билан тўпиллатадилар, турли буюмлар билан, хусусан, копток, таёқчалар, ленталар, сунъий гуллар, оддий мусиқа асбоблари билан ифодали ҳаракатлар бажарадилар. Мусиқа ва ҳаракат бирлигини ҳис қилиш уларга хосдир. Бу сифат эса – болалар мусиқий-ритмик ҳаракат фаолиятида мусиқий ижрочилик қобилияtlарини ривожлантиришда асосий ҳисобланади. Вақтнинг чегараланганлиги ва маҳсус хонанинг йўқлиги сабабли мусиқа дарсларида ҳаракатларни бажариш ўринсиздир, балки улар айrim рақс элементларини ўтирган ёки турган ҳолда бажарадилар. Мусиқий-ритмик ҳаракатлар ҳам бошқа фаолият турлари каби ўқувчиларда хар томонлама

мусиқий қобилияtlарини ривожлантиради:

- Мусиқий ривожланади;
- ижодий қобилияtlарни;
- жамоа бўлиб ҳаракат бажариш малакалари шаклланади.

Мусиқа остида ҳаракатлар бажариш болаларда ритм ҳиссини фаоллаштиради. Бу эса дарснинг мусиқий материалини янада чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам бериши тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ҳаракатлар ёрдамида ўқувчилар асарнинг характер хусусиятларини кўрсата оладилар.

Мусиқий-ритмик ҳаракат - фаолият асосида мусиқий материални мотерпластик қайта ишлашдир. У мусиқанинг эмоционал таъсирини кучайтиради. Буларнинг ҳаммасини мусиқа, унинг характеристи, кайфияти билан ҳаракатнинг уйғунлаштирувчи кўнишка ва малакаларни сингдирилиши оқибатида юз беради ва мақсадга эришилади.

Ритмик харакатлар ёрдамида мусиқа шакллари, мусиқий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги таассуротлар мустаҳкамланади. Ҳаракат характери ва йўналишини ўзгартириш орқалигина эришиш мумкин.

Мусиқий пъесалар, қўшикларни саҳналаштириш ифодали ҳаракатлар орқали нафақат мусиқий-эшитув таассуротлари ривожланади, балки ижрочилик қобилиятлари, бадиий дидлари шаклланади. Агарда уларга мустақил ҳаракат уйлаб топиш вазифаси юклатилса, улар мусиқанинг образига, характерига мос ўзлари ҳаракат ўйлаб топадилар ва бажарадилар. Одатда саҳналаштирувчи раксларга дастурли мусиқа танлаб олинади, чунки унинг мазмуни ва ҳаракатларнинг кетма-кетлиги аён бўлади. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда мос ҳаракатларни топадилар. Бажариш вақтида ўқитувчи болаларга ёрдам беради, янги ҳаракатларни тўғри ва ифодали бажариш кераклигини тушунтиради, кўрсатиб беради.

Ҳаракатларни ўргатиш жараёнида кириш сўзи, тушунтириш, шеърий матндан фойдаланилади.

Ҳаракатларнинг ёрқин таққосланиши ўқувчиларни Ушбу ҳаракатларни тўғри ва ифодали бажаришларига ёрдам беради.

Мусиқа остида ҳаракатларни такомиллаштириш пайтида техник воситалардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Бу эса ўқувчиларни ўзига таниш бўлган куйларни янгича янграши билан танишишлари, ўқитувчига эса ҳаракатларни аниқ бажаришини таъминлаш имконини беради.

Мусиқа ва ҳаракат ўйғунлиги инсоннинг маънавий ва жисмоний ривожини ўзаро боғлайди ва баркамолликка йўналтиради деб айтиш мумкин. Мусиқа ва ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари кўп маротаба психология, педагогика, физиология, мусиқашуносликда қўриб чиқилган. Организмнинг умумий функционал фаолиятига мусиқанинг ижобий таъсирини И.Сеченов, Б.Тепловлар исботлаб беришган. Мусиқий-ритмик тарбия тизимини ривожлантириш масалалари билан Н. Александрова, М. Румер, Е. Конорова, Н. Ветлугина, М. Палавандишвили кабилар шуғулланиб келганлар. Шу уринда XX асрнинг бошларида кўп мамлакатларда швейцариялик мусиқачи, педагог Э. Далькроз томонидан асос солинган ритмик тарбия тизимининг кенг таркалганини айтиш жоиз. Э. Жак Далькроз методи – маҳсус танлаб олинган машқлар асосида болаларда мусиқий эшитув, хотира, диққат, ритм туйғуси, пластик ифодали ҳаракатларни ривожлантиришга асосланган.

Мусиқий-ритмик ҳаракат фаолияти ўзаро боғланган уч йўналишни ўз ичига олади:

Биринчиси мусиқий ривожлантиришни таъминлайди, яъни мусиқий эшитувни ўстириш, ҳаракатни мусиқага мослаш қўнималарини

шакллантириш, мусиқий билимларнинг ўзлаштириши; мусиқий ва мусиқий эшитувни ривожлантиришни таъминлайди, ҳаракатни мусиқага бўйсундира олиш малакасини шакллантиради, мусиқий билимларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Иккинчи йўналиш тўғри ҳаракат кўникмаларини ҳосил қиласди: юриш (маршона, шахдам, тетик, хотиржам, спортча, тантанавор, кескин пружина юриш ва ҳоказо); қадам ташлаш (баланд, оёқ учида, кенг, юмшок, пружинали, хороводли ва ҳоказо); сакрашлар (енгил, ҳаракатчан); айланишлар; қўл ҳаракатлари (майин, охиста, ҳаракатчан); чапаклар (секин, қаттиқ, паст, баланд, қўл силтаб, бир-бирига яқин ушлаб туриб, сирғалувчи «ликопчалар», кафтларни яқин тутган ҳолда сирпанма ҳаракатлар); рақс элементлари (ўзбек ҳалқ рақсларидан «ойна», «арқон», «елка учирин», «коптокни юқорига от», чапак ва ён томонга қўл ҳаракати, балл, полька, голоп, вальсга ўхшаш рақс элементлари ва ҳоказо.); оёқ учида айланиш, пружинали қадам билан сакрашнинг уйғунлиги; қўл ҳаракатлари (майин, кескин); турли ҳолатларда туриш ва ўзгартириш; буюмлар билан ҳаракат бажариш (копток, ленталар, байроқчалар билан) ни ўз ичига олади.

Учинчи йўналиш ўқувчиларда тана ҳаракатларини бошқариш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган; аниқ ва тез тўхташ, ҳаракатни ўзгартириш ва ҳоказо).

Юқорида кўрсатиб ўтилган йуналишларни эътиборга олган ҳолда ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётганида танлаётган асари мавзу жиҳатдан, ҳаракатланиш малакаси дарс мавзусига мос бўлиши, аниқ мусиқий-эшитув таасуротларни, мусиқий билимларни чуқурлаштирадиган ва мустаҳкамлайдиган, ижрочилик малакаларини ривожлантирувчи бўлиши зарур. Дарс бошида ва ўрта қисмида қандай ҳаракатларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Болалар томонидан ҳаракатнинг сифатли ва аниқ бажарилиши мусиқий образнинг тушунишлари ҳамда ўқитувчининг асарни ифодали ижросига боғлиқдир.

Ўқитувчи ўқув материалини ёддан билиши керак. Ҳаракат пайтида у ўқувчиларни кузатиши, кўриши ва хатоларини тузатиши зарур. Ўқувчи барча ҳаракатларни аввал ўзи кўрсатиб бериши зарур, айниқса 1-2 синфларга. Чунки биргина тушунтириш билангина керакли натижага эришиб бўлмайди. Ҳаракатларни кўрсатиш мусиқага бўлган эмоционал жавоб қайтаришни кучайтиради.

Дарсда мусиқий-ритмик фаолиятни ташкил этишига

ўқитувчининг тайёргарлиги

Дарсга тайёргарлик кўришда ўқитувчи мусиқий материални дарс мавзусига мос ҳолда танлайди. Мавзу, ҳаракат кўнилмалари аниқ мусиқий эшитиш воситасидаги тасаввурини (масалан, тамбр ёки регистр ва ҳоказо) ва мусиқий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга каратилган булиши лозим. Ўқувчилар томонидан бажариладиган ҳаракатлар сифати тингланган мусиқий асарнинг идроки даражаси хамда ўқитувчининг ифодали ижросига боғлиқ. Ижро килинаётган асарни ўқитувчи ёддан чалиши керақ, чунки ҳаракатлар бажарилиши вақтида ўқитувчи ўқувчиларни кузатиб туриши, хатоларини тузатиши лозим. Ҳамма ҳаракатларни аввал ўқитувчи кўрсатиб беради, айниқса, 1-2 синфларда. Фақатгина оғзаки тушунтириш билан ижобий натижаларга эришиш қийин. Ҳаракатларни кўрсатиб бериш ўқувчиларда мусиқага бўлган хиссий муносабатни фаолаштиради.

Ўқитувчи барча ҳаракатларни ўргатиш жараёнида образли сўз, тушунтириш, шеърий матндан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ. Ҳаракатларни тушунтиришда ёрқин таққослашлар ўқувчиларга ҳаракатларни тўғри ва ифодали бажаришга ёрдам беради. Масалан, “Менинг жажжи тойчоғим” сўзлари болаларга тез, енгил, ҳаракатчан, баланд қадам ташлаш ва сакрама ҳаракатларининг ифодавийлигини англашда ёрдам беради. Бу эса М.Отажоновнинг «Тойчоқ» пьесаси мазмунини, ундаги мусиқий образнинг ривожланиши хусусиятлари, асарнинг шаклини ҳис этиш ва онгли тушуниш имконини беради.

Мусиқага ҳаракатлар бажаришда ўқитувнинг техник воситаларидан кенг фойдаланиш лозим. Бу ўқувчиларни уларга таниш бўлган асарни янги талқинда, жаранглашда кўрсатиб бериш, ўқитувчига ўқувчилар бажараётган ҳаракатларнинг сифатини кузатиш, лозим бўлган жойларда ўзгартиришлар киритишга имкон яратади.

Дарсда ҳаракатларни қўллаш услублари

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар болаларнинг бадиий тажрибасига айланиши, бадиий ривожланишини бойитиши учун ўқувчиларни бу фаолиятга тайёрлаш, энг аввало, ҳаракат малакалари ҳақида тасаввурга эга қилиш лозим. Ўқувчилар хонада мусиқа остида қадам ташлаш, енгил югуриш, хар томонга таркалиш каби Бошланғич малакаларини эгаллайдилар. Мусиқий сигнал – белгиларга (ҳаракатни бошлиш, ўзгартириш ва ҳоказо) жавобан ҳаракатланишини урганадилар. Масалан, барабаннинг жаранглаши уринлардан туриб сафланишга

сигнал булса, Д.Назаровнинг «Юриш марши» куйининг бошланиши қадам ташлаб турган жойда ҳаракатланишга, куйга учбурчакнинг жўрлиги қўшилган жойда эса сакрашга ўтишни кўрсатиши лозим.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар болаларни бадиий жихатдан бойитилиши учун болаларни шу фаолиятга тайёрлаш керак. Шунинг учун ўқувчилар аввал ҳаракатланиш малакалари ҳақида таассурот олишлари зарур. Улар хонада мусиқа остида марш юришни, енгил югуришни, шартли мусиқий сигналларга бўйсунишни ўрганадилар.

Ўқувчилар аниқ мўлжал учун берилган машқларни ўзлаштирганларидан сўнг, дарсга маҳсус вазифалар киритилади: мусиқий образнинг характер хусусиятларини ҳаракатларда кўрсата олиш, бажара олиш малакаларини шакллантиришга қаратилган бўлади. Масалан: маршнинг турли ҳарактерида турлича ҳаракатланишни ўрганадилар: спортдаги маршда - тетик, ўйинчоқлар маршида-енгил, оёқ учида; харбий маршда-баланд қадам билан ва ҳакозо.

Бунда С.Абрамованинг «Марш» куйидан фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчи ҳаракат учун машқлар ва синфга кириш учун нафақат маршлардан, балки тетик, тантановор кайфиятдаги асарларни ишлатиши мумкин. Ўзбек халк куви «Қари наво» куви остида синфга кириб келиш мумкин.

Энг оддий рақс ҳаракат элементлари бу - қарсак ва оёқ тўпиллатишdir. Уларнинг ёрдамида ўқувчилар ўз таассуротларини мустаҳкамлайдилар.

Ҳаракатларда ритмик суратни ўзлаштиришга катта аҳамият бериш керак. Ўқувчиларнинг диққатини тўхтамларга, бир текис ҳаракатнинг ўзгаришига, марш мусиқасининг пунктир ритмга қаратиш керак. Буни масалан, «Ким юряпти?» деган ўйин ёрдамида ўргатиш мумкин. Бу ерда болалар бир неча гурухга бўлинадилар: биринчи гурух «Турналар» мусиқасига юра-юра бир оёқда тўхтайди; иккинчи гурух-поезд мусиқаси остида ҳаракат-юриш тезлиги ошади ва секин-асталик билан тўхтайди; учинчи гурух – “Қурбақалар” мусиқаси остида сакраб юришади. Шундай ўйинларни қўлласак, болаларда ритм ҳисси фаоллашади, мусиқани янада чуқурроқ тинглаш малакаси ошади.

Ҳаракатлар ёрдамида бир қанча мусиқий таассуротларни шакллантириш мумкин, хусусан, икки, уч ҳиссанли ўлчовда. 2/4 ўлчамидаги мусиқага жойда туриб оёқ учида кўтариладилар ва тушадилар. 3/4 ўлчамидаги мусиқага эса, «биринчи» ҳиссага тушадилар, «учинчи» ҳиссага кўтариладир. Болалар бу ҳаракатларни ўзларига таниш бўлган мусиқа садолари остида бажарадилар (полька ва вальс). Болалар “мусиқий бадантарбия» ёки «ўз рақсингни билиб ол» ўйини орқали ўйнашлари мумкин.

Ҳар бир гурух ўз рақсига мос ритмда ҳаракат бажарадилар. Ўқитувчи эса мусиқага мос, ритмик ва характерини аниқ ифода эта олган гурухни аниқлайди ва рағбатлантиради. Мусиқий ритмик фаолиятда нафақат миллийликни ривожлантириш, балки ҳаракатнинг маданийлигини, болаларнинг бадиий дидини ривожлантириш ҳам назарда тутилади.

Ўқитувчи мусиқий материални танлаётганида қайси тайёр асарни олиш мумкинлигини ва қайсиларини бадиҳагуйликка бериш кераклигини аниқлаши керак.

Болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда уларнинг ташаббускорларини қўллаб - қувватлаш зарур, ўз рақсига ўйлаб топган ҳаракатларни асар ҳарактерига мос ва унга хос хусусиятлари мужассам бўлиши керак.

Бошланғич синфларда мусиқий-ритмик фаолият қўйидагича мақсадга мувофиқ режалаштирилади.

Биринчи синфда ўқитувчининг фаолияти болалардаги мактабгача муассасадаги тажрибаларини янада фаоллаштириш, шунингдек ҳаракатларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиши керак:

- а) рақс элементлари
- б) жисмоний тарбия элементлари.

Бу ёшдаги ўқувчилар ҳаракатларни ўzlари ўйлаб топадилар. Кейин эса ўқитувчи ҳаракатларнинг ифодали бажарилишига эътибор қаратади, чунки болалар ҳаракатларни мусиқа билан алоқасини тушунишлари, уларга таниш бўлган мусиқий ўйинлардаги ҳаракатларни қўллай олиш малакасини шакллантиришга ёрдам беради.

Болалар мусиқанинг характер ва ифода воситаларининг ўзгаришини аниқ сезишлари керак. Мусиқий нутқ элементлари, ифода воситалари ҳақидаги таассуротлар ижодий вазифаларда мустаҳкамланади.

Биринчи синф мусиқа дарсида мусиқий-ритмик ҳаракатларни ташкиллаштиришда - бош ўринни ўйинларга ажратиш лозим. Уйинлар болаларни мусиқага бўлган қизиқишини орттиради, мусиқий образни қабул қилишга ёрдам беради.

Иккинчи синфда - дарсдаги мусиқий-ритмик фаолият ўқувчиларни аввалги малакаларини янада мураккаброқ ҳаракатлар орқали мустаҳкамлашга қаратилади. Таниш бўлган ҳаракатларни рақсларда ижодий ишлата олишни шакллантириш ҳам киради. Марш ва рақс ҳаракатларини бажаришдаги малакалари мусиқадаги кучли ва кучсиз ҳиссаларни фарқлашга, икки ритмик бирликнинг муттаносиблигини, нота ёзувини ўрганишга ёрдам беради.

Учинчи синф ўқувчиларида ўзгарган қисмларда ҳаракатларни ўзгартириш малакаси мавжуд бўлади. Мусиқий ривожланиш қонуниятларини ва мусиқий шаклларнинг тузилишини ўрганиш жараёнида мусиқий жумлалар ишлатилади. Рақснинг, қўшиқнинг, маршнинг ритмик характерни ажратиш, чўзимларини бўғинлар ёрдамида белгилаш («ти» ва «та» ва бошқалар), нота ёзуvida кўрсата олиш, мусиқий интонация ҳақидаги тушунчани ўзлаштиришга ёрдам беради.

Тўртинчи синфда – импровизация ва фольклор - қўшиқ материаллари, ҳалқ мусиқасининг хусусиятлари ҳақидаги таассуротлар кенг ишлатилинади. Бу ёшдаги болалар миллий рақс элементлари билан танишадилар. Уларнинг ритмик интонациялари жиҳатдан ўзига хослигидан ўқувчилар алоҳида миллат мусиқа «тили» ни, услубини тушуниб оладилар.

Илк босқичда ўқувчиларда аниқ мусиқий таассуротларни шакллантириш ўйин шаклида ўтказилади.

Мусиқий ўйинларда болалар хона бўйлаб ҳаракатланишни, шартли мусиқий сигналларга аҳамият беришни, товушларни баландлигини, қаттиқлигини, оддий мусиқа чолғуларининг тембрига қараб фарқлашни ўрганадилар. Хусусан, дойранинг бир текис урилишига болалар югурсалар, кичик учбурчакнинг товушига тўхтайдилар.

Болаларни енгил югуришга, йўналишни тезда ўзгарира олишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўйин давомида чолғулар ўртасидаги масофани ўзгариради, яъни дойрани маълум вақтгача уриб турари ёки камроқ урилади. Бу эса болаларнинг эшитув диққатини оширади, чолғуларнинг тембрига бўлган муносабатини (реакцияни) мустаҳкамлади. Аммо ўқитувчи болалар олдига вазифа куяётганида динамика ҳақида болаларга тушунтириши керак: қаттиқ зарбларга юриш, худди «айиққа» ўхшаб бориш; секин зарбларга - енгил «қушлар»га ўхшаб қўлларини қанот қилиб оёқ учида югуриш.

Ўқитувчи ўйин давомида ўқувчиларни кузатиши керак, ҳаракатларни ритмик аниқ, болаларнинг қадди-қомати тўғрилигига аҳамият бериши керак. Ўйинга турли характер ўзгаришлар киритилиши унга қувноқ, қизиқарли тус беради. Бундай машқлар ва ўйинлар учун ўқитувчи ўз хоҳишига қараб мусиқа танлайди, лекин дастур бўйича бўлиши шарт.

Агар биринчи ҳаракатланувчи машқлар ўқувчиларда мусиқий ходисаларда характерни аниқлаш бўлса, кейингисида аниқ мусиқий-эшитув таассуротларини шакллантирувчи машқлар бўлиши керак.

Бундай бошланғич мўлжал олиш машқаларидан сўнг дарс жараёнида ўқувчиларга ҳаракатларда мусиқий образнинг характери хусусиятларини кўрсатиб бериш кўнікмаларини шакллантиришга қаратилган вазифалар берилади. Масалан, маршлар турига қараб ҳаракат қилиш: спорт маршига –

шахдам, байрам маршига – тантанавор, солдатчалар маршига – баланд қадамлар ташлаб ҳаракатланиш; рақс мусиқаларини оҳанг характери ва темпига қараб турлаш орқали қўл, билак ва елка ҳаракатларини асарга мос ҳолда «ўйнатиш»: енгил рақс («Баҳор келди»), ўйноки рақс («Уфор»), Хоразмча рақс («Лазги»), оҳиста, равон, Майин рақс («Баҳор вальси») ва ҳоказо.

Чапаклар, қарсаклар, оёқ дупиллатишлар ҳаракат элементларининг энг оддийларидандир. Улар ўқитувчига куй ритмлари,nota чўзимлари тўғрисидаги билимларини мустахкамлашга ёрдам беради. Масалан, ўзбек халқ куйлари «Дўлонча» ва «Чертмак» асарларига чапакда жур булиш орқали болалар «Дўлонча» қуидаги товушлар чўзими «Чертмак» қуидаги чўзимларга нисбатан қисқароқ эканлиги ҳамда қисқа товушлар югуриш учун, узунроқ товушлар қадам ташлашга қулайлигини ҳис этадилар. Бу қуйларнинг ритмик хусусиятларини таққослаб, ўқувчилар мусиқа характери ва унинг ифода воситалари ўзаро боғлиқлигини аниқлайдилар.

Мусиқий-ритмик ҳаракатларда товуши баландлигини эшитишини шакллантириши

1. Болалар кўзларини юмиб, товуш баландлигини чолғунинг тембри бўйича аниқлайдилар. Ҳаракат - рамзлар орқали жавоб қайтарадилар. Масалан:

А.Муҳамедовнинг «Шохи сўзана» қуидаги паст товушларга-оёқларини ўйнатадилар, баланд товушга – қўл билакларини айлантирадилар; дойра товушига - шу чолғу ижросини кўрсатадилар.

2. Ўқувчилар турадилар. Биринчи турган бола коптокни олади. Агар мусиқа баланд янграса, бола коптокни боши орқали кейинги болага дойра бўйлаб узатади, агар паст янграса, оёқлари орасидан узатади.

3. Ўқувчи тинглаган оҳангининг доскага бўр билан чизади. Кейин икки ёки уч ўқувчи худди шуни ҳаёлан доскага чизадилар ва ҳаракат билан ифодалайдилар. Бу машқда Д.Зокировнинг «Гулхан» қуидан фойдаланиш мумкин.

Мусиқий-ритмик ҳаракатларда ритм ҳиссини ошириши

1.Болалар дойра бўлиб ёки партада ўтирибдилар. М.Мирзаевнинг «Баҳор вальси» қуига коптокни ушлаган бола чоректали чўзимга коптокни у қўлидан бу қўлига ўтказади, яримталик чўзимга дойра бўйлаб ёки партадошига узатади.

2. Болалар хона бўйлаб ёрқин куйга югурадилар, майин, оҳиста мусиқани тинглашлари билан жуфт бўлиб айланадилар.

3. «Акс садо» ўйини ҳаракатларда: ритмик суратни бошдан юкорида, орқада олдида чапак билан такрорлаш, кейин оёқларни турган жойда тупиллатиш ёки ён томонга чапак чалиб оёқларни тупиллатиш.

4. Ўқувчилар вазифа оладилар: берилган ҳаракатга ритмик суратни чапак орқали ёки куйлаб бериш. Аввал ўқитувчи ритмик асосни ҳаракатда кўрсатади, кейин эса ўқувчилар чапак ёки бармоқларни қарсиллатиш орқали намоён этадилар.

Ҳаракатлар ёрдамида ўқувчиларда бир қатор мусиқий-эшитув тасаввурларини шакллантириш мумкин:

Икки ёки уч хиссаси ўлчов ҳақидаги тасаввурлар

1) Бунда ўқувчилар турган ҳолда 2/4 ўлчовидаги мусиқага оёқ учида кутарилиб ва пастлаб ҳаракат бажарадилар, ёки

2) 2/4 ўлчовидаги мусиқага кифт ва елкаларини бошга караб кўтарадилар ва ўз холига туширадилар

3) $\frac{3}{4}$ ўлчовидаги мусиқага эса-биринчи ҳиссага енгил яrim ўтирадилар ва «уч»га турадилар ва ҳоказо.

Ҳаракатли машқлар

1) Болалар кўзларини юмиб ўтирадилар ва товушлар баландлиги ёки чолғулар тембрларини аниқлашга ҳаракат қиласидилар. Жавобларни болалар ҳаракатли белгилар ёрдамида кўрсатадилар. Масалан, паст товушларга оёқлар «рақс тушади», баланд товушларга – қўл билаклари, дойра жарангига болалар дойрасида ижрога тақлид қилиб кўрсатадилар.

2) Ўрта регистрдаги товуш эшитирса, болалар кўкрак баландлигига чапак чаладилар, баланд регистрдаги товуш чалинса – бошлари узра чапак чаладилар.

3) Ижодкорликка қаратилган машқ: З қисмли асардаги регистрларни таққослашда қўллар юқори регистрга «рақс тушадилар», ўрта регистрда эса – танани ҳаракатлантирадилар ва ҳоказо. Бунда бир ўқувчининг ҳаракатларига иккинчи ўқувчи оддий чолғуда ритмик жўр бўлиши ҳам мумкин. Синфга эса бу ижодий вазифанинг бажарилишини баҳолаш топширилади.

Мусиқа темпи ҳақидаги тасаввурларни шакллантириши

1) Ўқитувчи чалаётган ёки куйлаётган турли темпдаги мусиқий асар остида юриш ёки югуриш (сакраш);

2) Ҳайвонлар ҳаракатига тақлид: секин ҳаракатланувчи – фил, ташбақа; тез ҳарактланувчи – тулки, қўён, ит ва ҳоказо.

Бундай ва бунга ўхшаш мусиқий-ритмик ҳаракатлар ёрдамида ўқитувчи бир қатор мусиқий тасаввурлар ва билимлар дойрасини (динамика, мусиқа шакли, мусиқий жумла, товуш йўналиши ва ҳоказо) таркиб топтириши бошлангич синфларда мусиқа ўқитиш ишларининг самарадорлигини оширади.

1.Юриш ва югуриш турли темпдаги ижро. П.И.Чайковскийнинг «Ёғоч солдатчалар марши» бундай машқларда жуда қўйл келади.

2. Ижро этилаётган мусиқий образга хос равища ҳаракатланиш.

3. Бир ўқувчи болаларга таниш бўлган ҳаракатланувчи машқларни бошқариб туради. Қолганлар эса бажаради.

4. Ҳайвонларга тақлидий ҳаракатлар: секин-филлар, тошбақалар, айик; тез- қуён, кучук, ва бошқалар.

5. Мусиқанинг тезлашиши ёки секинлашиши остида ҳаракатларни ўзгартириш: юришдан югуришга, югуришдан сакрашга ва ҳоказо.

6. Мусиқанинг тезлашиши ва тўхташига импровизация, масалан: автомобил, паравоз, аргимчоқ.

Ўқувчиларга улар тингланаётган ва куйлаётган мусиқий асарлари мазмуни ва характерига мос келадиган рақс ва мусиқий-ритмик ҳаракатларни танлаш, топиш ва мустақил ижро этиш таклиф этилса, бундай вазифалар уларда ижодкорлик қобилиятларини фаолаштиради, бадиий дидни ривожлантиради. Бу вазифаларни осонлаштириш мақсадида мазмуни ва ҳаракат кетма-кетлигини намоён қилувчи қўшиқ ва дастурий мусиқа асари қўлланилади. Ш. Нажмиддиновнинг «Болалар ва ғозлар», Т.Тошматовнинг «Айиқполвонлар боғчаси», ўзбек халқ «Бойчечак», Т.Хусайлининг «Жўжаларим», А.Мансуровнинг «Пиёда аскарлар қўшиғи», П.Чайковскийнинг «Ёғоч солдатчалар марши» ва ҳоказо асарларини келтириш мумкин. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда ҳаракатларни топадилар. Ижро пайтида ўқитувчи болаларга ҳаракатларда ифодавийликка эришиш, уларни яхшироқ бажариш йўлларни кўрсатиб боради.

Мусиқий материал танлар экан, мусиқа ўқитувчиси қайси асарда тайёр композициясини қўллаш мумкин, қайси асарни эса болаларнинг ўзлари ижод қилиб, ҳаракат ва рақс элементларини топишлари учун мўлжаллаш кераклигини аниқлайди. Болаларда ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш жараёнида уларда ташаббускорликни, қизиқувчанликни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб бориш муҳимдир.

Мусиқий динамика ҳақидаги таассуротларни шакллантириши

1. Мусиқа остида динамикани кўрсата олиш P га – оёқ учида юриш, F га – товонда юриш, P/F га - динамикага хос кичик, ўрта, катта қадамлар билан юриш.

2. Рақса динамиканинг ўзгаришини қўллар, бош, елка ва ҳоказолар билан кўрсата олиш. Масалан: кафт-билакни айлантириш, тирсак-қўлларни айлантириш.

3. Мусиқа остида кришендо ва диминуэндога қараб ҳаракат бажариш: ўқувчилар дойра шаклида туриб оладилар, агар товуш секин-аста пасая борса, дойра тораяди, баландласа кенгаяди.

4. Гуллар рақсини импровизация қилиш орқали болалар мусиқадаги динамик ўзгаришларни кўрсатадилар, яъни гул ўсади, очилади, сўлийди ёки қуёшга талпинади, шамолдан тўсатдан синади ва ҳакозо.

Мусиқий-ритмик ҳаракатларда товуши кайфияти ҳақидаги таассуротларни шакллантириши

1. Болалар жуфт бўлиб туради, ҳар бир болада биттадан юмшоқ копток бор. Стаккато ижрога болалар коптокни ерга (полга) урадилар, майин, охиста куйга у қўлдан бу қўлга ўтказадилар. Бунда Р.Шуманнинг «Жасур чавандоз» куйидан фойдаланишимиз мумкин.

2. Ўқитувчи катта коптокни олиб - стаккаторга-коптокни полга уради, легатога эса коптокни ҳавода яrim дойра ёки тўлқинсимон ҳаракат қилиб қўлларида ҳаракатлантиради. Кейин эса болаларга стаккато куйга копток мисол сакрайдилар, лигатога қўлларини ҳавода у томондан бу томонга «шамолда эсаётган навдалар» ҳаракатини бажарадилар.

3. Майин охиста куй остида болалар жуфт бўлиб дойрада айланадилар. Қисқа ёрқин куйни тинглашлари биланоқ қўлларини қўйиб юборадилар ва токи легато куй ижро этилмагунича тўрган жойларида енгил сакрайдилар.

Мусиқий-ритмик ҳаракатларда таассуротни шакллантириши

1. Болалар дойра бўлиб қулларини ушлаб юрадилар, ҳар бир мусиқий жумлага йўналишларини ўзгартирадилар. Бу вазифа биринчи ўқитувчи билан биргаликда қўшиқ куйлаш остида ўтказилади, кейин эса мусиқа остида ўқитувчининг ёрдамисиз бажарилади.

2. Болалар доира бўлиб ўтирадилар. Чиқарилган бир ўқувчи доира ичида копток билан мусиқага мос равишда ҳаракатланади. Мусиқий жумла якунида у кейинги болага коптокни беради ва ўйин шундай давом этади.

3. Ўқувчи тинглаётган мусиқанинг мусиқий жумласини ҳаёлан қўллари орқали доскага чизади. Ўқувчининг ҳаракатлари асар темпига, характеристига мос бўлиши мухим ўрин эгаллади.

4. Доскада ёки қофозда турли мусиқий фрагментларнинг график чизмалар тасвирланган бўлиб, болалар тинглаётган мусиқага мос чизмаларни танлайдилар, кейин эса ўзлари шу мусиқага мос ҳаракатлар ўйлаб топадилар.

Хуроса ўрнида шуни айтиш жоизки, мусиқа маданияти дарсларида рақс ва мусиқали ҳаракатларга алоҳида эътибор беришимиз керак. Бу фаолият тури ўқувчиларни мусиқий қобилияtlари, хусусан, ритм-усул туйғуси ва асар бадииятини ифодалаш, ижрочилик малакаларини ривожлантириш билан бирга уларнинг жисмоний ривожланишлари учун ҳам мухимдир. Буюк қомусий олим ибн Сино айтганидек – тебраниш жисмни чиқинтирса, мусиқа эса руҳиятни тарбиялади. Шу боис, мусиқа ўқитувчиси бошқа фаолият турлари билан бир қаторда, рақс санъатимизнинг оддий ҳаракатларини билиши ва дарсда қўллаш усулларини пухта эгаллаган бўлиши бугунги давр талабидир.

Савол ва топшириқлар

1. Ритмик ҳаракатлар бажаршида қандай машқлардан фойдаланиши мумкин?

2. Мусиқий динамика ҳаракатларда қандай ифодаланади?

3. Мусиқий товуш баландлиги, ритм ҳиссини акс эттиришида қандай ҳаракатлар қўлланилади?

4. “Мусиқа маданияти” дарсларида ўқувчиларнинг мусиқий-ритмик фаолияти ва унинг тарбиявий аҳамиятини тушунтириб беринг.

5. Ўқувчиларда ритм туйғусини ривожлантириши вазифасига қаратилган дарс фрагментини тайёрланг ва талабалар гуруҳи билан ўтказиб беринг.

6. Фольклор қўшиқ асарини драматизациялашга мисоллар келтиринг ва бунда қандай ҳаракат малакаларини шакллантириши мумкинлигини айтинг.

7. Бирор бир танланган синфда қўшиқ ёки куй ёрдамида мусиқий-ритмик ҳаракатлар бажаршига мисоллар келтиринг.

Болалар мусиқий чолгуларида ижрочилик фаолияти

Замонавий мусиқий тарбия тизимида айниқса, болалар боғчасида мусиқий машғулотлар ўтказишда мусиқий ўйинчоқ ва мусиқа чолғу асболари ўта муҳим ва нозик ҳисобланади. Бу фаолият тури бошланғич мактабда ҳам кўлланилади.

Болалар мусиқа чолғуларида чалиш – ўқувчиларнинг жамоавий ижрочилик фаолияти турларидан биридир. Унинг дарс (машғулот)даги ўрни – ўқувчининг мусиқий қобилиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг бадиий тажрибасини бойитиш, ижрочилик фаолиятига қизиқиш уйғотишидир.

Дарс (машғулот) шароитида болалар чолғу асбобларида ижрочилик фаолиятини қўллаш бир неча ўқув-педагогик вазифаларини ҳал этишга қаратилган:

- 1) ўқувчиларни дарс (машғулот) ва синфдан ташқари ҳамда бўш вақтларда ижрочилик фаолиятига ундаш;
- 2) уларда бадиий дид ва қизиқишлиар шаклланишига ёрдам бериш;
- 3) жамоавий ижрочиликка қизиқишлиар шаклланишига ёрдам бериш;
- 4) чолғулар тембрларини фарқлаш, уларнинг жаранглашдаги уйғунлигини ҳис эта олишларига эришиш;
- 5) мусиқий қобилияtlарнинг (лад, ритм, шаклни ҳис этиш, тембр, мелодик, гармоник эшитув, хотира) ривожланишини фаоллаштириш;
- 6) ўқувчиларда мусиқий ифода воситаларининг аҳамияти ҳақидаги тасаввурни шакллантириш.

Бу вазифаларни амалга оширишда мусиқий-ўқув репертуари ва иш методлари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Дарс (машғулот)да қўлланиладиган мусиқий материалнинг энг асосий хусусияти – унинг серқирралигидадир, яъни бир ёки бир неча асарнинг ўзида бир қатор тасаввур, малака, кўникмалар шакллантирилиши имконияти борлигидадир. Бундан ташқари, мусиқий материал (мусиқий асар) ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги ижроси учун кулай бўлиши ва ижодий ҳаракатлар шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим. Болалар чолғуларида чалиш эшитув ва овоз координацияси (мувофиқлиги) бўш бўлган ўқувчиларнинг мусиқий-ижодий ривож учун ҳам айниқса фойдалидир.

Мусиқа ўқитувчиси (раҳбари) мусиқа чолғулари ёрдамида болаларни мусиқага мос равишда ҳаракат қилишга ўргатади. Болалар танишиб бўлган куйларига мос оҳанг чалишни ритмга мос усул беришни, енгил бўлган куйларни ижро этишни, қўшиқ куйлаш жараёнида жўр бўлишни ўрганади. Болалар чолғулари соф жаранглаши, тоза созлниши ўзига хос тембрига эга

бўлиши, кўриниши ва оғирлиги жиҳатдан болаларга мос бўлиши керак. Таъмир талаб чолғулар болаларга берилмаслиги керак.

Дарс (машғулот)лар натижасида ўқувчилар қуидагиларни билишлари лозим:

- чолғулар номларини ва уларни эҳтиёт қилиш йўллари;
- чолғулар тембрларини эшитувда фарқлаш ва уларнинг ифодавийлик хусусиятларини англашлари;
- ҳар қайси чолғу асбобида чалиш усуллари ва йўлларини ўрганиш;
- чолғуларда товуш ҳосил қилиш ва товуш йўналтиришнинг (легато, стаккато) ифодавийлик аҳамиятини тушуниш;
- ансамбль ижроилиги малакаларини ҳосил қилиш, мураккаб бўлмаган куйларни чала олиш;
- товуш баландлигига эга чолғуларда баланд ва паст товушларнинг жойлашуви билиш,nota номалари ва уларнинг nota чизигидаги ўрнини билиш.

Дарс (машғулот)даги иш натижалари кўпроқ чолғуларга боғлиқ. Шунинг учун баъзи чолғуларнинг товуш сифатига, товуш ҳосил қилиш техникаси талабларини ҳисобга олиш зарур.

Дарсда болалар чолгу асбобларида ижроилика ўргатишнинг мусиқий-тарбиявий аҳамияти

Болалар мусиқа чолғуларида ижро бу ўқувчиларнинг жамоа бўлиб ижро этадиган фаолият турларидан биридир. Унинг дарсдаги аҳамияти - болаларнинг мусиқий қобилияtlарини камол топтириш ва ривожлантириш, бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий малакаларини бойитиш, ижро фаолиятига қизиқиш уйғотиш ва уни ривожлантиришдан иборат. Шу Билан бирга болаларнинг мусиқий ижодкорликка бўлган эмоционал муносабати, мақсад сари тўғри йўналтириш ва ижро усулларини ўзлаштиришлари мухимdir.

Мусиқа чолғуларида ижрони дарсга киритилишига қуидаги педагогик вазифаларни киритишими мумкин:

- дарсда, дарсдан ташқари ва бўш вактларда болаларнинг ижро фаолиятини ривожлантириш;
- бадиий дид ва қизиқишини болаларда ривожлантиришга имконият яратиш;

Оркестрда ижро этишга қизиқишини уйғотиш, уни тарбиялаш;

- чолғулар тембридан фарқлашга, уларнинг янграшидаги гармонияни ҳис қилишга ўргатиш;

Мусиқий қобилиятларининг ривожини тезлатиш (фаоллаштириш) (метр ҳиссини, ритм ҳиссини, мусиқа шаклини; тембр, гармоник, мелодик эшитувни)

- Мусиқий нутқ элементлари ва мусиқанинг ифода воситалари ҳақидаги таасуротларни шакллантириш

Ўқув тарбиявий вазифаларни бажараётганда – репертуар, иш услубига катта аҳамият берилади. Мусиқий материалнинг бош хусусияти – бу унинг универсаллигидадир. Бу ўша ижро этилган барча асарлар - тасаввур, малака, кўнишка, ҳис-туйғуларининг шаклланишига асос бўла олади. Бундан ташқари мусиқий материал ўқувчилар ва ўқитувчининг бирга ижро этиши учун ва ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги ва қўлай бўлиши талаб этилади. Шунга қараб улар ўзлари қўшиқ ва пъесаларни яратишлари ёки қайта ишлашлари мумкин. Болалар чолғуларида ижро этиш эшитув ва овоз координацияси буш даражада бўлган болаларга жуда фойдалидир, ундан ташқари қолган болаларга янада мураккаб чолғуни ўзлаштиришгаяхши тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Машғулотлар давомида ўқувчилар қуидаги натижаларга эришишлари даркор:

- чолғуларнинг номини ва уларни сақлаш қонун-қоидаларини билишлари;
- эшлиб туриб чолғуни тембр жихатдан фарқлаш ва уларнинг ифодали жихатларини билишлари, ажратишлари;
- ҳар бир чолғуда ижро этиш усулларини ва қўлланишини билишлари;
- товуш, товуш ҳосил бўлишнинг ифодали хусусиятларини тушунишлари;
- мусиқанинг ифодали воситаларини тушуниш ва уларни чолғуда ижро билан етказа олишини, қўллай олишини;
- ансамбль бўлиб ижро этиш, мураккаб бўлмаган куйларни ўзи мустақил чалишни, дўстларининг ижро сифатини яхшилаш, малакаларини ўзлаштирни;
- юқори товушли чолғуда юқори ва паст товушларининг жойлашувини, ноталар номини ва уларнинг нота ёзуvida қандай ёзилишини билиши;
- ўз партиясини аниқ ўқишини ва ўзининг импровизациясини таклиф этишини.

Дарсдаги ишнинг натижаси асосан чолғуларнинг йигиндисига боғлиқ бўлади. Шу оркестрдаги чолғуларнинг сонига, уларнинг тембрига, товуш ҳосил қилиш техникасига, оркестр таркибига аҳамият бериш керак.

Бошланғич синф ўқувчилари билан ишлашда энг оддий чолғулардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу мусиқий чолғулар ўрта (зарбли) гурӯхга кирувчи чолғулар ритмик ҳиссиётни ривожлантиришга қўл келади,

улар аниқ баландликка эга учбурчак, тарелка бубен, маракассалар, барабан ва бошқа чолғулар, ҳамда товуш баландлигига эга - қўнғироқчалар, металлофонлар, ксилофонлардир. Барча чолғулар соф ва ёқимли товуш ҳосил қилиши, ташқи кўриниши билан болаларнинг дикқат-эътиборини жалб этиши, чиройли, енгил бўлиши ва ижро чорадан мураккаб техник вазифаларни талаб этмаслиги шарт. Турли чолғу асбобнинг ижро этиш пайтида ўқувчиларнинг танаси, буйни ва бошининг эркинлигига эътибор бериш керак.

Мелодик бўлмаган чолғулар - клавес (ёғочли таёқчалар), блоклар (каробкачалар), брусоқ, тамбурин (бубен), барабан, маракассалар, учбурчак, кичик бармоқ такиллатадиган тарелкачалар, осиб қўйиладиган тарелкалар, жуфт катта тарелкалар.

Клавес-ёғочли таёқчалар - иккита таёқчалар яхши янграйдиган дарахт-палисандрдан ясалади. Таёқчаларни бир-бирига урилади. Таёқчаларни шундай ушлаш керакки, уларнинг учлари эркин бўлиши керак. Биринчи чап қўлда, иккинчисини унг қўлга олиб урилади.

Мелодик чолғулар - алт металлофон ва ксилофон - С1-С2, сопрано металлофон ва ксилофон С2-С3 алт қўнғироқчалар С2-С3. Барча ноталар октава пастда ёзилади. Чолғулар асосан С-с1 га мослаштирилган бўлади. Ўзгарувчан пластинкалар ёрдамида яқин тоналликларда ижро этишга имконият беради. Энг паст тон ҳамиша тоналликнинг тоникаси бўлиб, ижро этиладиган ёки куйланадиган асарнинг тоналлигида бўлади. Ижро пайтида чолғулар ўқувчининг бели буйи туриши керак. Таёқчаларни катта ва кўрсаткич бармоқлар орасида енгил ушлаш; бармоқларни эса мушт қилиб сиқиб туриш мумкин эмас.

Тирсакдан то билакгача қўл эркин бўлса, демак у тўғри ҳаракат қиласайди. Аввал болаларга товуш ҳосил қилишни таклиф этиш ва иккала қўл бир вақтда ҳаракат қилишини кузатиш керак.

Ҳар бир чолғу ўзига хос таёқчаларга эга. Ксилофон таёқчалари - қаттиқ бўлиб, таёқча учида пробка бўлади, металлафон таёқчаси – резинали, қўнғироқчаларники – ёғочли бўлади.

Биринчи дарсдан икки тур чолғуларни, яъни ритмик ва товуш баландлигига эга бўлган асбобларни бир вақтда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Товушли чолғуларда ижро малакалари лад ҳиссини ривожлантириш учун бирга параллел олиб борилади. Ладни унинг ҳарактерли интонацияси орқали ўзлатирилиши, балки уни тинглашни, имконият борича уни соф куйлашни, босқичларда овоз билан бадиҳа қилишни билишлари керак. Шунинг учун товушли чолғулар ўзгарадиган пластинкалар билан керак.

Ўқитувчи болаларга ижодий вазифа бераётганида чолғуда керакли пластинкаларни қолдириши керак.

Ўқувчиларнинг лад ва ритм тасаввурлари қўшиқ устида турли ижодий вазифаларни бажариш орқали эшитиш мумкин. Ритмик жўрликни, киришни ўзи яратиши, мос келадиган чолғуни танлай билишни ижодий ишлар, ижрочилик кобилиятларида кўриш мумкин.

Партитурани ёдлаш учун турли усулларни қўллаш мумкин: ноталар ёрдамида, ритмик ёзувлар; қўл ҳаракат белгилари, эшитув ёки ижрони кузатиш орқали эришиш мумкин. Зарбли чолғуларнинг партияларини эслаб қолишни тезлаштиришда умумий ва турли ҳолатлардаги ҳар бир чолғуларнинг ритмик суратини таҳлил қилиш, билишга эришилади. Хусусан, шуни аниқлаш керакки, маълум бир партия куйнинг ритмик ҳаракатини такрорлайдими ёки у мустақил ритмик суратга эгами, чолғу барча хиссаларнинг пульсини берадими ёки кучли ҳиссани таъкидлайдими. Бундай таҳлил ўқувчиларнинг партитурани тезроқ ёд олишга, чолғуда ижро пайтида ва муҳим мусиқий вазиятларни эслаб қолишда ёрдам беради.

Оддий ритмик партитураларни ижро этиш орқали болалар мусиқа воситаларининг ифодавийлиги ҳақидаги тассуротлар оладилар, мустахкамлайдилар, уларни бадиий оброзларга мос равишда ишлата олишни ўрганадилар. Бу эса мустақил ёки ўқитувчи билан биргаликда жўр бўлиб асар яратишда қўл келади, албатта.

Шундай қилиб, ўқувчилар мусиқа шаклининг тузилиши, мусиқанинг ривожланиш қонунуиятлари ҳақида элементар билимлар оладилар.

Демак, илк машғулотлардан бошлаб, чолғуларда ижро этишни ўргатишда ўқувчиларни бадиий изланиши учун вазифалар бериш бериш мумкин ва барча мусиқий-ижодий фикрлашни шакллантириш керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган турли мусиқий фаолиятлардаги шакллар ва ритм ҳиссининг бирлиги болаларнинг мусиқани тушунишларида муҳим роль уйнайди. Уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб, таҳлил қиласиз.

Мусиқа маданияти дарсларида болалар *мусиқа чолғуларини қўллаш*

Дарсда мусиқа чолғуларида ижрога ўргатиш, мусиқийлаштириш вазифасини бажаришда дарсга ҳалақит беради, ўқувчиларни чолгитади деган фикр мавжуд. Агар ўқитувчи II ёки III синфнинг бешинчи-олтинчи дарслари давомида киритса, албатта болалар чолғулар асбобларини ўрганишда чалғийдилар. Бундай ҳолатни юзага келтирмаслик учун, биринчи навбатда

болаларга мусиқий чолғулар урнига оддий шиқилдоқлар ва таёқчалар бериш зарур. Дарсдан аввал ҳар бир ўқувчида у ёки бу ўқув қуроли бўлиши керак. Айрим чолғулар бузилиб қолиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки болалар улардан қай йусинда фойдаланиш, вазифани бажаришда унинг тўғри ёки нотўғрилигини билиш жараёнида ўзлари онгли равишда сезмай синдириб қўйишлари мумкин.

Болаларнинг мусиқага бўлган қизиқиши маълум бир интизомни ўрнатади. Илк дарсларда чолғуларни айрим гурух болалари қисқа муддатга оладилар. Ушбу гурух болаларининг ижросини бутун синф кузатади ва ижро сифатини оғзаки баҳолаб беради. Берилган вазифани гуруҳнинг барча ўқувчилари яхши бажарганидан сўнг бутун синф ўқувчилари мусиқийлаштиришга таклиф этилади. Буни дарснинг охирида бажариш мақсадга мувофиқ, чолғулар эса қаторларга қараб бўлиб берилади: Биринчи қатор – ёғочли, иккинчи қатор – металл, учинчи қатор – шитирловчи ёки товушли чолғуларда ижро этади.

Синфдаги товуш шовқинидан халос бўлиш учун овозсиз клавиатуралардан, яъни расмли металлофон ёки бошқа чолғуларнинг суратларидан фойдаланиш мумкин.

Бундай тасвирлар ҳар бир бола олдида бўлиши шарт. Бундай усул болаларнинг ички эшитувининг фаоллашувига катта таъсир кўрсатади.

Сентябр ойининг ўртасига келиб (бу вақтгача болалар иккита ритмик бирлик билан танишадилар - чорактали ва нимчорактали нота, паст, ўрта ва юқори товушлар, оддий ритмик усуллар) болалар нафақат кўйлаб, мусиқани танлаб чолғуларда ҳам ижро этадилар.

Бунда ўқувчиларни чолғулардан фойдаланишда эҳтиёт бўлишни, уларни эркин ушлаш кераклиги ҳамда огоҳлантириб қўйиш керак.

Ўқитувчи болаларни чолғу жаранги билан топиштиради. Тембр ҳақидаги илк маълумотларни биринчи дарсданоқ мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун “акс садо” ва «овозидан топ» ўйинини ўйнаш мумкин.

«Овозидан топ» ўйинида болаларга турли чолғу тарқатилади, ўқитувчида эса чолғуларнинг тўплами қолади. Ўқитувчи болаларга кўрсатмай ифодали ритмик шаклини ижро этади, кейин эса ушбу шаклни кимда шундай чолғу бор бўлса қайтаради. Энг муҳими шуки, бунда болалар ижроларида ритм ва эшитув шаклнинг характерни кўрсата олишлари керак, бунинг учун албатта улар диққат билан тинглашлари зарур. Биринчи дарсдаёқ барча ўқувчилар ушбу вазифани янги фаолиятда ўз кучларига ишонишлари учун бажаришлари шарт. Чунки янги фаолиятга қизиқишлиари сусайиши мумкин. Келгуси икки-уч дарсни чолғуда ижро билан бошлаш керак. Чунки бу болаларда қизиқишининг

устунлигини ошириш, чолғуда ижро этишни ёки уни ушлаб кўриш хохишини уйготади.

Биринчи синф ўқувчилари катта қизиқиш билан олдиларига куйилаётган вазифаларни яхши бажарадилар. Ижро пайтида улар нафақат ритмик ҳаракатни балки кириш ва якуний қисмларнинг динамикасини тўғри ижро этадилар. Ижролари эса эмоционал бой ва ифодалидар. Аввалига қўшиқ, кейин эса мураккаб бўлмаган ритмик партитуралар ўрганилади. Асарлардаги турли образларни фарқлай олиш учун лад жиҳатидан ўхшаш, ритмик, партитура тузилиши бўйича ухшаш ва контраст асарлар олинади. Бундай мисолларда болалар мусиқани янада ёркинроқ ҳис этишади.

Ўқувчиларга чолғу асбобларида ижрорга ўргатиши методлари

Чолғуларда ижро жараёнида лад ҳиссини ривожлантириш усуллари.

Лад ҳиссини ривожлантириш мақсадида чолғулардан фойдаланишга бир қанча сабаблар мавжуд. Бошланғич синф ўқувчилари орасида мусиқий эшитув қобилияти кучсиз бўлган, эшитув ва овоз ўртасидаги координацияси ёмон бўлган болалар кам эмас. Лад ҳақидаги тасаввурни ўзлаштириш улар учун қўшиқчилик фаолиятида маълум бир қийинчиликларни тугдиради. Мусиқа чолғуларида ижрода турли кўргазмали қуроллар ва эмоционал ёндашув усуллардан фойдаланиш болаларнинг мусиқий қобилиятларини фаоллаштиради ва мусиқага бўлган қизиқишини орттиради.

Дарсда ўқувчиларга мусиқий-дидактик материал берилади, уни куйлаш ва ижро этишлари мумкин. Бу дидактик ўйинлар асосида ўқувчилар мажор ва минорнинг босқичлари билан ва уларнинг характерли интонациялари билан босқичма-босқич танишадилар.

Биринчи ўрганиладиган қўшиқ ва пьесалар албатта ўзининг ёркин оброзлилиги, бир вақтнинг ўзида аниқлиги ва оддий интонацияси билан ҳамда катта бўлмаган товуш диапазонига эга бўлиши керак. Улар мажорнинг V ва III ёки V ва VI босқичларининг кетма-кетлиги ёки такрорланиши асосида тузилади.

Мусиқий материалда ўқувчилар аниқ лад элементлари билан танишадилар. Мажор ёки минорнинг интонацияси билан танишганларидан сўнг уни нота ёзувидаги ёки лад босқичларини қўл белгилари орқали кўрсатиб ўргатилади, қўшиқ оҳангини товушли чолғуда ижро этишни болаларга таклиф этиш тавсия этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи босқичда товушқаторли чолғуда оҳанг ижро этиш усули қўлланилади, ундаги натижага орқали ўқитувчи болаларнинг эшитувининг ривожланишини баҳолайди.

Айникса, куйлай олмайдиган болаларда мусиқий-эшитувни мустахкамлашда товушли чолғуларнинг аҳамияти катта. Хотирани янада яхшилашда, чолғуда фақат оҳангни ҳосил қилишда иштирок этадиган пластинкаларни қолдириш керак. Бундай усул болаларнинг ички эшитувини фаоллаштиради, лад муттаносиблигини ҳис этишда уларнинг дикқатини жамлайди. Махсус конструкцияли чолғулар пластинкаларни алмаштириш имконини беради. Шу асосда болалар ўзларига таниш бўлган қўшиқ оҳангларини, қўшиқ куйлашга қулай бўлган тоналликда куйлашлари учун керакли пластинкалар куйилади.

Ўқувчилар янги билимларни ўзлаштириш билан бирга аввал ўрганилганларни мустахкамлаш ва такрорлаш керак. Бунинг учун ўтилган барча пьеса ва қўшиқларни қайтариш зарур.

Бадиий жараёнлардан болалар айрим кў尼克ма ва малакаларни яхши эгаллай олмаса, уни ўзлаштириди дея олмаймиз. Бир вақтнинг ўзи вокал импровизацияси биринчи ва икkinчи синф ўқувчиларининг кўпчилиги учун маълум бир қийинчиликлар тугдиради, лекин ижро ижодий вазифани икkinчи-учинчи дарсданок яхши бажарадилар. Чунки оҳангни тўғри интонация қилиш уларга қийин, чолғу ижро эса осонроқдир.

Ладнинг босқичларини бўғинлар билан номлаш чолғу ҳақидаги фикрни қийинлаштиради. Шунинг учун нотали матн билан ишлашда болаларнинг дикқатини нота белгиларини лад босқичи урнида асослаш керак. Бунинг учун ҳар бир нотага рақамлар, яъни босқичига мос қилиб қўйиш зарурияти тугилади. Яна ўқувчилар нота номларини айтишлари ҳам муҳимдир. Масалан, қўшиқ «до» товушидан бошланса, қўшиқни бир босқич юқорига кўтарилди. Қўшиқ энди кайси товушдан бошланади? - дея ўқувчиларга савол берилса, ўқувчиларнинг дикқатини жамлайди, фикрлашга мажбурлайди. Албатта бу вазифани муракқаб бўлмаган материалда қўллашдан бошланади.

Мусиқий чолғуларда ижро этишида ритм

ҳиссини ривожлантириши

Ритм ҳиссининг ривожланиши жуда ҳам қийиндир. Болаларнинг ритмни ҳис қилиш қобилияtlари қўшиқ куйлаш ва мусиқа тинглаш билангина етарлича ривожланмайди.

Ритм ҳиссининг шаклланиши мусиқий-ритмик муносабатларнинг фаол ўзлаштиришини талаб этади. Бунга мусиқий-ритмик ҳаракатлар, оддий ритмик чолғуларда ижро, бўғинларни ритмик суратда ишлатиш («та», «ти») киради. Элементар мусиқийлаштиришни ўқувчиларда ритм ҳиссини сезиларли даражада фаоллаштиради. У таниш қўшиқларни металлафон ва ксилафонда ижро этиш, тинглаш ва вокал-хор репертуарига ритмик

аккомпаниментни ижро этиш жараёнида ривожланади. Мана шундай вазифаларгина ўқувчиларнинг диққатини мусиқадаги ритмик ривожланиш, ундаги эмоционал ҳолатни ўзида ҳис қилиш каби ходисаларга қаратади.

Ўқувчиларга ритми ҳиссини кетма-кет шакллантирадиган илк материаллар сифатида чолғу қўшиқ-миниатюралар, пъесалар, тинглаш учун чолғулаштирилган асарларни қўллаш тавсия этилади.

Оддий мусиқий чолғуларда ижро этиш – мусиқий тарбиянинг илк босқичларида жуда яхши таъсир қўрсатади, яъни мусиқий-эшитув тасаввурларини шаклланишига, ритмнинг эмоционал асосини очища, ижрочилик малакаларини ривожлантиришда ёрдам беради.

Мураккаб чолғули жўрнавозлик болаларнинг имконият даражаларига ҳамиша мослашиши керак. Партитурани соддалаштириш ёки аксинча, мураккаблаштириш мумкин. Шунингдек, уларни бошқа асарга ритмик жўрнавозлик сифатида бериш ҳам мумкин. Бундан ташқари, уларни ижодий вазифаларда намуна сифатида ҳам ишлатиш мумкин. Ритм ҳисси, ритмик малакаларни фаол ва кетма кет шаклланиши учун катта ва шакл жиҳатдан мураккаб бўлмаган асарлар қўлланилади, яъни улар ўқувчилар томонидан куйлашда, товушли чолғуларда ёки тинглаш жараёнида ўзлаштирилган асарлар ишлатилади.

Ритм ҳиссининг ривожи бир неча йуналишда бирга олиб борилади:

- бунда болалар турли чўзимларнинг муттаносиблигини тушунадилар.

- турли ритмик шаклларнинг ўзлаштирилиши, уни эслаб колиш орқали ички ритмик эшитув ривожланади. Кучли ва кучсиз ҳиссалар ҳакидаги тасаввурлар

уларнинг пульсацияларининг ҳосил бўлишидан мустаҳкамланади.

- чолғу жўрлиги орқали ритмнинг эмоционал асоси ҳакидаги тасаввурларнинг шаклланишига имконият беради.

Ритмнинг эмоционал асоси ҳакидаги болаларнинг тасаввурлари чолғуларнинг ёрқин ранг-баранг жаранглари орқали кучайтирилади. Хусусан, соатнинг чиқиллаши ёки ёмғир томчиллаши. Ритмик жўрликнинг ифодавийлигини, тасвирийлигини асарни тахлил қилиб билиш зарур – унинг характеристи ва мусиқий ифода воситаларини аниқлаш орқали эришилади.

Мусиқий-ритмик ҳисни ривожлантиришни вазифа бериш билан бошлаш тавсия этилади. Болалар вазифаларни бажаришларида ритмик чолғуларда ўқувчи ижро этаётган марш мусиқасидаги бир текис ритм ҳиссини ижро этишлари талаб этилади. Бундай вазифани бажаришда мусиқа остида ҳаракат бажаришни, кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг ўзаро алмашиниб келишини тахлил

қилишни тақозо этади. Ритмнинг ўзгариши асарнинг характерининг ўзгаришидан далолат беришини айтиб ўтиш лозим.

Биринчи босқич вазифаси, пульсация ҳиссининг ривожига қаратилган бўлиб, бир хил темпга эга бўлган асарлар асосида кўрилади. Кейин эса контраст тепмга эга пъесалар қўшилади. Турли тезликдаги ҳиссаларнинг ҳаракатини ҳис қилиш ўқувчиларда мусиқий-ритмик хисни фаоллаштиради, мусиқадаги ритмнинг тасвирийлигини, ифодавийлигини тушунишга, фарқлашга ёрдам беради.

Бундай вазифаларни бажаришда ҳар бир асарни жўрлиги учун ўқувчиларга чолғу танлаш имкони берилади, аниқ тембр ёрдамида бадиий образни ёрқин кўрсата олишда қўлланилади.

Иккинчи босқич – кучли ва кучсиз ҳиссларнинг алмашиниб келишидир. Турли ҳиссалар ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга қаратилган вазифа болаларга таниш бўлган қўшиклар, пъесалардаги мазмунан кучли ҳиссага тўғри келадиган асарлар берилади. Болалар кучли ва кучсиз ҳиссаларни чолғуда аниқ ижро эта бошлаганларидан кейингина, қўшиқнинг «пульси»ни икки ҳиссали улчовда ўzlари томонидан ёзишларини таклиф этиш мумкин. Бунда болалар метр, такт чизиги ва ўлчовлар ҳақида маълумот оладилар. Шу каби тасаввурларни янада фаоллаштириш мақсадида ўқитувчи ўқувчиларга таниш бўлган қўшиқнинг «пульс» ёзувини таклиф этади ва ундаги хатоларни топиш каби вазифаларни бериш мумкин.

Учинчи босқич – метрик пульсацияни ўзлаштириш билан бирга мусиқада ритмик шаклни ҳам ўзлаштириш буйича ишлар олиб борилади, икки турли ритмик бирликларнинг алмашиниши асосида - чорактали ва нимчорактали нота ёки нимчорактали ва яримтали нота кўрилади. Шу туфайли болалар чўзимликларнинг муттаносиблигини енгил ва онгли равишда қабул қиласилар, асардаги ритмик киришни ва жўрликни ижро этадилар.

Ритмик шаклларни мақсад сари ўзлаштиришни куйдаги машқлардан фойдаланиб, амалга оширилади:

а) Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг чолғу жўрлиги билан саломлашиш:

б) «Акс-садо» ўйини, унда ўқитувчи болаларга таниш бўлган куйни фортелианода ифодали ижро этиб беради, болалар эса ундаги ритмик шиклни чолуларда қайтарадилар;

в) нота ўрнига чолғули-ритмик бўғинлар орқали жавоб қайтариш

Ўқувчиларни узун ва қисқа товушларнинг фарқини ўзлаштирганларидан сўнг, турли ритмлар асосида тузилган ҳаракатларни, яъни жўрнавозликка ўтиш мумкин. Маълум бир грух болалар дўстларининг қўшикларига бир текис ритмик ҳиссада жўрлик қилишади, бунда қўшиқдаги чўзимликлар икки

барабар қисқа ёки узун бўлиши мумкин. Агар чолғу партияси қўшиқнинг ритмик суратини такрорласа унда ўқувчилар биргаликда ҳам куйлайдилар, ҳам ижро этадилар. Партияларда паузалар учраши кузатилади. Улар икки эшитувни ривожлантириш қийматига эгадир. Лекин улар болалар учун маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шунинг учун бу жараён аввалдан тайёргарликни, маҳсус усусларни талаб этади. Илк малакаларни чолғу пъесаларда шакллантириш мумкин, «акс садо» ёки диалог қонунияти асосида ёзилган, ундан кейин эса қўшиқка жўрлик қилиш устида ишлаш мумкин. Унда зарб кучли ҳиссага пауза эса, кучсиз ҳиссага тўғри келиши доим алмаштириб турилади.

Ритм ҳиссини ривожлантиришдаги вазифаларни ўйин шаклида бриш ката аҳамиятга эгалиги маълумдир.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ўқувчилардан чолғулар билан танишиш, чолғуларнинг мусиқий тасвирийлиги ва ифодавийлик имкониятларини, товуш ҳосил қилиш техникасини билиш талаб этилади.

Чолғуларни синфдаги ритмик ҳисси кучлироқ бўлган болаларга берилса, мақсадга мувофиқдир. Аввалига ҳар бир чолғу билан алоҳида ритмик сурат ишланади. Кейин эса иккитадан фортепиано жўрлигига ижро этилади. Ушбу асар бир неча дарслар давомида ўрганилади ва мустаҳкамланиб борилади.

Ёғочли қошиқнинг кучли ва кучсиз ҳиссаларга урилишида болалар адашиб кетишлари мумкин. Шунинг учун бу чолғу билан алоҳида ишлаш керак.

Масалан: 2-синф дастуридаги «Қари наво» куйига қошиқ, дойрача , учбурчак, сурнайча ва қарсақ (чапак)ни жўрликка олинди. Ҳар бир чолғудан иккитадан бўлса, 8 та чолғу ва қолган болалар чапак билан фақат 3 қисмига жўр бўлишади.

Бошланғич синф ўқувчилари билан ишлашда, табиийки, энг содда чолғу асбоблари қўлланиши мумкин.

Бу чолғулар соф, майин жаранглости ва кўриниши чиройли, безакли бўлиб, ўқувчиларни ўзига жалб этиши ҳамда ижрода қулай булиши талаб этилади. Ижро пайтида гавда, буйин, бошнинг эркин ҳолатига эътибор қаратилади.

Болалар мусиқа ижро чилигини ривожлантириши устида ишлаш методлари

Биринчи машғулотларданоқ ҳар иккала гурухдаги, яъни ритмик ва мелодик чолғулардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мелодик чолғуларда ижро этиш усусларидан қўйидагиларни келтириш мумкин:

- содда қўшиқ куйларини (бир, икки товушдан иборат) чалиш;
- «акс-садо», «құшчалар айтишуви» каби ўйин шаклидаги мусиқа машқларини чалиш;

Ўз мазмуни ва қоидаларига эга бўлган ўйин, эртак, мусиқий ҳикоялар ўқувчилар учун ижодий ҳаракатларда қулай иш шакли ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг лад ва ритм ҳақидаги мусиқий тасавурлари қўшиқ куйлаш жараёнида турли хил ижодий вазифаларни бажариш орқали жадал ривожланади. Буларга:

- қўшиқка ритмик жўрлик, кириш қисмини «тўқиши»;
- қўшиқнинг характеристи, образига мос келувчи чолғуларни танлаш ва бу ҳақидаги фикрни асослаб бериш;
- ўқитувчи томонидан таклиф этилган жўрлик турларидан асар кайфиятига мос келадиганини танлаш ва ҳоказо.

Бу хилдаги вазифалар асосан ритмик ва мелодик чолғулар ёрдамида бажарилади.

Партитураларни ўрганишда турли йўллар қўлланилади:

- нота ёзуви, ритм ёзуви;
- эшитув орқали чалиб ўрганиш;
- ижрочининг чалишини кўриб ёдлаш орқали ўрганиш.

Эслаб қолиш жараёнини тезлаштириш мақсадида хар қайси партиянинг ритмик кўринишини оғзаки таҳлил қилиш ёрдам беради. Масалан, ритмик ҳаракат жўрлиги куй усулини айнан қайтарадими ёки мустақил кўринишига эгами, фақатгина кучли ҳиссани кўрсатадими ёки ҳиссалар пульсациясини кўрсатадими?

Мусиқа чолғуларида ижрочилик ўқувчиларда мусиқа идрокини фаоллаштиради ва чукурлаштиради. Оддий ритмик партитураларни ижро этиш жараёнида болалар мусиқа ифода воситалари ҳақида, асарнинг тузилиши, шакли, мусиқанинг ривожланиш хусусиятлари ҳақида бошланғич билимларга эга бўладилар.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, чолғуларда чалишга ўргатиш асосида биринчи машғулотларданоқ, ўқувчиларга бадиий-муаммоли вазифалар бериш ва уларда мусиқий ижодий фикрлашни фаоллаштириш ўқитувчининг асосий педагогик вазифаларидан биридир.

Болалар чолғу асболари классификацияси

Болалар чолғу асболарини бир неча турларга бўлиши мумкин (41-бетга қаранг).

1) жарангли асбобларга – баландлиги аниқ бўлган ўйинчоқ асбоблар, шиқилдоқ, бубен, барабан, костанеталар киради.

2) Бир хил баландликда товуш чиқарадиган асбоблар – улар ёрдамида ҳар хил ритмларни бир оҳангда ижро этиш мумкин. Сурнай, рожоклар киради.

3) Диатоник ва хроматик товушқаторларга эга бўлган асбобларга – металафон, пианино, роялчалар, кларнетчалар, флейтачалар, саксофонлар, баянчалар киради. Бу асбобларда bemalol қўшиқ оҳангларини ижро этиш мумкин. Шунинг учун тўрт гуруҳ асбобларининг ўзи ҳам бир неча гурухга бўлинади:

а) торлилар – қитра, дўмбра, балалайка, дутор, рубоб ва ҳоказо.

б) дамли чолғулар – флейта, саксафон, най, сурнай, триоллар ва ҳоказо.

в) клавишли чолғулар – аккордион, гармоника (бунда товуш клавишни босиб гармоникада ҳавони итарганда ҳосил бўлади).

г) уриб чалинадиган чолғулар – бубенлар, учбурчак, тарелка, барабан, металлафон, кселофонлар киради.

Мусиқада дидактик ўйинлар жараёнида мусиқий чолғулар аҳамиятини ошиб боради. Болалардан товушларни баландлиги, узунлиги, темпи, динамикаси ҳақида билишлари талаб қилинади.

Товуш баландлигини сезиш ҳиссини шакллантириш учун ҳар хил баландликдаги қўнғироқчани баланд товушни ижро этаётганини аниқлайдилар.

Ритм ҳиссини шакллантиришда барча уриб чалинадиган асбоблар гуруҳидан фойдаланиш мумкин. Динамик эшитиш қобилиятини аниқлаш учун барча асбобларни қўллаш мумкин.

Болалар мусиқа оркестрини тузиш учун иложи борича бир хил асбоблар гуруҳидан фойдаланиш мумкин. Бундай оркестрларни ташкил этишда овози паст асбоблардан қўпроқ, овози баландлари камроқ ишлатилиши керак.

Савол ва топшириқлар

1. Болалар чолғуларида ижрочилик фаолиятининг аҳамиятини тушунтириб беринг.

2. Болалар чолғуларида ритм ҳиссини шакллантириши неча босқичда амалга оширилади? Уларни шарҳлаб беринг.

3. Чолғучилик фаолиятини амалга оширишида репертуар ва иш методларининг аҳамиятини ёритиб беринг.

4. Дарсда қўлланиладиган болалар мусиқа чолғуларига тавсиф беринг.

5. Дарсда чолғучилик фаолиятини ташкил этиши йўллари қандай?

6. Болалар чолғуларида ижро этиши фаолиятини қайси фаолиятлар билан узвий олиб борилиш мумкин?

7. бирор бир мусиқий асарга болалар чолгусида жүр бўлиш йўлларини кўрсатиб беринг.

Мусиқа саводи фаолияти

Мусиқа саводи фаолияти мактабдан бошланади. Мусиқа саводи мусиқа таълими тизимидағи муҳим жараён ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи болаларга зарур мусиқий-назарий билимларни, маълумотларни бериши керак. Мусиқа саводига доир олиб бориладиган иш асосан болаларнинг мусиқий ўқувини ўстириш ва нота ёзувларини ўрганишдан иборат бўлибгина қолмай, балки ўқувчиларнинг умумий мусиқий билим савиясини таркиб топтирувчи умумий билим, тушунчалар мажмуасини (ижрочилиги, халқ ва бастакорлик мусиқаси, уларнинг фарқлари, миллий мусиқанинг маҳаллий услублари, мумтоз мусиқа) ташкил этади. Мусиқа саводи ўқувчиларда мусиқага, унинг ифода воситаларига онгли муносабатни тарбиялади, мусиқанинг асл мазмунини тушуниб олишга ёрдам беради, нотага қараб куйлаш ва ашула айтиш малакаларини ҳосил қилиш ҳамда гармоник қобилиятни ўсишига замин яратади. Шу билан бирга овозларни аниқ талаффуз қилишга ва жамоа бўлиб қўшиқ айтиш сифатини, самарадорлигини оширишга қулайлик туғдиради. Мактабда мусиқа саводини ўрганишда қўйиладиган асосий методик талаб — дарс жараёнида олинган мусиқий-назарий билимларни бошқа фаолиятларда – қўшиқ айтиш, мусиқа тинглаш ва мусиқага ритмик жўр бўлишда қўллай олишдан иборат. Ҳар бир фаолият билан шуғулланганда ўқувчилар куйлаётган, жўр бўлаётган ёки тинглаётган асарларининг ким томондан яратилганлиги, қайси ладда ёзилганлиги, асарнинг темпи, ўлчови, ритми, шакли, динамик белгилари, тонлиги ва ҳоказоларни қисман бўлса ҳам аниқлашлари даркор. Мана шу жараёнда мусиқа саводи беназир қўмакчидир. Мусиқий-назарий билимлар анча саёз ва бир тизимга солинмаган бўлса ҳам, ўқитувчи имкони борича дарсларни қўргазмали куроллардан, ўқитишнинг замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиши мақсадга мувофиқдир. Мусиқа саводида мусиқий атамалар, анъаналар, темплар (суръат), интерваллар, алтерация белгилари, динамик белгилар, мусиқанинг ифодаловчи воситалари, оддий мусиқа шакллари ва жанрлари, мажор ва минор лади ҳақида тушунча берилади. Лекин бу тушунчалар оддийдан мураккабга қараб, иложи борича тизимиийликка риоя қилиб ўргатилса кўзланган мақсадга эришилади.

1-синфда мусиқа саводи бошланғич билимларни беради. Болаларнинг мактабга эндиғина келганилкәрига қарамай улар боғчада күпгина ашулалар айтиб. Рақсга тушган бўладилар. Мусиқа саводига киришдан аввал болаларнинг олдинги билимларига таянишимиз керак. Табиийки, боғчада мусиқа саводи ўрганилмайди. Шунинг учун ўқитувчи ниҳоятда эҳтиёткорлик билан боларга мусиқа ҳақида тушунча беради. «Сиз қандай қўшиқларни биласиз? Рақсга тушишни биласизми? Мусиқани яхши кўрасизми?» ва шу каби саволлар орқали болалар билан мулоқотга киришади. «Энди мен сизларга мусиқа аслида нима эканлиги ва қандай пайдо бўлганлиги ҳақида гапириб бераман...» - деб болаларни ўзаро сухбатга тортади. Ўқувчилар мусиқа ҳақида тушунчага эга бўлганларидан кейингина, уларнинг мусиқанинг ифодаловчи воситалари билан таништириш мумкин. 1-синфда ўқувчилар нота ёзуви, ноталарнинг жойлашуви, ноталар номи, узунлиги билан қисман танишиб борадилар. Мусиқа бошқа санъат турлари каби инсонларнинг ўзаро мулоқат қилишга ёрдам берувчи воситадир. Шунинг учун мусиқа тилини яхшироқ тушуниш учун, мусиқанинг муҳим ифодаловчи воситаларини билиш аҳамиятлидир. Энг муҳим бўлган воситалардан ладлар – мажор ва минор ладлари ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш мақсадга мувофиқдир. 1-синфнинг 2-ярмида бевосита нота ёзуига киришиш мумкин. Аввало бор ўқувчиларга ноталар ёзиладиган чизиқнинг нега бешталиги, нота йўлининг аҳамияти ва уларда ноталар қандай жойлашиши ҳақида бошланғич тушунчалар берилган бўлмоғи лозим.

Нота ёзадиган чизиқ пастдан юқорига қараб саналишини ўқитувчи доскага ёзиб кўрсатиб бериши лозим. Скрипка калити ёки сол калити ҳақида тушунча бериш керак.

Ноталар ёзилишидан олдин калит белгиси қўйилиши кераклиги, калитсиз нота ёзиш мумкин эмаслигини ўқувчиларга мисоллар билан тушунтирилади. Масалан,

Ўқитувчи: « Болалар, мактабдан уйга келганингизда эшикдан тўғри кириб кетасизми, ёки аввал калит билан очиб кейин кирасизми?»

Болалар: Калит билан очамиз.

Ўқитувчи: Демак, калитсиз уйга кириб бўлмас экан-а?

Болалар: Ҳа.

Ўқитувчи: Мусиқани ёзиш учун ҳам мусиқий йўлни аввал калит билан очамиз, яъни калит белгисини қўйишимиш шарт, аксинча биз мусиқа товушлари оламига кира олмаймиз.

Шу тарзда нота ёзуви ўргатилади. Ёзишдан аввал ўқувчилар ноталар жойлашуви ёдлаган бўлишлари керак. Масалан,

ДО–ёрдамчи чизиқда жойлашган.

РЕ–биринчи чизиқни тагида жойлашган.

МИ–биринчи чизиқда жойлашган.

ФА–биринчи чизиқ билан иккинчи чизиқнинг орасида жойлашган.

СОЛ–иккинчи чизиқда жойлашган.

ЛЯ–иккинчи чизиқ билан учинчи чизиқ орасида жойлашган.

СИ–учинчи чизиқда жойлашган.

Ана шундан кейин ўқувчилар бешта чизиқларни қайси бирида қандай нота жойлашганини ўzlари топа бошлайдилар.

Айрим ҳолларда ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларга тушунарлироқ ва қизиқарлироқ бўлиши учун нота чизиқлари ёрдамисиз ҳам қўл ёрдамида ноталар жойлашувини топиш ва кўрсатишлари мумкин.

Бунинг учун ўқитувчи қўлини кўндаланг ҳолда тутиб, ҳар бир бармоғини нота чизифи деб фараз қиласди. Ўқувчиларга ҳам ўнг қўлларини ҳудди шундай тутиб ўқитувчи билан биргаликда чап қўл кўрсаткич бармоғида ноталарни кўрсатадилар ва ўқитувчи айтган ноталарни ўzlари топиб кўрсатадилар.

Демак, мусиқа саводи фаолияти мактаблардаги энг муҳим ва етакчи фаолиятлардан бири бўлиб, у ўқувчиларни ўрганиладиган асарларни саводли ҳолда ўзлаштиришларига имкон беради.

Текшириш саволлари:

1. *Мусиқа саводи фаолиятининг аҳамиятини тушунтириб беринг.*
2. *Мусиқа саводи фаолиятининг бошқа фаолиятлар билан боғлиқлиги тушунтириб беринг.*
3. *Нота ёзувини ўргатганда нималарга эътибор бериши керак?*
4. *Нота саводи ва мусиқа саводи тушунчаларига изоҳ беринг.*

III БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Умумий ўрта таълим мактабларидағи “Мусиқа маданияти” дарсларининг тузилиши

Мусиқий билимларни ўзлаштириш деганда биз мусиқага оид бўлган барча билимларни ўзлаштиришни тушунамиз. Хусусан:

- 1) Мусиқа саводи (мусиқа назариясининг бошланғич билимлари);
- 2) Мусиқа тинглаш ва таҳлил қилиш;
- 3) Жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш;
- 4) Мусиқий ижодкорлик (мусиқага мос ҳаракатлар қилиш, болалар чолғу чолғуларида чалиб, мусиқага ритмик жўр бўлиш).

Мусиқа дарснинг асосий хусусияти шундаки, мусиқа таълимининг тўрт фаолияти мустақил жараён бўлиши билан бирга, уларни бир-бiri билан узвий алоқада, ўзаро боғлиқ равишда олиб бориш керак. Ушбу жараёнларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши, уларни ижодий шахс бўлиб етишишларига замин яратади.

Дарснинг моҳияти, мазмуни ва мавзусидан келиб чиққан ҳолда дарсдаги бирор бир фаолият биринчи ўринга чиқиб қолиши мумкин. Мусиқа дарснинг тузилиши асосан, мусиқий ижрочиликни ташкил этади. Лекин шуни унутмаслик керакки, биргина ашула айтиш учун нота ёзуви, динамикаси, штрихларини билиш зарурдир. Жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчиларда жамоатчилик, дўстлик, бирдамлик каби фазилатлар шаклланади. Бу жараёнда бутун синф жамоа бўлиб, «бир ёқадан бош чиқариб» фаол иштирок этадилар. Шу туфайли мусиқий қобилияти суст бўлган ўқувчилар фаол ва яхши мусиқий қобилиятга эга бўлган ўқувчиларга эргашадилар.

Мусиқий қобилият фақатгина мусиқий амалиёт, мусиқа санъатига хос бўлган мусиқий материал ва маҳсус усуллар орқалигина ривожлантирилиши мумкин, яъни айнан мусиқа инсоннинг мусиқий ҳисларини уйғотади.

Мусиқа дарси ҳар хил мусиқий назарий фаолиятларни ўз ичига олади: ашула айтиш (вокал хор тарбияси, сольфеджио), мусиқанинг элементар назарияси (мусиқа саводи), мусиқа тинглаш, мусиқа таҳлили, мусиқа адабиёти, мусиқа остида ҳаракатлар бажариш.

Қуйида биз бир дарснинг тузилишини мисол тариқасида келтирамиз:
Дарснинг мавзуси – Мусиқанинг ифода воситалари.
Дарснинг тури – предметлараро узвийлик.
Дарснинг мақсади:

1) таълимий мақсад: мусиқанинг ифодаловчи воситалар ҳақида тушунча бериш, овоз созловчи машқлар бажариш, янги қўшиқ ўргатиш, мусиқий асар тинглаш, аввалги ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш,

2) тарбиявий мақсад: ўқувчиларнинг мусиқий идрок, дид, дунёкараш ва тафаккурларини шакллантириш, мусиқий асарга ва унинг яратувчиларига нисбатан ҳурмат ва қизиқишини уйғотиш, қўшиқ матни ва мусиқа таъсирчанлиги ёрдамида ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш.

Қўлланиладиган адабиётлар – дарслик, сольфеджио дарслиги,

Дарснинг бориши:

1. Синфни уюштириш:

- а) мусиқий кириш;
- б) ўқувчиларни йўқлама қилиш;
- в) дарснинг мавзусини эълон қилиш.

Амалий ишлар:

а) овоз созлаш машқлари: ҳар хил методик усуллар ёрдамида;

б) стакатто ва легато усулларида куйлаш.

2. Янги материални ўтиш:

а) қўшиқ ўргатиш: жумлаларга бўлиб, нафас ва овозни тўғри йўлга қўйган ҳолда;

б) интервалларни тушунтириш: ҳар хил мисол ва усуллар ёрдамида;

в) мусиқа тинглаш: методик усуллар ёрдамида – расм чизиш, баён этиш ва ҳоказо.

г) болалар мусиқа чолғуларида жўр бўлиш ва ритмик ҳаракатлар бажариш:

ўрганилаётган қўшиқ ёки тингланаётган мусиқий асарга мос чапак чалиш, болалар чолғуларида (дойра, шиқилдоқ, сурнайча, металлафон...) жўр бўлиш.

д) ижодий вазифалар: мустақил тарзда қуяга жўр бўлиш учун қайси мусиқий чолғу мослигини аниқлаш, тингланган қуй қандай хотира ёки тасаввурларни уйғотишини, тингланган мусиқий асар қайси ладда ёзилганлигини аниқлаш (мажор ёки минор), асарнинг жанрини аниқлаш (қўшиқ, рақс, марш), асарнинг ўлчовини, темпини, динамик белгиларини аниқлаш. Асардан олинган таассуротларга таянган ҳолда расм чизиш.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш.

4. Уйга вазифа бериш: янги қўшиқ матнини ёдлаш, «Мусиқа ифода воситалари» мавзусини ёдлаб келиш.

1-синфда мусика ўқитиши методикаси ва мазмуни

Биринчи синф ўқувчиларининг психологик-физиологик, мусиқийлик хусусиятлари

Биринчи синф ўқувчиларига хос хусусиятлар қуйидагилар:

- 1) Тўлиқ шаклланмаганлик, организмининг нозиклиги; бир хил ҳолатда туриш, бир хил фаолият бажариш жараёнида, ўқитувчининг оҳангизз нутқи, дарсларнинг бир қолипда ўтилишидан тез чарчаб қолишлари; диққатларининг тарқоқлиги;
- 2) ақлий фаолият жараёнида йўналтирилганлик, тизимлилик малакаларининг етишмаслиги; ёрқин хотира;
- 3) эркин диққатларининг кўлами торлиги (шунинг учун дарс жараёнида тез-тез фаолиятларни ўзгартириб туриш керак);
- 4) Аниқ ва ёрқин образли тасаввурга эга бўлишлари;
- 5) ўйинга мойиллик: энг мураккаб материаллар ҳам ўйин орқали енгил ўзлаштирилади. Ўйин ўқувчиларнинг тасаввурлари, диққати, хотираси ҳамда ижодий қобилиятларини ривожланишини фаоллаштиради.

Биринчи синф ўқувчиларининг мусиқий хусусиятлари

Кузатишларимизга кўра, биринчи синф ўқувчиларининг билим даражалари бир текис бўлмайди. Айрим болалар бемалол мусиқани бошидан охиригача тинглай олади, қўшиқларни соф интонацияда куйлади, айрим болалар эса аксинча тигнлаш ва тўғри куйлаш ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмайдилар. Айрим болалар мактабга келгунларига қадар, мусиқа тўғаракларига қатнашган ва мактабгача таълим муассасаларида мусиқий тарбия олган бўладилар. Айрим болалар мусиқий мухитда тарбияланган бўлсалар, баъзилари умуман мусиқадан бехабар бўладилар. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, биринчи синф ўқувчилари ҳар хил хусусиятларга эга бўладилар. Шунга қарамай, биз уларнинг айрим умумий қиёфаларини санаб ўтамиш:

1. Мусиқани идрок этиш борасида улар қўшиқ, марш ва рақс жанрларини идрок эта оладилар. Биринчи синф ўқувчилари тинглайдиган куй ва қўшиқлар ҳажми жиҳатидан кичик ва ёрқин бўлмоғи ҳамда тинглашдан аввал ўқитувчи унинг ифодавийлиги, мусиқий образлари, маъно ва мазмуни ҳақида тушунчалар бериши керак.

2. Куйлаш борасида, биринчи синф ўқувчилари аввалги (мактабгача бўлган даврга) мусиқий тайёргарликларига боғлиқ. Тайёргарлиги бўлмаган болаларнинг овоз диапазони 2-3 товушдан, тайёргарлиги бор болаларда бир октаавагача овоз диапазони ривожланган бўлиши мумкин. Ўқитувчи куйлаш жараёнида болаларнинг овоз аппарати тўлиқ шаклланмаган, нозик, овоз пайчалари ингичка бўлади. Шунинг учун куйлашда бақирмасдан юмшоқ овозда куйлаш керак. Бу даврда болалаларнинг (7 ёшли) овоз диапазони ре-ля биринчи октаавагача бўлган товушларни қамраб боради. Лекин дарс жараёнида бу диапазон айрим ҳолларда биринчи октааванинг си ва иккинчи октааванинг до ва ре товушларигача кўтарилиши мумкин. Бироқ ўқувчилар биринчи октава до товуши ва ундан қўйироқ товушларни куйлай олмайдилар. Чунки уларнинг овозлари табиатдан жарангдор ва ёрқиндир.

3. Ижодий ёндашиб борасида биринчи синф ўқувчиларининг имкониятлари кенгdir. Улар бемалол ҳар хил ижодий топшириқларни бажара оладилар. Улар бирор сўзга мелодик ва ритмик бадиҳалар қилишлари мумкин. Улар мусиқий чолғу асбобларида ёки саҳнавий кўришнишларда, таниш бўлган қўшиқларни ҳаракатлар ва пантомималар билан кўрсатиб бера оладилар.

Мусиқа идрокини ривожлантириши вазифалари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Мусиқий идрок – мусиқа тинглаш фаолияти барча мусиқий машғулотларнинг асосидир. Мусиқий товуш баландлиги, унинг ритмик суратини тингламай куйлаб бўлмайди. Лекин мусиқа тинглаш осон эмас, чунки ҳар бир мусиқий асарнинг характеристери мусиқанинг ифода воситалари орқали акс этирилади ва доимий ривожланиш ва ҳаракатда. Шунинг учун мусиқа тинглашни ўрганиш керак. Мусиқа тинглашни ҳар қандай мусиқий жараёнда – қўшиқ куйлаш, ритмик ҳаракатлар бажариш, мусиқий чолғуларда жўр бўлиш, мусиқа саводи жараёнларида ҳам ўрганиш мумкин.

«Мусиқани севиш учун, аввалимбор, уни тинглай олиш керак...» - деган композитор Д. Шостакович. Мусиқани идрок этиш масалаларига бир қатор рус олимлари Н.Ветлугина, Е.Горская, Г.Ригина, Н.Гродзенскаялар мурожаат қилганлар (78-бетга қаранг).

Мусиқани эшитиш ва тинлашни ўргатиш 1-синф ўқитувчиси олдига бир қатор вазифаларни қўяди. Аввалим бо ўқитувчи мусиқани бошқа санъат турларидан фарқи нимадалигини тушунтириб бермоғи лозим. Мусиқани ҳис қилиш, англаш, тушуниш учун уни тинглай олиш муҳимдир. Бунинг учун болалар мусиқанинг ифода воситалари ҳақида – куй ҳаракати, ритмик сурати,

регистрларнинг ифодавийлик аҳамияти, суръат, динамика, лад бўёклари (мажор ва минор) ва бошқаларни билишлари керак.

Асосан мусиқа тинглаш фаолияти қуидаги тўртта шартли босқичларда ўтказилади:

1. Кириш сўзи.
2. Асар ижроси.
3. Тингланган асар ҳақида сухбат.
4. Қайта тинглаш.

Бу босқичлар шартли деб бежиз таъкидламадик. Дарс тузилиши, асар мазмуни ва моҳиятига қараб бу босқичлар қисқартирилиши ёки кенгайтирилиши ҳам мумкин.

Биринчи синфда куйлаш малакалари

Биринчи синфда куйлаш малакаларини шакллантириш бевосита мусиқий эшлиши қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Соф интонацияда куйлаш, аниқ идрок этиб, тингланган товушни тоза ижро этишдан иборатdir. Гоҳида мусиқий товушларни тўғри идрок этадиган, бироқ тўғри куйлай олмайдиган ўкувчилар ҳам учраб турди. Синфда турли хусусият ва одатларга эга болалар бўлганлиги туфайли, ўқитувчи барча болаларга мос келадиган усулларни қўллаши керак. Қўшиқ куйлашни ўрганаётганда секин-аста такрорлаш усуллари билан, унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилган ҳолда, қўшиқ ритмини санаган ҳолда қўзланган мақсадга эришадилар. Болалар кўпинча ўқиувчига тақлид қилишларини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқитувчи ўкувчиларни қўйлатишидан аввал қўшиқни ўзи ижро этиб бериши лозим. Ўқитувчи куйлаш жараёнида нафаз, талаффуз, ансамбль, соз устида иш олиб боради. Бунинг учун ўкувчиларни ўқитувчини қўлига қараб, қўшиқни баробар бошлаш ва баробар тугатишларини назорат қилиб бориш керак. Ҳар қандай товушни чиройли, бақирмасдан, тўғри нафаз олиб, ундошларга унли товушларни қўшган ҳолда куйлаш яхши натижа беради. Нафас олганда, “...худди ул ҳидлагандек,” (Н.Гродзенская) олиш муҳимдир. ўкувчилар нафақат ўзларини, балки, синфдошларининг ҳам куйлашини эшила олишлари керак. Қўшиқ куйлаш жараёнида, мусиқа тинглаш жараёнида бўлгани каби, ўкувчиларга мусиқа саводидан маълумотлар бериб борилади.

Энди қисқача қўшиқ ўргатиш жараёнига тўхталиб ўтамиз.

Кўшиқ ижросини кўрсатиб бериш. Болаларни ўрганиладиган қўшиқ билан, унинг яралиш тарихи, ижодкорлари ва қўшиқнинг мазмуни билан таништирилади. Ўқитувчи ўзи мазкур қўшиқни ижро этиб беради.

Үқитувчининг ижроси бадиий жиҳатдан ёрқин ва ифодали бўлиши лозим. Агар ўқитувчи ўзи ижро этиб бера олмаса, қўшиқни магнит тасма ёки бошқа ёзувлар орқали ҳам эшилтириш мумкин. Баригар ўқитувчи қўшиқни ўргатиш жараённида ўқувчиларга қўшиқни бўлакларга бўлиб куйлаб беришига тўғри келади. Шунинг учун қўшиқ қанчалик кичик ва содда бўлишига қарамай, ўқитувчи уни юқори савияда ижро этиб бериши муҳимдир.

Қўшиқ ҳақида сұхбат. Қўшиқнинг бадиий аҳамиятини аниқлаш мақсадида ўқитувчи болаларга қўшиқнинг характеристи, ифодавийлиги, динамикаси ва бошқалар ҳақида сўзлаб беради. Бу синфдаги болаларга кўпроқ қувноқ, шўх характеристдаги қўшиқлар ёқади. Шунинг учун уларга ғамгин, қайгули қўшиқларни ўргатиш қийинроқ кечади.

Қўшиқ сўzlари ва оҳангини ўрганиш. Қўшиқнинг қай даражада мураккаблигига қараб ўқитувчи уни сўzlарини алоҳида, куйидан аввалроқ ўргатади. Бироқ хадеб сўзларга берилмай, уни иложи борича куй билан ҳамоҳангликда ўргатиш яхши натижа беради. Ўқитувчи қўшиқни жумлаларга бўлиб ўргатади. Ўқувчилар жумлалар ҳақида тушунчага эга бўладилар. Ўқитувчи ўқувчиларга жумлаларнинг ўртасида нафас олиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Бу жараёнда мусиқа саводига мурожаат қилиш керакли натижани беради.

Ижро ифодавийлиги устида ишлаш. Қўшиқни ўрганиш жараёнининг бошидан то охиригача ижрони ифодавийлигига аҳамият бериш керак. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, ўқувчилар қўшиқнинг сўзлари билан куйини тўлиқ ўзлаштириб бўлганларидан сўнгина ифодавийликка эришиш мумкин, экан. Бу ҳолда ўқувчилар ўз диққатларини сўзларни ва куйини қандай куйлашга эмас, балки қўшиқнинг мазмунини очиб беришга қаратадилар. Ифодали куйлашни ўқитувчининг асарнинг композитори ва шоири, унинг яралиш тарихи ҳамда тарбиявий аҳамияти ҳақидаги кириш сўзи ҳам таъминлаб беради.

1-синфда мусиқа саводи

Юқоридаги бўлимлардан кўриб турибмизки, мусиқа саводи барча фаолиятларни бирлаштирувчи ва ўқувчиларнинг ижодкорлигини, ижро маҳоратини оширувчи жараёндир. Шунинг учун бу жараённи алоҳида мустақил фаолият сифатида кўриб бўлмайди.

Биринчи синflарда мусиқа саводи жараёнини ҳамма ўқитувчилар ҳар хил мавзуларни ўргатишдан бошлайди. Кимдир товушлар ҳаракатидан, кимдир товушлар баландлиги, узунлиги ва бошқалардан бошлайди. Айрим ўқитувчилар

музыка саводи жараёнини музыкий регистрларни ўргатищдан бошлайди. Қандай мавзудан бошлашидан қатын назар ўқитувчи музыка саводини бошқа фаолиятлар билан узвий боғлаши керак. Куйлашда товушлар ҳаракати, баландлиги, чўзими ҳақида тушунтиурса, тинглашда ритм, метр, динамика, ўлчов ва бошқалар ҳақида маълумот беради. Болаларга товушлар ҳаракатини қўл ёрдамида тушунтириш ҳам яхши натижা беради. Уларга бешта бармоқларимизни нота чизикларига қиёслаб ноталар жойлашувини ўргатиш мумкин. Биринчи синф ўқувчиларининг музыка дарсликларида керакли мавзуларни ўзлаштириш учун барча маълумотлар, кўргазмалар келтирилган бўлиб, уларни болалар ўқитувчилари ёрдамида bemalol ўзлаштирадилар.

Муҳими биринчи синф ўқувчилари “юқори”га ва “пастга” ҳаракатланиш тушунчаларини тўлиқ ўзлаштиришлари лозим. Буни амалга оширишга “зинапоя» ёрдам беради. Ўқувчилар зинапоя ёрдамида товушларни пастдан юқорига ва юқоридан пастга bemalol куйлай оладилар. Ўкув дастурига кўра биринчи синф ўқувчилари товушлар номи, узунлиги, баландлиги, ритми, метр тушунчаларини, нота ёзуви ҳақида тушунчаларни эгаллашлари керак. Мактабга келган болалар учун бу бироз мураккаб бўлсада, маҳоратли ўқитувчи бу вазифаларни bemalol уddyalay олади. Биринчи дарсларданоқ нота ёзуви ва унда ноталар жойлашувини секин-аста ўргатилиб, куйлатиб борилса, бу вазифалар ҳеч қандай қийинчилик уйғотмайди.

Товушлар баландлиги ҳақида тушунчалар қуидагича берилади:

- 1) баланд, паст ва ўрта товушлар – регистр ҳақида тушунчалар бериш;
- 2) бир хил баландликдаги товушни юқорига ва пастга ҳаракати ҳақида тушунча бериш;
- 3) босқичма-босқич ҳаракат (зинапоя);
- 4) ҳар хил баландликдаги товушлар турлича номланади : до, ре, ми ...;
- 5) тугулланганлик ва тугалланмаганлик (турғун ва нотурғун) ва тоника тушунчалари берилади;
- 6) таниш бўлган куйлар орқали мажор ва минор ладлари ҳақида тушунчалар берилади.

Юқоридаги барча бериладиган тушунчалар дарсдаги музыкий фаолиятлар жараёнида мустаҳкамланиб борилади.

Товушлар узунлиги ҳақида тушунчалар қуидагича берилади:

- 1) узун ва қисқа товушлар қарама-қарши оҳангда берилади;
- 2) энг кўп қўлланиладиган узунликлар чорак ва нимчорак ноталар ҳар хил шарли бўғинлар, қарсаклар орқали тушунтирилади.

Биринчи синфда йил ва чорак мавзулари:

Йил мавзуси: Биз мусиқани севамиз.

1-чорак: Биз ёқтирган қүй ва қўшиқлар.

2-чорак: Мусиқали ўйинлар ва қўшиқлар.

3-чорак: Хушнаво чолғуларимиз.

4-чорак: Хушнаво чолғуларимиз.

Демак, биринчи синф ўқувчилари билан Мусиқа маданияти дарсларини олиб боришда уларнинг ёш-психологик хусусиятларига, идроклари, хотира ва шунингдек, физиологик хусусиятларига аҳамият бериш олдинга қўйилган мақсадга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Савол ва топшириқлар

- 1) Биринчи синф ўқувчиларига тавсиф беринг.
- 2) Биринчи синфда қандай мусиқа фаолиятлари амалга оширилади?
- 3) Қўшиқ куилаши жараёни қандай амалга оширилади ва унга қанча вақт ажратилиши керак?
- 4) Биринчи синфда ўқувчилар қандай мусиқий асарларни тинглайдилар?
- 5) Биринчи синфда мусиқа саводи жараёнида нималарни ўргатиш мумкин ва бу жараён қандай амалга оширилади?
- 6) Биринчи синф йил ва чорак мавзуларини ёддан айтиб беринг.
- 7) Биринчи синфда дарсликдаги материаллардан ва қўшимча материаллардан фойдаланган ҳолда дарс ишиланмасини тайёрланг.

2-синфда мусиқа ўқитиши методикаси ва мазмуни

Иккинчи синф ўқувчиларининг психолого-физиологик, мусиқийлик хусусиятлари

1-2-синф ўқувчиларининг кўпгина умумий жиҳатлари – идроки, фантазияси, хотираси, қизиқишлиари бўлишига қарамай, улар ўртасида сезиларли фарқ бор. Биринчидан, 2-синф ўқувчиси 1-синф ўқувчисига нисбатан, дарсда ўзини қандай тутиш, дарс тартиб-интизоми, кун тартибига мослашганлик жиҳатидан анча тажрибалироқ бўлади. 2-синф ўқувчисида ирода етарлича шаклланган бўлмасада, 1-синф ўқувчиларига нисбатан улар бирмунча қийинчиликларни енга олади. 2-синф ўқувчиси ўқиш ва ёзиш малакаларини эгаллаган бўлади. Бу эса ўз навбатида мусиқий билимларни ҳам кўламини кенгайтиришга ёрдам беради. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг ижодий ривожланиши уларнинг 1-синфда олган билимларига асосланади.

Ташкиллаштирилган, мақсадга йўналтирилган, қизиқарли дарслар ўқувчиларни биргаликда мусиқа тинглашга, ўз таассуротлари билан ўртоқлашишга, жамоа бўлиб куйлашга, бир-бирини тинглашга ўргатган бўлдаи.

Одатда 2-синф ўқувчилари худди 1-синф ўқувчилариdek, ўта қизиқувчан бўлмайдилар. Бироқ, ўқитувчи уларнинг қизиқишларини сўндириналикка ҳаракат қилмоғи керак. Бунинг учун ўқитувчи мусиқий қобилияти бўлмаган ўқувчиларга нисбатан ҳам эътиборлироқ бўлмоғм лозим ва келажакда уларнинг қобилияти ўқувчиларга бириктириб уларга ҳам алоҳида вазифадар бериши керак. Ўқиши жараёнида ўқитувчи дарсдаги вазифаларни осондан мураккабга, қўйидан юқорига қараб олиб бориши керак.

Бошланғич синфлардаги мусиқа дарслари умумий таълим мактабларида ўқувчиларга бадиий таълим ва эстетик тарбия бериш тизимининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Биринчи ва иккинчи синфларнинг орасида унчалик фарқ бўлмасада, лекин иккинчи синф болалари тажрибали ўқувчи, мактаб қоидаларига кўникма ҳосил бўлган, дикқати мустаҳкамлашган ўқувчи ҳисобланади.

Мусиқа маданият дарсларида дарс фаолиятларини тез-тез алмаштириб туриш, уларни мусиқага қизиқишларини янада оширади. Иккинчи синфда овоз аппаратининг нозиклиги, мўртлиги ва овоз пардалари тўла шаклланмаганлиги сабабли овозлари фальцет қўринишида янграйди. Овоз диапазони до1-ре2 гача бўлади. Ўқувчиларда биринчи синфда олган билимлари иккинчи синфда янада мустаҳкамланиб, чукурлашиб боради. Улар марш мусиқалари, тантанавор характердаги мусиқалар ҳақида таъсавурга эга бўлиб, бу мусиқаларни жанри, турлари ҳақида билимга эга бўладилар. Шу тарзда қўшиқ ва рақс жанри ҳам ўргатилади.

2-синф болалари овоз аппаратининг физиологик хусусиятлари, яъни нозиклиги, мўртлиги овоз пардаларининг тўла шаклланмаганлиги билан ҳам биринчи синф болаларидан кам фарқ қиласидилар. 2-синф ўқувчиларининг мусиқий қобилиятларининг ривожланиши биринчи синфда берилган дарсларинг сифат ва моҳиятига боғлиқ. 1-синфда ўқувчилар билан ўтилган самарали, қизиқарли ташкиллаштирилган дарслар ўқувчиларда мусиқа тинглаш, қўшиқ ҳақида ўзиниг таассуротларини ифодалаш, хор жамоаси билан қўшиқ куйлаш малакаларини оширади.

Мусиқа тинглаш мусиқа фаолиятининг етакчи тури ҳисобланади. Зероки, дарсда қўлланадиган барча мусиқа материаллари асосан эшитиб ўзлаштириш орқали амалий фаолият (куйлаш, чалиш, рақсга тушиш, қадам ташлаш)га кўчади. Хусусан болалар мусиқанинг уч асосий жанри (Кўшиқ, марш ва рақс) ни: ҳар бир жанрнинг ўзига хос турланиши, уч жанрнинг йирик асарларида

мужассамлашуви ва уларинг қўшиқона, рақсона ва маршона характерга эга бўлишини билиб оладилар. Мазкур жанрлар воситасида мусиқа нима ҳақида «Сўзлаши» ва уни қандай ифодалашини англайдилар. Бу мавзулар асосида олинган билим ва кўникмалар эса тўрт чоракда умумлашади .

Мусиқа педагогикаси соҳасидаги мутахассислар тажрибалари иккинчи синф ўқувчиларини психологик физиологик ҳамда мусиқий малакаларига мусиқага бўлган қизиқишлирига асосланиб уларни мусиқа дарсларига қатнашишига тайёр эканликларини кўрсатади. Бу ёшдаги ўқувчилар мусиқа саънати билан биринчи синфда, оиласда, радио ва телевидение орқали бериладиган эшитиришлар, кўрсатувлар орқали таниш бўладилар. Дарсда болаларнинг қувноқ куй ва қўшиқларни тинглаш, куйлаш рақс элементларини бажариш ҳамда чапак ва чолғу асбобларини чалиш иштиёқлари ошиб боради. Чунки бу ёшдаги болаларнинг диққатлари ҳали унча турғун бўлмайди, улар кўпроқ серҳаракат ва ўйинга мойил бўладилар. Бунга эса дарсдаги мусиқа фаолиятини турларини мақсадга мувофиқ алмасиб туриши ёрдам беради. Шу билан бирга мусиқа ҳақида янги тушунчалар пайдо бўлиб мусиқани онгли ўрганишга қизиқиш қучайиб боради. Бунинг натижасида куйлашда ва бошқа амалий фаолиятларни бажаришда фаоллик ифодалилик хусусиятлари намоён бўлади. Аммо бу ёшда болалар кўпроқ ширин сўзга мойил бўладилар. Шунга кўра, болаларни мусиқа маданияти дарсларига тобора қизиқтиришга, бутун дарс давомида қувноқ кайфиятни сақлашга эришиш лозим.

1-синфда кўлланилган мусиқа ўқитиши методикаси 2-синфда ҳам деярли ўзгармайди. Бу даврда мусиқага қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш, мусиқий қобилиятларни ривожлантириш давом этади. Барча билим, кўникма ва малакалар чукурлаштирилади. Шунингдек, мусиқани тўлақонли идрок этиш, унинг эстетик қечинмалар ва сифатли ижро нуқтаи-назаридан мукаммал бўлиши таъминланади.

Иккинчи синф ўқувчилари психологик физиологик характерга кўра биринчи синфга ўхшаш бўлади. 2-синф ўқувчилари ўз диққат эътиборини узоқ вақт бир нарсага қаратиб туролмайдилар, жуда тез чарчаб қоладилар. Шунинг учун ҳам мусиқа маданияти дарсларида мусиқий ижрога аҳамият бериб бориш чапак чалиш, қадам ташлаш каби хилма-хил ҳаракатлардан фойдаланиш зарур. Айниқса, болалар мусиқий чолғу асбоблари (Дойра, бубенга, румба) да жўр бўлиш ва ритмик рақс ҳаракатларини бажариш болаларни фаоллаштиради ва дарс қизиқарли мазмунли ўтади. 2-синфда болалар мусиқанинг характеристи, образлар орқали олган билимлари нисбий бўлиб, кейинги синфларда аниқ тушунчаларга айланади.

Мусиқий фаолиятларнинг биринчи турларига доир вазифалар иш мазмунини ташкил этади. Мазкур фаолиятлар қўшиқ кўйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, рақс элементларини бажариш, қадам ташлаш мусиқа маданиятини таркиб топтиришда муҳим роль ўйнади. 2-синфда қўшиқ кўйлаш-жамоа фаолияти сифатида ўқувчиларни бевосита иштироки билан амалга оширилади. Қўшиқ кўйлаш мураккаб психологик ва физиологик жараёндир. Бунда бош миядаги асаб ҳужайралари фаол қатнашади, ўқувчиларда ижобий ҳис-туйғуларни фаоллашини таъминлайди, қўқрак қисми товуш ҳосил қилувчи азоларни артикуляция ва нафас органларини фаоллаштиради, ҳамда ўқувчиларни самарали кўйлашга шароит яратади.

2-синфда ўқувчиларни овоз диапазонини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Қўшиқларни ўқувчиларни мусиқий қобилияти, ўқуви, хотираси, таллафузига аҳамият бериб танлаш мақсадга мувофиқдир.

Дарс самарадорлигини оширишда дарс мазмuni билан бўлган кўргазмали қуроллар, мусиқа образларини ифодаловчи бадиий суратлар, техника воситалари, дидактик ўйинлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Бу ёшдаги ўқувчиларни овози ўзларига хос жуда майин ва ёқимли тембрга эга бўлади. Ўтириб ва туриб кўйлаганда гавдани тўғри тутиш, нафасни сўз ўртасида олмаслик учун режага солиш, унли ва ундош товушларни тўғри таллафуз қилиш, соф интонация устида мумтазам иш олиб бориш лозим. Овоз созлашни примар товушлардан (ми1,фа1, соль1) бошлаб, елкани қўтармасдан нафас олишга аҳамият бериш, кушиқ кўйлаш самарадорлигини оширади.

2-синф ўқувчиларининг психологик, физиологик ва мусиқийлик хусусиятларини ривожлантиришда дарснинг ҳар бир фаолияти бир-бири билан узлик боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Дарснинг чорак, йил мавзулари бир-бири билан изчил боғланиб бир-бирини тўлдириш керак.

2-синф ўқувчиларида овоз аппаратлари тўла шаклланмаганлиги сабабли, ҳали анча заиф ва нозик, овоз пардалари эса кучсиз бўлади, овоз регистри кучи ва тембри бўйича ўғил ва қиз болаларда деярли фарқ сезилмайди. Шу сабабли уларда товуш фальцет типида ҳосил бўлади. Айрим болаларнинг овозлари нормал ҳолатда бўлсада, улар согза тушолмайдилар. Бунга сабаб, уларда мусиқа эшитиш (слух) ўргани билан товуш қилиш аппарати ўртасида мусиқа товушлари баланд пастлигини сезиш бўйича умумий координация ҳали яхши шаклланмаган бўлади. Натижада йил бошида болаларнинг мусиқий ўқуви қобилиятлари, мусиқа тинглаш кўникмалари ва кўйлаш малакалари бўйича савиялари бир хил бўлмайди. Шуларни ҳисобга олиб биринчи дарсдан бошлаб болаларни мусиқага қизиқтириш йўли билан уларни мусиқий қобилиятларини,

куйлаш ҳамда овоз сифатларини синчиклаб ўрганиб, уларни дефференциал (табақалашган) тарзда гурухга бўлиш мумкин.

1-гурухга - иқтидорли мусиқий ўқуви яхши ривожланган ўқувчилар.

2-урухга - мусиқани аниқ эшита оладиган аммо созга ва ўқитувчи овозига тайянган ҳолда куйлайдиган ўқувчилар.

3-гурухга - созга умуман туша олмайдиган ўқувчилар киритилади.

Биринчи гурухга кирган болаларни орқага, иккинчи гурухга кирган болаларни ўртага, учинчи гурухга кирган болаларни эса олдинги парталарга ўтказиш талаб этилади. Мақсад мусиқий қобилияти суст ривожланган болалар олдинда ўқитувчи ва орқада эса қобилиятли овози ривожланган болаларнинг ижобий тасирида мусиқий равнақини тезлатиш ҳамда йил давомида гурухлар савиясини тенглатишдан иборатдир.

Айрим болаларда овоз касаллиги белгилари (масалан, доимий хириллаш, овоз пайчаларининг тўла бирлашмаслиги кузатилиши мумкин) аммо булар вактинчаликдир. Касал болаларни даволатиш ота-оналар ёрдамида ва қоидали қўшиқ куйлатиш йўли билан бундай болалар овозидаги нуқсон бартараф этилади. Бундан айниқса, ўқитувчи овоз гигиенасини болаларга тушинтириб ва синфда қўшиқ куйлаш ҳолатига доимий эътибор бериши муҳим аҳамиятга эга. Дарс давомида мусиқа қобилияти суст ривожланган ва овозида маълум хасталик мавжуд бўлган ўқувчиларнинг ҳар бир ютуғи учун уларни рағбатлантириш ҳамда қизиктириш ва илғор болалар билан teng даражада мусиқий фаоллик кўрсата олишларига ишонч ҳосил қилдириш лозим.

2-синфда ўқувчиларни мусиқий қобилиятларини ривожлантириш, ўқувчиларда мусиқага қизикишни уйғотиш ва мусиқий таассуротни таркиб топтириш, мусиқани санъат сифатида онгли идрок этишга замин яратади. Натижада болаларда мусиқа ҳақида мушоҳада қилишнинг бошланғич асослари вужудга келади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуидаги вазифалар амалга оширилади.

1. Ўқувчиларни мусиқий қобилиятларини ривожлантириш.
2. Мусиқани (tinglash) идрок этиш малакасини ўстириш.
3. Қўшиқ куйлаш малакасини ўстириш.

Мусиқий бадиий-ғоявий мазмун востасида ахлоқий эстетик тарбиялаш.

Ўқувчиларнинг ақлий нафосат ва жисмоний ривожида рақс мусиқали ўйинлар ва мусиқага мос ҳаракатлар бажариш муҳим аҳамиятга эга. Мусиқа маданияти дарсларида мусиқага мос ҳаракатлар бажариш ўқувчиларнинг мусиқий ўқуви, хотираси, ритм туйғусига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳар қандай ҳаракат тури мусиқий асарнинг суръати ва ритми остида бажарилади, ҳаракат билан боғлиқ мусиқий оҳанглар бола хотиради узоқ сақланади.

Рақс ва мусиқий ҳаракатлар болада ҳаракатчанлик, чаққонликни ривожлантириб қомадни тўғри ўсишига ва баданини чиниқтиришига ёрдам беради. Демак, мусиқага мос ҳаракатлар ўқувчиларининг ақлий нафосат қобилиятини ривожлантириш билан бирга иродасини ҳам мустаҳкамалайди. Масалан, марш - ўқувчиларга ғайрат ва тетикликни, рақс – ички ҳисстайғуларни ҳосил этиб рақсга тушишга ундаиди ва завқлантиради.

2-синф ўқувчиларида болалар чолғу аблорида жўр бўлиш энг қизиқарли машғулотдир. Болаларни чолғу асбоблари жонли товушли ўйинчоқ сифатида ҳар бир ўқувчини қизиқтиради. Чолғу асбобларини чалишга ҳамма интилади, шунинг учун берилган асарнинг болалар хато қилмай тўғри ҳис қилишга ва хотирада сақлашга ҳаракат қиласидар.

Шундай қилиб ёш авлодни етук инсон қилиб вояга етказишда мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришии аҳамияти катта. Мусиқий қобилиятлар ёрдамида ўқувчиларда фикрлаш ўйлаш, мушоҳада қилиш ривожланади.

Болалар овозини ҳусусияти ва унинг ривожланиши

Мусиқий таълимнинг асосий мақсади – мактаб ўқувчиларини мусиқа маданиятларини таркиб топтиришдан иборат, бунда ўқувчиларнинг мусиқий ўқуви, ритм туйғуси, мусиқий хотираси мелодик ва гармоник ўқуви, тембр ўқуви каби қобилиятларни ривожлантириш воситасида вокал хор ҳамда мусиқий идрок малакалари шаклланади. Бу вазифаларни амалга оширишда ҳар бир ўқувчини алоҳида ўрганиш ундаги мусиқага қизиқишини ва иккинчи синфнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда репертуар танлаш ва турли методлардан унумли фойдаланиш лозим.

Болалар овозини парвариш қилиш, вокал ва хор малакаларини оширишда қўшиқ ўрганишдан олдин маҳсус вокал машқларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда аввал ўқувчиларнинг ишчи диапазонининг примар(ўрта) товушлардан бошлаб пастки томон йўналувчи тетраходлардан фойдаланилади. Нафас эса меъёрида, шовқинсиз, елкани қўтармай, ўз вақтида олиш ва майин атакада куйлашга алоҳида эътибор берилади.

Уларнинг овоз диапазонининг ҳаддан ташқари паст ёки юқори пардаларида куйлатиш ярамайди.

2-синфдан ўқувчиларнинг овоз диапазонига алоҳида эътибор бериш лозим. 2-синф ўқувчиларининг диапазони биринчи октава «ДО», иккинчи октава «РЕ» га ча бўлади. Дастурда берилган қўшиқлар диапазони юқори бўлганлиги сабабли баъзи ўқувчилар қўшиқнинг бу пардаларида мутлақо нотўғри ижро

этадилар, ёки умуман айта олмайдилар шу туфайли ўқувчиларнинг икки овозга ажратиш, яъни овози юқори пардаларга кўтариilmайдиган ўқувчилар жим эшитишлари, қолганлар куйлаши талаб этилади. Шунингдек, овозга ажратиш ўқувчиларга қўшиқ ўргатишда, уларни гурухларга бўлишда ҳам қўл келади. Ҳар бир овоз гурухнинг алоҳида куйланиши ўқувчиларни кўп овозликка тайёрлаб боради ва уларда мустақиллик ҳиссини тарбиялади.

2-синф ўқувчиларининг овоз аппарати ўзига хос мусиқа асбоби бўлиб, у ўзининг ниҳоятда тембр бойлиги, нозик мусиқа оҳангини ифодалаш хусусиятлари билан мусиқа асбобларидан устун туради. Кўшиқ айтиб куйлаганда болалар организмининг деярли ҳамма аъзолари айниқса, товуш ҳосил қилувчи артикуляция нафас органлари ва нерв тўқималари фаол иштирок этади. Агар мазкур органларнинг бири қўшиқ куйлаш жараёнида нотўғри ишласа овоз аппаратига ва овоз ҳосил бўлишига зарар етиши мумкин. Бунинг учун болалар овозини парвариш қилиш ва вокал хор малакаларини шакллантиришда маҳсус вокал машқларини яъни октава миқъёсидаги қисмларида овозни бир маромга солиш катта аҳамиятга эга. Кўшиқ куйлаш жараёнида ўқувилар овозини бақириб, кучаниб айтмаслигига аҳамият бериш лозим. Чунки бундай ҳолларда овоз пардалари шикастланиши мумкин. Нафис гул ҳидлагандек бурун билан очиб, аста секин чиқариш малакаларини ривожлантириб бориш зарур. Ўқувчиларни овоз тембри, овоз диапазони ва соф интонациясига катта аҳамият бериш зарур. Шунингдек, қўшиқ куйлаганда асар мазмунини кириш авжи, тугатиш жойларига эътибор бериш, соф интонация, нафас таллафузига риоя қилиб эришиш лозим. 2-синфда ўғил ва қиз болалар овози бир-биридан унча фарқ қилмайди. Бошланғич синф ўқувчиларининг қўшиқ куйлашга ўргатиш мусиқа маданияти дарсларининг амалга ошириш мумкин бўлган муҳим масалаларидан биридир. Кўшиқ куйлаш ҳар бир боланинг ўзига жалб қилувчи самарали натижа берувчи жараёнидир. Болаларда куйлаш малакаларининг шакллантиришда мусиқа ўқитувчисидан катта малака ва билим талаб этилади. Чунки бунда диққат, хотира, мусиқий ўқув шаклланиб боради. Кўшиқ куйлаш жараёнида бола организмининг деярли барча аъзолари фаол иштирок этади. Вокал хор малакаларини ҳосил этишда бу органларни бир маромда ўзаро алоқада нормал ишлашига эришиш зарур. Нота билимларини, унинг матнини тушиниш қўшиқ ўргатишни осонлаштиради. Куйни пухта ижро этишга ва яхши эсда сақлашга ёрдам беради. Шунингдек, нота саводини билиш икки-уч овозда куйлаш малакаларини ўстиради. Икки овозда куйлашда асосий мақсад икки овозли товуш янграшининг яхши соз билан баробар уйғун ва равон бўлишишига эришишдир. Олдин овоз созлаш машқида ҳар бир овозда соф интонацияга эришиш лозим. Сўнг қўшиқнинг мусиқий жумлаларига бўлиб ҳар

бир овоз билан алоҳида ўрганиб чиқиш лозим. Овозлар мукаммал ўрганилгандан кейин икки овозни қўшиб биргалиқда куйлатиш мумкин.

Иккинчи синфда вокал-хор малакаларини ривожлантириши ишлари

2-синфда вокал хор ишлари биринчи синфда олинган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш ва қўшиқ куйлашдаги мавжуд нуқсонларни тузатиб боришдан иборатдир. Бунда болаларнинг қўшиқ куйлаш жараёнидаги мусиқа ўкув қобилиятларини ривожлантириш ва бу уларнинг умумий мусиқа идроки, равнақи учун муҳим эканлигини ҳисобга олиш лозим. 1-синфдагидек, болаларни хор саънатига муттасил қизиқтириб бориш лозим. Хорнинг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, унда ҳамма иштирокчилардан «Диққат», «Ауф», «Ижрони бошлаш», «Ижрони тугатиш» каби зарур дирижёрлик ишораларига амал қилиб куйлаши талаб этилади. Айниқса, болаларни қўшиқ куйлаш ҳолати (Хор установкаси, яъни, қўлларни тиззаларга эркин қўйиб, стул суюнчиғига суюнмасдан, бош ва гавдани тўғри тутиб ўтириш) га доим амал қилиб куйлаш кераклиги ҳам эслатиб борилади. 2-синфда ҳам болаларнинг ўқитувчи овозига «Таяниб» куйлаш услуби давом этади. Шунинг учун осойишта енгил нафас олиб, вокал товушларини тўғри ҳосил қилиб кўрсатиш, талаффузнинг бурролиги, юмшоқ ва лўнда овоз ҳосил қилиш каби муҳим малакаларда ўқитувчининг ўзи яхши намуна бўлиши шарт.

2-синфда болалар малакаларининг ошиб бориши физиологик ўсиш муносабати билан овоз кучи, диапазони, тембри, овозининг чўзими ва бошқаларининг ўзгариб бориши вокал хор ишларини маълум система асосида олиб боришини талаб этади. Бунда болалар овозларини авайлаб тарбиялаш, хорда куйлаганда болаларда онглилик ва бадиий қузатувчанликни ривожлантириш, хор ижросидаги икки овозликни сезиб ажратади олиш ва ўқитувчи овозига таяниб икки овозлилик элементлари бўлган қўшиқларни куйлаш малакаларни ҳосил этиш асосий мақсад деб ҳисобланади.

Вокал хор қўнималарини ривожлантириш усуллари: У кўпинча маҳсус машқлар (а, у, ю, да, дэ, ди, до, ду) ва қўшиқлар ўрганишда сўзларни фонетик жиҳатдан аниқ равшан таллафуз этиш йўли билан шаклланиб боради. Шунингдек, унли товушларни чўзиб ва ундош товушларни тез, аниқ талаффуз этиб куйлаш вокал товушларини тўғри ҳосил этиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Куйлашда лигаттога эришиш эса, осойишда ва равон нафас олиш ва чиқаришга боғлиқ.

Вокал нафаси нутқ нафасидан фарқли ўлароқ ўпкага меъёрида ҳаво олиб, уни мусиқий жумланинг охиригача етказиб равон ва осоишта сарфлашдан иборатдир.

Дикция (Таллафуз) қўшиқ куйлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда уни товушлар чўзиб, ундошлар қисқа, тез ва аниқ таллафуз этилади.

Ансамбль - хорда овозларнинг ритмик, динамиқ, темп, тембр ва интонацион уйғунылигидир. Соз малакаси эса, ансамблнинг вужудга келишида асосий омил ҳисобланади. Қўшиқларнинг бадиий ижро этилишига овозлардаги соз ва ансамблнинг уйғунылиги воситаси билангина эришиш мумкин бўлади.

Ритм ансамбли мусиқа асарининг метрик ҳиссаларини сезиб куйлашга ёрдам беради.

Динамик ансамбль – асардаги образларни тасвирилашга ёрдам беради. Асардаги образларни тасвирилашда композитор кучли ва кучсиз товушлардан фойдаланганлиги аниқланади, албатта. Шундагина ўқувчиларда форте ва пиано динамик туслари ҳақида аниқ тушунча ҳосил бўлади.

Темп ансамбли хор иштирокчиларининг маълум бир сұрратда куйлашга эришишидир. Темп асар характерига боғлиқ. Қўшиқнинг бандлари ва нақорати характер жиҳатдан бир биридан фарқ қилиб темпнинг ўзгаришига ҳам таъсир этиши мумкин.

Тембр ансамбли устида ишлаганда, ўғил ва қиз болалар овозлари регистр ва тембр жиҳатидан бир-бирига яқинлиги сабабли ҳозирча асосан овозларни фонетик жиҳатдан бир тексда ҳосил этиб куйлашда ўргатиш. Тембр ансамблнинг вужудга келиши ижро чиларнинг малака ва тажрибалари билан боғлиқдир.

Икки овозда қуйлаш хор саънатининг асосий хусусиятларидан биридир. Аммо у бир оз қийинчиликлар билан амалга ошади. Икки овозда қуйлаш замирида ўқувчиларнинг гармоник интервалларни ҳис қилиш ўқувини ривожлантириш ётади. Икки овозда куйлашнинг элементар кўникмалари ҳам биринчи синфдан бошлаб ривожлана боради:

1. Аккомпониментида қўшиқ оҳанги такрорланмайдиган асарларни куйлатиб, болаларда эътиборни тақсимлаш кўникмасини шакллантириш. Бу – ўқувчиларни қўшиқ куйини аккомпонимент ритми ва темпига мос ҳолда, тоналликдаги мелодик создан чиқмасдан куйлашга ўргатишдан иборатдир.

2. Кўшиқнинг ритмик тузилишини чапакда ёки оғзаки тарзда ижро этиш. Болалар аввал қўшиқнинг ритми, тактнинг метрик ҳиссаларини чапакда чалиб куйлайдилар. Сўнг чапак, дойрачалар, учбурчак урма чолғу, шақилдоқларда чалиб, қўшиқ ва чолғу куйларига ритмик жўр бўладилар. Мазкур услублар болаларда фақат икки овозлик малакаларинигина ривожлантириб қолмай,

балки уларда ритм түйғуси ва ижодкорликни ҳам ўстиради. Шунингдек болаларда дикқат эътиборни қучайтиради. 2-синфда янги ва муҳим элемент сифатида болалар билан машқ ва қўшиқлар оҳангига ўқитувчи иккинчи овоз сифатида жўр бўлиб икки овозликни вужудга келтириши лозим. Бунда болалардан икки овозликни қандай ҳис этаётганликлари ва унинг таъсирчанглигини сўраб, уларни икки овозли қўшиқ нафосатига қизиқтириш лозим.

Икки овозликни ҳосил этишда болаларни майин овозда куйлатиш зарур. Акс ҳолда иккинчи овоз эшитилмай қолади. Хор билан ашула айтиш мураккаб психологик физиологик жараён бўлганилиги сабабли ўқитувчи хор билан ишлаш услублари, болалар овозининг ўзига хос хусусиятлари ва репертуар имкониятларини пухта билган ҳолда ишга киришиши лозим.

Иккинчи синф қўшиқ репертуари характеристикаси

Умумтаълим мактабларида 2-синф ўқувчилари интилишлари, қобилияти ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда қўшиқ репертуарини танлаш мақсадга мувофиқдир. Бошланғич синфларда мусиқа маданияти дарсларини ўқитиши даврида ўқувчиларни гўзалликни ҳис эта оладиган, мусиқага меҳр ва ҳавас билан қарайдиган, миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган баркамол инсон қилиб тарбиялаш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Чунки мактабда мусиқа таълим мининг асосий мақсади ўқувчиларда «музиқа маданиятини» таркиб топтиришdir. Мусиқа маданияти дарсларида мусиқа фаолиятлари оддийдан-мураккабга қараб бориш принципи асосида таълимий ва тарбиявий вазифаларни амалга оширилиши лозим.

Бошланғич (1-4) синфларда қўшиқ репертуарини танлаш орқали қўйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

1. Танланган асарлар орқали ўқувчиларни мусиқий қобилиятини (музиқий ўкуви, ритми, түйғуси, дикқати, хотираси нутқини) ўстириш.

2. Ўқувчиларни миллий мусиқамизга, она Ватанга, табиатга муҳаббат, гўзалликни ҳис этиш түйғусини тарбиялаш.

3. Ўқувчиларни меҳнатга, ўқишига, хаётга ўз-ўзини ва атрофдагиларни ҳурмат қилиш, ўзгалар меҳнатини қадрлашга ўргатиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар бир дарсга ижодий ёндошиб, янги дастур талабларига мувофиқ дарс ўтиши лозим. Мусиқа фанидан бир йилда икки марта ярим йиллик тахминий мавзули иш режа конспект тузилади. Бунда ўқувчиларни (синфи), овоз диапазони, мусиқага қизиқиши ва қобилияти, йил фасллари, байрамлар йил, чорак, дарс мавзулари ҳисобга олиниб, янги

дастурдан фойдаланиб дарс тузилиши асосида тузилади. Қўшиқларни тинглаш учун асарларни ўқувчилар истаги ва янги замонавий қўшиқлар билан дарс режасига мос келадиган асарларга ўзгариши мумкии. Мусиқа дарслари асосан бир ҳафтада бир соат ўтилади. Шунингдек, хар бир ўқув йилида 12-14 асарлар тингланади. Бошланғич синф ўқувчилари асосан бир овозли қўшиқларини куйлашади. Иккинчи синфнинг иккинчи ярмидан бошлаб т1 овозлик элементи бор қўшиқлар киритилган. Шунга қўра оддийдан-мураккабга принципи асосида мусиқий асарлар танланади. Қўшиқларни ўргатиш жараёнида пала-пар partiш, шошма-шошарлик билан ўргатиш, ўқувчиларда бепарволик ҳиссини уйғотади, аксинча яхши изро этилган, мазмунни тушунтириб ўргатилган қўшиқлар чуқур изобий таассурот қолдиради. Такрорлаш «Билимлар онаси» дейди доно халқимиз. Қўшиқларни мукаммал ўзлаштириш учун вақти-вақти билан такрорлаб туриш лозим. Ҳар бир бола қайси касбни танлашдан қатъи назар, мусиқани, мусиқа ва қўшиқлар, ўқувчилар ҳаётини нафакат безайди, айни пайтда унга тантановар шўхчанлик, байрамона кайфият бахш этади. Шундай қўшиқлар борки, ҳаётни янада бойитишига ва яхшилашга хизмат қиласди, - дейди мутафаккирларимиз. Бунга мисол қилиб, «Болалар ва ғозлар» Ж.Нажмиддинов мусиқаси, «Мактабим» Ф.Назаров мусиқаси, «Хаккалар» Н.Норхўжаев мусиқаси, «Пахта ой» Ф.Назаров мусиқаси сингари қўшиқларни мисол келтириш мумкин.

Дастурда берилган барча қўшиқ репертуарлари Давлат таълим Стандартлари талаблариiga тўлиқ жавоб бера олади. Мусиқа ўқитувчиси ўзига талабчан инсон бўлиши, эришган муваффақиятлардан кифояланиб қолмаслиги керак. Шундай мусиқа ўқитучисигина яхши ташкилотчи фаол жамоатчи, ўз касбини, болаларни яхши кўрадиган малакали мутахасис бўлиши лозим. Мусиқа маданияти дарсларида ўргатиладиган қўшиқлар репертуарида фойдаланганда мусиқа ўқитувчиси, ўқувчиларни психологик характерини, овозини, қизиқишини аста-секин ўрганиб бориши, иқтидорли ўқувчиларни синфдан ташқари тўгаракларга таклиф қилиши, мусиқа ўқуви бўш бўлган болалар билан эса, якка тартибда ва дарс жараёнида иш олиб бориш, топшириқлар бериши лозим. ДТС мусиқа дастурида берилган қўшиқлар репертуари илмий, замонавий, мумтоз, ўқувчилар ёшига, овоз диапазонига мос асарлар бўлиб мазмунан тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи характерга эга. Яъни бу қўшиқлар мазмунига Она – Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, хурмат туйғулари акс эттирилган

Масалан: «Диёр мадҳи» Н.Норхўжаев мусиқаси, «Ой ватаним» Ш.Ёрматов мусиқаси, «Соғлом авлод қўшиғи» Ш. Ёрматов мусиқаси, «Биз аскармиз «Н. Норхўжаев мусиқаси, «Очил пахтажон» Ф.Назаров мусиқаси, «Нишолда»

Д.Омонуллаева мусиқаси, «Қадим Турон» Н.Норхўжаев мусиқаси каби қўшиқлар шулар жумласидандир.

Масалан, «Ой бўламиз той боламиз» қўшиғи Х.Рахимов мусиқаси, С.Барноев қаламига мансуб. Ушбу асарда болалар келажақда Амир Темур боболаридек ботир, қўрқмас, жасур бўлишлари ҳақида куйланади. Иигитлар Алпомишдекдизлар Барчиндек зукко, билимдан бўлиб вояга етишлари, она ватанга меҳр муҳаббатли, содик, мард ўғлон бўлиб хизмат қилишлари ҳақида мадҳ этилади. Бу қўшиқ куплет шаклида. Қўшиқ рақс характерида, тез суръатда ижроэтилади. Фа мажор тонглигига.

Бу қўшиқлар комил инсонни тарбиялашда унинг қобилиятини, дидини ўстиришда мусиқага муҳаббат туйғуларини ривожлантиришга хизмат қиласиди.

Мусиқа маданияти дарсларида қўйилган асосий методик талаб - олинган мусиқий билимни бевосита амалда қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш фаолиятларида қўллашдан иборатдир. Ўкувчиларга ўргатиладиган қўшиқлар репертуари мураккаблигига қараб 2-3 соат ўргатилади. Берилган мавзуларни осон ўзлаштириш учун қўшиқни ифодали ижро этиб бориш, мавзу асосида расмлар чизиш, уларни таҳлил қилиш, техник воситалардан фойдаланиш, қўшиқни магнитафонда тинглаш, тарқатма материаллардан янги педагогик технологиялардан фойдаланиш талаб этилади. Бошланғич синф ўкувчиларини қўшиқ куйлаганда овоз аппаратларига зиён етмаслик учун уларнинг овоз диапазонларини ўқитувчи яхши билиши керак. Дастурдаги қўшиқларлар репертуари ҳар бир синф учун алоҳида берилган. Қўшиқни ўргатишдан олдин маҳсус яққол ҳар хил машқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Дарсдан ташқари ташкил эталадиган турли тадбирларда фаол эштирок этиш учун ўкувчиларни мунтазам равишда тайёрлаб бориш керак. Бунинг учун ўкувчиларни мусиқа маданияти дарсларида ижрочилик маҳоратини такомиллаштириб бориш ва уларни ўзаро уйғунлашишини мустаҳкамлашда баъзан «Синф саҳнасига» чиқиш куйлатиш яхши натижада беради.

Қўшиқни тўлиқ ўрганиб бўлгандан сўнг 2-3 дарсдан сўнг ёки чорак охирида «дарс концерт» ўтказиш тавсия этилади. Саҳнага чиқиш синфдагилар орасида ўз ўрнини топиш, куйлаганда бир-бирини ҳис қилиш ва ўз жойига бориб ўтириш каби саҳна маданиятига қатъий амал қилиш, ўкувчиларни ўзаро муносабатига ва хулқига ижобий таъсир кўрсатади. «Саҳнада» куйлаш ўкувчиларнинг репертуаридаги қўшиқларни қай даражада ўрганиб олганларини англаш, асарнинг айrim жумлаларини «пишишиб» олишга ва қўшиқни тантанали шароитда намойиш қилиш имконини беради. «Синф концерти» ўкувчилар учун чексиз қувонч бахш этади. Дарсни сифатли ва қизиқарли олиб бориш учун ноанъанавий дарс шаклларини мусиқий викториналарнинг

ахамияти катта. Бунда ўқувчилар билан турли мазмунли ўйинлар ўтказиши яхши натижа беради.

Синфдан-синфга ўтишда болаларда фанни ўзлаштириш осон кечиши учун босқичлараро узлуксизликни ва фаолиятлараро узвийликни таъминлаш педагогика фанининг энг муҳим тамойилларидан биридир.

Йил ва чорак мавзулари:

Йил мавзуси: Ижрочилик турлари. Мусиқанинг ифода воситалари.

1-чорак: Мусиқанинг ифода воситалари

2-чорак: Якканавозлик, жўрнавозлик ва жўрсозлик.

3-чорак: Якканавозлик ва яккахонлик. Чолғулар ва хонандалар дасталари.

4-чорак: Даста турлари. Куй нима? Куда нималар ифодаланади?
Мусиқанинг ифода воситалари.

Савол ва топшириқлар

- 1) Иккинчи синф ўқувчиларига тавсиф беринг.
- 2) Иккинчи синфда мусиқа тинглаш фаолияти қандай амалга оширилади?
- 3) Кўшиқ куйлаши жараёни қандай амалга оширилади ва унга қанча вақт ажратилиши керак?
- 4) Иккинчи синфдаги қўшиқ куйлаши репертуарини айтиб беринг.
- 5) Иккинчи синфда мусиқа саводи жараёнида қандай мавзулар ўтилади?
- 6) Иккинчи синф йил ва чорак мавзуларини ёддан айтиб беринг.
- 7) Иккинчи синфда дарсликдаги материаллардан ва қўшиимча материаллардан фойдаланган ҳолда дарс ишланмасини тайёрланг.

3-4-синфда мусиқа ўқитиши методикаси ва мазмуни

3-4 синф ўқувчиларининг психологик, мусиқий хусусиятлари

3-4-синф ўқувчилари ўзларининг педагогик-психологик характерига кўра қўйи синфлардан анча фарқ қиласидилар. Уларнинг диққат-эътибори турғун, хотираси кучли, нутқи равон, ҳаётий тажрибаси кўлами анча кенг, фанларга қизиқишлари юқори бўлади. Жиддий бўлган масалалар устида фикрлаш, ҳажм жихатидан каттароқ бўлган мусиқани ҳал этишга, изланиш, мустақил мушоҳада этишга қодир бўладилар.

Бу ёшдаги болаларда бош мия анатомик тузилишининг янада фаолроқ шаклланиши кузатилади. Ўқиш унинг функциялари ривожланишига кучли

омил сифатида таъсир қиласи. Жумладан, предмет-образли тафаккурдан секин-аста мавхум, изоҳли-мантиқий тафаккур сари ўтиш учун шароит туғилади. Лекин, барибир ўқитувчи ёш ўқувчи ҳамма нарсадан ўзининг шахсий ҳиссий тажрибасига, хусусий таассуротларига, билимларига, ҳаётга яқинроқ таянч излашини унутмаслик керак. Шу сабабдан, боланинг фикрини нарсалар ва ҳодисаларнинг қонуниятли тарзда боғлиқлигини идрок этишга йўналтириш мақсадида бевосита таъсир қиласидаган обьектларни танлиш жуда муҳимдир.

Бу ёшдаги ўқувчиларда, улар учун қизиқарли бўлмаган ишдан ҳали чарчайди, бевосита таъсир жозибаси бўлмаган материалга дикқат қилиши қийин бўлади. Бу ҳолни ҳисобга олган ҳолда бутун таълимни биргина қизиқиш асосида, ёқиб қолганлиги важидагина олиб бориб бўлмайди. Ўқувчилар ўқишининг жиддий ирода кучини талаб қиласидаган меҳнат эканлигини қанчалик тез тушуниб олсалар ва ҳис этсалар, уларда дикқат-эътиборнинг барқарорлиги, ўкув фаолиятида ҳаракатларни йўналтириши ва эркин тарзда уюштириш қобилияти шунчалик эрта пайдо бўлади.

Бу ёшдаги ўқувчига жадал ҳаракат фаоллиги хос бўлиб, бу фаолллик унинг ўз хулқ-атворини етарли даражада идора қила билмаслиги билан қўшилиб, кўпинча таъсирга берилувчанликни, ўзини тута билмаслигини келтириб чиқаради. Ўқувчининг ҳаракатчанлигини, моторикасини тўғри шаклларда уюштирумок, унга мақбул келасидаган йўналиш бериш керак.

3-4-синф ўқувчиларининг ўқишига муносабатида муайян динамика кузатилади. Нихоят, бола ўкув фаолиятининг ички мазмунига қизиқиб, ўқувназарий вазифаларни аниқ ва амалий вазифаларга ўзгартира олади. Унинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш замонавий педагогика-психология фанларининг вазифасидир. Бола кузатувчанлиги ҳақида гапирадиган бўлсақ, бу синфлардаги болалар аллақачон ихтиёрий дикқатга эга бўлган бўладилар. Ихтиёрий дикқат ёки дикқатни у ё бу масалага мақсадли йўналтириш – бу ёшдаги ўқувчиларнинг муҳим ютуқлари дандир. Худди бошқа психологик жараёнлар каби боллар эмоциясининг умумий хусусиятлари ҳам ўзгариб борди. Бу даврда болаларда жамоачиликка интилиш, жамоа ичида ўзини bemalol тута олиш малакалари пайдо бўла бошлайди.

3-4-синф ўқувчиларида овоз аппаратлари шаклланган, вокал-хор малакаларига эга, мусиқа ҳақида билимга эга бўладилар. Овоз аппарати механизми тузилиши мураккаблашади. Ҳиқилдоқда муҳим пайлардан – овоз пайлари ривожлана бошлайди. Бу ёшдаги болаларнинг овози анча кучли ва жарангдор эшитилади. Овоз таранглиги кучаяди ва қўшиқчилик овози шакллана бошлайди. Муайян тембрдаги оҳангнинг пайдо бўлиши ўғил болалар овозининг дискант ва альтга бўлинишига сабаб бўлади. Дискантлар ўзининг

енгиллиги, жарангдорлиги, ёрқинлиги билан ажралиб турса, альтлар эса ўзининг кучсизлиги, хирилиги, жарангсизлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу ёшда ўқувчиларда кўп овозли куйлаш малакалари ривожлантириш учун қулай давр ҳисобланади.

Русъ педагоглари И.Понаморев, А.Карасев, Н.Ковин, Д.Зарин, А.Масловлар ўзларининг илмий изланишларида овоз йўналишлари параллел товушларда ёзилган икки овозли қўшиқларни куйлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаганлар. З.Кодай ҳам бу ҳақида шундай деган: “Кўповозлик нафақат полифоник эшитувни ривожлантиради, балки бир овозли куйлашда ҳам мухим ўрин эгаллайди”. Шуни эътиборга олиш керакки, соф интонация билан куйлаш учун аввалам бор, мусиқий асарни тинглай олиш керак.

3-4-синф ўқувчиларининг мусиқа тинглаши малакаларини ривожлантириши методлари

Мусиқа идроки – мусиқа мазмунини эшита билим ва ҳиссий кечинмалари асосида ўзлаштиришdir. Мусиқий идрок – мураккаб психологик жараён бўлиб, унинг асосида реал борлиқнинг образлар орқали мусиқий товушларда акс этишини эшита олиш ва ундан таъсиrlаниш қобилияти ётади. Идрок масалалари, хусусан, мусиқа воситасида уни ривожлантириш муаммолари билан иш олиб борган мусиқашунослар, психологлар, педагог олимларнинг изланишлари асосини ташкил этади. Мусиқашунос Б.Яворский “мусиқани идрок қилиш асосида фикрлаш, мусиқани «маънога эга нутқ» сифатида қабул қилиш малакаси ётади”, – деб таъкидлайди. Ўқувчиларда мусиқий идрокни ривожлантиришда уларда мусиқий ҳиссий таъсиrчанлик, қизиқишни ўстириш, мусиқий ижодий қобилиятлар, дидни ривожлантиришга қаратилган қўникма ва малака шакллантириш талаб этилади. Ўқувчиларда, айниқса, 3-4-синфларда, мусиқа идрокини ривожлантириш мураккаб вазифадир. Ўқувчи мусиқани бутунлигича умумий хуарактер, кайфият сифатида идрок этади. Улар “ғамгин-қувноқ”, “чаққон-секин”, “пасту-баланд”, марш, қўшиқ, рақс каби контраст образларни енгил фарқлайдилар, аммо шу билан бир қаторда асарни доимо ҳам бошидан охиригача ҳаёлларини бузмасдан тинглай олмайдилар. Кўпинча, асарнинг бошланғич тактларинигина тинглаб, давомини эшитмайдилар. Шунинг учун асарни бошидан охиригача тинглаш ва идрок этишга ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир. “мусиқада ҳар дақиқада ўзгариш содир бўлади, товушлар қайтарилади, ўзгаради, товушлар урли кайфиятларни бирлаштиради”, деган фикрни болаларга яхшилаб тушунтириш керак. Бунда мусиқа ифода воситаларининг болалар томонидан ўзлаштирилиши катта ёрдам

беради: асарнинг қандай янграётганлиги, бу кайфият қандай воситалар орқали берилган? – деган саволларга жавоб бериш учун ўқувчилар куйнинг ҳаракати, характеристи, ритмик қўриниши, темпи, динамикасига, кейинчалик ладига ҳам қулоқ тутишлари лозим.

3-4-синфларда ўқувчилар асосан ҳалқ мусиқасининг оммавий жанрларига киручи кўплаб асарларни якканавоз, чолғу дасталари ва оркестр, хор жамоаси ижросидаги вариантларда тинглайдилар.

Мусиқий асарларни тинглаш, идрок этиш, мазмуни ва кайфиятини англаш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга ёрдам бериши керак. Бунинг учун ўқитувчи:

- ўқувчиларни тингланадиган асарга ҳиссий тайёрлайди;
- ўқувчиларни маданиятли тингловчи сифатида тарбиялади;
- мусиқанинг мазмуни, ифода воситалрини оддий таҳлил қилишга ўргатади;
- мусиқа хақида фикр юритиш, асарга эстетик баҳо бериш кўнималарини ҳосил қиласди;
- ўтилган асарларни тинглаб эсга олиш, асарнинг номи ва муаллифларини аниқлаш.

Тинглашдан аввал ўқувчилар диққатини жамлаш, фаоллаштириш учун ўқитувчи ўқувчилар олдига уларнинг мусиқий тайёргарлиги даражасидан келиб чиққан ҳолда турли хил вазифалар қўйиши мумкин:

1. Катта бўлмаган куй, мусиқий асарни ўқувчиларга тинглаш учун беради ва “Сиз бу асарга нима деб ном берган бўлардингиз?”- деган савонни ўртага ташлайди.
2. Ўқитувчи М.Мирзаевни «Баҳор вальси» асарини тинглаш учун беради ва асар нима учун бундай номланганлигини ўқувчилардан сўрайди.
3. Тинглаш учун берилган асарнинг кайфиятини аниқлаш вазифасини беради.

Бундай взифа-саволлар ўқувчиларда мусиқани тинглаш хоҳишини уйғотади, мусиқий идрокни фаоллаштиради.

Ўқувчилар асар мазмунини, мусиқий нутқ воситаларининг ифодавийлигини англашга ҳаракат қиласдилар. Мусиқий идрокни ҳиссий жиҳатдан фаоллаштирувчи ва бойитувчи методлар қўйидагилар:

- болаларга таниш бўлган асарни янги ижрода, янги талқинда бериш;
- турли талқин ва ижро усулларида берилган бир асарнинг ўзини таққослаш;
- ўқитувчининг жонли ижроси;
- ўқитувчининг кириш сўзи;
- юқори сифатли аудио ва СД ёзувларида фойдаланиш;

- чолғу асарларининг мусиқий мавзуларини локализация қилиб куйлаш.

Мусиқа идроки мусиқий асарни ўрганиш жараёнида ривожланади ва бу жараён тўрт босқичда амалга оширилади:

- ўқитувчининг кириш сўзи;
- мусиқий асарни биринчи бор тинглаш;
- мусиқий асар таҳлили;
- қайта тинглаш.

Энди бу босқичларни алоҳида кўриб чиқамиз. Ўқитувчининг кириш сўзи – қисқа, эмоционал, қизиқарли бўлиб, асосий мақсад – болаларнинг диққатини тингланадиган асарга жалб этиш, унга қизиқиш уйфотиши. Ўқитувчи ўз кириш сўзида болаларга композитор ҳақида қисқача сўзлаб бериши мумкин. Баъзида эса кириш сўзи бир неча саволлардан иборат бўлиб, болалар идрокини фаоллаштириш, уларда мусиқани тинглаш хоҳишини ҳосил қилиш керак.

Мусиқий асарни тинглаш – ўқувчиларни мусиқани тинч, гаплашмасдан тинглашга ўргатиш биринчи галдаги вазифадир. Асар бошидан охиригача ифодали бадиий ижрода граммёзқув орқали ёки ўқитувчи ижросида кўрсатилади. Мусиқа жаранглаган пайтда ўқитувчининг ўзи ҳам мусиқани берилиб тинглаши, кўрсатмалар бермаслиги, ёзув-чизув ишлари билан шуғулланмаслиги лозхим, яъни ўқитувчи мусиқий асарни ўқувчилар билан биргаликда тинглаши керак.

Мусиқа таҳлили – мусиқа тинглашдан олинган ҳиссий таъсирни чуқурлаштириш вазифасига қаратилган. Бу мураккаб ва ўқитувчидан катта маҳорат талаб этадиган босқич. Асарни тушуниш ва ҳис этиш бир нарса эмас. Таҳлил кўпинча, ҳиссий идрокка ҳалал ҳам бериши, тинглашни сусайтириши ҳам мумкин. Асар ифода воситалари мазмундан ажralгн ҳолда, кўриб чиилса, шундай ҳол рўй бериши аниқ. Мусиқа саводини эгаллаган ўқувчилар мусиқа таҳлили жараёнида ўз билимларини бемалол қўллай бошлайдилар. Мусиқа таҳлили жараёнида 3-4-синфларда сухбат қуидаги саволлар юзасидан ўтказилади:

1. Мазмун ва характер.
2. Мусиқий жанр.
3. Мусиқа қандай ўзгаради.
4. Мусиқий шакл.

Мусиқа таҳлили асосида ўқувчиларнинг мусиқага кириб бориши, асосий мусиқий қонуниятларни тушуниб этишлари босқичма-босқич, тизимли равища ҳосил бўлади.

Қайта тинглаш – ўқувчилар мусиқани тўлароқ идрок этишлари, асарни эслаб қолишлари, асарни ёқтириб қолишлари учун бир неча бор қайта тинглаш

мақсадга мувофиқ, чунки бир марта тингланган асар дарров болаларга ёқади, ҳамма болалар томонидан етарли даражада эмоционал қабул қилинади, деб айтиб бўлмайди. Мусиқий асар ўқувчининг мусиқий тажрибасига айланиши учун бир неча бор қайта тинглаш жараёни идрокни бойитиши, мусиқий образ тасаввурини чукурлаштириши ва асарнинг эсда қолишини таъминлаши лозим.

Мусиқий образларни таққослаш-қиёслаш методи ўқувчиларда мусиқа идрокини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Бу методдан оқилона фойдаланиш ўқувчиларнинг мусиқий-эшитиш қобилиятларини ўстиради. Аввал контраст асарлардаг фарқларни англаш, кейинчалик эса кайфияти бир хил бўлган асарлрада нозик ўхшашликларни ҳис этишларига ёрдам беради.

3-4-синфлар ўқувчиларида қўшиқ куйлаш малакаларини ривожлантириши методлари

Жамоа бўлиб куйлаш – ўқувчиларни мусиқа санъатига фаол жалб этишнинг энг оммавий шаклидир. Ҳар бир соғлом бола куйлаш имкониятига эга бўлади. Куйлаш бола учун эстетик эҳтиёж, ҳиссиёт ва кайфиятни ифодалашнинг энг табиий ва қулай воситаидир.

Бола қўшиқ ижро этар экан, унда ҳис-ҳаяжон, завқ-шавқ, кўтаринки кайфият, қувноқлик, ҳаракатчанлик каби ижобий туйғулар ҳосил бўлади. Қўшиқда иккита эстетик восита – мусиқа ва бадиий сўз бирлашади. Шунинг учун тажрибали ўқитувчининг қўлида жамоа бўлиб куйлаш – ўқувчиларни мусиқий-эстетик тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Қўшиқ куйлаш фаолияти ўқувчиларда мелодик, гармоник эшитиш, лад ҳиссини, соф интонацияда куйлаш малакаларини ҳамда мусиқий қобилиятини ривожлантиради. Ижро жараёнида овози ва мусиқий эшитуви турлича бўлган болалар жамоа бўлиб бирлашадилар. Улар ўзларининг ва ўртоқларининг ижроларини кузатадилар, биргаликда куйлашдан баҳраманд бўладилар. Уларда дикқат, кузатувчанлик, интизом ва бошқа тарбиявий хусусиятлар шаклланади. 3-4-синф ўқувчиларида куйлаш жараёнида ўқувчиларнинг овоз аппарати янада яхши ривожланади, нафаслари чукурлашади, қон айланиши яхшиланади, қоматлари текисланади, бир сўз билан айтганда ҳам маънавий, ҳам ахлоқий, ҳам жисмонан ривожланадилар, тарбияланадилар.

Ҳар бир инсоннинг кайфиятига қараб овози ёқимли, қувноқ, жарангдр, шўх ёки бўғик, “ширали”, “ширасиз” ва ҳоказо бўлиши мумкин. Овоз чиқиши овоз пардаларига боғлиқдир. Овоз пардалари тебраниши натижасида овоз ҳосил бўлади. Инсон овоз аппарати жуда мураккаб тузилган. Унинг асосий қисмлари – нафас олиш органлари – ўпка, қорин бўшлиғи, нафас мускуллари,

шунингдек, ҳиқилдоқ, овоз пайчалари, артикуляцион аппаратлар ва бошқалар. Овоз ҳосил бўлиши учун мана шу аппаратларнинг барчаси ишга тушади. Бу мураккаб жараёндир. Товуш аппарантининг физиологик тузилиши масалалариға олимлар П.Чесноков, Ш.Рўзиев, Д.Халабузарь, Н.Дмитрев ўз илмий ишларида мурожаат этганлар ва атрофлича ёритиб берганлар.

3-4-синфларда куйлаш фаолияти бир қатор вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- болаларда жамоа бўлиб куйлашга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш;
- мусиқага ҳиссий таъсирчанликни тарбиялаш;
- бадиий дидни тарбиялаш;
- қўшиқчилик овозини, яъни ёқимли, табиий товушда куйлашни шакллантириш, овоз диапазонини ўстириш;
- бадиий ижрога эришиш учун вокал-хор малакаларини ривожлантириш;
- мусиқий қобилиятларини ўстириш.

Қўшиқнинг бадиий, чиройли, ифодали ижросига эришишнинг муҳим воситаси – ўқувчиларда вокал-хор малакаларини ривожлантиришдир. 3-4-синфда ҳам ўқувчилар билан қўшиқ айтишлаги ҳолат, куйлаш нафаси, товуш ҳосил қилиш, талаффуз, соз, ансамбль каби вокал-хор малакалари устида иш олиб борилади.

3-4-синф “Мусиқа маданияти” дастуридан Ватан, мустақиллик, диёrimiz, табиат, меҳнат, болалик мавзуларидағи қўшиқлар ўрин олган. Бу қўшиқлар ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, унинг келажагига садоқат, меҳнатсеварлик, эстетик тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Қўшиқ ўргатиши жараённида ўрганиладиган қўшиқка эмоционал муносабатни ривожлантириш, тасаввурни, мусиқий эшитиш ва хотирани ўстириш, мусиқанинг ифода воситаларининг аҳамиятини тушуниш, жарангли, куйчан, енгил товушларда куйлаш, ўзини ва ўртоқларини тинглай олиш, жўрсоз билан ҳамда жўрсозсиз куйлаш, икки-уч овозли куйлаш орқали гармоник эшитиш қобилиятини шакллантириш каби вазифалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Ўқитувчи куйлаш учун қўшиқ танлар экан, авваламбор асарнинг бадиий қиймати, мазмuni, тарбиявий аҳамияти, образлар дойрасини синчиклаб таҳлил қилиб чиқади. Олинган натижага қараб қўшиқни ўргатиши методларини танлайди.

3-синфда йил ва чорак мавзулари:

Йил мавзуси: Мусиқанинг ифода воситалари

1-чорак: Мусиқанинг ифода воситалари

2-чорак: Мусиқа нутқи

3-чорак: Хор ва оркестр

4-чорак: Мусиқанинг тузилиши. Оддий мусиқа шакллари. Банд ва нақорат

4-синфда йил ва чорак мавзулари:

Йил мавзуси: Ўзбек халқ мусиқа ижоди
1-чорак: Халқ айтимлари ва чолғулари
2-чорак: Байрам ва маросим қўшиқлари
3-чорак: Мавсум қўшиқлари
4-чорак: Баҳор фасли қўшиқлари

Савол ва топшириқлар

- 1) Учинчи ва тўртинчи синф ўқувчиларига тавсиф беринг.
- 2) Биринчи синфда қандай мусиқа фаолиятлари амалга оширилади?
- 3) Кўшиқ қуилаш жараёни қандай амалга оширилади ва унга қанча вақт ажратиш керак?
- 4) Учинчи ва тўртинчи синфларда ўқувчилар қандай мусиқий асарларни тинглайдилар?
- 5) Учинчи ва тўртинчи синфда мусиқа саводи жараёнида қандай мавзулар ўзлаштирилиши назарда тутилган?
- 6) Учинчи синф йил ва чорак мавзуларини ёддан айтиб беринг.
- 7) Тўртинчи синф йил ва чорак мавзуларини ёддан айтиб беринг.
- 8) Юқоридаги синфларга мўлжаллаб, чорак мавзулардан келаб чиққан ҳолда дарс ишланмасини тайёрланг.

5-6-синфда мусиқа ўқитиши методикаси ва мазмуни

Умумий ўрта таълим мактабининг ҳар бир босқичи ўқитувчи олдига бир қатор вазифаларни қўяди. Ўқитувчи ўз имконияти ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, умумдидактик методлардан фойдаланиши, босқичлараро узлуксизликни таъминлаши, турли хил методлардан унумли фойдаланиши, замонавий педагогик технологияларни қўллаши керак. Узлуксиз таълимнинг айrim босқичларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш муҳимдир. Чунки ўрганадиган мавзулари, болаларнинг ёш хусусиятлари, ўзлаштириш қобилияtlари бу синflарда деярли бир хил бўлади. Шунинг учун ҳам 5-6-синфларни узвий ҳолда ўрганиш мумкин. 4-синфда бошланғич мактабнинг тугаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, 5-синфда болалар бевосита янги босқичга, яъни ўрта таълим тизимининг бошланғич босқичига ўтадилар. Бу синфда барча фанлар бўйича ўқитувчиларнинг ўзгариши, синф раҳбарининг ўзгариши ўқувчиларнинг янги шароитларга кўнизишини талаб қиласди. Бу жараён айrim ўқувчиларга қийинчиликлар туғдиради.

5-6-синф ўқувчиларининг ёши хусусиятларига умумий характеристика

Педагогик-психологик адабиётлардан маълумки, бу ёш ўсмирилик даврига тўғри келади. Ўсмирилик даври чегаралари тахминан 5-8-синфига тўғри келади ва 11-12 ёшдан 14-15 ёшгacha бўлган даврни қамраб олади, лекин ўсмирилик ёшига ўтиш 5-синфга ўтиш билан мос тушмаслиги ва бир йил олдин ёки кейин содир бўлиши ҳам мумкин.

Ўсмирилик даври «ўтиш», «кескин ўзгарувчан», «мушкул», «қийин» давр деб ҳам номланади. Ўқувчиларда бу ёшда содир бўладиган ривожланиш жараёнларининг мураккаб ва муҳимлиги қайд этиш жоиз. Бу ҳаётнинг бир давридан бошқасига ўтиш билан боғлиқ. Инсон ривожланишининг барча йўналишлари бўйича (жисмоний, ақлий, руҳий, ахлоқий, ижтимоий) катта сифат ва микдорий ўзгаришлар рўй беради.

Ўсмир шахси ривожланишнинг муҳим омили – унинг шахсий фаоллиги – шахсият омилидир. Бу даврда ўсмирнинг ўз-ўзини англаши жараёни фаол ва машақкатли кечади.

Ўсмирнинг ёшидаги муҳим ўзгаришлар унинг организмидаги жисмоний ўсиш ва биологик вояга етиш билан боғлиқдир.

Ўсмирлар билимдон ва талабчан, лекин материални қизиқарли ва аниқ тушунтириб берадиган, дарсни бир меъёрда ташкил эта оладиган, унга жалб қила оладиган, дарсни ҳар бир ўқувчи учун максимал даражада унумли эта оладиган адолатли, оққўнгил ва маданиятли ўқитувчиларни ёқтирадилар.

Ўсмир организми ўсишидаги сакрашлар, эндокрин тизимдаги ўзгаришлар, гипофиз фаолиятидаги фаоллик, жинсий вояга етиш, юрак, мушак, бутун организмнинг мустаҳкамланиши инсоннинг психик, ақлий ва руҳий ўсишида муҳим ўзгаришларга олиб келади.

Мусиқий тарбияда бу ёш овоз аппаратининг мутацияси даври билан боғлиқ. Овоз аппарати йўғонлашади, овоз айниқса, ўғил болаларда сезиларли даражада пастроқ бўлиб боради. Шунингдек, овознинг бузилиш ҳолатлари ҳам шу даврга хосдир. Бу ёшда овоз аппаратининг ҳаддан ортиқ юқори тесситурасидан қочиб, вокал репертуари танловига эҳтиёткорона ёндашиш лозим.

Энди мутация ходисасига батафсил тўхталиб ўтамиш.

Ўғил болаларда мутациянинг бошланиш даври, одатда жинсий болоғатга етиш даврига тўғри келади. Мутациянинг бошланиши кўп сабабларга боғлиқ, жуладан, иқлимга ҳам боғлиқдир.

Мутация даврида ҳиқилдоқ тез ўсади. Айниқса қалқонсимон тоғай жуда катталашади. Бойламлар икки баробар 13-14мм дан 24-25мм гача катталашади.

Бу даврда ҳиқилдоқ касалликка чалинувчан бўлиб қолади. Овоз эҳтиёт қилинмаса, ҳиқилдоқда турли хил касалликлар пайдо бўлиши мумкин. мутациянинг тури ва давомийлиги ҳаммада ҳар хил кечади.

Болаларда мутациянинг бошланганлигини ўз вақтида пайқаш ва вокал асарларини тўғри танлаш ўта муҳим шартлардандир. Мутация бошланганлигининг дастлабки белгилари: овознинг нимжон бўлиб қолиши, интонациянинг бузилиши, қўшиқ айтиш хоҳишининг йўқолиши, овознинг хиррилаб қолиши. Мутация ҳаммада ҳар хил, айрим болаларда енгил, айрим болаларда эса оғир кечади. Бир меъёрда овознинг йўғонлашиб бориши бу енгил мутациядан дарак берса, овознинг бир йўғонлашиб, бир ингичка янграши, гоҳида овознинг чиқмай қолиши оғир мутация белгиларидир. Кузтишларга кўра кўпинча, дискант овозлар басга, алт овозлар тенорга айланади.

Қизларда ҳам мутация даври бўлиб ўтади. Бироқ уларда мутация ўғил болаларнидек сезиларли ўтмайди. Қизларда мутация билинмай, жуда секин ўтганлиги туффайли уларнинг овоз ўзгаришларини пайқаш мушкул. Бу даврда оғир куйларни куйлашга бериш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. овозни ҳаддан ташқари зўриқтириб қўйиш натижасида, қизларнинг овоз пайларида боғлам, тугунчалар пайдо бўлиши ва кейинчалик мулақо овознинг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Ўқитувчи мутациянинг ҳар хил – сезиларли ёки сезилмасдан ўтишини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларнинг овоз аппаратларини зўриқтирмай, уларга енгил куй ва қўшиқларни бериши керак.

5-6-синфда қўшиқ куйлаш фаолияти

Қўшиқ куйлаш фаолияти ўқувчиларда мелодик, гармоник эшитув, ладни ҳис этиш, соғ интонация каби мусиқий қобилиятларни ривожлантиради. овоз аппарати ўсмир организмида кечаётган жараёнлар туфайли ўзгаради. Жисмоний ўсиш ҳам овоз аппаратининг ўсиши ҳам равонлигини йўқотиб, нотекис равища шаклланади. Будааврда мутация давом этади. Шунинг учун ҳам уларга овоз диапазони кенг, баланд динамикадаги асарларни куйлаш тавсия этилмайди. Ўқувчилар қўшиқларни паст-ярим овозда бақирмасдан, эҳтиёткорлик билан куйлашлари керак. Бу синф ўқувчилари билан бир овозли қўшиқлар билан бирга икки овозли қўшиқлар устида ҳам иш олиб борилади. Бунинг учун кичик ҳажмдаги канонлардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ. Қўшиқлар ўртача суръатда ёзилган бўлиши, катта интервалларга сакрашларнинг бўлмаслиги бу даврда муҳим аҳамият касб этади.

5-6-синфда мусиқа тинглаши фаолияти

Мусиқий асарни тинглаш жараёнида ўқувчиларга асарни тинчликни сақлаган ҳолда, гаплашмай маданиятли тинглаш одобини ўргатиш муҳимдир. Асар бошидан охиригача ифодали, бадиий ижрода магнит тасма ёки ўқитувчининг жонли ижроси орқали эшиттирилади. Мусиқа янграши билан барча синфдагилар, жумладан ўқитувчининг ўзи ҳам берилган ҳолда, барча ишларини четга суриб диққат билан тинглаши керак.

Бу ёшдаги ўқувчилар мураккаб ички дунё, ҳис-туйғулар, ички кечинмаларга бой, муҳаббат мавзуларидағи, қаҳрамонлик руҳидаги, трагедия ва сатира каби жанрлардаги мусиқий асарларни бажонудил куйлайдилар. Ўсмирлар ҳиссиётга берилувчан, таъсирчан бўлганлиги сабабли, чуқур фалсафий ғоялар билан суғорилган, орзу ва баҳт-саодат учун кураш, илк муҳаббат кечинмалари, соғинч каби инсоний ҳис-туйғулар ифодаланган мусиқа уларга кучли ҳиссий таъсир ўтказади в жиддий мушоҳада қилишга ундейди. Бешинчи синфда ўқувчиларнинг мусиқий драматургия ҳақидаги тушунчаларни ривожлантириш ва тасаввурларини уйғотиш муҳим вазифадир. “Мусиқа маданияти” дастурига кирган буюк ғояларни акс этувчи Т.Қурбоновнинг “Широқ” балети, У.Мусаевнинг “Тўмарис” балети, Т.Жалиловнинг “Тохир ва Зухра” операси, С.Юдаковнинг “Мирзачўл” вокал-симфоник сюитаси, Л.Бетховеннинг “Қаҳрамонлик”, А.Моцартнинг 40-симфониясини тинглаб идрок этиш жараёнида, ўқувчилар бу асарлардаги аниқ ифодаланган мусиқий образлар ва уларнинг тўқнашувлари, зиддиятлари, мотивлар кураши, драматик ривожланишлар ҳақида тушунчага эга бўладилар.

6-синфда эса ўқувчилар бевосита мумтоз мусиқа ҳақида тушунчаларга эга бўладилар. Мумтоз мусиқа намуналаридан тинглайдилар. Шунингдек, шарқ халқлари мумтоз мусиқаларидан намуналар тинглаб ўз билимларини оширадилар.

5-6-синфда мусиқа саводи фаолияти

Мусиқа саводи фаолиятида асосан мусиқа назариясига оид билимлар ўргатилади. Ўқувчи мусиқа саводини ўзлаштириб борар экан, у мусиқий асарларни bemalol назарий жиҳатдан таҳлил қила олади. Бу синflарга келиб ўқувчилар товуш, ритм, ўлчов, суръат, алтерация белгилари, мажор ва минор ладлари, иккита белгигача бўлган тонликларни биладилар. Ўқитувчи

ўқувчиларнинг мазкур фаолиятда эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бошқа фаолият турларида унумли қўллай билиши керак. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштиради ҳамда бошқа фаолиятлардаги билимларини ҳам орттиради.

5 синф	Йил мавзуси: Композиторлик мусиқа жанри.
1-чорак	Ўзбек халқ чонғулари оркестри Хор санъати
2-чорак	Симфоник оркестр. Мусиқада вокал симфоник жанрлар.
3-чорак	Саҳнавий мусиқа асарлари. Балет ва рақс санъати. Мусиқали драма
4-чорак	Опера санъати. Ўзбек мусиқасида опера жанри.
6 синф	Йил мавзуси: Мумтоз мусиқа.
1-чорак	Мумтоз мусиқа ҳақида тушунча.
2-чорак	Замонавий мусиқа ва унинг асосий хусусиятлари.
3-чорак	Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси намуналари.
4-чорак	Европа мумтоз мусиқаси билан танишув.

Савол ва топшириқлар:

- 1) Бешинчи ва олтинчи синф ўқувчилари хусусиятларига тавсиф беринг.
- 2) Бешинчи ва олтинчи синфларда қандай мусиқа фаолиятлари амалга оширилади?
- 3) Қўшиқ қуйлаш жараёни қандай амалга оширилади ва унга қанча вақт ажратиш керак?
- 4) Мутация ходисасига таъриф беринг.
- 5) Бешинчи ва олтинчи синфларда ўқувчилар қандай мусиқий асарларни тинглайдилар?
- 6) Бешинчи ва олтинчи синфда мусиқа саводи жараёнида қандай мавзулар ўзлаштирилиши назарда тутилган?
- 7) Бешинчи синф йил ва чорак мавзуларини ёддан айтиб беринг.
- 8) Олтинчи синф йил ва чорак мавзуларини ёддан айтиб беринг.
- 9) Юқоридаги синфларга мўлжаллаб, чорак мавзулардан келаб чиққан ҳолда дарс ишланмасини тайёрланг.
- 10) Юқоридаги синфлар ўқув дастурига яна қандай куй ва қўшиқларни киритган бўлар эдингиз?

7-синфда мусиқа ўқитиши методикаси ва мазмуни

7-синф ўқувчисига характеристика

7-синф ўсмирик даврига тўғри келиб, қийин ўқувчи давр ҳисобланади. Бу кўпгина олимларнинг кузатишларида ўз аксини топган. Ўқувчилар бу ёшда жисмоний етиладилар. Бу даврда мусиқа дарсларини ўсмирининг ҳолатига қараб ташкиллаштириш талаб этилади.

Бу даврда ўқувчиларда овоз мутациясининг энг ривожланган пайтидир. Овоз аппарати ўсмири организмида кечётган жараёнлар туфайли ўзгаради. Овоз аппаратининг ўсиши равонлигини йўқотиб, нотекис ривожланади. Айрим ўқувчиларда мутация 5-6-синфларда бошланган бўлса, айримларида энди бошланади. Бу ўқитувчидан ниҳоятда катта масъулиятни талаб этади. Чунки синфнинг ярми мутациянинг сўннги босқичида бўлса, қолган ярми бошида бўлади. Бу даврда ўқувчиларнинг овоз диапазони юқори овозларда – 1 “до”дан 2 “ми”гача, қуйи овозларда – кичик октава “си”дан 2 октава “ре” гача бўлади.

7-синф ўқувчиларининг ички дунёси анча шаклланган ва ривожланган бўлади. Уларнинг дунёқараси кенгайган бўлиб, ўз фикр-мулоҳазаларини bemalol баён эта оладилар. Мусиқий дидлари ҳам яхши шаклланган бўлиб, ўқитувчи репертуар танлашда уларнинг қизиқишиларини ҳисобга олмоғм керак.

7-синф ўқувчилари ихтиёрий диққатга эга бўладилар ва қийинчиликларсиз иирик мусиқа шаклларини идрок эта оладилар (увертюра, симфония, соната, мақом ва ҳоказо). Ўқувчилар асарга нисбатан пайдо бўлган ҳис-туйғулари, тасаввурларини ҳикоя тарзида айтиб бера оладилар. Шунингдек, 7-синф ўқувчилари композитор ёки бастакор ҳақида рефератлар, буклетлар ва нутқлар тайёрлай оладилар. Мусиқа ўқитувчиси ўқувчиларнинг мана шундай ижодий хислатларидан унумли фойдаланган ҳолда, уларни мусиқий тўгараклар, хор жамоаларига жалб қилиши, қолаверса, ўқувчилар орасида ўтказиладиган танлов, мусобақа ва олимпиадаларга жалб этиши муҳим. Бу ўқувчиларнинг мусиқага бўлган қизиқишиларини орттириб қолмай, балки етти йил давомида олган билим, кўникма ва малакаларини ҳам мустаҳкамлашга ёрдам беради.

7-синфда “Мусиқа маданияти” дарсларининг тузилиши

7-синфдаги мусиқа дарслари умутаълим мактаблари учун белгиланган мусиқа таълимининг сўнгги босқичи ҳисобланади.

7-синфда мусиқа дарслари асосан, учта фаолиятни ўз ичига қамраб олади. Хусусан:

1. Кўшиқ куйлаш.

2. Мусиқа идроки (tinglash).

3. Мусиқа саводи.

Мазкур синфда аввалги синфларда ўтилган мусиқа материали якунланади ва мустаҳкамланади. Мусиқа дарсининг тузилиши асосан, ижрочиликни ташкил этсада, мусиқа саводи ва идрокисиз тўлақонли ижрога эришиб бўлмайди. Бундан ташқари жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчиларда бир қатор ижобий фазилатлар шаклланади.

Мусиқа дарслари қуидагича тузилишга эга бўлади:

- дарс мавзуси (йил, чорак ва дарс авзусидан келиб чиқсан ҳолда);
- дарснинг тури (тўрт фаолиятдан бири устувор бўлади);
- дарснинг мақсади: таълимий ва тарбиявий;
- қўлланиладиган адабиётлар;
- дарснинг олиб борилиши;
- амалий ишлар;
- янги мавзууни ўтиш (барча фаолиятларни ўз ичичга қамраб олади);
- ўтилган мавзууни мустаҳкамлаш;
- уйга вазифа бериш ва ўқувчилар билимини баҳолаш.

Барча синфларда йил ва чорак мавзулари мавжуд бўлиб, 7-синфнинг йил ва чорак мавзулари қуидагича:

Йил мавзуси: Халқ мусиқасининг махаллий услублари.

1-чорак: Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд воҳаларининг мусиқий услублари билан танишув.

2-чорак: Фарғона, Тошкент ҳамда Хоразм воҳалари мусиқий услублари билан танишув.

3-чорак: Мақом. Шашмақом.

4-чорак: Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари.

7-синфда қўшиқ куйлаш фаолияти

7-синфда қўшиқ куйлаш жараёнида ўтган синфлардаги вокал-хор малакалари мустаҳкамланади ва аралаш хорда куйлашнинг бошланғич малакалари шаклланади. Шуни эътиборга олши керакки, болаларнинг овоз аппарати ўзгариши натижасида улар ўзларининг “янги овоз”ларидан уялиб, қўшиқни куйламаслиги мумкин. бу пайтда ўқитувчи эҳтиёткорлик билан ёндашиб, керакли чора-тадбирларни қўллаши керк.

Бу даврда синфдаги ўқувчилар овози учга бўлинади: 1) “до” биринчи октавадан “ми” иккинчи октава диапазонидаги овозлар; 2) “си” кичик октавадан “ре” иккинчи октавагача бўлган овозлар; 3) “ми” (“ре”) кичик октавадан “си” (“до”) кичик октавагача (мутация даврида бўлган овозлар). Шу сабабли ўқитувчи жамоа бўлиб куйлаш жараёнида, айниқса мутант овозли болаларнинг тўғри куйлаётганигини назорат қилиб туриши лозим.

Кўшиқ куйлаш фаолияти учун тавсия қилинган дастур – жанр ва мусиқий образларнинг хилма-хиллиги туфайли ўқувчиларнинг бадиий дидини ривожлантиришга катта таъсир қиласди.

Кўповозлилик – жамоа бўлиб куйлаш фаолиятининг асосий омилларидан биридир. Ушбу усулда куйлаш 7-синф ўқувчилари учун жуда фойдалидир. Чунки бу ёшдаги ўқувчиларнинг овоз имкониятлари чегараланган бўлиб, жамоа бўлиб куйлаш жараёнида улар ўз овозларини эҳтиёт қилиш ва ортиқча зўриқтирмай куйлаш имконини беради. Кўповозли асарларни куйлашдан аввал, кўп овозлилик элементлари бўлган бир қатор машқларни куйлаш, аввалги синфларда ўтилган осонроқ бўлган кўповозли куйларни қайтариш яхши натижалар беради.

7-синфда мусиқа идроки (tinglasi)

музиқа идроки жараёни музика мазмунини эшига билиш ва ҳиссий кечинмалари асосида ўзлаштиришдир.

Юқорида айтилганидек, 7-синф ўқувчиларида тинглаш жараёнида ихтиёрий дикқат анча ривож топган бўлади. Бунинг натижасида ўқувчилар анча катта ҳажмдаги асарларни узоқ муддат тинглай оладилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда 7-синфда мумтоз мусиқий меросимизга салмоқли ўрин ажратилган бўлиб, ўқувчилар ўзбек мақомоти ва махаллий услубларни ўзлаштирадилар. Улар дарс жараёнида турли хил халқ ва касбий ашула намуна (Мустаҳзод, Савти сувора, Муғулчаи Дугоҳ Қашқарчаси ва ҳоқазо)лардан тинглайдилар.

Бу каби намуналарни тинглаш ўқувчиларда ўзбек мумтоз музика меросига бўлган қизиқишлигини ортиради, уларнинг эстетик дунёқарашини бойитади. Бу синфда ўқувчиларга уйга бериладиган вазифалар ҳам аҳамиятлидир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда уларга симфония, кантата, опералардан, мақомлардан, катта ашулаардан намуналар тинглашга бериши мумкун. Уйда мустақил равишда тингланган асарлар синф дарс жараёнида биргаликда таҳлил қилиниши керак ҳамда ўқитувчи ўқувчиларнинг хато ва камчиликларини тузатиб

бориши лозим. Бу ўқитувчига ўқувчиларни баҳолаш ва уларнинг билим даражаларини аниклашга ёрдам беради.

7-синфда мусиқа саводи жараёни

7-синф мусиқа дарсига қўйилган талабларга биноан ўқувчилар мусиқий асарнинг мазмуни, характери, жанр ва шаклини, лад ва тонлигини аниклай олишлари зарур.

Мазкур синф ўқувчилари мусиқа саводи фаолияти орқали ўзлаштирган материалларини такрорлайдилар ва мустаҳкамлайдилар. Бундай ташқари янги тушунча ва атамалар билан ҳам танишадилар (кatta ашула, дугоҳ, сегоҳ, тузук, уфар ва ҳоказо). Ҳар бир чорақдан сўнг ёзилган мусиқа луғати болалар учун жуда қулайдир.

7-синфдаги муҳим талаблардан бири – ўқувчиларнинг нотага қараб нутқлай олишларидир. Улар мажор ва минор ладларида bemol сольфеджиолаб куйлай олишлари керак. Бу фаолият учун мураккаб бўлмаган асарлар тавсия қилинади.

7-синфда ўқувчилар кичик ҳажмдаги мусиқа асарларини таҳлил қилишни ўрганадилар. Улар мусиқий асарнинг калити, тонлиги, ўлчови, ритми, темпи, мазмуни, характери ва жанри ҳакида маълумот бера олишлари керак.

Савол ва топшириқлар:

- 1) Еттинчи синф ўқувчилари хусусиятларига тавсиф беринг.
- 2) Еттинчи синфларда қандай мусиқа фаолиятлари амалга оширилади?
- 3) Мазкур синфда қўшиқ куйлаши жараёни қандай амалга оширилади ва репертуарга қайси мавзудаги қўшиқлар киритилган?
- 4) Еттинчи синф ўқувчиларининг овоз диапазонлари қандай бўлади?
- 5) Еттинчи синфда ўқувчилар тинглаши учун қайси мавзуу ва жанрдаги куй ва қўшиқлар тавсия этилади ва нима учун?
- 6) Еттинчи синфда мусиқа саводи жараёнида қандай мавзулар ўзлаштирилиши назарда тутилган?
- 7) Еттинчи синф йил ва чорак мавзуларини ёддан айтиб беринг.
- 8) Юқоридаги синфларга мўлжаллаб, чорак мавзулардан келаб чиққан ҳолда дарс ишланмасини тайёрланг.

IV БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МУСИҚА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ ТИЗИМИ

Ҳар бир мамлакатнинг мусиқа тарбияси гоявий-сиёсий жиҳатдан халқнинг ижтимоий тузумига хизмат қилади. Ҳар бир халқнинг маорифида мусиқа тарбияси методикаси педагогиканинг дидактик қонуниятларига ва шу миллатнинг мусиқа маданияти, тили ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга мусиқа тарбиясининг тузилиши, тизими ва илмий-методик ютуқлари бошқа миллатнинг маърифий маданиятига ҳам ижобий таъсир этади. Хорижий мамлакатларда ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий мактаблар, коллежлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб уларда турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига кенг ижодий эркинлик берилган. Ўқитувчи ўз давлатининг мактаб шароити, имкониятлари ва ўқувчиларнинг билим даражасига қараб дастурга ўзгартиришлар киритиши мумкин. Таълим ва тарбия жараённида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш ва унга шахсий муносабат билдириш, ижодий муносабатда бўлиш малакаларини ривожлантиради. Мусиқа дарсларида юксак ривожланган техник воситаларидан кенг фойдаланилади. Ўқувчилар электрорганларда чалиб куйлайдилар, турли фаолиятларни (айтишув, ҳаракатлар, бир-бирига жўрнавозлик қилишларни) бажарадилар. Бунда асосан ўқувчиларда ижодий қобилиятни рўёбга чиқаришдан иборат.

Юнеско қошидаги мусиқий тарбия халқаро жамияти (ИСМЕ) ўз фаолиятини ривожлантирумокда. Бу жамият ўз олдига долзарб ва эзгу мақсадларни қўйиб, бутун жаҳонда болалар ва ўсмирларни мусиқий тарбиялаш, бу жараённи ёш авлодни ахлоқий, интеллектуал ва эстетик жиҳатдан шакллатиришда қудратли восита сифатида ўрганади.

Бу ташкилот фаолиятининг асосий шаклларидан бири халқаро миқёсида ўтказилаётган анжуманлар бўлиб, буларнинг ичидаги композиторлар, етакчи ташкилотлар, амалиётчи-педагоглар, болалар хор жамоаларининг раҳбарлари иштирок этадилар.

ИСМЕ анжуманлари икки йилда бир марта ўтказилиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги мусиқий тарбия тажрибалари билан турли мамлакатлардаги мусиқий тарбия тажрибалари билан тўла танишиш имконини беради.

Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида болаларга мусиқий тарбияни бериш, хор санъати ёрдамида баркамол, мукаммал ривожланган шахсни ривожлантиришида бой тажриба ортирилган. Қатор мамлакатларда мактаб

ҳамда мактабдан ташқари ташкил топган ўқув жараёни, унинг шакл ва усуллари шубхасиз катта қизиқиш уйготмоқда.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ёш авлодга мусиқий тарбия бериш ишлари умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, шахс шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Хор ижроилиги элементларини ўз ичига олган мусиқий тарбиянинг замонавий хорижий услублари орасида қўйида баён этилган йўналишлар бутун дунёда оммалашиб кетган.

Шунингдек, Толбухин шаҳри ва Болгариядаги “Бодра Смяна”, хор жамоалари, Берлиндаги ўсмирлар хор жамоаси, Польшадаги “Познан булбуллари”, Чехиянинг Борно шаҳри ўсмирлар саройи хор жамоалари ва бошақалар машҳур хор жамоалари қаторига киради. Лейпцигда ХІІІ асрда ташкил топган “Томанерхор” жамоасида гуруҳли куйлашнинг кўхна анъаналари ривожланмоқда. Жумладан, З.Кодай (Венгрия, сольфеджио, мусиқа ўқувини ривожлантириш). Л.Даниел ва Ф.Лиссек (Чехия “таянч”қўшиқлари, сольфеджио), Б.Тричков (Болгария, сольфеджио), Р.Мюнних (Германия, “ялен” тизими, сольфеджио, қўшиқчилик), К.Орф (Германия - Австрия, мусиқали ижод, метроритмик ўқувини ривожлантириш), Е.Жак-Далькроз (Швецария, мусиқали ижод), Т.Судзуки (Япония скрипка ижроилиигига ўргатиш орқали мусиқий малакаларни ривожлантириш), Дж.Кервен (Англия, “Тоник-соль-фа” тизими, сольфеджио), П.Ван Хауве (Голландия, мусиқали ижод), Д.Б.Кабалевский (Россия, мусиқа асарларини идрок этиш тажрибасини ривожлантириш).

Энди ҳар бир мамлакатнинг мусиқа таълим-тарбия тизимини алоҳида кўриб чиқамиз.

Америка қўшма штатларида мусиқа таълими

АҚШда ягона давлат дастури йўқ. Мусиқа таълими “эстетика” фани сифатида ўтилади. Ўқитувчилар ўзлари хоҳлаганларича дарсларни ташкиллаштирадилар. Унда мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат мазмунан бирбири билан боғлаган. Давлат мактаблари билан бирга диний ҳамда шахсий дунёвий мактаблар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳар бир штатда, давлат мактабларида, шахсий ва диний мактабларда ўқув соатларни ҳам бир хил эмас, ўрта ҳисобга I-VII синфларда ҳафтасига 1-2 соатдан дарс ўтилади. Мактабларнинг 1-4-синфларида мусиқа дарси ҳар куни 20-30 минут ҳажмида ўтказилади. Дарсларни умумий ўқув фанлари бўйича дарс берадиган ўқитувчилар олиб борадилар. Дарсда ўқувчилар мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажарадилар, ҳар хил мавзулардаги, жумладан, ибодат

кўшиқларини ҳам ижро этадилар. Ўрта таълим мактабларида мусиқа дарслари дарс жадвалидан ташқари вақтга белгиланади. Дарсдан ташқари ҳар бир ўқувчи мусиқа тўгаракларига – хор, оркестр, ракс, ВИАларга аъзо бўладилар. Кўпчилик мактабларда симфоник оркестрлар мавжуд. Мактаб билан келишилган ҳолда ўқувчилар симфоник оркестрларга жалб этиладилар. Синфдан ташқари мусиқа дарслари жараёнида ўқувчилар турли хил мусиқа чолғу асбоблари – мусиқий қутичалар, барабан, учбурчаклар каби чолғулард ижро этиш малакаларини эгаллайдилар. З-синфдан бошлаб турли оркестр чолғуларида ижро этиш ўргатилади. Ўқувчилар чолғу асбобларда ижро этишни ўрганиб бўлганларидан кейин, мактаб оркестр жамоаси ташкил этилади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, чолғу ансамбллари, хор жамоалари ҳам ташкил этилади.

Умумий ўрта таълим ўқитувчилари коллеж ва университетларда таҳсил оладилар. АҚШда мусиқа таълими соҳаси бўйича аниқ бир тизим бўлмаганлиги, тълим муассасаларини турили хил шахслар, компаниялар бошқариши туфайли таълим тизимида нотурғунлик ва номутаносиблик мавжуд.

Мусиқа машғулотларининг ўтказиладиган вақти, шакли ва мазмунини педагоглар томонидан белгиланади. Мамлакатда мутахассис ўқитувчилар этишмаслиги, мусиқа машғулотларига маъсус маълумотга эга бўлмаган, ёш композитор ва ижрошиларни жалб этиш эҳтиёжини туғдиради. Натижада, мактабларда ягона мусиқий ижро репертуари вужудга келади.

Ихтисослашган мусиқий таълим коллежлардан бошланади. Коллежларда ўқиш муддати тўрт йил бўлиб, талабалар кейинчалик ўқишни давом эттиришлари ва магистр унвонини олиш учун икки йил. Докторлик илмий даражасини олиш учун беш йил, жами етти йил ўқишлари керак бўлади.

Мусиқага ихтисослашган коллежларнинг уч хил йўналиши – ижрошилик, мусиқашунослик ва педагогик йўналишларда мусиқа ўқитувчилари тайёрланади.

Коллеждаги таълимдан кейин талабалар ўқишни университетларда давом эттиришлари мумкин. АҚШда XIX асрда консерваториялар ташкил этилган бўлиб, хозирги кунда улар университетларга қўшиб юборилган. Бундан асосий кўзланган мақсад таълим сифатини яхшилаш, ёшларга мусиқий таълим билан бирга адабиёт, санъатнинг бошқа турларидан ҳам керакли билимларни бериш, уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришdir.

Англияда мусиқа таълими тизими

Англия мактабларида буржуа мамлакатлари жумладан, АҚШ қатори, ягона дастур ва услубиётнинг йўқлиги сабабли мамлакатдаги мусиқий тарбия ишларининг аҳволи турли савиядадир.

Ижобий мисол тариқасида 1969-1970 йилларда Британия радио корпорациясининг радио орқали 6-7 ёшдаги болалар учун ташкил этилган 10 минутлик мусиқа эшиттиришларини келтириш мумкин.

Бу эшиттиришлардан кўзда тутилган мақсад - болаларнинг мусиқа чолғулари ижрочилигига хоҳишиларини уйғотиш бўлган: болалар радио эшиттириш жараёнида мусиқани ижро этишлари лозим бўлган. Кейинчалик бу дастурлар магнит тасмаларига ёзилиб, мактабларга, улардаги “мусиқа бурчак”ларига жўнатилган.

Хозирги кунда Англия мактабларида кўпроқ Дж. Кервен (1816-1880) томонидан ишлаб чиқилган релятив тизимига асосланган ўқитиш усуллари кўлланилмоқда.

Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини ўрта маҳсус ўқув юртлари - икки ёки уч йиллик коллежлар тайёрлайди.

Миллий мусиқа, қироллик мусиқа коллежи ва хатто Қироллик мусиқа академиясини битирган мусиқачилар учун 1 йиллик маҳсус педагогик курслар ташкил этилган. Ўрта мактаб мусиқа ўқитувчиларини университетларнинг мусиқа - педагогика факультетлари тайёрлайди. Уларда ўқиши муддати 4 йилни ташкил этади. Университетлар ўрта мактаб учун универсал мусиқа ўқитувчисини тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганки, ўқитувчи нафақат хор жамоасига раҳбарлик қилиш, шунингдек оркестрни бошқариш, мусиқа ва чолғу ансамблида машғулот олиб бориш, болаларни мусиқий чолғуда ижро этишга ўргата билиши лозим.

Англияда бошланғич синфларда 5 ёшдан 11 ёшгacha бўлган болалар ўқийдилар. Барча ўқув фанларини битта ўқитувчи олиб боради. Бошланғич мактабни битиргач, болалар гуманитар ёки техник йўналишга асосланган ўрта мактабларга ўтадилар. Буларда мусиқа таълимига кўпроқ эътибор берилади.

Японияда мусиқа таълими тизими

Япония – гўзалликни улуғлайдиган мамлакат, шунинг учун болаларда эстетик дидни шакллантириш ва ривожлантиришга бўлган интилиш мактаб ўқув режасидаги «мусиқа» ўқув фанида ўз ифодасини топган.

Биринчи синфда ўқувчилар мусиқа билан ҳафтада уч мартта, иккинчидан то саккизинчи синфга қадар - икки марта, тўққизинчи синфда эса ҳафтада бир марта шуғулланадилар.

Машгулотларни олиб борадиган педагоглар ўрта маълумотли, аксарияти эса маҳсус олий маълумотга эгадирлар.

Япониялик муаллимлари 1-синф болаларининг мусиқий тарбиясига алоҳида эътибор берадилар, чунки айнан шу ёшдаги болаларда ўқув фанига интилиш ва жиддий муносабат тарбияланади. Биринчи синфда ўқувчилар, кўникма-малакаларнинг бутун бир мажмуасини, яъни товушни тўғри чиқара олиш, нафасни ростлаш, дирижёрнинг оддий ҳаракатларини тушуниш, кўшиқни ўрганиш ҳамда уни ижро этиш, усулни хис этиш кабиларни эгаллашлари лозим.

Болаларга мутлақ тизим асосида нота саводини ўргатиш, кейинчалик металлофон, лаб гармончаси ва фисгармонияда куй ижро этиш ўргатилади, шундай қилиб қўшиқ ижрошлиги чолғулар жўрнавозлиги билан тўлдирилади.

Мактабдаги ўқув йили уч триместрга бўлинib, 38 ҳафта давом этади. Биринчи триместрда болалар ритмик жўрнавозлиги, иккинчисида эса мусиқа чолғуларида мураккаб бўлмаган икки овозли машқлар бажаришади.

Биринчи синфда болалар мусиқани эшишиб, мусиқа асарининг бадиий хусусиятларини, суръати, регистр, динамика, тембрни белгилайдилар, оддий уч-қисмли (ABA) шаклни аниқлайдилар.

6-синфга келиб, болалар мураккаб мусиқа асарларини ижро этадилар. Шундай қилиб, мусиқа дарсларида асосий ўрин мусиқа чолғу асбобларида ижро этишга ажратилиб, бу нарса ҳамма болаларни ижодий жараёнда фаол иштирок этишга жалб этади ва уларда мусиқага қизиқиш ва муҳаббатни уйғотади.

Мусиқага оид ўқув режаси ва дастур шу тарзда тузилганки, болаларнинг мусиқа ижрошлигига иштироки уларнинг мусиқани эшишиб қобилиятининг муттасил ривожлантириб беради, уларни янада мураккаброқ мусиқа асарларини тинглаб, идрок қилишга тайёрлайди. Мактаб ўқувчилари И.С. Бах, А. Вивальди, В. Моцарт, Л. Бетховен, Ф. Шуберт, Ф. Мендельсон, М. Глинка, М. Мусоргский, П. Чайковский, Н. Римский-Корсаков, И. Стравинский, Д. Шостакович, А. Хачатурян асарлари билан, шунингдек, Г. Карайн, Э.Шварцкопф, Л. Коган, Д. Ойстрах, С. Рихтер каби буюк ижрошлилар ва улар яратган асарлар билан танишадилар.

Мусиқани эшишиб жараёнида ўқитувчи техник воситалардан, стереоэлектрофон ва видеомагнитофонларидан кенг фойдаланади. Ҳозирги кунда Япония мактаб ва олий ўқув юртларида фан-техника тараққиёти ўз

аксини топган. Барча дарсхоналар янги замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган.

Болалар боғчасида «Судзуки» тизими машхурдир. Япон педагоги Судзукининг методи жуда яхши натижаларни бермоқда. Унинг тизимида она тилини ўқитилиши, мусиқа тинглаб идрок этиши билан амалга оширилади. Болалар чолғу асбобларда куй чалишлари муҳим роль ўйнайди. Судзуки мусиқани эшитиш — боланинг мусиқий қобилиятларни ривожлантиришдаги муҳим восита деб таърифлайди. Бола, иложи борича, ўзи ижро этадиган мусиқани кўпроқ эшитиши ҳам лозим. Бунда, гарчанд, мусиқа мутахассиси бўлмаса ҳам, онанинг ролига Сўздуки алоҳида эътибор беради. Машғулотлар жараёнида болаларнинг онаси ҳам иштирок этади. Оналар машғулот мазмунни ва мақсадидан огоҳ бўладилар ва оиласда ўз овози билан шуғулланадилар. Судзукининг таъбирида оналар мусиқа маълумотига эга бўлиши шарт эмас. Оиласда грамёзув, телевидение, концертларда тингланган асарларни муҳокама этадилар. Бунда боғча ва оиласнинг ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди. Натижада 5-6 ёшли болалар Бетховен сонаталарини чалишга эришадилар. Телевидение, граммпластинка ва магнитофон ёзувларидан фойдаланиб, Судзуки, болакайларни ҳам бевосита, ҳам «сиртқи» тарзда ўқитмоқда. Таълимнинг анъанавий усулидан фарқли ўлароқ ушбу услугуб болага она тилини ўргатиш жараёнига ўхшаб кетади.

Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш учун ҳар бир триместрда икки марта барча мавзулар бўйича ялпи сўров ўтказилади.

Япониядаги қарийиб ҳар бир мактабда хор жамоаси бўлиб, унда ҳафтада икки марта машғулот ўтказилади. Хор жамоаси билан мусиқа ўқитувчиси иш олиб боради. Япониянинг мусиқали ҳаёти ёш скрипкачиларининг қўшма оркестрлари чиқишилари билан ўзгача кўринишга эгадир. 1948 йили Японияда хор дирижёри ва жамоат арбоби Акико Сэки ташаббуси билан «Япониянинг куйловчи овозлари» хор жамоаси тузилиб, у хор қўшиқчилигининг барча ҳаваскорларини бирлаштиради.

Японияда ҳам ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Японияда мусиқа тарбиясининг ўзига хос системаси вужудга келган. Уларда болалар боғчасидан олий таълимгача эстетик тарбия амалга оширилади. Эстетик тарбия интенграция қилинган фан бўлиб унга мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат узвий бирлашган. У бир неча босқичда амалга оширилади

- а) 1-5 ёшгача болалар боғчасида
- б) 6-14 ёшгача тўлиқсиз ўрта мактаб
- в) 15-18 ёш ўрта мактаби
- г) 18-23 ёш олий таълим мактаби

Юқори синфларга кўчган сари эстетик тарбия ҳам бир предмет сингари мураккаблашиб боради. Юқори синфларда ўқиган талабалар рассомчилик, ҳайкалтарошлиқ, халқ амалий санъати ва мусиқа санъати танқидчилари касбларини эгаллаб чиқадилар.

Ўқитувчи-кадрлар тайёрлаш жуда яхши йўлга қўйилган. Улар олий педагогика ва санъат олийгоҳларида тайёрланади. Ўқитувчилар, шунингдек она Ватанидан олган билимларига қониқмай, ривожланган Европа мамлакатларга ўқишга бориб ўз билим ва малакаларини ошириб қайтадилар.

Швейцарияда мусиқа таълими тизими

Эмил Жак-Далкроз (1865-1950) Швейцариялик педагог, композитор, мусиқачи, ёзувчи ва жамоат арбоби, мусиқий-ритмик тарбия тизими яратувчисидир. 1910-йилда “мусиқа ва ритм” мактабини Женевада “Жак-Даркроз” институтини ташкил қилган. Кейинчалик Жак-Далкроз иши давомчилари Стокгольмда, Лондонда, Парижда, Венада, Барселонада, Нью-Йорк шаҳарларида “Жак-Далкроз” мактаби, “Жак-Далкроз” институтларини ташкил қилганлар.

Жак-Далкроз мусиқий динамика ва эмоционал ҳаракатлари ҳамда образли мазмун, мусиқа остида пластик ҳаракатлар жўрлигида мусиқий фаолиятга жалб қилиш тизимини яратди. Ўқувчиларда импровизация, обсолют эшитиш қобилиятини ривожлантириш тизимини ишлаб чиқди. У ўз ўқувчиларининг пластик ритм туйғусига эга бўлишларида уларнинг нерв тизими ва мускул аппаратини мукаммал ривожлантиришга интилди. Унинг назариясига кўра, ритмни ўқувчиларга тушунтириш муҳим эмас, ритмни ўзлаштирилмасдан ҳам тана ҳаракатларини хис этган ҳолда машқларни такрорлаш ва ритмик ҳаракатлар бажариш яхши натижа беради.

Е.Жак-Далкроз, Золтан Кодай, Карл Орф томонидан ишлаб чиқилган мусиқий тарбиянинг яхлит тизимлари турли мамлакатлардаги мусиқа тарбия назарияси ва амалиёти ишларига катта таъсири кўрсатди.

Венгрияда мусиқа таълими тизими

Венгрияда мусиқий тарбия соҳасида эришилган асосий ютуқлар замонавий венгер асосчиларидан бири, композитор, халқ оғзаки ижоди билимдони, мусиқашунос, педагог Золтан Кодай (1882-1967) номи билан боғлиқдир. Болаларнинг мусиқий тарбия соҳасидаги ўзининг фаол ва сермаҳсул

фаолиятини Золтан Кодай 1920-йиллардан бошлади. З.Кодайнинг болалар мусиқий тарбия тизими оммавийлик тамойилига асосланган.

Буюк аллома хор жамоасида қўшиқ айтиш ҳаммага ҳам мумкинлигини алоҳида таъкидлаган, кенг оммани хор ижрочилигига жалб этиб, бу ишга алоҳида дикқат ва эътиборни талаб қилди. Унинг бутун мусиқий таълим жараёни халқ куйларига асосланган. Кодай оммавий венгер мактабига “Тоника-соль-фа” усулини киритди. Унинг ғоялари иккинчи жаҳон урушидан сўнг оммалашиб кетди. Кодай методи - бу яхлит тизим бўлиб: релятив (нисбий) сольмизация, куйлаётган ўқувчиларга қўл харакати ёрдамида берадиган кўрсатмалар, венгер халқ қўшиқлари, мусиқани чуқур ўрганишга йўналтирилган умумтаълим мактаблари, хор синфлари ҳамда гурухли куйлашдан иборат.

Унутмаслик керакки, Кодай методи ҳақида гап кетганда сўнгти мусиқий тарбия концепсияси ҳақида, уни ҳаётга тадбиқ этиш йўллари тўғрисида бормоқда. Буларни З.Кодай турли манбалардан олиб, венгер мусиқаси хусусиятларига мослаштириди.

Гурухли куйлаш Венгрияда, ҳақиқатдан, умумхалқ жараёни бўлиб, бунга мусиқа саводхонлиги, нота бўйича қўшиқ айта олишга ёрдам беради. З.Кодайнинг “2000-йилга келиб, ҳар бир умумтаълим мактабини битирган ўсмир нотани эркин ўқий олади” - деган орзуси амалга ошмоқда.

Венгрияда мусиқий тарбия юқори даражададир. Бутун мамлакатдаги умумтаълим мактаб тизимининг асоси 8 йиллик тўлиқсиз ўрта мактаб бўлиб, уни битирган ўқувчилар 4 синфли гимназияга ўтадилар. Биринчи синфда болалар ҳафтада 2 марта 0,5 соатдан, 2-7-синфларда эса ҳафтада 2 соат “Мусиқа” ўқув фани билан шуғулланадилар.

Бундан ташқари, ҳар ҳафта икки соат оркестр машғулотларига ажратилган. Гимназиянинг 3-4-синфларида ўқувчилар мусиқа адабиёти билан танишиш ва бирорта мусиқа чолғусини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Умумтаълим мактаблари орасида “Мусиқа қўшиқчилиги” тўлиқсиз ўрта мактаблари, яъни мусиқани чуқур ўрганишга қаратилган умумтаълим мактаблари кенг жорий этилган. Уларда 1-4-синф ўқувчилари ҳафтада 6 соат, 5-7-синфларда эса 4 соат мусиқа ва 2 соат хор машғулотлари билан шуғулланадилар. Мактабларда, шунингдек, фортелиано, скрипка, пулфлама мусиқа чолғулари синфлари мавжуд.

Бундай мактаблардаги синфларда ўқувчилар сони умуммактаб, синфидаги болалар сонига нисбатан камроқ, яъни 26 ўқувчидан ортмайди. Бундан ташқари уларда умумтаълим йўналишдаги ўқув фанларининг сони ҳам қисқартирилган.

Бошланғич синфларда барча ўқув фанларидан билим берәётган ўқитувчи мусиқа дарсини ҳам ўтади. 5-8-синфларда бу дарсларни мусиқа мутахассиси олиб боради. Болаларнинг мусиқа саводини чиқаришда устоз томонидан қўл ҳаракатлари, маҳсус имо-ишоралар кўлланилади.

Релятив сольминизацияни чуқур ўргангандан сўнг, ўқувчилар мутлақ тизимга ўтадилар. Мусиқа таълимини бериш, шу жумладан мусиқа ўқувини ривожлантириш услубиёти, асосан, болалар онгининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ва уларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Умумтаълим мактабларида фортепиано, флейта, ёғоч симбала ва айрим урма чолғулардан фойдаланилади. Кодай тизими, айниқса, мусиқани чуқур ўрганишга йўналтирилган ва умумий таълим мактабларида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Ҳар кунги мусиқа дарслари болаларда усулларни ажратা билиш тажрибасини, хотира, хис-туйғуларни ривожлантиради. 14-18-ёшдаги ўқувчилар таълим оладиган гимназияларда мусиқа тарихи фани ўрганилади, барча жанр, услуг ва даврдаги мусиқа асарлари эшишилади, шунингдек, синфдан ташқари ишлайдиган хор ва оркестр жамоаларида фаолият кўрсатадилар.

Венгрияда маҳсус мусиқа таълими берадиган гимназиялар ҳам мавжуд. Бундай гимназиялар битирувчилари, аксарият ҳолларда бошланғич синф мусиқа ўқитувчилари бўлиб ишлайдилар. Шунингдек, Венгрияда бир нечта мусиқа билим юртлари ҳам мавжуд. Мазкур ўқув юртларида ўқувчилар умумтаълим фанлари билан бирга бирор мусиқа чолғусини, сольфеджио, гармония, гурухли куйлашни ўрганишади. Гимназия битирувчилари ўқишини (таълим олиш муддати 3 йилдан 5 йилгacha бўлган) Ференц Лист номидаги Мусиқа академиясида давом эттиришлари мумкин.

3 йиллик курсларда умумтаълим мактаблари учун сольфеджио, қўшиқ, бирор мусиқа чолғу ижрочилиги бўйича, мутахассис ўқитувчи тайёрланади. 5 йиллик таълим эса олий малакали ўқитувчи ва ижрочи артистларни тайёрлайди.

Бундан ташқари Венгрияда юқори синф мусиқа ўқитувчилари тайёрлайдиган 4 йиллик олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб, бу ерда талабалар муайян мусиқа ихтисослиги билан бирга иккинчи мутахасислик (масалан: мусиқа ва тарих, мусиқа, тил ва бошқалар)ни эгаллайдилар. З.Кодай тизими Венгриядаги мусиқа таълими ва тарбиясининг барча босқичларида жорий этилмоқда. Венгрия мусиқашунос педагогларининг тажрибаси дунёning кўпгина малакатларида жумладан, Ўзбекистонда ҳам мусиқашунос ва педагогика мутахасислари томонидан катта қизиқиши билан ўрганилмоқда.

3.Кодай тизими турли миллий маданий анъаналарга муқим равища мослашиб бормоқда ва шунинг учун у жаҳоннинг аксарият мамлакатларида кенг миқёсда оммалашиб кетди.

Венгрияда бутун халқ мусиқий саводини чиқариш вазифаси муваффакият билан ҳал этилмоқда. Бунда, мусиқани чуқур ўрганишга йўналтирилган умумтаълим мамлакатларида хор куни ўтказиладиган мусиқа дарслари катта аҳамият касб этмоқда.

Гурухли куйлаш Венгрияда, чиндан ҳам, умумхалқ жараёнидир, бунга одамларнинг мусиқа саводхонлиги, нотага қараб куйлаш малакаси таъсир кўрсатмоқда.

Германияда мусиқа таълими тизими

Германиянинг йирик немис композитори ва буюк педагоги Карл Орф (1895-1982) жаҳонда кенг тарқалган болалар мусиқий тарбия услубиётининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Жак-Далькрознинг ўқув тизимига асосланиб К.Орф “Оддий мусиқа” (элементар мусиқа) фоясини ишлаб чиқди ва бу ғояни Мюнхендаги (Гюнтер мактаби) гимнастика ва рақс мактабидаги ўқитиш услубига айлантиради. 1953 - йилда Австрияning Зальцбург шаҳрининг Моцартеум деб номланган мусиқа даргоҳида Карл Орф институти ташкил топиб, у АҚШ, Англия, Германия, Хиндистон каби 30 дан ортиқ мамлакатларни бирлаштирган баобрў илмий муассасага айланиб кетди.

К.Орф номидаги институтда 400 дан ортиқ ўқувчи, 50 дан зиёд педагог таълим олади. К.Орф кашф этган болалар ва ўсмирлар мусиқий тарбия усули ўқувчиларнинг мусиқий фолклордан кенг миқёсда фойдаланиши, уларнинг ижодий кўникма ва имкониятларини ривожлантиришга асосланган.

Ушбу ўқув усули тамойиллари халқаро аҳамиятга эга бўлган “Шулверк” тўпламида ўзининг бадиий - методик талқинини топди.

Беш жилдлик “Шулверк” услубий қўлланмаси, асосан умумтаулим мактаблари ва болалар муассасаларидаги 4 ёшдан -16 ёшгача болган болаларнинг узлуксиз мусиқий таълим - тарбияга мўлжалланган.

Халқ мусиқа ижодига асосланган бу қўлланмадаги пьесалар болалар ижодий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Барча намуналарга этнографик ёки тарихий манбалар асосида изоҳ берилган. Бу ўзига хос ҳамма болаларга мажбурий мусиқа таълимини берадиган бошланғич мактабдир. К.Орфнинг фикрига кўра бошланғич мусиқа тарбияси - бу нафақат мусиқа ўқуви ҳамда ритм ҳиссиётини ривожлантириш. Куйлашга ёки бирор чолгууда ижро этишга ўргатиш, балким болаларнинг

ижодий тафаккурини ривожлантириш, бадиҳа малакаларини кенгайтириш, якка ва жамоавий ижро жараёнида мусиқани ижод этиш қобилиятини ривожлантириш ҳамдир.

Гурұхдаги болалар сони 10-12 кишидан ошмаслиги керак. Барча машғулотлар жамоавий тарзда олиб борилади, бунда болалар қүшиқ ижро этиб, рақсга тушадилар, навбат билан мусиқа чолғуларида chalадилар, турли жисмоний машқларни бажарадилар.

Аста - секин болалар шу даражага етиб борадики, улар бутун томоша-саңначаларни, кейинчалик ҳатто спектакл, ундағы мусиқа, шеърий матн, сахна жиһозини, барча ҳатти-харакатларни ҳам үzlари ўйлаб топадилар.

К.Орф чолғу жүрновозлигига ҳам катта аҳамият беради. “Шульверк”да назарда тутилған жамоавий чолғу ижрочилиги болалардан маҳсус тайёргарлик ва билимларни талаб қилмайди, аммо, бунда та лимнинг оддийлиги билан мусиқа янграшининг юқори сифатлари уйғунлашади. “Шульверк”даги аксарият намуналар вокал машқларга асосланган. Орфнинг услуби нотага қараб ижро этиш (яъни нота саводи)га боғлиқ бўлмасада, институти педагоглари релятив сольфеджиога ўзгача ёндошадилар: болаларга товушларнинг нисбий ва мутлоқ номларини баравар ўргатадилар.

Хозирда “Шульверк” тўпламларидан кўп мамлакатларда фойдаланилмоқда. К.Орф таъкидлаб ўтганки, “Шульверк” китобини ҳар бир мамлакатда миллий мусиқа, шу жумладан болалар фолклори билан бойитиш зарур. “Шульверк”нинг француз, япон, инглиз, швед ва бошқа миллий нашрлари мавжуд. Мазкур китоб кўр, соқов, маҳсус логопедик болалар мактабларида жорий этилмоқда.

К.Орф институтида эрталабки дарслар ёш педагоглар, олийгоҳ талабалари билан ўтказилади. Болалар машғулотлари куннинг иккинчи ярмида ўтади. К.Орфнинг дедактик концепсияси жаҳон ўқув амалиётида кенг тарқалган бўлиб, турли услубий ечимларга йўл очади ва ижодий тафаккурни рағбатлантиришга, бадиҳа малакалари ва мусиқий ритмик ҳис-туйғуни ривожлантиришга қўмаклашади.

Болгарияда мусиқа таълими

Болгарияда мусиқа дарслари, ўқув режасига мувофиқ, мактабни биринчи синфидан тўққизинч синфига қадар ўтказилади, 10 - 12 синфларда эса, ихтижорий машғулотлар тарзида, хафтада икки соатдан олиб борилади. Биринчи синфда мусиқа дарсига 1 «шартли» соатдан иборат, чунки биринчи

синф тайёрлов синфи бўлиб, унда мусиқий эшитиб куйлайдилар ва рақсга тушадилар. 2-4 синфлардан эса мусиқа дарсларига икки соатдан ажратилади.

2 - синфдан бошлаб ўқувчилар дарсда мусиқа саводини ва қўшиқ айтишни тизимли равишда ўргана бошлайдилар.

Болгариядаги оммавий мусиқий тарбиянинг асоси - бу халқ қўшиқлариридир.

6-синфдан бошлаб ўқувчилар асосий жанрлар ва Болгария мусиқа маданияти билан таниша борадилар. Болгар халқ мусиқаси ўзига хос усул, оҳанг ва бошқа хусусиятларга қўра хозирги замон ёшларининг мусиқа этиёжларини қондира олиш имкониятига эгадир. Болгарияда асосан дикқат эътибор оммавий ҳаваскорлик жамоалари - фолклор ансамблларига қаратилган. Уларнинг фаолиятида халқ ижоди намуналари миллий ижрочилик услубига яқин қўринишларда намоён бўлади. Халқчиллик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган болалар ва ёшларнинг қўшиқ ва рақс халқ ансамбллари маънавий-ахлоқий тарбияси ва бадиий-эмоционал таъсирнинг воситалариридир.

Болгар халқ қўшиғининг бойлигини эгаллаш, унинг ўзига хос оҳанг кўларнини ўзлаштириш, болаларда мусиқий тасаввур ҳамда ижро малакаларини эгаллашга қўмаклашади, миллий ҳамда жаҳон мумтоз мусиқа асарларининг гўзаллик ва бойликларини баҳолашга имкон беради. Болгария оммавий мусиқа таълим мининг миллий услубиёти, унинг болаларда мусиқавий ижрочилик, ритмик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган усуллари, мусиқий тарбиянинг дастлабки босқичида ўқувчининг бадиҳа ва бошқа ижодий ҳаракатларини рағбатлантиради.

Болгария мусиқа таълими тизимида нотасиз куйлашдан, нотага қараб куйлаш жараёнига ўтишда 1923 йилда Борис Тричков томонидан ишлаб чиқилган “столбица” (устун) методи кенг тарқалди. Оддий, оммабоп, қизиқарли бўлган “столбица” усули, айниқса, умумтаълим мактаб болалари билан ишлашда катта ёрдам бермоқда. Бу услуб асосан мусиқа саводи жараёнида қўл келади. Бироқ амалиётда – қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш жараёнларида бу методдан фақат до мажор миқёсидагина фойдаланиш мумкин. Бошланғич синфларда мусиқа дарсини барча ўқув фанларидан машғулот олиб борадиган педагоглар ўтказадилар.

Улар гимназияни битиргач, муаллимлар институтида таълим оладилар.

Муаллимлар институтида ўқиши муддати уч йил.

5-8-синфларда ашула дарсини, икки ўқув фани (масалан, Ъ тил ва ашула) бўйича педагогика институтининг маҳсус факультетида таълим олган ўқитувчи ўтади.

9-12-синфларда эса, консерваториянинг мусиқий педагогика бўлимларининг битирувчилари олиб борадилар. Уларнинг ўқиши муддати - 4 йил.

Ўқув дастурларида кўрсатганидек, мусиқа дарсини асосини гурухли куйлаш ва мусиқа чолғуларида ижро этиш ташкил этади. Дарсларда қўлланиладиган мусиқа чолғулари турли-тумандир: уриб чалинадиган чолғулар – болгар (миллий) ва мактаб ўқувчилари томонидан ясалган ҳаваскорлик чолғулари; металлофонлар, миллий пуфлаб чалинадиган (сурнайча, хуштак ва ҳоказо), фуруйлар (венгер халқ чолғуси); “мелодика” (аккордеонга ўхшаш катта бўлмаган чолғу). Бу чолғуларда ижро этиш унчалик қийинчилик туғдирмайди ва болаларни мусиқа дарсларига фаол жалб қиласди.

Кўпчилик болгар ўқитувчилари мусиқий чолғуларни дарсларда кенг қўлланишига эҳтиёткороналик билан қарашмоқда. Уларнинг фикрларига кўра мазкур чолғуларни дарс жараёнига татбиқ этиш бошқа фаолият турларига кам эътибор берилишига сабаб бўлмоқда. 1970-йилларда қабул қилинган дастурга кўра мусиқа тинглаш жараёнига жуда кам соат ажратилган бўлиб, мусиқа дарсларининг асосий фаолиятлари – жамоа бўлиб куйлаш ва мусиқий чолғуларда ижро этишдир. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, мазкур дастур ўзини оқлай олди.

Мактабдаги ўқув жараёни дарсликлар ва ўқитувчиларга мўлжалланган услубий қўлланмалар билан таъминланган бўлиб, бу нарса, албатта, оммавий мусиқий тарбияни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. 2-9-синфлар учун яратилган дарсликлар ўқувчи ва ўқитувчилар учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари ўқитувчилар учун чиқарилган ўқув қўлланмалар нотага қараб куйлаш, методика масалалари, вокал-хор малакаларини шакллантиришга қаратилган бир қатор муаммолар ечимида қаратилган.

Болгарияда синфдан ташқари таълим масаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, хор маданиятини ривижлантиришга София ўсмиirlар саройининг – “Бодра смяна” болалар хор жамоаси ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. Жамоа 1947 йилда ташкил топган бўлиб, у кўп йиллар давомида бу жамоага Болгариya халқ артисти, профессор Бончо Бочев раҳбарлик қилган эди. Хор жамоаси таркибида 380 - аъзоси бўлиб, катта ва кичик ёшдаги болалар гурухлари, 100 кишилик концерт гурухидан иборат. Мазкур жамоа дастурига мураккаб кўповозли, турли жанр ва услубдаги асарлар кирган.

Болалар ва ўсмиirlар ҳаваскор хор мактаб - студияси болалар хор жамоаларининг замонавий қўриниши сифатида ёш ижрочилар учун маълум касбий истиқболларини очиб беради. Шундай жамоанинг мунтазам концерт

фаолияти, ҳаваскор хор жамоанинг хор мактабига айланишидаги муҳим шарт - шароитларидан биридир.

Юқорида тилга олинган жамоадан ташқари, Болгарияда бошқа жуда кўп болалар ва ўсмирлар хор мактаблари мавжуд. Ушбу мактабларда таълим олаётган ўқувчилар касбий хор жамоаларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай хор жамоалари негизида - турли хил репертуарга эга бўлган камер, модрегал, катта концерт жамоалари шакл топиши мумкин. Б. Бочев “Бодра смяна” хор жамоасининг иш тажрибасини ҳар бир болалар хор жамоасига тадбиқ этиш мумкин.

Болалар ва ўсмирлар ҳаваскор хор мактабларини мустаҳкамлаш замон талабларига жавоб берадиган, мукаммал ташкилий - ўқув шаклларини вужудга келтириш мумкин.

Голландияда мусиқа таълими

Голландиядаги болалар мусиқий тарбиянинг тизими, умрининг 35 йилини мусиқа фаолиятига бағишлиган Франция ван Хауве (Дельфт шахри) номи билан боғлиқдир. У Париж ва Брюсселда ... консерваторияларининг дирижёрлик, мусиқа назариясини ҳамда композитсия синфлари бўйича тугатган. Дельфтдаги мусиқий мактабини ташкил этиши ҳамда уни бошқариш таклифларини қабул қилгандан сўнг у хор ва оркестр жамоаларида диреёрлик фаолиятини тўхтатди. Ҳозирги замон педагогик усувлар билан танишиш мақсадида Франция ван Хауве Европа мамлакатларига, биринчи новбатда, Баварияга йўл олди. У ерда Карл Орф ва унинг болалар мусиқий тарбияси тизими билан танишиб, унинг ашаддий муҳлисига айланди. Шунингдек, Франсия ва Белгия, Италия ва Испанияда бўлиб қайтди. Венгрияда у З.Кодай билан танишди. Кодайнинг мусиқий тарбия тизими Франция ван Хауведа катта ютуқларга еришишга асос берган релятив тизимини қунт билан ўрганишга киришди.

Болалар билан олиб борган амалий фаолият натижасида Пер ван Хауве мусиқий тарбиядаги ўзининг яриги тизимини яратди, бу тизим икки - Орф ва Кодай усувларининг ўзаро уйғунлашган маҳсули бўлиб, унда психология ва болалар тасавурига мос келадиган асосий томонлари олинган еди. Бу усулининг моҳияти қуидагидан иборат: болаларни ўйинга жалб етиб (масалан, қарсак чалиш, тарелкалар, қўнғироқчалар, бубенларни уриб товуш чиқариш), педагоглар уларда мусиқа бўйича малакаларни ҳосил қиласидилар. Шу равишда ҳамма болалар мусиқавий билим савиялари турлича бўлишига қарамай таълим жараёнига киришиб кетадилар. Таъкидлаш жоизки, Голландия мусиқа мактаблари болаларга касбий маълумот беришни ўз олдига мақсад қилиб

қўймайди, гап ўзининг мусиқавий вақтиоғлиги ва хурсанчилиги хақида кетади.

Дельфт мусиқа мактаби ташкил топиш давридан бир неча йилдан кейин Пьер ван Хауве ўз амалиётида синовдан ўтган шахсий тажрибаларига асосланиб ҳар бир синф учун “мусиқа билан ўйинлар” номли қатор дарсликлар яратди. Дарсликларда кўплаб мусиқали пъесалар, машқлар, ўйинлар, қўшиқлар ва аниқ вазифалар мавжуд бўлиб, уларни бажара бориб, бола аста-секин нотани ёзиш ва ўқиши,nota бўйича қўшиқ айтиш ва ўйин ўйнашни ўрганади.

“Мусиқани эшитамиз” кейинги китоби эса Голландия ва Белгияда нашр этилди. Бундан ташқари Голландияда граммпластинкалар чиқарилган эди, улардан Пьер ван Хаувенинг мусиқий тарбия усуллари ва тизимини аниқ тушуниш мумкин.

Пьер ван Хаувенинг “мусиқа билан ўйинлар” номли мусиқий тарбия усули нафақат Голландияда, шунингдек, Зальцбургдаги Моцартеумда, Белгия, Норвегия, Францияда кенг тарқалган. Унинг китоблари турли тилларга таржима қилинган ва Дельфт шаҳрига жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган муаллимлар мусиқа педагогикаси масалаларига бағишлиланган халқаро семинарларда унинг тизими билан яхшироқ танишишга имконига эга бўладилар.

Ўткир қобилиятга эга мусиқачи, моҳир психолог, олийжаноб ва хушчақчақ инсон, ўта фаросат соҳиби бўлмиш Пьер ван Хауве бир зумда ҳам биринчи синф ўқувчилари билан, ҳам турли ёшдаги болалар билан ва шунингдек, ўзини ўраб турган ҳамма кишилар билан ҳам тил топа олади.

“Мусиқа шодлик улашиши лозим” - бу Пьер ван Хауве ҳаётидаги асосий шиордир.

Руминияда мусиқа тизими

Руминия халқ анъаналарининг ривожланиши З.Кодай, К.Орф, Е.Жак-Далкроз, Е.Виллем усулларини ижодий ўрганиш билан уйғунлашиб кетган. Бухарест Консерваторияси қошидаги мусиқали - педагогик тадқиқотлар кабинети мамлакатда мусиқий тарбия тизимини мукаммаллаштиришнинг қатор лоиҳаларини ишлаб чиқди. Бу лойиҳалар умумтаълим ва мусиқа машғулотларини ягона ўқув тарбиявий жараёнда мужассам этишига асосланган. Руминиядаги мусиқий тарбия тизимидағи ижобий томони шундан иборатки, ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига яхлит муносабат бўлиб, унда мусиқага етакчи ўрин ажратилган, мусиқий тарбиянинг энг муҳим таркибий

қисми- хор қўшиқчилиги бўлиб, у ҳамма болалар учун мос бўлган мусиқа ижрочилиги ҳисобланади.

Чехияда мусиқа таълими

Чехиядаги мусиқий тарбия ҳозирги замон мусиқали - педагогик илми ва назарияси ютуқлари асосида ривожланмоқда. Бу жараёнда ҳаваскорлик мусиқа ижрочилиги анъаналарининг тикланиши, замонавий шахснинг мусиқавий этиёжларига жавоб берадиган, оммавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланган оммабоп мусиқанинг янги услубини яратиш муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги замон чех мусиқа педагогикаси ўқувчиларнинг мусиқий - ижодий фаоллигини оширишга, уларнинг мусиқий тафаккури, хаёли, хотираси, мусиқани ҳиссиёт орқали идрок этиш имкониятларини ривожлантиришга қаратилган.

Мусиқий тарбияда болаларнинг мусиқали - ижодий фаоллигини кўтариш мақсадида мусиқий машқларнинг тўрт тури жорий этилган: куйлаш (овозни, мусиқа ўқувини ривожлантириш, мустақил куйлаш), мусиқа чолғуларида ижро этиш (бирор мусиқий чолғуни ўзлаштириш ҳамда ансамбл ижроси), тинглаш (болаларнинг мусиқий қобилиятини ривожлантириш), ўйин-рақс (нафис ҳаракатни ривожлантириш).

Чехияда болаларнинг мусиқавий ривожи беш босқичдан иборат. 4-6 ёшдаги болаларга ўйинга асосланган мусиқа ўргатилади. Бошланғич синфлар (6-9 ёш)да мусиқали ўйин маълум қоидалар билан тўлдирилади. 1-3 синфларда мусиқий тарбияга ҳафтада 1 соат ажратилади.

Ўрта ёшли ўқувчиларда хор жамоасида ёки бирор чолғу ансамблида иштирок ета олиш малакалари шаклланади. 4-6 синфларда мусиқий тарбияга ҳафтада 2 соат ажратилади.

Юқори синфларда эса ўсмирлар мусиқа оларнида мустақил йўл топа олишини ўрганишади. 7-9-синф ўқувчилари мусиқа билан ҳафтада 1 соат шуғулланади; бундан ташқари факултатив асосида хор қўшиқчилиги ва чолғу ансамбли машғулотлари ҳафтада 2 соатдан олиб борилади.

16-19 ёшдагилар мусиқий тарбияни маҳсус ўқув юртлари - тўрт йиллик гимназияларда давом эттирадилар.

Ўқишнинг дастлабки икки йили давомида мусиқа дарслари ҳамма учун мажбурий бўлиб, эстетик тарбияси дарслари билан навбатма-навбат олиб борилади. Учинчи ва тўртинчи йилга келиб, мусиқий тарбия факултатив ўқув фани сифатида ўтилади.

Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчига, хор жамоаси ёки чолғу ансамблида иштирок этиш ёки мусиқа клубларида ишлаш имкони берилади.

Ушбу тизимдан ташқари, Чехияда мусиқий истедодли болалар учун маҳсус мусиқа мактаблари ҳам мавжуд. Булардан ташқари, болалар якка тартибда, ҳалқ санъати мактаблари, мусиқа тўгараклари, маданият уйлари ва хусусий мусиқа ўқув юртларида мусиқа таълимини олишлари мумкин.

Чехиядаги мусиқий тарбия - ўзгариб турувчи тизим бўлиб, таълим ўқув фанига, педагогнинг мақсад ва ниятлари ҳамда ўқувчининг шахсий хусусиятларига мослаштирилган.

Мусиқий тарбия дарслари миллий фолклор хорижий мамлакатлар ҳалқ мусиқаси, мумтоз ва замонавий мусиқага асосланган. Бадий асарни фаол кузатиш, тасаввур қилиш, ундаги кечинмаларни бошдан кечириш ва англаш орқали мусиқага йўл очилади.

Мусиқани ўргатишда аудио - визуал воситалари, Прага радиосининг мактаб радио дастурлари жалб этилади.

Чехия замонавий мусиқий тарбия тизими педагогиканинг шакллантирувчи ва фаоллаштирувчи соҳа сифатида ривож топмоқда.

Россияда мусиқа таълими тизими

Россияда мусиқа педагогикаси катта мувафақиятларга эришди ва жаҳон мусиқа жамоатчилигининг ҳурмат - елиборига сазовор бўлди. Шу жумладан, таниқли композитор, педагог, мусиқа ва жамоат арбоби Д.Б.Кабалевский (1909-1982) ҳозирги замон мусиқий тарбиясига катта ҳисса қўшди.

Д.Б.Кабалевский ишлаб чиқкан тарбия тизимида ички алоқалар бирлиги мезони асосий ўрин тутади. Унинг фикрича дарснинг таркибий муштараклиги машгулотлар изчиллигининг асосини ташкил этиши керак. Бирлик мезони билан бир қаторда, дастурда, умумлаштириш қоидасига ҳам муҳим ўрин ажратилган. Таъкидлаш лозимки, болалар билим эгаллашида “хусусийликдан умумийликка” формуласи “умумийликдан хусусийликка” қоидаси билан алмаштирилган. Д.Б.Кабалевский тизимининг асосида “уч кит” яъни қўшиқ, рақс, марш туради. Бу ишда оддий жанрлар болалар учун мусиқа ҳақида тушунчаларнинг шаклланишида биринчи қадамдир. Мусиқий асар орқали яъни, қўшиқ, рақс, марш жанрида ёзилган асарларни эшитиб, уларни фарқлаш, аниqlаш, тинглагандага фахмлай олишини мақсад қилиб қўйган.

Кейинги босқичда ушбу тушунчалар чукурлаштирилади, яъни рақссимон, марксимон, қўшиксимон асарлар болаларга эшиттирилиб, улар ҳақида еркин фикр юритиш малакалари ривожлантирилиши мақсад қилиб қўйилади.

Умуман Д.Б.Кабалевскийнинг ишлаб чиққан мусиқий ўқитиш тизими, мусиқий асарлар орқали ҳамма билим ва малакаларни болаларга тақдим этиш асосида тузилган. Шу билан бирга педагогиканинг муаммоли ўқитиш тизими Кабалевскийнинг тизимида асосий воситалардан бири бўлиб қолган. Яъни болалар ўзлари фикр юритиб муҳокама қилиб, ўқитувчининг раҳбарлигига малум бир билим ва малакаларга эга бўлишилиги назарда тутилади.

Эстонияда мусиқа таълими

Эстониядаги мусиқа тарбия тизими қўшиқ байрамларининг кўп йиллик ҳалқ анъаналари асосида шаклланади, ҳамда эстон ҳалқининг юксак хор санъатини сақлаб қолишга интилган мусиқа ўқитувчиларининг, мусиқачиларнинг улкан ташаббуслари ҳисобига ривожланиб борди. Ҳозирги замон мусиқий тарбиясининг илдизлари XIX асрга қараб ўтилган. Санкт-Петербург консерваториясида мусиқа таълимини олган биринчи эстон композиторлари болаларга берадиган мусиқий тарбиянинг зарурлигини англадилар ва болалар учун хор пьесалари ҳамда қўшиқларини шунингдек, мактаблар учун кўплаб тўпламларни яратишга эътиборларини қаратдилар.

Эстония мусиқа ҳаётида қўшиқ байрамларини ўтказиш катта воқеадир. Бу байрамларни ўтказишидан олдин ҳар бир туманда қўшиқ кунлари ўтади. Биринчи оммавий қўшиқлар байрами 1869-йили Тарту шаҳрида ўтказилган. Бунда ҳамма воҳалардан эркаклар хор жамоалари (саккиз юз кишидан иборат) оммавий равища қатнашиш учун тўпланадилар.

Ушбу байрам бугунги кунга этиб келган анъаналарга асос солди. Болалар хор жамоалари 1870-йилдан бошлаб (доимий равища бўлмаса ҳам) қўшиқлар байрамида иштирок этмоқдалар. Қўшиқлар байрами биринчи кундан бошлаб, ахолининг ҳамма қатламларини санъатга жалб этишга асосланган эди.

1947-йилдаги умумレスпублика қўшиқ байрами 25000дан ошиқ қатнашчиларни йифини ва умумхалқ оммавий байрамига айланди. 1947- йилдан бошлаб мактаб хор жамоалари ҳам ҳамма қўшиқ байрамларида иштирок эта бошлайдилар. Дастреб, байрамларда мактаб болалар хор жамоалари, аралаш ва аёллар хор жамоалари шунингдек, дамли чолғулар жамоалари иштирок этдилар. 1960-йилдан бошлаб ўғил болалар хор жамоалари ҳам иштирок эта бошлайдилар. В.Лаул бошчилигидаги ўғил болалар қўшма хорини алоҳида кўрсатиш лозим.

1965-йили, биринчи марта республика ёш скрипкачилар ансамбли иштирок этиб, қўшиқ байрамини анъаналарига янгилик киритди. Мактаб хор жамоалари қатнашчиларининг сони ошиб бораётганлиги, шу муносабат билан

қўшиқ байрамларини ташкил этишда пайдо бўлган қийинчиликларни ҳисобга олиб, умумреспублика қўшиқлар байрами орасида мактаб ўқувчилари хор жамоаларининг кўрикларини ўтказишга қарор қилинди. Биринчи шундай байрам 1962-йилнинг ёзида Таллин шаҳрида ўтказилди. Қатнашчиларнинг умумий сони 20000га яқин эди. Хор ишида энг муҳим ва қизиқарли шакллардан бири 1963-йилдан бошлаб ўтказилаётган ёзги қўшиқ оромгоҳларири.

Икки соатлик қўшиқ машғулотлари болаларнинг кашфиётларига ижобий таъсир кўрсатади, спорт ва бошқа ўйинлар эса куннинг қолган вақтини тўлдиради. Эстониядаги қўшиқлар байрамига тайёргарлик жараёнида семинар ва ёзги йигуилишлар ўтказилади. Семинарнинг алоҳида шаклидирижёрларнинг республика қўшма хори бўлиб унинг таркибига 200дан ортиқ мусиқа ўқитувчилари ва хор дирижёрлари киради.

Бу хор жамоасини республиканинг энг яхши дирижёрлари, шу қаторда Густав Эмесакс, Юрий Варисте эди. Уларнинг хорни бошқариши мамлакат хормейстерларининг малакасини ошишига таъсир кўрсатади. Болалар ва ёшларнинг мусиқа маданиятини ривожланишига мактабдан ташқари мусиқий тарбия ҳам катта аҳамиятга эга.

1951-йили Ю.Варисте раҳбарлиги остида Таллиндаги ўсмиirlар саройи қошида болалар хор жамоаси ташкил қилинди. Бугунги кунга келиб бу жамоа хор мактабига айланиб, ҳамма синф ўқувчиларини қамраб олган. Хор жамоаси битта асосий ва учта тайёрлов хор жамоаларидан иборат. 1964-йилдан бошлаб хор мактаби ўқувчилари нота ўқишининг янги “Ё-ЛЕ-МИ” тизимига ўтди, янги репертуарни муваффақият билан эгаллаб, нотани жуда яхши ўқиб, мусиқа охангларини тўғри куйламоқда.

1964 йили республикада болалар мусиқа мактаблари ўқувчиларидан иборат ёш скрипкачилар ансамбли ташкил этилди.

Оркестр репертуарини болалар ўзининг тураг жойларида ўрганадилар ва ҳар йили 3-4 марта концертлар учун репетицияга йифиладилар. Оркестр қатнашчиларининг ёши 7 дан 17 гачадир, яъни ўқишини бошлаётган ва уни тугатаётган ўқувчилар бир жамоага бирлашган. Оркестр концертлари доимо муваффақият билан ўтмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодга мусиқа-хор тарбияси бериш ишига республикадаги энг яхши болалар хор жамоаларидан бири “Эллерхейне”нинг раҳбари X.Калюстенинг ҳиссаси каттадир. Бу жамоадаги ижрочилик маданиятининг юқори савияда эканлиги - болалар билан яхши ташкил этилган ишнинг бевосита натижасидир.

Хор жамоасидаги машғулотлар натижалари фақат қўшиқ ижро этиш билан чегараланиб қолмаган. Хор жамоасида қўшиқ айтиш болаларнинг ҳис-

туйғулари ва салоҳиятига кучли таъсир кўрсатади, уларнинг маънавий камолотига турткі бўлади. Мусиқа билан шуғулланиш болаларнинг бадиий билим даражасини кенгайтиради, уларнинг дунёни тасаввур қилишларига ёрдам беради. Шахсга бериладиган эстетик тарбиянинг мухим таркибий қисмларидан ҳисобланган хор қўшиқчилигини буюк мазмуни ана шундадир.

Литвада мусиқа таълими

Литвада болалар ва ёшларга бериладиган мусиқий тарбия узоқ ва ўзига хос ривожланиш йўлига егадир. Мусиқий тарбия кўп йиллар давомида фолклор, авлоддан авлодга ўтаётган халқ анъаналарига асослангандир. Литва мусиқа маданиятини ривожлантиришга, кўп асрлар давомида мактаб тарбиясининг асосини ташкил қилган диний мусиқанинг таъсири кам эмас.

XX асрнинг иккинчи ярмида болаларга бериладиган мусиқий тарбия соҳасида ўзгаришлар рўй берди. 1966-йил умумий таълим мактаби ислоҳ қилинди. Болалар мусиқий тарбия услубиёти унинг қоидалари ва мазмунидаги ўзгаришлар мусиқа соҳасида янги ўкув қўлланмаларини вужудга келиши натижада республикада мусиқий тарбия савиясини оширишга сабаб бўлди.

Мусиқа бўйича эски дастурларда болаларнинг мусиқий тарбиясида, тор ва кенг маънода, айрим чекланишлар бор эди. Масалан умумтаълим мактаблари дастурларидан мусиқа назарияси асосий ўрин олган эди, мусиқани тинглаш, болаларга мусиқий чолғуларда куй ижро этиш ўргатилмас эди. Дарсларнинг мазмуни ва услубиёти кўп ҳолларда касбий мусиқа таълим йўналишларини тўғридан - тўғри қайтарар эди. Жаҳон мусиқа тарбияси ва таълим тизимларини дикқат билан ўрганиб чиқсан ливалик мутахассислар барча тизимларда таълимнинг маълум бир шаклига (З.Кодай тизмида-сольфеджио услубида куйлаш қўшиқ, К. Орфда-болалар чолғуларида куй ижро этиш. Кабалевскийда мусиқани эшитиш ва у ҳақида сұхбатлашиш) дикқат-эътибор берилган, деган холосага келдилар. Шунинг учун улар “мусиқий тарбия тизими бир-бири билан мазмuni ва услуби орқали маҳкам бирлашган фаолият турларининг изчиллигига асосланиши керак”- деган фаразни илгари сурдилар.

Шундай қилиб, Литвадаги мусиқа дарслари қуйидаги бўғинларга ажратила бошланди: мусиқани эшитиш, мусиқа ўқуви асосида куйлаш, сольфежио усулида куйлаш, ритмик тарбияси, мусиқа чолғуларида ижро этиш. Ундаги бўғинлар мусиқий тарбия ва таълимда ягона бир тизимни ташкил этди ва айни пайтда ҳар бир бўғин ўзининг мақсадига эга бўлди.

Мусиқани эшитиш - дарснинг керакли қисми ҳисобланади. Мусиқани тинглаш орқали болалар ўқиб, билим оладилар, композиторлар ижоди билан

танишадилар, ешишиб малакаларини ривожлантирадилар. Айни пайтда, Литвалик мутахасислар фикрича, мусиқий тарбиянинг бу шаклига ортиқча баҳо бериш ва мусиқий тарбиянинг бутун тизимини фақат шу асосида тузиш мақсадга мувоғиқ эмас, деб ҳисоблайдилар. Литва мактабида мусиқани тинглаш малакасини ривожлантириш билан бирга қуидаги вазифалар ҳам муҳим деб ҳисобланади: болаларни түғри ва аниқ куйлашга ўргатиш, маълум репертуарга эга бўлиш шунингдек, мусиқа тинглашга қизиқишини уйғотиш.

Мусиқа укуви (саводи) асосида куйлаш мураккаброқ қўшиқларни ижро этиш имконини беради (умумтаълим мактабларида нотага қараб куйлаш мусиқа ўкуви ёрдамида куйлашга нисбатан камроқ ривожланган).

Сольфежио услубида куйлаш эса - мусиқа ўкуви ривожлантиришига, овозни яхшилашга, оҳангларни аниқ ижро этишга ёрдам беради.

Ритмик ҳаракат - товушнинг давомийлигини ва унинг турларини идрок этишининг энг қулай ва таъсирчан йўлидир.

Мусиқа чолғуларида ижро этиш ижодий имкониятларини очилиши ва бойишига ёрдам беради, товушнинг жилвадорлигини ривожлантиради, оркестр янграши билан таништиради ва, ниҳоят, болаларга катта қувонч бахшида этади.

Юқорида санаб ўтилган мусиқий фаолият шакллари нафақат болаларнинг мусиқавий қобилиятларига таъсир кўрсатади, балки уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун ҳам катта аҳамият касб этади. Шундай қилиб, педагогик жараёнда фаолиятнинг ҳамма турлари ягона бир мажмууга бирлашадилар, унда барча таркибий қисмлар бир-бирлари билан яқиндан алоқада бўлади ҳамда бу ўзаро алоқадорлик мусиқа дарсидаги педагогик жараённи ташкил этишининг муҳим қоидаси ҳисобланади.

Мусиқали фаолиятнинг асосий бўғинларидаги ўзаро тенглик - энг муҳим қоидалардан бири ҳисобланади, бунинг устига бу тенглик ўқув материалини мавзулар бўйича тақсимлашда ўз ифодасини топиши керак.

Мусиқа дарслари шароитларининг хилма-хиллиги дарсларнинг қизиқарли бўлишига таъсир этади ва болаларга катта хурсандчилик бахш этади. Таълим мазмуни, ўқув материалини танлаш ва тақсимлаш мусиқий тарбиянинг асосий мақсади — баркамол шахсни тарбиялаш билан бевосита боғлиқдир.

Мусиқий тарбиянинг “литва услуби” самарадорлигининг ёрқин мисоли сифатида Вилнюс ўғил болалари хори “Аюолюкаш”ни олиш мумкин.

Замонавий мусиқа педагогикасини яратиш муаммосини ҳал қилиш, умумтаълим ўрта мактабларида мусиқанинг аҳамиятини аста-секин түғри англашга қаратилган йўл, ҳалқ маданиятининг умумий масалалари ва тингловчини шаклантириш муаммоларига аҳамият берилиши Литва давлатининг мусиқа соҳасига берадиган катта эътиборидан далолат беради.

Хор маданияти (оммавий қўшиқлар байрами, ёш авлодни турли мусиқа жамоалари орқали хор санъатига жалб этиш)нинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиб бориши Литва мусиқа санъатининг етуклик даражасига чиқаётганлигидан гувоҳ беради, халқ ижодини халқаро майдонга чиқишига замин яратмоқда.

Уругвайдагу мусиқа таълими

Уругвайлик педагог ва олим Альсира Легасти де Арисменди мактабгача ёшдаги болаларга фолклор қўшиқлари асосида мусиқий тарбия беришнинг яхлит услубини ишлаб чиқди. Ж.Пияже, А.Валён, Л.Виготскийларнинг психологик назарияларига суюнган ҳолда А.Арисменди мусиқий тарбия амалиётига “фаоллик қоидаси”ни жорий этишни таклиф қилди.

Дунё рухшунослик фанида етакчи деб ҳисобланмиш бу принцип замонавий психологларга ҳодисаларни қайд қилиш ва кузатишдан воз кечиб, шахснинг ривожланиши, унинг ижодий салоҳиятини ошириш учун керакли шарт-шароитларни яратишга имкон беради. Бола ва педагог ҳаракатлари, уларнинг шахсий фаоллиги Арисменди асос солган Бошланғич мусиқа таълимотида етакчи омил ҳисобланади. Мусиқани эшитиш ва тасаввур қилиш боланинг мусиқага бўлган лаёқатини ривожлантиришдаги фаол жараёнга айланди.

Қўшиқ айтиш, мусиқа садолари жўрлигига ритмик ҳаракатларни бажариш, оддий мусиқа чолғулари ёрдамида қўйлашга жўрнавоз бўлиш, шуларнинг барчасига Арисменди мусиқали фаолиятнинг турли шакллари сифатида қарашни таклиф этди.

Кўйлашни Арисменди болалар мусиқий қобилиягининг ривожланишидаги асосий омил, етакчи таркибий қисм деб ҳисоблайди.

Психология тадқиқотларига З.Кодай тизими ва ўзиннинг шахсий амалиётига суюнган ҳолда Арисменди, болаларнинг оҳангни ижро этиш зарурлигини таъкидлайди, яъни улар

учун ўз овози билан қўшиқ айтиб, эшитган товуш оҳангларини қайта янгратиш муҳумлигини уқтиради.

Арисменди болаларни дастлаб секин қўшиқ айтишга ўргатишни тавсия қиласди, айни пайтда бола ўз овозини катталар овози билан таққослаши керак. Кейинчалик бола қўшиқ сўзларини ўргатишда олдин унинг оҳангларини ёки куйни ижро этишни ўргатиши керак. Айникса, болани нафақат қўшиқ айтишга ёки жўр бўлишга, шунингдек, ўз овозини муаллим овози ёки бошқа болалар овози билан таққослашга ўргатиш муҳимдир. Алоҳида тизимни ташкил қилган муайян машқларни эгаллай бориб, бола аста-секин ўз овозини бошқара олади,

керакли оҳангга эриша олади. Шу билан бирга, педагог, албатта, боланинг ёш хусусиятларини, ҳам физиологик нуқтаи назардан, ҳам индивидуал ва мойиллиги нуқтаи назаридан ҳисобга олиши керак.

Болаларнинг мусиқани тинглаш фаолияти бошқа ижодий фаолият турлари билан уйғунлашуви керак: оддий урма чолғуулари (кастанъеталар, тамбуриң, тарелка) да усулларни чалиш, мусиқа садолари жўрлигида жисмоний ҳаракатлар бажариш, фикрлаш ва ҳаёлни ривожлантириш имконини берадиган расм чизиш ва бошқалар. Болалар ташаббускорлигини ривожлантиришга қулай шарт-шароитини яратишда А.Арисменди бўлажак шахснинг ижодий қоблиятларни юксалишнинг бой ва туганмас имкониятларини кўради.

Арисмендининг “Шакллантирувчи ва яратилишни моделлаштирувчи” усули истиқболли метод бўлиб, айниқса амалиёт учун зарур ҳисобланади.

Бу усул психолог ва педагоглар учун боланинг барча қоблиятларни шакллантиришда фаол ва онгли равишда иштирок этиш имконини беради. Агарда ушбу принцип мактабгача тарбия ва мактаб муассасасидаги таълимнинг барча шакл ва кўринишларига тадбиқ этилса, у болани ривожлантириш учун катта имкониятларини очиб беради.

Бу мактабга маҳсус мусиқа мактабига кира олмаган болалар ҳам кирадилар. Мактаб муаллимлари болаларда эркин тасаввурни шакллантирадилар. Ўйинга бўлган интилишни ривожлантиришнинг асосий шаклларидан бири - бадиҳадир. Барча давлат ва мусиқий мактабларда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона дастур асосида олиб борилади. Илмий-текшириш институти қошида мусиқа кабинети кўйлаш учун мусиқа саводхонлигини, тинглаш учун мусиқа ҳажмини белгилаб беради. Мазкур кабинет мактаб ўқитувчилари учун қўлланмалар нашр этишда сифатлилиги билан ажралиб туради. Мусиқа дарслклари хар йили айрим ўзгартириш ва тўлдиришлар билан қайта босиб чиқарилади.

Польшада мусиқа таълими

Польшадаги мусиқий тарбия тизими. Е. Жак-Далькроз ва К. Орфояларига поляк педагогларининг ижодий ёндашуви асосида ривож топмоқда.

Тўлиқсиз ўрта мактабда мусиқий тарбия дарсини биринчи-саккизинчи синфларда ҳафтада бир соат миқдорида мажбурий ўқув фани сифатида, қолган юқори тўрт синфларда эса фақат бир йилда мажбурий, қолган уч йилда еса факультатив тарзида ўтказилади.

Поляк мактаб ўқувчиларининг мусиқий тарбияда асосий мусиқа шакли бўлмиш қўшиқ муҳим ўрин тутади. Қўшиқ билан болалар боғча давридаёқ

танишадилар. Асосий диққат эътибор мусиқий тарбиянинг етакчи шакли ҳисобланган- куйлашга қаратилган.

Шунингдек, репертуар танлашга аҳамият берилади, унинг бадиийлиги мусиқа ва матнлар, болаларнинг ижрочилик имкониятлари ва уларнинг хилмажиллиги ҳисобга олинади. Мусиқий тарбияга оид ўқув дастурларида поляк халқ қўшиқларига кенг ўрин ажратилган, қўшиқ ижро этишдан ташқари болалар, урма чолғулар, флейта, мандолина, гитара, аккордеон каби мусиқа чолғуларида ижро этадилар.

Поляк педагоглари, болаларнинг мусиқали салоҳиятини ижодий тафаккурини кучайтирадиган ижодий амалиётга алоҳида эътибор берадилар.

Болалар ижодий амалиётининг энг қўп тарқалган кўринишлари қўйидагилар:

1. Ўзи яратган ёки берилган куй асосида эркин бадиҳа этиш;

2. Мусиқа қонунларига бўйсунадиган ҳамда онгнинг назоратини талаб қиласидиган бадиҳа.

Поляк педагоглари болаларга берадиган топшириқларнинг турли вариантиларидан кенг фойдаланадилар: маълум ритмдаги бадиҳа (масалан, мақол ва маталларнинг турли вазнлар асосида) ёки полиритмия, полиметрия услубларида куйлаш, куйни берилган усулга ёки поляк халқ рақслари усулларига мослаштириш, маълум (масалан, рондо, вариасия, уч қисмли) композитсион шаклда бадиҳа, шеър ва ҳикояларга бағишилаб мусиқа басталаш. Поляк мактабларида Жак-Далкроз асос солган мусиқа садолари остида ритмик машқлар кенг қўлланилмоқда. Тажриба мактабларининг 1-4 синфларида мусиқий-жисмоний машқларнинг қўйидаги шакллари бажарилади:

1-машқлар ва ритмик ўйинлар бўлиб, уларда муайян вазифалар режалаштирилади, масалан,

мусиқа суръати, динамикаси, ритмикаси ўзгаришига болаларнинг сезгирилигини ошириш;

2 - усул ва жисмоний ҳаракатлардан иборат мусиқа шакллари (уч қисмли, вариасия ва

бошқа)ни яратиш;

3 - тинглаган мусиқа асарларига изоҳ бериш;

4 - ашула ва рақс ўйинлари.

Барча синфларда бир неча дақиқалар давомида мусиқани эшитиш жорий етилган.

Саккиз йиллик мактаблар учун фонотекалар тузилиб унга маҳсус ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар илова қилинган. Мазкур қўлланмаларда турли ёшдаги болаларнинг ижодий тасаввурни ривожлантириш, диққат ва хотирани

фаоллаштириш усуллари тарифланади, ёзиб олинган мусиқа асарларининг таҳлили берилади, композитор ва ижрочилар ҳақида маълумотлар келтирилади. Мусиқани тинглаш жараёни бошланғич синфларда поляк тили дастуридаги муайян мусиқа мавзусига, юқори синфларда эса тарих, география, бадиий ва фуқоролик тарбияси фанлари билан боғлиқ бўлади.

Поляк мактаблари мусиқий тарбия дарсларида мусиқа билан тасвирий санъатларнинг уйғунлашувига эътибор берилади. Шу мақсадда дарсларда мусиқа ва тасвирий санъатнинг уйғунлашган шакллари, шу жумладан, аудиовисуал жиҳозлари ёрдамида кино, телевидение каби турлари қўлланилади.

Хор қўшиқчилиги болаларда тасаввур ва ижодий тафаккурни ривожлантириш, қўшиқ орқали ташқи оламни идрок этиш, дунё ҳақидаги билимларни эгаллаш ва бойитишнинг манбаларидан бири, инсонпарварлик тарбиясининг таркибий қисмларидан бири сифатида таърифланади. Хор жамоасида қўшиқ айтиш замонавий инсон учун зарурият ҳисобланади.

Евropa, Америка ва Осиё мамлакатларидаги мусиқий тарбия шакл ва тизимларини таҳлил қилиб, ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари ҳақида хuloscha чиқариш мумкин.

Ижобий томонлардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: мусиқа материалининг асоси сифатида халқ мусиқасидан кенг фойдаланиш; мусиқа ўкуви, ритм, хотирани ривожлантириш, мусиқа саводхонлигини ошириш ўзасидан оммабоп усулларни тадбиқ этиш, мусиқа ўқитувчиларининг педагогик тарбиясига жиддий эътибор бериш, ўқитувчилар мусиқий тайёргарлигининг мақсадга мувофиқ усулларини қидириб топиш, таълимда техник воситаларидан кенг миқёсдан фойдаланиш.

Хориждаги мусиқий тарбия соҳасидаги салбий ҳолатлар, зиддиятлар, асосан, мусиқа ўқитувчиларнинг тайёрлаш жараёнида, шунингдек, умумтаълим мактабларда ягона ўкув режалари ва дастурларининг йўқлигига намоён бўлмоқда.

Жаҳон мусиқий тарбия тизими бугун изланишлар босқичидадир. Унда мавжуд бўлган турли мақсад ва вазифаларига қарамасдан мусиқий тарбиянинг умумий томонларини ҳам кўрсатиш мумкинки — унинг асосини ижодий ва асосан жамоавий (оммавий) мусиқа ижроси ташкил килиш керак.

Болалар мусиқий тарбиянинг энг янги усуллари билан танишиш, тажриба алмашиш, учрашув, семинар, анжуманлар, болалар хор жамоалари кўрикларини ўtkазиш ва бошқа чора- тадбирлар болалар мусиқа таълими ва тарбияси соҳасида жадал ривожланишга олиб боради.

Ҳозирда, ИСМЕдан ташқари, консерватория ва мусиқа академияларининг Европа Ассоциацияси ва Умумжаҳон хор федерацияси ташкил қилинган. Ушбу халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш юртимизнинг мусиқа педагогикаси, мусиқий тарбия назарияси ва амалиётининг бундан кейинга ривожланиши ва мукаммаллашуви учун зарур бўлган илгор услубиётнинг эгаллашда муҳим ўрин тутади.

Савол ва топшириклар:

1. *Борис Тричков қандай услуб ишилаб чиққан?*
2. *Венгер мусиқа таълим-тарбиясига З.Кодай қандай ҳисса қўшиди?*
3. *Карл Орф ва Жак Далькrozларнинг ишилаб чиққан услублари ҳақида гапириб беринг.*
4. *Пьер ван Хаувенинг қандай услуби мавжуд ва ундан қайси фаолиятларда фойдаланилади?*
5. *Лотин Америкасида Мусиқа таълими жараёни ва унинг асосчиси ким?*
6. *Польшада мусиқа таълими тизими ва ундаги усул ва услублар ҳақида сўзлаб беринг.*
7. *Россиялик педагог Д.Кабалевскийнинг “уч кит”и ҳақида сўзлаб беринг.*
8. *Чехияда қўлланиладиган таълим тизимининг ўзига хос услуби.*
9. *Эстонияда ўказиладиган байрамлар ва уларнинг аҳамияти.*
10. *Судзуки услуби ва унинг афзал томонлари ҳақида гапириб беринг.*

В БОБ. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУСИҚА ТАРБИЯСИ ТИЗИМИ

Синфдан ва мактабдан ташқари мусиқа тарбияси шакллари

Синфдан ташқари мусиқий тарбиянинг асосий мақсади, ўқувчиларни, иложи борича, кўпроқ оммавий ва тўгарак ишларига жалб этиб, уларни дунёқарашини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий дидини ўстириш, табиатга, Она ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини оширишдир. Мазкур мақсадни амалга оширишда мактабларда мусиқа дарсларидан ташқари, оммавий ва тўгарак ишлари олиб борилади. Синфдан ташқари мусиқа тарбиясини иккита шакли мавжуд;

1. Мусиқа тарбиясининг оммавий шакли
2. Мусиқа тарбиясининг тўгарак шакли

Синфдан ташқари мусиқа тарбиясининг оммавий шаклида болаларни мусиқий ўқувини текширувдан ўтказмай, ялпи тарзда жалб этишни тақозо этади. Буларга, қўшиқ байрамлари, «Мусиқа ҳафталиги», «Ўзбекистон ватаним маним», «Илҳом чашмалари» кўрик танловларидан; ижодий учрашувлар, театр ва концертларга саёҳат, «Алифбе» байрамларига, шоир ва бастақорлар билан учрашувлар киради. Аммо, буларнинг ҳар бирига болаларни ёши, қизиқишига қараб, олдиндан тайёрлаб борилиши керак. Бу тадбирларни ҳар бирини юксак бадиий дид билан ташкил этиб, амалга ошириш, чинакам бадиий-мусиқий байрам руҳини касб этиш лозим.

Мусиқа ўқитувчисининг оммавий ишлар режаси, мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Оммавий, мусиқий ишлар режаси, мусиқа ўқитувчиси ва мактаб тарбиявий ва маънавий ишлар мудири, мактаб етакчиси билан ҳамкорликда, ўқувчиларнинг ёшига, қизиқишига, байрамлар, учрашувлар, тадбирларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бунда ўқувчиларнинг мусиқий ўқуви, қобилияти ҳисобга олинади. Оммавий мусиқа машгулотларининг ҳар бири, аниқ ишлаб чиқилган режа, асосида амалга оширилмоғи лозим. Бунда ҳар бир машгулот турига қараб, унинг асосий мақсади, хусусияти, репертуар мазмуни, мактаб имкониятлари, таклиф этилган меҳмонлар ҳисобга олиниб, ўқувчиларни жалб этилади. Тўгарак ишларини эса, иш режасини мусиқа ўқитувчисининг ўзи, ўз ҳоҳиши ва имкониятларига қараб, мустақил тарзда тузади. ўқитувчи тўгарак ишларига ўқувчиларни мусиқий қобилияти, ҳоҳиши-истаги, қизиқиши, овозига қараб танлаб олади ва турли хил тўгараклар тузади. Ҳафтасига 2-3 бор тўгаракни гурухларга бўлиб ишлайди. Тўгарак ишларининг асоси мусиқа дарсидир. Тўгарак ишларига қобилиятли, қизиқувчан, мусиқа дарсларида актив

қатнашадиган ўқувчилар танлаб олинади. Дарсда хар бир боланинг лаёқати, қизиқиши ҳисобга олиниб, у ёки бу мусиқа тўтарагига жалб этилади. Тўгарак фаолияти активлаштирадиган нарса бу мактаб сахнасидир. Ўқувчилар тадбирларда, кўшиқлар, ракслар ижро этиб, мактаб жамоаси олдида эътибор қозониб, ноҳия, шаҳар, республика кўрик-танловларида қатнашадилар. Бу уларни ўз меҳнатидан завқланиши ҳис-туйғуларни Она-Ватанга муҳаббат, мусиқа санъатига ҳурмат, дўстлари орасида меҳр-муҳаббат туйғусини ошириб боради. Синфдан ташқари тарбиявий ишларда ўқитувчи ўз имкониятларига қараб, турли тўгараклар тузиш мумкин:

1. Хор жамоалари.
2. ВЧА (вокал-чолғу ансамбллари).
3. Ашула ва рақс ансамбллари.
4. Вокал ансамбллари.
5. Чолғучилар ансамблли (дуторчилар, рубобчилар, дойрачилар).
6. Рақс ансамбли.
7. Оркестр (дамли, ҳалқ чолғу асбоблари оркестри).
8. Яккахон қўшиқчилар.

Мактабдан ташқари мусиқавий тарбия шаклига болалар мусиқа мактаблари, болалар ижодиёт марказлари, ўқувчилар саройлари, болалар театрлари, музейлар киради. Мазкур муассасаларга қатнашадиган болалар ҳам ўқитувчи назоратида бўлиб, мактаб мусиқа ҳаётига уларнинг актив қатнашувларини таъмин этиш лозим. Мактаб ҳаётида мусиқа ўқитувчисининг ўрни бекиёсдир. Мусиқа дарсларидан ташқари, замон талабига мос равишда тадбирлар тайёрлаб, ўқувчиларда санъатга бўлган қизиқиши ривожлантириши лозим.

1920-90 йиллардаги мусиқа ўқитиши методикаси

Ўзбек ҳалқи кўп асрлик тараққиёт тарихига эга бўлган анъаналар соҳибидир. Ўзбек мусиқа санъатининг иддизлари қадим замонга бориб тақалади. Қадим маданиятнинг кўпдан-кўп обидалари буюк ўзбек мутафаккирлари, шоирлари, ёзувчилари, улуғ даҳолари Ал-Фаробий, Абу-Али ибн Сино, Навоий, Жомий, Низомийлар лирикасида, кейинчалик эса ўзбек шоирлари ва маърифатпарварлари Муқимий, Фурқат, Ҳамза асарларида мусиқа тарбияси ва таълим бериш борасида талайгина қизиқарли фикрлар билдирилган.

Мусиқа таълим мининг ривожланишига ниҳоятда катта аҳамият берган, ўрта Осиёлик машхур мусиқачилар орасидаги олим Мухаммад Фаробий ёш

авлодни тарбиялаш ва ўқитиши масалаларига, этика ва эстетика масалалари га кўплаб илмий ва амалий ғоялар билдириган. У шунингдек, мусиқа назариясининг асосчилари дандир. Таниқли тожик олими, мусиқачиси, файласуфи Жомийнинг «Рисолаи дар илми мусиқий» номли китобида, композиция, лад, ритм нисбатлари ҳақида ёзган.

Ўзбек шоири, мутаффакири А.Навоий мусиқа санъати соҳасида ниҳоятда катта билимга эга бўлган эди. Унинг мусиқавий-эстетик қарашлари «Саббаи-Сайёр», «Махбубул қулуб», «Ҳамса» ва бошқа асарларида акс этган.

Ўзбек ҳалқининг мусиқа маданияти ҳалқ ва касбий ижод маҳсули бўлган мусиқа асарлари, оғиздан-оғизга ўтиш асосида асрлар давомида тўпланган анъана замирида ривожланган. У бизгача ҳофизлар, мусиқачилар, бахшилар орқали етиб келган. Унга ҳалқ ижодининг энг яхши намуналари ҳамда профессионал ижрочилар томонидан чалинган мусиқа асарлари кирган. Сўнгти йилларда, олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари XVIII асрда ўзига хос нота ёзуви бўлганидан, лекин факат, мусиқа фольклари эмас, балки ўзбек ҳалқининг профессионал мусиқаси ҳам 1920 йилларга қадар асосан оғиздан-оғизга ўтиши йўли билан тарқалган.

Шунга қарамасдан, мусиқа, ўзбек ҳалқи ҳаётида муҳим ва катта ўрин эгаллаган. Ҳалқ оммасининг маданиятини яратшттдаги иштироки турлича характерда эди. Аввало савод чиқариш ҳаракати кенг қулоч ёйди, чунки, аҳоли ёппасига саводсиз бўлган. Ҳалқнинг саводсизлигини тугатиш ҳамда, ҳалқ маорифининг, янги тизимини яратиш, жамиятни маънавий қайта қуриш асосий вазифа бўлиб ҳисобланди. Ўзбекистонда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш иши ҳалқ маорифи тизимида асос қилиб олинган эди. Тарбиявий ва таълим ишлари, диний муассасаларни ажратиш ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек 7 йиллик мажбурий бепул ўқитиши жорий қилинди. Ишчи ва ўқувчи ёшлар орасида ҳаваскор «духовой» оркестрлар кенг тарқалди. Бу оркестрлар биринчи маротаба 1918 йилда ўзбек умумтаълим мактаблари қошида ташкил этила бошлади. Кейинчалик эса, мусиқа жамиятлари ва хусусий тарздаги мусиқа дарслари Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўла бошлади. Кўқондаги мактабларда ўзбек мусиқасининг машҳур тарғиботчиси X.X. Ниёзий, Тошкентда Абдулла Авлоний, Самарқандда Абдуқодир Шакурийлар бўлишган.

Ҳамза ўзи очган мактабларда барча фанлардан ўзи дарс берган ва шу билан бирга «Енгил адабиёт», «Ўқишиш китоби» каби дарсликлар яратди.

Абдулла Авлоний фаолияти алоҳида дикқатга сазовардир. 1908 йилда Тошкентнинг Миробод, Дегрез маҳаллаларида болаларни она тилида ўқитиши учун мўлжалланган мактаб очган, кейинроқ 1919 йилни сентябрида Туркистон республикасида Ҳалқ маорифи Комиссарилиги тузилган бўлиб, у бир қанча

бўлимларни ўз ичига олган. Булар ичида санъат бўлими алоҳида эътиборга сазовор эди. ўз навбатида унинг ички бўлимига мусиқа (Музо), театр (Тео), таъсвирий санъат (Изо) бўлимларига ажралган.

Мусиқа бўлими Туркистон республикасида мусиқа тарбияси ва таълимини шакллантириш ёш авлодни мусиқа маданияти дурданалари билан таништириш масаладари қўйилган эди.

1921-22 йилларда маориф институтлари қошида, фабрика ва завод тўгараклари ҳамда мактаблар қошида ҳавоскорлик тўгараклари ташкил этила бошлаган эди. Шунинг учун ёшлар орасида ҳаваскор «духовой» (пуфлаб чалинадиган мис чолғу асблоблари) оркестрлар кенг тарқалган. Чунки, уруш йиллари духовой мусиқа маҳсус рамзий маъно касб этган эди. Бу даврда Ҳамза жуда фаол қатнашиб, Фарғонадаги мактабларнинг бирида у ашуладан дарс берди. Бўш вақтларида ота-оналар билан ишлаб, савод чиқариш ва мусиқа ҳақида тушунтириш ишларини олиб борди. Аҳолининг кенг қатлами орасида мусиқа таълимига қизиқиш кучая бошлади. Ўрта Осиёда дастлабки, мусиқа ўқув юрти 1917 йили Туркистон халқ консерваторияси очилди. 1919 йили Самарқандда консерватория ташкил этилди. Кейинроқ халқ консерваториялари, маҳсус ўқув юртлари мусиқа техникумларига айлантирилди. 1936 йили Тошкетда Халқ консерваториялари қайта ташкил этилди. Маҳсус ўқув юртлари билан бир қаторда мусиқа мактаблари, мусиқа ўқитувчилари тайёрлайдиган инструкторлар курслари очилди. Туркистон мактаблари учун дастлабки, ўқув дастурлари ва режалари яратилди. Етти йиллик ўрта ва уч йиллик бошланғич мактаблари учун дастурлар яратилди.

Мусиқа дарслари мажбурий дарс тариқасида киритилган бўлса ҳам, баъзи ҳолларда «бўш» соат бўлиб, ундан мактаб маъмурияти ўз билганича фойдаланди. Кўп жойларда маҳсус дарсликлар, методик қўрсатмалар йўқлиги сабабли, мусиқа дарс соатлари анча камайтирилди. Мусиқа тарбиясининг ташкил этишининг самарали йўлларини излаш лозим эди. Бунинг учун 40-йилларнинг охирида мусиқа дастури мактабларига мослаб қайта ишлаш ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ишлари бош вазифа қўйилди. Мусиқа маорифининг янада ривожланиши ҳамда профессионал мусиқа таълимининг шакилланиши учун замин яратилди. ўзбекистонда 1941 йилнинг 7-11-январ кунлари республикамизда тарбиявий ишларга бағишлиланган биринчи педагогик конференция ўтказилди. Унда мактабларда етарли микдорда мусиқа ўқитувчилари йўқлиги болалар хори камлиги ҳақида ўқитувчиларни малакасини оширишга жиддий эътибор бериш кераклиги ҳақида таъкидлаб ўтилди.

Шундан кейин, мусиқа таълими соҳасида жадал ишлар олиб борилди. Мусиқа мактаблари юзага келди. Техника ва маориф институтлари, техника билим юртлари ташкил этилди, Болалар мусиқа мактаблари, ўқувчилар саройлари, ҳаваскорлик тўгараклари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта ўқитиш штитутлари, илмий-текшириш институтлари очилди. Мусиқа таълими тизимида жиддий қайта қуриш ишлари амалга оширилди.

1960-61 ўқув йиллари Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтида «Мусиқа назарияси ва чолғу асбоблари чалиш» кафедраси ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида мусиқа ўқитувчилари тайёрлайдиган маҳсус «Мусиқа» факультети очилди.

Шунингдек, вилоят педагогика институтлар ҳузурида мусиқа педагогика кафедралари тармоқлари кўпая бошланди. 60-70 йилларда ва 80-йиллар бошида халқ маорифи тизимида мусиқа ўқув юртлар сони янада ортиб борди. Ёш мусиқачилар «Санъат, байрами», «Ёш ижроҷилар конкурслари», «Болалар мусиқа ҳафталиги», «Марҳабо талантлар», «До, ре, ми, фа, соль», телекўрсатувлари, Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоси орқали болалар мусиқий кўрсатувлари мусиқа таълими ва тарбиясини тарғибот қилишда мунтазам ишлар олиб борилди. Халқ маорифи вазирлиги ўқувчи ва талабаларга эстетик тарбия бериш соҳасида катта ишларни амалга ошириди. Янги дастурга утиш муносабати билан тупламлар, тавсияномалар, умумий таълим мактабларида «Мусиқа маданияти» фанидан 1-7-синфлар учун дарсликлар чоп этиш бош вазифа қилиб қўйилди. Жумладан, «Мусиқа алифбоси», «Мусиқа дарслиги» ва бошқалар Республика умумий таълим мактабларини малакали кадрлар билан таъминлаш асосий масала бўлиб қолди. Янги дастур бўйича дарсларни олиб бориш учун умумий таълим мактабларида малакали ўқитувчилар раҳбарлик қилдилар 1985-86-ўқув йилларда “...мусиқа хоналари ташкил этилсин улар техник воситалари билан, мебель, маҳсус мусиқа маълумотига эга бўлганлар амалиётчи-студент бўлиб, улар ускуналари билан мусиқали чолғу асбоблари билан таъминлансан”-деган, қарор қабул қилинди.

1986-87 йилларда мусиқа ўқитиш методикаси бўйича республика семинари ўтказилди. Шунингдек, янги дастур, дарсликлар нашр этилди. Ушбу маълумотлар мусиқа маданияти марказига узоқ вилоятларда шаҳарларда мусиқа таълимотини тарғиб қилиш воситаларига айланди.

Ёш педагогларнинг ижоди туфайли ўзбек болалар мусиқаси ривожланди, мусиқа орқали, ўқувчиларнинг маънавий дунёси шаклланди. Республикаизда ҳар йили «Ўзбекистон – ватаним, маним», «Илҳом чашмалари», «Кўшиқ байрам»ларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўзбекистонда мусиқа ўқитиши методикасини ривожлантиришда янги дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар яратишида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришида Д.Омонуллаев, Х.Нурматов, О.Иброҳимов, О.Файзиев Ш.Ёрматов, А.Мансуров, Қ.Мамиров, Н.Норхўжаев каби олимлар, композиторлар ва тажрибали ўқитувчилар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳозирги кунда мусиқа маданияти ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин эгаллади.

Мусиқий тарбиявий ишларнинг оммавий шакллари

Синфдан ва мактабдан ташқари мусиқий-тарбиявий ишларнинг оммавий шакллари маҳсус тайёргарликка, кенг, алоҳида лаёкатга эга бўлмаган, мусиқий билим ва малакалари етарлича шаклланмаган болалар жамоасини назарда тутади. Болаларга мусиқий тарбия беришининг оммавий шакллари – мактаб ўқувчиларининг мусиқий қобилият даражасидан қатъи назар амалга ошириладиган таълимий ва тарбиявий тадбирлар тушунилади. Улар вақти-вақти билан ўтказилиб, маълум бир ўқув режасига асосланмайди.

Синфдан ва мактабдан ташқари оммавий мусиқий ишларга маърузали концертлар, мусиқали (шу жумладан, опера) спектакларини жамоа бўлиб томоша қилиш, оммавий мусиқа байрамларини ташкил этиш, фестиваллар, карнаваллар, кўрик-танловлар киради. Мана шундай тадбирлар жараёнида мусиқа педагоглари мусиқий қобилияtgа эга бўлган болаларни ажратиб олишга ҳамда уларнинг мавжуд билимларини янада ривожлантиришга, уларда мусиқий-эстетик туйғуларини уйғотишга ва такомиллаштиришга ёрдам бериши керак.

Мазкур ишларни амалга ошириш йўлидаги дастлабки тадбирлар 1940-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўтказилаётган, қўп сонли болалар оммасини қамраб олган болалар бадиий ҳаваскорлик кўрик-танловлари эди. Кўрик-танловларни ўтказиш жараёнида кўпгина умумий ўрта таълим мактабларида хор жамоалари ташкил этилган. Ушбу тадбирлар мактаб ўқувчилари орасида хор қўшиқчилиги санъатининг оммалашиб кетишига сабаб бўлди.

Е.А.Гудкова раҳбарлигига “Ўсмиrlар ва болалар” саройида ташкил этилган ўзбек ва рус болалар хор жамоалари ушбу кўрик-танловларнинг илк нишондорларидан бўлганлар. Ўзбек болалар хори таркибида меҳрибонлик

уйлари тарбияланувчилари ҳам бор эди. Бу жамоа Е.Шварцнинг «Жаннат» номли болалар операсиниш саҳналаштиришда иштирок этишган.

1954 йилдан мунтазам равишида ҳар йили болалар олимпиадалари ўтказила бошлади. Бу тадбирларнинг барчаси болалар хор ижрочилиги ривожига улкан ҳисса қўши.

1960-70 йиллари болалар оммавий бадиий ҳаваскорлик ишлари авж олиб кетди. Кўпгина қўрик танловлари, байрамлар, олимпиадалар ўтказила бошлади. Аксарият ҳолларда, тадбирлар мусиқий спектакллар элементларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда намойиш этилди.

Ҳозирги кунда ҳар йили педагогика билим юртларидағи бадиий ҳаваскорларнинг 12 та жанр бўйича қўриклар, олимпиадалар ўтказилмоқда. Мана шу қўрикларда ғолиб чиққанлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг I, II, III даражали дипломлари билан тақдирланиб келмоқдалар. Қўрик-танловлар уч босқичда ўтказилади:

1-босқич – туман ва шаҳарлар бўйича;

2-босқич – вилоятлар бўйича;

3-босқич – Республика бўйича республика қўрик-танловлари мусиқий-ижрочилик ва ғоявий жиҳатдан юқори савияда ўтади. Танловнинг ҳар бир иштирокчиси мусиқа-ашула ижрочилигига фаол қатнашиши туфайли санъатнинг ижобий таъсиридан баҳраманд бўлади. Лекин қўрик-танловнинг тарбиявий аҳамияти шу билан чегараланиб қолмай, кўпчилик тингловчиларни мусиқа маданиятига жалб этади, уларнинг маънавий ҳамда эстетик савиясига жиддий таъсир кўрсатади.

Бадиий ҳаваскорлик тўғараклари кенг меҳнаткашлар оммаси орасида фаол иш олиб бормоқдалар. Жамоа хўжаликларида, завод ва фабрикаларда, шунингдек, халқ хўжалигининг турли корхона, ташкилот бирлашган жамиятларида концертлар бермоқдалар.

Оммавий мусиқий тарбияда болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган маъruzали концертлар алоҳида аҳамиятга эга. Бундай концертларни ташкил этиш, мазмунли ўтказишида Ўзбек филармониясининг, шунингдек, маҳсус мусиқа ўқув юртларининг ҳиссалари катта.

Жумладан, мактаб ўқувчилар учун филармония томонидан ташкил этилган мусиқали маъruzалар (лекторий) тизимида хор санъати намуналарининг тарғиботига катта аҳамият берилган. “Биз куйлашни биламиз”, “Ўзбекистон композиторлари”, “Ўзбекистон шоир ва композиторлари — болалар учун”, “Мусиқали шакл ва жанрлари”, “Қўшиқ ҳақида гаплашамиз”. «Йилнинг энг яхши қўшиклари” каби маъruzали концерт дастурларида оммавий болалар

қўшиқлари, М.Бурхонов, С.Юдаков, Ф.Назаров, Б.Гиенко, Б.Умиджонов, Д.Сайдаминова ва бошқа композиторлар хор асарлари ижро этилган.

Ўзбекистон давлат консерваторияси томонидан ҳам кўп йиллар давомида турли ёшдаги мактаб ўқувчилар учун маъruzали концерт ва мусиқали учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Бу ишларга кўп йиллар давомида маъсул бўлган М.Артишевская, шунингдек консерваториянинг кўпгина бошқа мусиқашунослар мусиқа ҳақида қизиқарли ва болаларга тушунарли тарзда маъruzалар ўтказмоқда, буларнинг жараёнида жаҳон халқлари ҳамда Ўзбекистон мусиқа намуналари ижро этилмоқда.

Мусиқий тўгараклар

Синфдан ташқари мусиқий тарбия ишлари мактабнинг турли тўгараклар - хор, чолғу ижрочилиги, якка қўшиқчилик, турли ансамбларни ташкил килиш шаклларида амалга оширилмоқда.

Чолғучилик тўгараклари

Ўзбек халқ мусиқаси ҳамда миллий мусиқамизни англашдаги энг муҳим воситалардан бири ўзбек чолғулар бўлиб, “чолғучилик” тўгараклари ушбу вазифани бажаришда ёшларни тўғри йўналтирувчи омиллардан бири саналади. Якка чолғу ижрочилиги тўгараклари мусиқани ўрганишга интилаётган болаларга билим олиш имкониятини беради. Мактаб тўгарагига ёши ва мусиқа тайёргарлиги савиясидан қатъий назар, хоҳлаган бола келиши мумкин ва бу мактаб мусиқа ҳаётининг барча шаклларининг самарадорлигини қўтаришига кўмаклашади.

Чолғучилик тўгараклари бирор бир миллий чолғуда ижро этиш малакаларини шакллантиришга ва мазкур чолғу ёрдамида дастур тайёрлашга қаратилган бўлади. Шунингдек, машғулотларда миллий чолғуларнинг келиб чиқиш тарихи, ижрочилик имкониятлари, тембр хусусиятларини тўла-тўқис очиб бериш, улар орқали миллий мусиқамизнинг лад ва оҳанглари, усул хусусиятларини тўғри идрок этишга ўргатади. Дастлаб ижро чолғуси ҳақида тушунчалар берилади. Сўнг бошқа созлар – яккапарвоз, жўрпарвоз, чолғу ансамбли ва оркестр ҳақидаги маълумотлар бериб борилади.

Шу тарзда миллий мусиқий жанрлар: касбий ва оммавий жанрлар ҳақида тушунчалар берилади. Касбий ижодиёт намуналаридан – катта ашула, мақом,

достончилик, оммавий жанрлардан – лапар, ялла, терма, аллалар, ёр-ёрлар ва болалар қўшиқлари ҳам амалий ҳам назарий жиҳатдан ўргатилиб борилади.

Чолғучилик тўгаракларида ўқувчиларни нафақат чолғу асбобида ижро этиш, балки уларни маънавий, эстетик, маданий ва жисмоний ривожлантиришга кучли эътибор қаратилади.

BЧA (вокал-чолғу ансамбллари) фаолияти

Вокал-чолғу гуруҳлари ва вокал-эстрада студиялари бугунги кунда мактаб ўқувчиларини мусиқага жалб этишнинг энг оммавий шаклига айланиб кетди. Баъзан эса улар мусиқали-маърифий ишларнинг марказига айланиб, ёш авлодни замонавий мусиқага жалб этиб, унга бўлган қизиқишини уйғотмоқда, яхши мусиқавий дидни тарбиялашига хизмат қилмоқда. Аммо кўп ҳолларда, уларнинг фаолияти жамиятимизнинг маънавияти ва ахлоқига ёт бўлган, бадиий ва мусиқий сифати жиҳатидан талаб даражасида бўлмаган намуналарни оммалашувига сабаб бўлмоқда.

Ўқувчиларнинг мактабда вокал-чолғу ансамблни тузиш ташаббусларини кўллаб-куватлаган ҳолда, ўқитувчи уларга ижобий таъсир кўрсатадиган асарларни танлашига ёрдам бериб, болаларнинг фаолиятини тўғри йўлга қаратмоғи лозим.

Вокал-чолғу ансамблларининг оммавий мусиқий тарбиядаги аҳамияти ижобий ёки салбий характерда бўлиши уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари, шунингдек, улар фаолиятининг мазмуни ва моҳиятига боғлиқдир.

Оркестр жамоалари. Афсуски, оркестр жамоалари моддий ва ташкилий жиҳатдан қийин ахволда эканлиги сабабли, мактаб ҳаётида камдан-кам ҳолларда ташкил этилади. Оркестрда иштирок этиш болалар ва ўсмирлар бўш вақтини ўтказилишининг сермазмун шаклларидан бири бўлиб, уларда эстетик ва фуқаролик туйғуларини тарбиялайди. Мактабларда турли хил – симфоник, камер, пуфлама, ўзбек ҳалқ чолғу асбоблари оркестрларини ташкил этилиши шахснинг маънавий шаклланишида муҳим омил хисобланади.

Мақомчилар (миллий мумтоз мусиқа) ансамбли жонли ва таъсирли воситаларнинг бой мажмуига эга бўлган миллий санъатнинг энг муҳим кўринишларидан биридир. Ёш авлод вакилларининг анъанавий мусиқа ансамблларига қатнашлари миллатнинг руҳияти ва маънавиятини шакллантиришга, ҳалқ маданиятининг анъаналари, унинг бебаҳо қадриятларини ўрганишга ёрдам беради.

Мақомчилар ансамбллари асл миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва кейинги ривожланиши учун муҳим захира бўлиши мумкин.

Яккахонлик тўгараги 1930-50 йилларда кенг тарқалган эди, кейинги йилларда эса улар алоҳида гурӯҳ сифатида жамоадан ажратилмайди, чунки уларнинг асосий вазифаси яккахон қўшиқчиларни эмас, балки хорда ашула бошловчиларни тайёрлашдир. Одатда улар хор жамоаларда қўшиқ айтадилар ва алоҳида машғулот ўтказадилар.

Болаларнинг якка қўшиқчилиги, анчадан бери, мусиқашунос-педагогларнинг диққатини жалб этиб келмоқда ва бу борада икки хил фикр бор. Биринчи йўналиш тарафдорлари, болаларнинг қўшиқ айтиши табиий ҳодиса деб ҳисоблайдилар. Аммо, уларнинг фикрича, болаларда овоз аппарати ҳали тўлалишча шаклланмаган бўлса-да, уларни қўшиқ айтишга ўргатиш мумкин эмас. Овоз аппаратининг дастлабки кўникмалари у ўзгаргандан сўнг кераксиз бўлиб қолади.

Бошқа йўналиш вакиллари эса — балоғат ёшида болалар овози ўзгаради (мутация), деган фикрга кўшилган ҳолда, барибир болалик чоғида машғулот ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Уларнинг таъкидлашича, қўшиқчилик фаолияти нафақат овоз аппарати, балки куйловчининг онгига ҳам боғлиқдир, чунки қўшиқчилик малакалари ҳалқумда эмас, байки мияда шаклланади. Бу ҳол эса овоз ўзгаргандан кейин ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бу нуқтаи назар тарафдорлари кейинги йилларда кўпайиб бормоқда.

Хор тўгараги

Мусиқа дарси ва синфдан ташқари машғулотнинг асосий мақсадлари бир-бирига яқин бўлган чоғда ҳам хор тўгараги ўзига хос хусусиятларга эгадир. Биринчи навбатда, бу болаларнинг турли ёшга мансублигида намоён бўлади. Қўйи синф хор гурӯҳлари, кўпинча, 1-4, яъни бошланғич синф ўқувчиларининг, ўсмирлар гурӯҳи ёки 4-9 синф ўқувчиларини бирлаштиради ёки 4-6, 7-9 синф ўқувчилари гурӯҳларига бўлинади.

Жамоадаги хор-ижрочилик инш нафақат алоҳида эътиборни, балки мунтазам равишда болаларга таълим беришини ҳам талаб қиласиди. Машғулотлар давомийлиги хор тўгараги қатнашчиларининг ёшлирига боғлиқдир. Амалиёт кўрсатадики, кичик хор гурӯҳи билан ҳафтада икки марта 45 минутдан машғулот ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ўсмирлар хор гурӯҳи эса танаффус билан икки академик соатдан шуғуланиши мумкин.

Хор тўгарагида болалар учун қулай ва қизиқарли, уларнинг ақл ва руҳиятини бойитадиган, ижроси енгил бўлган асарларнинг танлаши катта ахамиятга эгадир.

Синф ва хор тўгарагидага иш усуллари кўп ҳолларда бир-бирига ўхшаб кетади (масалан, асар билан танишиш, унинг қисқа таҳлили, қўшиқни жумлаларга бўлиб ўрганиш ва ҳоказо), аммо хордаги машғулот жараёни нотага қараб куйлаш, асар ёзувини эшиттириш ҳамда ўзининг ижросида эшитиш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси репертуарни чукур ва тез ўзлаштиришига ёрдам беради.

Мусиқий олимпиадалар

Мусиқий олимпиадалар мактаб, туман, республика миқёсида ўтказилиши мумкин. Бу олимпиада ўтказишининг босқичлари ҳисобланади. Олимпиададан кутилган мақсад - мактаб ўқувчиларини мусиқа савияси ва эстетик маданияти даражасини аниқлаш, ўқувчиларнинг мусиқага бўлган қизиқишлигини фаоллаштиришdir. Мусиқа олимииадаси мактаб ўқувчилари билан ўтказиладиган ишнинг энг оммавий кўриниши бўлиб, оғзаки ва ёзма шаклларда ўтказилиши мумкин.

Олимпиаданинг биринчи босқичи – бу мактаб дастури асосида ўқувчиларни мусиқага оид билимларини текшириш бўлиб, мактаб босқичи ҳисобланади, кейин туман, шаҳар ва республика босқичлари ўтказилади. Тажриба шуни кўрсатадики, бу шакл болалар фаолиятининг оддий ва тушунарли шаклларидан бўлиб, уларни қизиқтиради ва фаоллаштиради.

Бу иш нимадан бошланади? Ўқув йилининг бошида туман услубиётчилари билан йиғилиш ўтказилиб, унда мактаб ва туман босқичларини ўтказиш усуллари баён этилиб, тавсиялар берилади, ҳайъат аъзолари белгиланади.

Олимпиадада мактаб ўқувчиларига таклиф этиладиган саволлар мактаб дастури бўйича ўрганиладиган мусиқа асарлари ва мусиқа назариясига оид билимлар асосидаги билимларни ўз ичига олиши керак. Мактаб босқичининг давомийлиги - 45 минут, саволлар сони эса 5 тадан-10тагача бўлиши мумкин.

Мактаб босқичи – бу синфлар ўртасидаги мусобақа бўлиб, мусиқа дарсларида олинган билимларнинг пухталиги текширилади.

Иккинчи – туман босқичида мактаб танловида ғолиб чиқкан ўқувчилар иштирок этадилар. Туман босқичида таклиф этиладиган саволлар ҳам дастур талабларидан четга чиқмаган ҳолда, уларнинг баён этиш шакли мураккаблаштирилган бўлади. Туман олимпиадаси ҳам мактабда бўлгани каби ёзма равишда ўтказилади, аммо уни оғзаки усулда: ижодий мусиқа ўйинлари, хазиллар, мусиқали топишмоқдар билан тўлдириш мумкин.

Туман босқичи мусиқий билимларнинг ҳажми ва теранлигини аниқлашга, уларни янги мусиқа материалида синаб кўришга ёрдам беради. Туман босқичида ғолиб чиқкан ўқувчилар шаҳар олимпиадасида иштирок этиш учун тавсия этилади.

Шаҳар хайъат аъзолари таркибига мусиқа-педагогика олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек шаҳарнинг энг яхши мусиқа ўқитувчиларини киритиш мумкин. Саволлар сони 9-10 тагача етади, шуни назарда тутиш керакки, улар изчиллик принципи асосида тузилган бўлиб, аввал осонлари, сўнгра қийинроқлари берилади. Саволлар ўқувчилардан нафақат маълум бир саволларни билишни, балки мусиқа ҳақида ўйлаш, фикрлашни талаб қиласди (масалан: мақомнинг катта ашуладан, балетнинг операдан, концертнинг симфониядан қандай фарқи бор ва нима учун? ва ҳоказо).

Олимпиада тугаган захоти ёзма ишлар текширилиб, энг кўп балл тўплаган қатнашчилар ғолиблар деб эълон қилинади. Ғолибларга балларнинг ҳажмига қараб I, II, III даражали дипломлар берилади. Олимпиадалар ўтказилиши мусиқа таълими тизими ишини фаоллаштиради ва ўқитиш усулларини яхшилашга таъсир кўрсатади, шунингдек мактаб маъмурияти ва бутун педагоглар жамоасини мусиқа дарсларини ўтказиш шароитларини яхшилашга, синфлар, кабинетларни жиҳозлаш, аудио-визуал техника, компьютерлар сотиб олиш ва уларни дарс жараёнига татбиқ этиш ишларига жалб этади.

Олимпиадалар ўтказилишининг ижобий томонлари шундаки, уларнинг акс-садоси мактаб ўқувчиларининг мусиқа дарсларига ва мусиқа санъатига бўлган қизиқишиларини оширишга шунингдек, ўқувчиларнинг мусиқий-эстетик маданияти, болаларнинг маънавий-ахлоқий савиясини сезиларли даражада кўтарилишига туртки бўлади.

XX асрда, совет иттифоқ даврида биринчи олимпиада Санкт-Петербургда ўтказилган. 1970-80 йиллардан бошлаб олимпиадалар Ўзбекистонда ҳам ўтказила бошлади. Д.Штерн, Н.Тишкевичлар ташаббуси билан ташкил топган мусиқий олимпиадаларда республиканизнинг турли шаҳарлардан келган болалар иштирок этганлар. Тошкентда ташкил этилган олимпиаданинг бошқалардан фарқи шунда эдики, улар асосан оғзаки равишда эмас, балки ёзма шаклда ўтказилган. Олимпиаданинг ёзма равишда ўтказилишининг афзаллиги шундаки, у ҳар бир ўқувчининг мусиқали-эстетик маданият савиясини аниқлаш имконини беради. Олимпиадалар ўқувчиларнинг мусиқага оид билимларининг пухталиги, теранлиги ва англаб-етилганини текширишга ёрдам беради.

Натижалар шуни кўрсатдики, бу иш шакли болалар учун нафақат тушунарли ва қулай бўлиб, балки уларнинг фаоллигини ҳам оширган. Мактаб ўқувчиларига берилган ҳамма саволлар шундай тузиладики, уларга бериладиган жавоблар қисқа ва аниқ бўлиши назарда тутилади.

Ҳозирги кунда мусиқий олимпиадалар нафақат умумий ўрта таълим, балки ихтисослашган мусиқа мактабларида кенг қамровда ўтказилади. Замона талабига кўра олимпиада босқичлари ҳам такомиллашиб бормоқда. Биринчи мактаб босқичида

факат мактаб дастуридаги асарлардан фойдаланилади. Саволлар 6-8 тадан иборат бўлади. Ҳайъат аъзолари қаторига консерватория ўқитувчилари кирган. Мактаб босқичида ғолиб чиққанлар туман босқичида қатнашадилар. Туман босқичидаги олимпиада шартлари дастурга мувофик бўлсада, бироз мураккаб тидла баён этилган бўлади. Ҳозирги кунда олимпиадаларда тест саволларидан фойдаланиш ҳам кенг тарқалди. Туман босқичида ғолиб чиққан ўқувчилар Шаҳар босқичига йўлланма оладилар. Шаҳар олимпиадаси натижаларини туман методистлари мактаб ўқитувчилари йиғилишида баён этилади. Шаҳар босқичларида ғолиб чиққан ўқувчилар Республика босқичида қатнашадилар. Республикада ғолиб қиққан ўқувчилар махсус совгалар ва дипломлар билан тақдирланадилар. Бундай олимпиадаларнинг ўтказилиши ўқувчиларнинг ва фан ўқитувчиларининг мусиқа дарсларига бўлган муносабати ва қизиқишиларини янада кучайтириб, бошқа ўқувчиларни ҳам мусиқа санъатига жалб этишга асос бўлади.

Жамоа шаклида ўтиладиган тўғараклар

Тўғарак машғулотларига якка тарзда ёндашиш билан бирга жамоа шаклида машғулотлар ўтказиш ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, чолғу ансамбллари, фолклор, рақс, хор жамоалари шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда мусиқий тўғаракларда “Доирачилар”, “Дуторчилар”, “Рақс”, “Хор” ва бошқа турдаги жамоавий тўғарак турли ўз иш фаолиятини олиб бормоқда. Мактабдан ташқари тўғараклардаги жамоа турзида ташкил этилган тўғараклардаги болалар сони 15-20 тадан, бошқа турдаги тўғаракларда биринчи йили 10 тадан, иккинчи йили саккизтадан кам бўлмаслиги назарда тутилади⁷. Тўғарак машғулотлари учун биринчи ўқув йили 4 академик соат ажратилса, иккинчи ва кейинги йиллар ҳафтасига 6 академик соатдан ажратилади⁸.

Болалар хор студияси

Болалар билан мусиқа ишларини амалга оширишнинг яна бир шаклларидан бири – хор студиялариdir.

Хор студияси – бу болаларни мусиқий тарбияловчи даргоҳ бўлиб, у ўзида ўқув, ижрочилик ва тарбиявий ишларни мужассам этади.

Хор студияларига болалар 4-6 ёшларидан бошлаб қатнашишлари мумкин. машғулотлар жараёнида болалар нафақат вокал-хор малакалрини, балки мусиқа чолғуларида ижро этиш, мусиқа саводини ўрганиш, муайян мусиқа чолку

⁷ Қувондиқов К. Мактабдан ташқари болалар муассасаларда тарбиявий ишлар. Т., Ўқитувчи, 1992, 11-14-бетлар.

⁸ Мактабдан ташқари муассасалар тўгрисидаги Низом. // Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 18 февралдиги 59-сон қарорига 2-иловаю Т.: Маърифат, 1995, 21-март. -3-бет.

ижросини ўзлаштирадилар. Мусиқий чолғуни шу тарзда ўрганиш уларнинг мусиқага бўлган қизиқишиларини сусайтирмайди. Бундай машғулотларининг афзаллиги – хор қўшиқчилиги жараёнида болаларнинг мусиқага бўлган лаёқати намоён бўлиб, уларнинг мусиқий қобилияти жадал ривожланади.

Хор студиялар фаолиятининг ўзига хослиги шундан иборатки, уларда ижрочилик, маърифий фаолият, ўқув-таълимий ва тарбиявий ишлар билан узвий олиб борилади.

Хор студия хусусиятларини хор студиялари негизида ривож топган хор мактабларида, шунингдек умумий ўрта таълим ва ихтитсослашган мусиқа мактабларидаги болалар хор жамоалари ва мактабдан ташқари муассасалар (болалар ва ўсмирлар уйлари ва саройлари, маданият уйлари ва саройлари)да кўриш мумкин.

Хор студиялари фаолиятини ташкил этишнинг асосий шартлари: 1) хор босқичлари; 2) хор синфлари; 3) хор оромгоҳлари, 4) хор «пайванди»; 5) хор эстафетаси; 6) барча мусиқа ўқув фанларининг ўзаро алоқадорлиги; 7) хор сольфежиоси.

Хор босқичлари

Хор босқичлари – бу камида икки хор жамоалари, яъни кичик ва катта гурӯхларининг мавжудлигидир. Хор босқичлари – хор жамоаси барқарорлигининг асосий шарти бўлиб, айни пайтда унинг ижодий салоҳиятидан дарак беради. Мазкур босқичлар болаларнинг билим даражаларига қараб белгиланади. Турли билимдаги босқичларнинг йўқлиги хор раҳбарини хор жамоасига мусиқий тайёргарлиги йўқ бўлган болаларни қабул қилишга мажбур қиласди.

1- босқич - бу тайёрлов хор гурӯхи бўлиб, унда биринчи синф ўқувчилари куйладилар. Машғулотлар ҳафтада уч марта 1 соатдан ўтказилади. Асосий вазифа - болаларда куй ва қўшиққа қизиқиши уйғотиш, уларнинг мусиқий қобилиятларини такомиллаштиришдир. Биринчи босқич машғулотларида уйин шакларидан кенг фойдаланилади (мусиқали саломлашиш, дирижёрликка тақлид қилиш ва ҳоказо). Биринчи босқич машғулотларида хор сольфежиоси билан боғлиқ бўлган қўпроқ сольфежионинг ўзига эътибор берилади. Болалар бу босқичда турли мусиқа асбобларида ижро этиш малакаларини эгаллайдилар. Бу иш студия қатнашчиларини фортепиано, аккордеон, скрипка ёки халқ чолғуларидан рубоб, дутор, дойра ва бошқаларда ижро этишга тайёрлаш мақсадида амалга оширилади.

Машғулотлар режаси ойма-ой тузилган булади. Болалар юқори ва паст товушларни ўзаро фарқини ўрганадилар. Хор раҳбари катта ўзгаришлардан иборат куйни ижро этади, болалар эса оҳанг

ўзгаришларини аниқлаб, уларни ўнг қўллари билан кўрсатадилар. Бу босқичнинг кейинги машғулотларида қўл ҳаракати ва хатто оёқ ҳаракатлари билан боғлиқ машқлардан фойдаланиш мумкин. Қўл ҳаракатлари турли баландликда бажарилиб, бунинг ёрдамида парда босқичлари белгиланади. Қўл ҳаракатларига асосланган куйлаш аста-секин ўргатилади, болалар олдин ўқитувчи билан бирга, қўл ҳаракатларини қайтарган ҳолда, барча пардаларни пастдан-юқоригача куйладилар. Кейинчалик қўл ҳаракатларига асосланган машқлар турли босқичлар бирикмаларини ўз ичига олади.

Нотага қараб куйлашга тайёргарлик машқлари беш босқичда амалга оширилади. Бу ҳолда куйловчининг чап қўли нота йўлини кўрсатиб, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи товушларнинг ҳаракатини белгилайди. Пардаларни эгаллаш жараёнини 4 босқичга бўлиш мумкин:

1-босқич – 2-3 товушдан иборат оддий машқлар.

2-босқич - VII- парда киритилади.

3-босқич - IV ва V пардалар киритилади.

4-босқич - VI парда киритилади.

Ноталар бўйича сольфежио машғулотларини бошлангандан сўнг, болалар, ҳар бир чорак нотага битта ҳисоб, яримталикка – икки, бутун нотага эса тўрт ҳисоби тўғри келишини ёдга олади. Ўлчовни ўргатишда болаларнинг дикқатини юқоридаги сонлар вазн бирлиги неча бўлакдан иборат эканлигига, пастки сонлар эса ритмик бўлакларнинг сифати эканлигига жалб этилади.

Мусиқа саводи ўргатишнинг кейинги муҳим босқичи – мажор тузилмаларининг турғун ва нотурғун пардалар ҳақидаги тушунчани ўргатишдан иборатdir. Хор раҳбари фортепианода турғун, кейин нотурғун пардаларни ижро этади. Болалар до мажор товушқаторидаги до, ми, соль - турғун пардалар, қолганлари эса - нотурғун пардалар эканлигини тинглаб, идрок этадилар. Хор раҳбари болалар эгаллаган билим ва малакалардан қўшиқ устидаги амалий ишларда фаол фойдаланишга ҳаракат қилмоғи керак.

Болаларга билим беришнинг биринчи йилида турли мусиқий ўйинларидан фойдаланиш мумкин. Улардан кутилган мақсад – болаларнинг мусиқий уқуви ва хотирасини такомиллаштиришdir.

2-босқич (кичик болалар хори - иккинчи синф ўқувчилари). Улар билан ҳафтада уч марта 1 соатдан машғулот ўтказилади. Болалар икки овозли оддий қўшиқларни ижро этишга ҳаракат қиласилар. Бу босқич болалари қўшиқлар билан бир қаторда мусиқа саводи ва солфеджио уқувидан ҳам хабар топадилар. Шунингдек, турли хил мусиқий ўйинлардан ҳам машғулотлар жараёнида кенг фойдаланиш давом эттирилади. Иқтиборли болалар яккахон вазифасини ҳам

бажарадилар. Қолаверса, улар асосий мусиқа чолғуларида ижро этишни ўрганадилар.

Кичик болалар хори янги ўқув йилининг биринчи ойидан бошлаб, ўтган йилда ўзлаштирилган ўқув материали қайтарилади ва янги оҳанглар асосида мустаҳкамланади. Болаларга мажор тузилмасини тон ва ярим тонлардан иборат эканлигини тушунтириб бера олишлари керак. Яққол кўрсатиш учун Болгарияда қўлланиловчи зинапоя усулидан фойдаланиш мумкин. Минор тизимини болалар мусиқа уқуви ёрдамида куйлаш жараёнида англаб оладилар. Аммо минор ладнинг тузилиш қоидаларини тушуниш иккинчи ўқув йилининг охирида, маҳсус машқларни ўрганилгандан кейингина рўй беради. Болаларнинг дикқати, доимо, мажорни минордан фарклашга қаратилади. Буларнинг ҳаммаси ихтиёрий равища, репертуардаги қўшиқларни ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Асосий мақсад, болаларни бирор бир нарсага ўргатишдан кўра, уларда бир-бирига ўхшамаган аккордларнинг гармоник тусларига қизиқиш уйғотишидир.

Болалар хорнинг биринчи босқичидаёқ, гармоник бирикмаларни тинглаб тушуниб етишлари ва нафакат қўшиқ оҳангига, балки, унинг жўрлигига ҳам эътибор беришлари муҳимдир.

3- босқич (ўрта хори, 3-5, баъзан 6-7-синф ўқувчиларидан ташкил топган бўлади). Машғулотлар - хафтада икки марта 2 соатдан ўтказилади. Дарс машғулотларидан кутилган асосий мақсад - хор иштирокчиларини катта хор групхалига тайёрлашдан иборат. Ўрта хор групхи - мустақил жамоа бўлиб, концертларда фаол иштирок эта олади. Хор машғулотларида болалар мунтазам равища оғзаки диктантларни ёзиб, хор сольфежиосининг қолган турларини ҳам эгаллаб борадилар.

4-босқич (катта хор) - бу етакчи хор групхидир. Бу босқичда 10-16 ёшдаги болалар ҳафтасига икки марта икки соатдан шуғулланадилар. Катта хор групхи ютуқлари – аввалги уч босқичда эгалланган билим, малака ва кўникмаларнинг маҳсулидир.

Бошқа хор босқичларида бўлгани каби, катта хор групхида ҳам янги материални ўрганишдан олдин ўзлаштирилган қўшиқларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш билан узвий равища олиб борилади. Хор сольфежиоси машқларига энди 20 минутгача вақт ажратилади, шундан ярмиси ўтган материални қайтаришга сарф қилинади.

Минор товушқаторини мажор билан қиёслаб, болаларнинг дикқатини, айниқса, минор терциясига, сўнгра иккала товушқаторнинг олтинчи босқичлари орасидаги фарқга қаратиш мумкин.

Болаларга, уларнинг мусиқий онгида мажор билан табиий минорларнинг VII босқичи орасидаги фарқни мустаҳкамлайдиган машқлар берилади. Табиий минорни идрок этишга қаратилган машқлар билан бирга мажор тузилмаси устидаги иш ҳам давом эттирилади: мажор билан минорни тез-тез қиёслаб туриш материални ўзлаштиришни тезлаштиради.

Минор ладини идрок этишга нисбий сольмизация услубининг қуидаги усули ёрдам беради. Кулай баландликдаги тонликда созланиб, (болалар қайси тонликлигини билмайдилар), ўқитувчи у ёки бу босқични рақам номини айтиб, болаларга уларни куйлашни таклиф этади. Ушбу тарзда ҳам оддий, ҳам мураккаброқ машқлар бажариш мумкин.

Бир овозли машқлар билан бир қаторда икки ёки уч овозли машқларни ҳам киритиш мумкин. Икки овозли машқларда хор амалиётида кенг тарқалган турли интервал бирикмалари берилади.

Мажор ва кейинчалик минор ладларини тўғри англаб етгандан сўнг, хор қатнашчилари ўз овоз йўлларини ҳам эркин равища ижро этадилар. Хор гурухи уч овозли мусиқани ижро этиши билан уч овозли гармоник машқлар киритилади. Бу ишнинг услубиёти, икки овозли машқларни ўрганилганда қандай бўлса, шундайлигича қолади.

Хор синфлари кўпинча бирор бир умумий ўрта таълим мактаби қошида ташкил этилади. Бу хор студиясига қатновчиларнинг умумий ўрта таълим мактаб синфлари ўқувчилари билан бирлашишидир. Хор студиясининг барча аъзолари маҳсус жадвал асосида йиғилишиб ўқитувчи раҳбарлигига машғулот ўtkазишади.

Хор оромгоҳлари – болалар ва ўсмирлар ёзги оромгоҳи тарзида ташкил этилган бўлиб, унда ҳар куни мусиқий тадбирлар амалга оширилади. Бу ерда хор машғулотлари ҳар куни 1-2 марта 1,5 соатдан мунтазам равища утказилади.

1. «*Хор пайванди*» - деганда тажрибали хор ижрочиларининг тажрибаси кам бўлган хор ижрочилари билан ҳамкорликда ўтказадиган машғулотлари тушунилади. «Хор пайванди» жамоаларнинг ўзаро тажриба алмашинувига асосланиб, уларнинг ижодий салоҳиятини оширади. «Хор пайвандлари» туридаги машғулотлардан олинган билим ва малакаларни янада тақомиллаштириш, тажриба алмашиш йўли билан сақлаб қолиш, ривожлантириш ва оммалаштириш керак.

Хор эстафетаси Бу катта хор гурӯҳларининг кичик гурӯҳлар билан бирга олиб борадиган «оталиқ» ишидир. Хор эстафетаси шуниси билан афзалки, у студия қатнашчиларида ўзаро тажриба алмашув, кичиклар ҳақида ғамхурлик, педагогик кўникмалар, шунингдек, жамоа бўлиб ишлаш анъаналарини сақлаб қолишдек ажойиб ҳислатларни тарбиялайди.

Хулоса ўринида шуни айтиш мумкинки, Республикаиздаги оммавий ва якка тартибда ўтказиладиган мусиқий тўгараклар фаолияти, жумладан хор жамоаларининг фаолияти ёш авлодга эстетик тарбия бериш, уларнинг мусиқий қобилияtlари, дунёқарашиб дидларини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган муҳим ишлардан биридир.

Ихтисослашган мусиқа мактабларида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари

Мусиқий фаолият барча таълим-тарбия ишларимизнинг ажралмас қисми бўлиб, ёшларни гармоник ривожлантиришда унинг роли катта. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда мамлакатимизда жуда кўплаб мусиқа мактаблари, мактаб ва мактабдан ташқари болалар, маданий оқартув муассасаларида, ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳузурида кўплаб ижодий жамоалар ташкил этилмоқда. Уларнинг асосий мақсади болаларни оммавий равишда мусиқа санъатига жалб қилиш, уни севиш, қадрлаш ва мусиқага бўлган қобилияtlарини тарбиялашдан иборатдир.

Мусиқий-назарий билимлар тўлақонли тарзда фақатгина ихтисослашган мусиқа мактабларида берилишини хисобга олиб, бу ўқув муассасаларда мусиқий-назарий билимлар беришнинг шакл ва усуллари, методларини аниклаш улардан истиқболда умумий ўрта таълим муассасаларида ҳам фойдаланиш имкониятини беради. Шу мақсадда ихтисослашган мусиқа мактабларининг ўқув режаси ва дастурида мусиқий-назарий билимлар ҳажмини аниклаш, мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш учун яратилган шарт-шароитлар, таълим жараёнида қўлланиладиган методик ёндашувларни ўрганиш, маҳсус мусиқий билим бериш жараёнини умумий ўрта таълим мактаблариники билан таққослаш бўйича мақсадли ишлар бажарилди ҳамда Глиэр номидаги Республика ихтисослашган мусиқа академик леցейининг бошланғич мусиқий мактаби «Мусиқа назарияси» бўлимнинг иш фаолияти билан танишдик ва кузатиш ишларини олиб бордик.

Ихтисослашган мусиқа мактабларида «Мусиқа назарияси» ва «Мусиқа тарихи» бўлимлари мавжуд бўлиб, «Мусиқа назарияси» бўлими – сольфеджио, мусиқа саводи, ритмика, мусиқа назарияси, гармония, мусиқий асар таҳлили, «Мусиқа тарихи» бўлими – мусиқа тинглаш, мусиқа адабиёти, ўзбек мусиқаси каби фанларни ўз ичига қамраб олган. Ҳар бир фанни ўз мутахассиси олиб боради. Синф хоналари ихчам ва шинам, ҳар бир хонада стол ва стуллар,

пианино, кўргазмали плакатлар, нота ва матн ёзуви учун доска мавжуд. Синф хоналари ташқаридаги шовқиндан муҳофаза қилинган. Мактабда мусиқий-назарий билимларга оид граммпластинкалар заҳираси, ўқувчилар мусиқий-назарий билимларни эгаллашлари учун зарур бўлган маҳсус адабиётлар мавжуд.

Ўқув режасига кўра мусиқа назарияси бўлими фанларининг синфлардаги ўқувчилар сони ўнтадан, мусиқа тарихи бўлими фанлари синфлардаги ўқувчилар сони ўн иккитадан ошмаслиги зарур. Ўқув дастурига кўра, бошланғич синфда ўқувчилар ҳафтасига икки соат сольфеджио, икки соат ритмика, бир соат мусиқа тинглаш дарсларига кирадилар. Демак, бошланғич синфда мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш учун ўқувчиларга ҳаммаси бўлиб беш соат вақт ажратилади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ихтисослашган мусиқа мактаблари ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиради, мактаб таълими жараёнида вужудга келган етишмовчиликларни ўрнини тўлдиради. Шу билан бирга мактаб таълими жараёнида қўллаш имкониятлари бирмунча қийин кечадиган якка тартибда ишлаш, табақалаштириб ўқитиш «Мусиқа маданияти» фани дастурларида инобатга олинмаган назарий ва амалий билимлар бериш имконини беради, таълим механизмини узвийлаштиради, бойитади.

Ихтисослашган мусиқа мактаблари умумий ўрта таълим мактабларидан ўзлаштирилиши керак бўлган билимлар ҳажми нисбатан кўплиги билан фарқланади.

Ихтисослашган мусиқа мактабларида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёни куйидаги метод ва шакллар ёрдамида амалга оширилди:

1) Ўқувчилар онгига таъсир этувчи тарбия методлари – ҳикоя, тушунтириш, таъкидлаш, маъруза, амалий мисоллар, кўргазмалилик, намуна кўрсатиш, баҳс-мунозаралар;

2) Ижодий фаолиятни ташкил этиш – машқлар бажариш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, педагогик талаб, топшириқлар бериш, тарбияловчи вазиятлардан фойдаланиш ва бошқалар;

3) Таълим-тарбия жараёнида жазолаш ва рафбатлантириш методларидан фойдаланиш;

4) Ўтилган назарий билимларни амалиётда қўллаш;

5) Кичик мусиқий диктантлар ёзиш ва назорат дарсларини ташкил этиш.

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи шахсини

шакллантиришнинг ихтисослашган мусиқа мактабларида таълимий-тарбиявий ишларини ташкил этиш қуйидаги воситаларга таяниб олиб борилди: ўқитувчи ва ўқувчиларнинг шахсий ёндашуви ва қобилияти; ахборот ва техник воситалар; намуна кўрсатиш; кўргазмали қуроллар; янги технологиялардан фойдаланиш.

Кузатишларимизга кўра ихтисослашган мусиқа мактабларидағи мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнининг қуйидаги принципларга мувофиқ амалга оширилиши таъминланди:

1. Мусиқий таълим-тарбия бирлиги.
2. Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш ягона мақсадга йўналтирилганлиги.
3. Мусиқий билимларнинг ҳаёт билан боғлиқлиги.
4. Ўқувчиларнинг ёш-психологик хусусиятлари ҳисобга олинганлиги.
5. Мусиқий-назарий машғулотларнинг муентазам ва тизимли олиб борилиши.

Умумий ўрта таълим мактаблари билан қиёслаганда, ихтисослашган мусиқа мактабларида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнининг қуйидаги жиҳатларини фарқлаш мумкин:

- 1) Дарсларга ҳафтасига кўп вақт ажратилганлигини;
- 2) Ўқувчиларнинг дарсга қизиқишилари юқори даражадалигини;
- 3) Ўқитувчиларнинг билим савияси ва малакаси анча юқорилигини (махсус олий ўқув юртларини тамомлаган мутахассислар);
- 4) Ҳар бир дарснинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини;
- 5) Синф хоналарида кўргазмали қуролларнинг етарлилиги ва дарсларда улардан унумли фойдаланишини;
- 6) Дарсларда янги технологиялардан фойдаланишини;
- 7) Синфлар групкаларга бўлинганлиги ва ҳар бир групка ўқувчилар сони ўнтадан ошмаслигини. Айнан мана шу омиллар махсус мусиқа мактабларида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш самарадорлигини таъминлади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, махсус мусиқа мактабларида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш бошқа махсус фанлар билан тўлдирилган ҳолда кечади. Бу дарсларда билимларни мустаҳкамлаш имконини беради.

Мусиқа назарияси курси ўқувчиларга мусиқа санъати тўғрисида ва мусиқа «тили»ни бирлаштирадиган мусиқий ифодалиликнинг асосий воситаси – оҳанг ҳақида зарур маълумотларни беради.

Мусиқа назарияси бўлимининг мақсад ва вазифалари:

1. Ўқувчига мусиқий ифодалиликнинг асосий воситаларини тушунтириш учун зарур билим ва малака тизимини бериш.

2. Курсни ўзлаштириш жараёнида ҳам, кейинчалик ҳам ўқувчининг мусиқий камолоти учун зарур мусиқий-назарий малакаларни таркиб топтириш, унинг мусиқий тафаккури шаклланиши ва такомиллашишига, мусиқий идроки шаклланишига замин яратиш.

Мусиқа назарияси фанини ўқитиш услубиятининг асосий қоидалари:

1. Бутун курс мобайнида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш мусиқани эшитиш билан узвий боғланиши керак. Бу тадбир мусиқа назариясини ўзлаштиришга юзаки ёндашишни бартараф этади. Мавзулар мусиқий асарни тинглашдан бошланмоғи лозим. Бинобарин, ўрганилаётган мусиқий асарни маъносини англамай, у ҳақидаги фикрни, таърифни, қоидани ёдлаш ноўриндир.

2. Назарий қоидаларни изоҳлашда мусиқий мисолларга, материалларга, яъни ўқувчининг дидини тарбиялайдиган мусиқа маданиятига – миллий мусиқага таяниш керак.

3. Мусиқа назарияси сольфеджио билан методологик алоқадорликда амалга оширилиши зарур. Бошланғич синфларда бошланғич мусиқа назарияси (мусиқа саводи) сольфеджио фани таркибида ўтилади. Лекин, шу билан бирга, мусиқа назарияси ҳам – назарий фан сифатида, сольфеджио ҳам – амалий фан сифатида ўз мустақиллигини йўқотмаслиги керак.

4. Мусиқий-назарий билимларни бериш мантиқли, изчил баён қилишнинг муайян тизими бўйича олиб борилиши даркор.

Ихтисослашган мусиқа мактабларининг бошланғич синфларида ўзлаштирилиши керак бўлган мусиқий-назарий билимлар модели



Сольфеджо	Ритмика	Мусиқа тинглаш
Нота саводи, мусиқа саводи, нотага қараб куйлаш асосида мусиқий эшитиш	Мусиқий тушунчалар, асосан ритм хиссисини шакллантиради. Мусиқа остида	Мусиқа ҳақида бошланғич тушунчалар, мусиқий асар таҳлили, мусиқанинг

қобилиятини, овознинг интонацион тозалигини, дирижёрлик қилиш, илк мусиқий тушунчалар, билим ва малакаларини шакллантиради.	ритмик ҳаракатлар бажариш, болалар мусиқа чолғу асбобларида жўр бўлиш кўнникма ва малакаларини шакллантиради.	ифода воситалари, мусиқий жанрлар—опера, балет, рақс, қўшиқ, марш, оратория, прелюдия ва бошқалар ҳақида тушунчалар беради.
---	---	---

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнининг юксак масъулиятли, илмий-назарий, услубий жиҳатдан пишиқ, мукаммал бўлиши муҳимдир. Унинг самарадорлигини, муваффақиятини таъминловчи асосий омил бу пухта ишлаб чиқилган дарс тизимиdir.

Ихтисослашган мусиқа мактабларининг мусиқа назарияси бўлими бошланғич синфларда бир қанча фанларни – сольфеджио, мусиқа тинглаш ва ритмика дарсларини бирлаштиради. Ўқувчилар ана шу фанлар орқали керакли мусиқий-назарий билимларни оладилар. Энди ана шу фанларнинг ҳар бирига алоҳида изоҳ берамиз.

Нотага қараб куйлаш (сольфеджисо)

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида нотага қараб куйлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Сольфеджио – итальянча solfeggio – ноталар, мусиқа белгилари, гаммаларни куйлаш – эшитиш малакасини юксалтириш ва нотага қараб уларни тез ўқишини ўрганиш учун ўтказиладиган вокал машқлариidir. Сольфеджио – мусиқа асарлари ва турли хил мусиқий машқларни нотага қараб,nota номини айтиб куйлаш тариқасида олиб борилиши мумкин. Сольфеджио атамаси соль-фа ноталари номидан олинган. У ўқитувчидан дарсларни тизимли ва изчил равишда олиб боришни талаб қиласди. Агар ўқувчилар синфдан-синфга ўтаётганларида нотага қараб куйлаш малакасини аста-секин, оддийдан-мураккабга қараб олиб борсалар, юқори синфларга ўтганда улар ўрганиладиган қўшиқларни bemalol нотага қараб куйлай оладилар. Нотага қараб куйлаш – сольфеджио мусиқа саводи билан узвий равишда олиб борилади. Мусиқа саводи ноталар жойлашуви, узунлиги, саналишини ўргатса, сольфеджио воситасида ноталарни амалда куйлаб кўриш имконияти бўлади. Шунинг учун мусиқа саводи ва сольфеджио мувозий тарзда олиб борилади, яъни сольфеджио ва мусиқа саводи яхлит жараённи ташкил этади.

Биринчи синфданоқ ўқувчилар нотага қараб куйлаш малакасини эгаллашлари керак. Бунинг учун куйланадиган қўшиқнинг ҳаракатини нотага қараб кузатиб бориш лозим. Авваламбор, осон бўлган кичик мусиқий лавҳалар бериб борилади. Нотага қараб куйлаш учун ўқувчилар ноталар тизимини яхши билишлари ва уларни нота чизифидан bemalol топа олишлари муҳим. Нотага қараб куйлаш яхши самара бериши учун ўқувчиларга таниш бўлган, аввал куйланган ёки тингланган куйни бериш уларнинг куй ҳаракатини кузатишлари учун қулайлик туғдиради. Куйлашдан олдин куйнинг ўлчови, қандай узунликдаги ноталар (бутун, ярим, чорак...) иштирок этганлиги, куйнинг темпи, тонлиги аниқланади. Кейин шу тонликда овоз созлаш машқларини бажариш тонликка мослашиш имконини беради. Машқларда тонликдаги турғун ва нотурғун босқичлар аниқланади ва айтилади. Кўргазмали қурол сифатида бундай машғулотларда дарсликдан ташқари, мусиқий куй ёзилган плакатлар яхши натижа беради. Ўқитувчи бошчилигига ўқувчилар куйнинг барча ноталарини бараварига айтадилар. Кейин ўқитувчи шу куйни оҳангни ва ўлчови билан куйлаб кўрсатади, ўқувчилар нотага қараб кузатиб турадилар. Сўнгра ҳамма биргаликда нотага қараб куйни куйлади ва бир вақтда дирижёрлик қиласи. Нотага қараб куйлашда дирижёрлик қилиш, куйнинг ритмидан чиқиб кетмасликка, метр ҳиссини ривожлантиришга, ноталар узунлигини тўғри санашга ёрдам беради. Асосий мақсад – сольфеджио малакасини эгаллаш ўқувчиларнинг мусиқий уқувларини, мусиқа эшитиш қобилиятини, тоза интонацияда куйлашни шакллантиришдир. Бу эса уларнинг амалий фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлади. Сольфеджио асосан нотаниш куйларни биринчи галданоқ нотага қараб куйлашни назарда тутади. Нотаниш куйни нотага қараб куйлаш учун ёзилган куйнинг оҳангини фикран тасаввур қила олиш лозим. Шунинг учун ҳам мусиқий уқувни ўстириш ва мусиқа тажрибасига етарли даражада эга бўлиш узоқ вақтни талаб этади. Бунга мусиқа саводини ўстириш, мусиқа адабиётлари билан танишиш, вокал-хор малакаларини эгаллаш жараёнларида эришилади. Ўқувчилар аста-секин мусиқий нутқнинг баландлиги, лади, метроритмик хусусиятларини тушуна бошлайдилар, шунингдек уларда мусиқий идрок, мусиқий тафаккур, мусиқий хотира, мусиқий ҳиссиётлар пайдо бўла бошлайди.

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида нотаниш куйни нотага қараб ижро этиш учун қуидаги тадбирлар амалга оширилади:

Ўқитувчи доскага нота мисолларини ёзади. Кейин ўқитувчининг саволлари ва ўқувчиларнинг жавоблари асосида куй таҳлил қилинади. Таҳлил қилиш

ўқувчиларнинг аввал эгаллаган мусиқий-назарий билимларига асосланиб, уларнинг ёшига мос равишда ўтказилади. Ўқувчилар тушуммаган элементларни ўқитувчи тушунтириб беради, ўқувчилар дикқатини асосий мавзуга қаратади.

Таҳлил жараёнида қуидагилар аниқланади:

1. Асар тонлиги, лади.
 2. Асарнинг ўлчови.
 3. Асарда учрайдиган динамик белгилар.
 6. Куйнинг ритмик тузилиши (ноталар чўзими, паузалар, асарнинг қайси ҳиссадан бошланиши ва ҳоказо).
7. Асардаги жумлалар, нафас олиш учун қулай бўлган тактлар.

Ана шундан кейин сольфеджиога, яъни нутқлашга ўтиш мумкин. Бошланғич синфларда сольфеджио учун машқлар асосан до мажор гаммасида берилади. Чунки бу тонлик осон ва куйлаш диапазони жиҳатидан қулай.

Ихтисослашган мусиқа мактабларининг бошланғич синфларида мусиқа саводига алоҳида соат ажратилмаган бўлиб, ушбу бўлим сольфеджио дарси таркибида ўтилади, яъни аввал мусиқа саводи берилиб, кейин у амалда кўлланилади.

Ritmika

Мусиқий ритмик ўйинлар ўқувчиларда мусиқани идрок этишни, ҳис-ҳаяжонни, бадиийликни, ритм ҳиссини, мелодик ва гармоник эшитиш қобилиятини, мусиқа шаклини ҳис этишни, мусиқий хотира, дид ва ҳоказоларни шакллантиради. Мусиқий ўйинлардаги бадиий образлар мусиқий асар мазмунини, мусиқий кечинмаларни чукурроқ очиб беради. Ўз хатти-ҳаракатлари билан ўқувчилар мусиқий куй, ритм, мусиқий асарнинг тузилишини, динамикасини, умуман, «мусиқий тил»нинг ифодалилигини ҳис этадилар.

Ритмика дарси асосан ритмик машғулот бўлиб, дарсда ўқувчилар мусиқа жўрлигига ритмик ҳаракатларни бажарадилар. Бунинг учун, даставвал, ўқувчиларга мусиқий товушлар, ноталар ва уларнинг хусусиятлари ўргатилади. Ўқувчилар ноталарни санашни ўрганиб бўлганларидан сўнг, ўз мусиқий ҳаракатларини аниқ санаш асосида амалга оширадилар. Шундагина ритмик ҳаракатлар мусиқа билан ҳамоҳанг ва уйғун бўлади. Кўпчилик мусиқий ҳаракатлар мусиқий ўйин ва рақс элементларига таянади. Мусиқий ритмик ҳаракатларнинг асоси – юриш, югуриш, сакрашдир. Ритмика дарси жисмоний

тарбия дарсига ўхшайди. Бу дарснинг жисмоний тарбия дарсларидан фарқи шундаки, болалар барча ҳаракатларни мусиқа жўрлигига бажарадилар, ҳаракатлар мусиқа оҳангига мос тарзда бўлади, яъни мусиқа янграса – ўкувчилар ҳаракатланадилар, мусиқа тўхтаса – улар ҳам тўхтайдилар, шўх мусиқага шўх, вазмин мусиқага оҳиста ҳаракатланадилар. Бу ўз навбатида ўкувчиларга мусиқий асар ҳарактерини яхшироқ англаш, ҳар хил оҳангдаги мусиқани бир-биридан ажратиб олишда ёрдам беради. Ритмика дарслари айрим жиҳатлари билан гимнастика машғулотларига ўхшаб кетади. Чунки бу дарсларда ҳам худди гимнастика машғулотлари каби арқон сакраш, халқа билан, копток билан ўйнаш машқлари бажарилади. Бу ёрдамчи воситалар дарсда кўргазмали қурол сифатида кенг қўлланилади. Ритмика дарсларида мусиқий спектакллар тайёрланиб, кенг оммага намойиш этилади. Бу тадбирлар ўкувчиларда мусиқага, дарсга бўлган қизиқишни орттиради.

Мусиқа тинглаш

Мусиқа тинглаш, мусиқа адабиёти - мусиқа жанрлари, композиторлар, улар яратган асарлар ҳақида тушунча беради, мавзуга оид мусиқа тингланади ва таҳлил қилинади.

«Мусиқа тинглаш» дарсларидағи мавзулар тизими

синф	№	<i>Ўқув йили давомида ўтилиши керак бўлган мавзулар</i>
1-синф	1	Мусиқа ҳақида дастлабки маълумотлар.
	2	Мусиқа яратувчилари, тингловчи, ижрочи.
	3	Мусиқа қаерда ижро этилади?
	4	Мусиқа ҳақида афсона, ҳикоялар, ривоятлар.
	5	Мусиқа ифода воситалари.
	6	Миллий жанрлар (ялла, лапар, ёр-ёр, алла, маросим қўшиқлар...)
	7	Қўшиқ, рақс, марш.
2-синф	1	Мусиқа табиати. Мусиқий товушлар.
	2	Интонация, табиий мусиқий товушлар.
	3	Мусиқий чолғулар.
	4	Торли, урма, дамли чолғулар.
	5	Якканавоз чолғулар.
	6	Ансамбл, оркестр.
	7	Оркестр бошқарувчиси – дирижёр.

	8	Композитор ижоди ҳақида.
3-синф	1	Мусиқий шакллар.
	2	Куйнинг чўққиси, авж.
	3	Мотив, жумла.
	4	Шаклнинг энг содда асоси. Такрорлаш, қарама-қарши, ривожлов.
	5	1,2,3 қисмли вариациялар.
	6	Куплет, рондо шакллари.
	7	Дастурли мусиқа
	8	Театр мусиқаси. Балет, опера.
	9	Композитор, режиссёр ва драматург.

4-синфларда «Мусиқа адабиёти» дарсларидағи мавзулар тизими

синф	№	<i>Ўқув йили давомида ўтилиши керак бўлган мавзулар</i>
4-синф	1	Мусиқий жанрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
	2	Вальс, марш, ифода воситалари.
	3	Лирика.
	4	Қўшиқ, ария, романс, элегия, пастораль, ноктюрн, серенада...
	5	Афсона, баллада.
	6	Рақс, марш.
	7	Қадимий ва замонавий рақс турлари.
	8	Прелюдия, каприччо, фантазия, мусиқий дақиқа.
	9	Жанр ичидағи боғлиқлик.

Ихтисослашган мусиқа мактабларида мусиқа тинглаш жараёни алоҳида дарс сифатида ўтилади. Ушбу дарсга ўқув режасига асосан, бошланғич синфларда ҳафтасига бир соат ажратилган. Ўқувчилар дастурга асосан юқоридаги билимларни ўзлаштирадилар.

Дастурда берилган мавзуларни таҳлил қиласиз, мавзулар хилма-хил, ранг-баранг, қизиқарли маълумотлар билан тўла эканлигининг гувоҳи бўлдик. Махсус мусиқа мактабларидаги мусиқа тинглаш дарсларида нафақат мусиқа ва унинг ифода воситалари, жанрлар, ижрочилар, композиторлар ҳақида мавзулар ўргатилади, балки ўтилган мавзуларга оид мусиқий асарлар тингланиб, таҳлил қилиб борилади. Ўқувчилар таассуротларини расм чизиш орқали ёки сўз билан ифодалаб берадилар. Бу ўқувчиларнинг мусиқий идрок ва тафаккурлари

шаклланишига асос бўлади. Бир мусиқа тинглаш дарсида қуйидаги вазифалар бажарилади:

1. Янги мавзу билан таништириш.
2. Мавзуни тушунтириб бериш.
3. Мавзуга оид мусиқа тинглаш.
4. Тингланган асарни таҳлил қилиш.
5. Тингланган асардан олинган таассуротларни расм орқали ифодалаш.

Дарсларнинг бундай ташкил этилиши ўқувчиларнинг мусиқага бўлган қизиқишлигини янада оширади ва мусиқа санъатини моҳиятини тўлиқ англашларига замин яратади.

Кўриниб турибдики, маҳсус мусиқа мактабларида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш учун яхши шароит мавжуд.

Ихтисослашган мусиқа таълимига оид илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, улардаги айрим дарс ўтиш йўлларини умумий ўрта таълим мактабларидағи «Мусиқа маданияти» дарсларида ҳам қўллаш ва шу орқали дарслар сифатини янада оширишга замин яратади.

Савол ва топшириқлар:

- 1) Синфдан ва дарсдан ташқари мусиқий таълим-тарбия муассасаларининг қандай турларини биласиз?
- 2) Мактаб қошида ташкил этилган тўгараклардан мактабдан ташқарида ташкил этилган тўгаракларнинг фарқи нимада?
- 3) Миллий чолгулар тўгарагида таъриф беринг.
- 4) Рақса тўгаракларига таъриф беринг.
- 5) Хор жамоалари қай тарзда ташкил этилади ва унга қандай болалар қабул қилинади?
- 6) Хор тўгаракларининг турларини санаб беринг.
- 7) Олимпиадалар ва уларни ўtkазиши шарт-шароитлари ҳақида сўзлаб беринг.
- 8) Ихтисослашган мусиқа мактаблари ва улардаги ўқув режасининг умумий ўрта таълим мактабларидан фарқи нимада?
- 9) Ихтисослашган мусиқа актабларидағи шарт-шароитларни санаб беринг.

VI БОБ. МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш шакллари

XX асрнинг 1970-йилларда сабиқ иттифоқ, жумладан Ўзбекистон мактабларида мусиқий талимнинг қуидаги тизими жорий этилган эди. Унда дастурлар дарсларининг алоҳида, аммо бир-бири билан ўзаро боғлиқ турлари ишлаб чиқилган:

- мавзуга кириш дарси;
- мавзуни чуқурлаштириш дарси;
- мавзуни ўзлаштириш дарси;
- якуний дарс-концерт.

Мусиқа таълим тизимининг таҳлиллари ва ўзидағи ижобий жиҳатларини умумлаштириш мусиқа дарсларининг янги турларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Замонамиз тақазоси билан мусиқа дарслари янада қизиқарлироқ бўлиши учун уларда янги педагогик технологияларни қўллаш яхши натижа бермоқда. Дарслар қизиқарлироқ, жўшқин, кўтаринки руҳда ўтиши учун биз қуидаги дарс турларини таклиф этамиш:

Концерт дарслар, викторина дарслар, интервю дарслар, конкурс дарслар, йўналтирувчи дарслар (иллюстратив материал ёрдамида), «стол атрофида» дарслари, ўз-ўзини англаш дарслари, ҳимоя дарслари, расмлар галерея дарслари, қувноқлар ва зукколар дарси, баҳс-мунозара дарслари ва ҳоказолар. Бу дарсларнинг ҳар бири ўз тузилиши, вазифаси ва методик асосига эгадир. Бошланғич синфларда дарсларни ўйин тарзида олиб борилса, ўқувчиларнинг фаоллиги ошиб боради ва улар берилган вазифаларни нисбатан осон бажарадилар. Масалан, мусиқий чолғулар мавзусини ўтганда, ўқувчиларга турли хилдаги мусиқа чолғулари сурати солинган карточкалар берилади. Ўқитувчи магнитофон ёрдамида бирор бир чолғуда ижро этилган мусиқани қўяди. Ўқувчилар мусиқий асар қандай чолғуда ижро этилганлигини қўлларидаги карточкалар орқали қўрсатадилар. Энг фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланадилар ва рағбатлантириладилар. Масалан, викторина-дарс, концерт-дарслари ўқувчиларнинг билимларига асосланган ҳолда ўтилади. Дарс-саёҳат видео тасма ёрдамида табиат қўйнига, шаҳарларга мусиқий саёҳатга асосланади.

Хозирги пайтгача кенг қўлланилиб келинган дарс турларидан:

1. Ташкилий дарслар.
2. Аралаш дарслар.
3. Доминантали (дарсдаги бирор фаолият тури – қўшиқ қўйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, мусиқий ижодкорлик – бошқаларидан устунроқ бўлади) дарслар.
4. Контрол-текширувчи дарслар.
5. Комплекс дарслар.
6. Интервю дарслари.
7. Ҳимоя дарслари.
8. Якунловчи дарслар.

Хозирги кунда замонамиз тақозоси билан мусиқий таълим тизимиға ҳам ноанъанавий дарс турлари кириб келмоқда. Биз мавжуд педагогик технологиялар асосида мусиқа таълимида қўлланилиши мумкин бўлган бир неча ноанъанавий дарс турларини ишлаб чиқдик. Энди ҳар бир дарс турига изоҳ бериб ўтамиз.

Концерт дарслари – ўқувчилардаги бор мусиқий–назарий билимларни амалда қўллаш, ўзлари ва бошқаларнинг билимларига баҳо бериш, саҳнада ўзини тутишни ўрганиш, жамоа бўлиб қўйлаш ва якканавозлик малакаларини шакллантириш, болалар мусиқий чолғуларида жўр бўлиш, рақс элементларини бажариш ва ҳоказоларга кенг имконият яратади. Бундай дарсларни асосан бир чорак тугаб, бошқаси бошланганда уюштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу дарс турида ўқувчилар чорак давомида ўзлари ўрганган қўшиқлари асосида «концерт» ўтказадилар. Бундай дарслар ўқувчилар билим даражасини аниқлашга ва баҳолашга кенг имконият беради. Дарс аввалдан режалаштирилади. Ўқувчилар ўзлари ўрганган қўшиқларини тайёрлаб келадилар. Ўқитувчи аввалги дарсида ҳар бир ўқувчига вазифа белгилаб берган бўлиши керак. Дарслар ҳамманинг биргалиқда давлат мадхиясини куйлашларидан бошланади. Бу дарслар шуниси билан аҳамиятлики, ўқувчилар ўзларининг барча ижодий қобилияtlарини, ижрочилик маҳоратларини ишга соладилар. Бундай дарслар ўқувчиларнинг мусиқий дид ва мусиқий дунёкарошларини шакллантиришга асос солади. Шунингдек, ўқувчиларда саҳнада ўзларини тута олиш, артистизм, жамоа бўлиб қўйлаш, мустақиллик, ташаббускорлик малакалари шаклланади.

Ўқитувчи дарсдан бир дарс аввал ўқувчиларга қандай қўшиқ куйлашларини тақсимлаб берса, қайси қўшиқдан кейин қайсиниси ижро

етилишини тақсимлаб берса, дарслар аниқ бир тизимга асосланган ҳолда, тартибга риоя қилинган ҳолда уюштирилади. Бундай дарсларда ўқитувчи деярли барча ўкувчиларни баҳолаш имкониятига эга бўлади. «Концерт» дарсларига қўшиқларининг мазмунига мос ҳолда кийиниб келиш ўкувчиларнинг қизиқишлигини янада орттиради ва дарснинг самарадорлиги ортади. Концерт дарсларда ўкувчилар ўзларининг бор билим ва истеъдодларини ишга солишларига имкон яратилиши керак. Масалан, кимdir яхши қўшиқ куйласа, кимdir раксга тушишни ўрнига қўяди, кимдадир актёрлик қобилияти кучли. Ўқитувчи зийрак бўлган ҳолда ҳар бир ўкувчининг ҳоҳиш-истакларини, имкониятларини хисобга олиб концерт уюштириши зарур. Концерт дарсларни бирор бир композитор ёки ёзувчининг таваллуд кунига ёки ижодига бағишлиб ҳам ўтказиш мумкин. Бунда концерт дарсда шу ижодкор яратган асарлар ижро этилади ҳамда ўқитувчи ёки ўкувчилардан бирор бир бошловчи муаллифнинг ҳаёт ва ижоди ҳақида сўзлаб беради.

Викторина дарслари асосан мусиқа тинглаш жараёнларида ўтказилади. Ўқитувчи бирор техник чолғу ёрдамида ўкувчиларга мусиқа қўйиб беради. Ўкувчилар ўз навбатида бу мусиқанинг номи, ижрочиси, композиторини топадилар. Бундай дарслар «Композитор, ижрочи ва тингловчи» мавзуси ўтилганда жуда қўл келади.

Бундай дарсларда ўқитувчи ўкувчиларни қаторларга, яъни жамоаларга бўлади. Ҳар бир жамоанинг фаолигига, тўғри берилган жавобларига қараб бал бериб борилади. Викторина дарслари ўкувчиларни нафакат мусиқа тинглаш, балки қўшиқ куйлаш жараёнида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда ўкувчилар мусиқий асарларнинг яратувчилари-композитор, шоирлари ва ижрочилари ҳақида ҳам маълум тушунчаларга эга бўлиш кераклигини ўргатади. Бундай дарсларни ҳар бир мавзуга мослаб ўтиш мумкин. Масалан, ўқитувчи ўкувчиларга қардош халқлар мусикаларини ўргатганда ҳар хил миллат ва халқлар мусикасини тинглаб, уларни қайси халққа, қайси миллатга мансублигини аниқлаш ўкувчиларнинг мусиқий идрокларини ривожлантиради. Улар бошқа миллат мусикаларини бир-биридан ажратишни ўрганадилар. Шунингдек уларнинг мусиқий дунёқарашлари шаклана боради. Викторина дарслари мусиқий дид, мусиқий идрок ва мусиқий дунёқарашнинг шаклланишига асос солади.

Бахс-мунозара дарслари – мусиқий асарларни чукур таҳлил қилиш, мусиқа саводига оид билимлар – мусиқа тарихи, мусиқа адабиёти, мусиқий асар таҳлили, мусиқа шакли каби мусиқий-назарий билимларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлади. Бу машғулот турида асосан чорак ёки ярим йил давомида

олинган мусиқий-назарий билимларга асосланган бўлади. Баҳс-мунозара дарслари ўқувчиларнинг аввал эгаллаган билимлари асосида ташкил этилади. Имкони бўлмаган масалаларни англатиш, мунозарали қарашларда бир тўхтамга келиш ва шу асосда ўқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллашларига эришиш, мусиқий тафаккур, мусиқий идрокларини, мусиқий маданиятларини шакллантириш мақсадида ташкил этиладиган дарс саналади.

Баҳс-мунозара дарслари бошқа дарслардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қиласди. Яъни бу дарсларда бирор бир масала юзасидан тортишув бўлади.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар. Бундай дарсларда баҳс кучли бўлади ва ҳар бир фикр ўз исботи билан тасдиқланади ва энг мақбул вариант қабул қилинади.

Баҳс-мунозара дарслари ўқувчилардан катта тайёргарликни талаб этиади. Бу дарслар ўқувчиларни ҳозиржавоблийка, мустақил фикрлашга, воқеаларга ижодий ёндашишга, нутқларининг теранлашишига асос солади. Бир мусиқий асардан синфдаги ўқувчилар турли хил таассуротлар оладилар. Шунинг учун ўз фикр мулоҳазалари билан ўртоқлашишлари уларнинг тафаккурларини ва тасаввурларини янада бойитишига имкон беради.

Баҳс-мунозара дарслари педагогик жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. У ўқувчиларнинг эстетик туйғуларини тарбиялашда ҳам муҳим воситалардан ҳисобланади. Мунозара мавзусини унинг ўқув дастур мазмуни ва талабларига, шунингдек, ўқувчиларнинг ёш хусиятларига мослиги нуқтаи назаридан ўқитувчи танлайди. Бунда ўқувчиларнинг ҳоҳиш-истаклари ва қизиқишилари ҳам ҳисобга олинмоғи лозим. Мунозарали саволларни ўқитувчи тузади ва ўқувчиларни баҳсга чорлайди. Ўқитувчи саволлар билан ўқувчиларни фаоллаштириб туради ва ўқувчиларнинг жавобларини изчил ва аниқ бўлишига кўмаклашиб туради. Баҳс-мунозара дарслари ўқувчиларнинг нутқларини аниқ ва равон бўлишига, уларнинг муомала маданиятларини ўсишига замин яратади. Бундай дарсларни ташкил этиш ўқитувчи билан ўқувчиларни бир-бирларига яқинлаштиради, дўстона муносабат уйғотади, мусиқий-назарий билимларни ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширади. Бундай дарсларни уюштириш ўқитувчи ва ўқувчилардан дарс жараёнида бир қанча қоидаларга амал қилишларини талаб қиласди:

Ўқувчилардан:

- ўз фикрларини тушунарли қилиб, шошилмасдан ифодалаш;
- мунозара пайтида сухбатдошларига нисбатан ҳурматда бўлиш;
- одобни сақлаш (қўл кўтариб навбат билан жавоб бериш);

- бошқа ўқувчилар гапирганда ҳалал бермаслик;
- сұхбатдошларини фикрларини диққат билан тинглаш;
- мавзудан четга чиқмаслик;
- фикри нотұғри бўлса ҳам, мунозарада иштирок этишга интилиш;
- ўз фикрини далиллар билан исботлаш.

Ўқитувчидан:

- ўқувчиларни мунозарага тортиш;
- ўқувчиларни қизиқтира олиш;
- ўқувчилар хатоларини тушунтириб, тұғрилаб туриш;
- ўқувчилар фикрларини бир тизимга солиб туриш;
- фаол иштирок этгандарни рағбатлантириш.

Қувноқлар ва зукколар дарснинг асосий мақсади ўқувчиларнинг дарсларда олған билимларини синовдан ўтказиш, уларни мустаҳкамлаш, дарсдан ташқари олған билимларини назорат қилиш, уларни аниқ бир мақсад сари йўналтириш, ўқувчиларни мусиқий асарлар билан мулокотда бўлишларини шакллантиришдан иборат. Дарснинг мусобақа тарзида ташкил этилиши ўрганилаётган композитор ижоди ёки мусиқий асарнинг яратилиш тарихи билан яқиндан танишиш имконини беради. Бундай дарсларда композиторларнинг маҳоратлари, улар яратган асарлар замирига сингдирилган мусиқий воситаларни англашиб, уларни ўзлаштиришга қизиқтириш, мустақил муроҳада юритишга одатлантириш ҳам муҳим ҳисобланади. Ўқувчиларда фаоллик, топқирлик, зукколик, хушёрлик фазилатларини шакллантириш ҳам бу дарс мақсадининг таркибий қисмидир.

Қувноқлар ва зукколар дарси – мусиқий машғулотларнинг қизиқарли ўтишини ва ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини таъминловчи ноанъанавий дарс шаклларидан биридир. Қувноқлар ва зукколар дарснини бир неча йўналишда ўтказиш мумкин. Ўтилган мавзуларни такрорлаш, кўшиқ куйлаш тарзида, савол-жавоб тарзида, мусиқа воситаларини аниқлаш, тингланган мусиқий асарларни мазмун-моҳиятини изоҳлаш, асарларни ёдга олиш бўйича турли хил дидактик ўйинлар тарзида уюштириш бундай дарс йўналишларига усул бўлиши мумкин.

Ўқитувчи қувноқлар ва зукколар дарсига алоҳида тайёргарлик қилиши керак. У саволларни аввалдан тайёрлаши, дарсда қандай таълимий-тарбиявий усуллар қўлланишини аввалдан режалаштириши керак. Бундай дарсларда мусиқий ўйинларни уюштиришнинг бой имконияти мавжуд. Масалан, телевидение орқали намойиш этиладиган мусиқий кўрсатувларга тақлид қилган

ҳолда «Куйни топ!», «Мўъжизалар майдони», «Оҳанрабо», «Балли қизлар!», «Балли йигитлар!» каби дарсларни ташкил этиш орқали дарсларнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Қувноқлар ва зукколар дарслари ўқув йилининг якунида, чорак охирида, режадаги ҳар бир бўлим якунида уюштирилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай дарсларда синфдаги ўқувчилар икки гурухга бўлинади, қизлар ва болалар, қаторлараро, параллел синфлараро бўлиш мумкин. Ҳар бир жамоага сардор сайланади. Икки рақиб жамоалар ўз билимларини синаб кўришади. Фаол қатнашган ўқувчилар рағбатлантириладилар. Бундай дарсларда мактаб раҳбарияти, бошқа фан ўқитувчиларининг, юқори синф ўқувчиларининг жюри аъзоси бўлиши дарснинг аҳамиятини оширади ва ўқувчиларнинг қизиқишлигини ортиради. Қувноқлар ва зукколар дарси ўқувчиларга уни ташкил этишдан бир ҳафта олдин маълум қилинган бўлиши керак. Мусобақанинг шартлари аввал ўтилган дарсларга асосланган бўлмоғи даркор. Ўқувчилар бир ҳафта давомида билишлари керак бўлган маълумотларни такрорлаб, мустаҳкамлаб, ўз устиларида ишлайдилар. Мусиқий сахналар, қўшиқлар ва бошқа мусиқа саводига оид билимлар, маълумотлар умумлаштирилади. Ўқувчиларнинг хар бир шарт учун тўплаган баллари доскага ва жюри аъзоларининг маҳсус дафтарларига ёзиб борилади. Дарс охирида баллар умумлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда ғолиб жамоа рағбатлантирилади. Бундай дарсларга тайёргарлик жараёни ўқувчилар учун ўзига хос ўқув–билув, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, изланиш ва бошқотириш, умуман олганда мусиқий–назарий билимларни ўзлаштириш жараёнига айланади. Қувноқлар ва зукколар дарсидаги таълимий ўйинлар, митти бошқотирмалар, сирли топшириқлар, ҳар хил фаолиятларнинг алмасиб туриши ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга одатлантиради, зерикиш, зўриқишиш ва толиқишдан сақлайди. Шунингдек, бу дарсларда ўқитувчи ўқувчиларни ҳар томонлама: ўртоқларига нисбатан муносабати, муомала маданияти, ўзларини ҳар хил вазиятда қандай тута олишларини ва бошқа хилдаги хатти–харакатларини, одатларини яқиндан билиб, синаб олиш имкониятига эга бўлади.

Қувноқлар ва зукколар дарсини ташкил этишда ўқитувчи қуидагиларга эътибор бериши керак:

— ўрганилган мавзунинг мазмун ва моҳияти, ундан кутилган мақсад ва амалга оширилиши керак бўлган вазифалар, ўқувчиларнинг билим даражаси ва қизиқишлиридан келиб чиқсан ҳолда «Қувноқлар ва зукколар» дарсини режалаштириш;

— қувноқлар ва зукколар дарсининг мавзусини ва дарс ўтказиладиган кун ҳақида ўқувчиларга бир ҳафта олдин хабар бериш;

— қувноқлар ва зукколар дарсида бериладиган савол ва топшириқларни олдиндан тайёрлаш, жавобларни сир тутиш, дастурга мувофиқ ўтилаётган мавзуга мос бўлишига эришиш;

— мусобака шартларини ҳамма билан келишилган ҳолда белгилаб, тасдиқлаб олиш;

— қувноқлар ва зукколар дарсида қўлланиладиган таълимий ўйинларнинг, ҳар бир шарт учун берилган вақт, иштирокчилар сонини келишиб олиш;

— қувноқлар ва зукколар дарсидаги ўйинлар ва фаолиятларнинг ўқувчилар ёш хусусиятларига мослигига аҳамият бериш;

— шартларнинг холисона, ҳаққоний ва одил баҳоланишига эришиш;

— ғолиб жамоани мағлуб жамоани камситмаган ҳолда рағбатлантириш.

Таҳлил дарси – мусиқа саводи, мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш жараёнларида ўтилган асарларни мұжаммал таҳлил қилишга эътибор берилади. Зотан асарларни батағсил таҳлил қилиш, яъни унинг муаллифлари ҳақида маълумотлар келтириш, асарнинг темпи, ритми, ўлчови, лади, тонлиги, динамикаси, шакли, қандай жамоа ёки оркестр учун ёзилганлигини аниқлаш, жанрини аниқлаш, унинг ғоявий моҳияти, бадиий қиёфасини ўрганиш асар орқали мусиқий-назарий билимларни ўзлаштиришга замин яратади.

Таҳлил дарсини қандай ташкил этиш ва қай йўсинда ўтказиш ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ. Бундай дарслардан, аввалам бор амалий мақсад кўзланади. Таҳлил дарслари ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатади, ўйлашга мажбур қиласди, турли муаммоларга дуч келиб уларни ечишга ундаиди.

Суҳбат дарслари – мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини жонли ва қизиқарли ўтказишнинг мухим воситаларидан биридир. Дарсларни суҳбат шаклида уюштириш ва ўтказиш ўқитувчидан ижодий изланишни талаб қиласди. Суҳбатни аниқ тузилган режа асосида, маълум мақсадга йўналтирилган тарзда олиб бориш ўқитувчи маҳоратининг белгиловчи омили ҳисобланади. Суҳбат дарс жараёнда ўқувчи мустақил фикрлашга ва ўз фикрини баён эта олишга ўрганади. Суҳбатнинг самарали, қизиқарли, маълумотларга бой бўлиши ўқитувчининг раҳбарлик маҳоратига, саволлар тузиш ва уларни тўғри танлай олиш уқувига боғлиқ. Суҳбат дарслари ўзлаштирилган мусиқий-назарий билимларни текширишнинг энг самарали йўлларидан биридир. Суҳбат дарсларининг яна ҳам самаралироқ бўлиши суҳбатдошларнинг мавзуни аниқ ва

яхши тушунишларига, сұхбат пайтида бериладиган саволлар аниқ ва лўнда бўлишига боғлиқ. Саволлар оғзаки тарзда берилиб худди шу тарзда жавоб олинади. Ўқитувчи ўқувчилар жавобларидағи хатоларни кузатиб боради ва керак бўлган ҳолларда тузатиб туради. Сұхбатда мустақил ўрганилган қўшиқ, тингланган мусиқий асар, кўрилган концерт ёки мусиқий кўрсатув ҳақида сўзлашиб мумкин. Ўқитувчи дарс мавзусини аввалдан айтиб қўйган бўлиши керак. Ўқитувчи тайёрлаб қўйган саволларини беради ва ўқувчилар жавоб бера бошлайдилар. Тўлик берилмаган жавобларни бошқа ўқувчилар тўлдирадилар. Ўқитувчи сұхбатни бошқариб боради ва ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини таъминлайди.

Сұхбат дарсларида ўқитувчининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Тузиладиган сұхбат учун қизиқарли ва хаётий саволлар тайёрлаш.
2. Саволлар мавзуни тўла қамраб олишига аҳамият бериш.
3. Ўқувчилар ўз фикрларини эркин ифодалашларига шароит яратиш.
4. Саволлар тизимли ва изчил бўлишига эришиш.
5. Барча ўқувчиларни сұхбатга жалб этиш.
6. Сұхбат давомида бир-бирларига ҳурмат кўзи билан қарашга эришиш.
7. Муомалада ўқувчиларга намуна бўлиш.
8. Фикрларни умулаштириш ва холоса чиқариш.

Мусиқий саёҳат дарслари – мусиқашунослик манбаларини ўрганиш, бирор бир композиторнинг ижодини кенгроқ ўрганиш учун композиторнинг уй музейларига, концертларга, мусиқий фестивалларга, мусиқий танловларга саёҳат қилиш орқали ёки видео тасма ёрдамида бирор мавзуга оид мусиқий саёҳат қилиш орқали уюштирилади. Саёҳат объектлари дарс мавзусига бевосита алоқадор бўлиши муҳим шартлардандир. Бу ўз навбатида синфда ўтилган дарслардан анча самаралироқ бўлиб, ўқувчилар онгидага узоқ сақланиб қолади. Уларнинг мусиқий дунёқарашларини, мусиқий тафаккурларни шакллантиради ҳамда мусиқий-эстетик ҳис-туйғуларини уйғотади. Бундай дарслар ўқувчиларда шу фанга ва ўқитувчига нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни оширади. Ўқитувчи билан ўқувчилар бир-бирларини яхшироқ тушуна бошлайдилар, бир-бирларига руҳан яқинлашадилар. Мусиқий саёҳат дарслари айrim шарт-шароитларга боғлиқ равишда ташкил этилади. Бунинг учун шахар ёки вилоятда бирор бир концерт ёки танлов бўлиши, синфда видео тасма ёки компьютер мавжуд бўлиши билан боғлиқдир.

Стол атрофидаги дарслар – асосан мусиқий-назарий билимларни мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг олган билимларини текшириш учун ташкил

этлади. Ўқувчилар жамоаларга бўлинадилар. Ўқитувчи маҳсус тайёрланган конвертларда саволларни қатор қилиб териб қўяди. Жамоа сардорлари галмагал конвертларни танлайдилар ва жамоалари билан келишган ҳолда жавоб берадилар. Ҳар бир саволга тайёрлашин учун белгиланган вақт берилади. Дарс охирида энг кўп очко йиққан жамоа рейтинг тизимининг энг юқори баллари билан баҳоланади. Қолган жамоа иштирокчилари жавобларига мувофиқ камроқ баллар билан баҳоланадилар ва ҳоказо. Бундай дарслар ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишиларини орттиради, уларни фаоллаштиради. Стол атрофида дарслари «Заковат» теливизион ўйинига жуда ўхшаб кетади. Ўқитувчи саволлар тузишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, дарс мавзусини ҳисобга олган ҳолда танлаши лозим.

Савол ва топшириқлар:

- 1) *XX аср охирларида умумий ўрта таълим макабларида қандай дарс шакллари мавжуд бўлган?*
- 2) *Ҳозирги кунда мусиқий таълимда қандай ноанъанавий дарс турлари қўлланилиб келинмоқда?*
- 3) *Концерт дарсларини ташкил этиши йўлларини айтиб беринг.*
- 4) *Суҳбат, маъруза, баҳс-мунозара дарслари қайси фаолият турларида қўлланилиши мумкин?*
- 5) *Викторина дарсларини ташкил этиши учун нималарга аҳамият берииш керак?*
- 6) *Мусиқа саводини ўзлаштириши учун қайси дарс турларидан фойдаланиши мумкин?*
- 7) *Ўзингиз бирор бир ноанъанавий дарс турини режасини тузиб, изоҳлаб беринг.*

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Баркамол шахс тарбияси барча замонларда инсон ақл-заковати, тарбияшунослик илми хулосалари йўналтирилган энг муҳим соҳа ҳисобланган. Бу соҳанинг ўзига хос «шўъба»лари ичидан мусиқа санъатининг илмий ва тарбиявий аҳамияти юқори баҳоланган. Шу боис ҳам илм-фан, маданият ва санъат соҳасида жаҳоншумул эътироф қозонган алломалар (Абу Наср Форобий, Абдулқодир Мароғий, Ал Киндий, Абдураҳмон Жомий, Ибн Сино, Дарвеш Али Чангий, Алишер Навоий) мусиқага ҳам илм соҳаси, ҳам санъат, ҳам тарбия воситаси сифатида алоҳида эҳтиром билан қарашган, унинг турли муаммоларига оид йирик асарлар, рисолалар яратганлар. Бу асарлар мусиқий-назарий билимларнинг тарихий негизи сифатида бугунги кунда ҳам ўз илмий, тарбиявий нуфузини йўқотган эмас. Бироқ ҳар қандай соҳада бўлгани каби, мусиқий таълимда ҳам шахсни шакллантиришнинг замонавий талаблари мавжуд бўлиб, у ҳар бир ижтимоий даврнинг таълимга буюртмаси, эҳтиёжи сифатида кун тартибига чиқади. Бошлиғич синф ўқувчиси шахсини шакллантиришда мусиқий билимларни ўзлаштиришнинг ўрни мазкур ўқув-методик қўлланма натижаларида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

«Мусиқа маданияти» дарслари ўқувчиларга ижобий таъсир этибина қолмай, уларнинг мусиқий диди ва мусиқий дунёқарashi шаклланишига ҳам самарали таъсир қиласи. Шу боис мақбул мазмун ва методикада берилган мусиқий билимлар мажмуаси ўқувчиларда мусиқага барқарор қизиқиши тарбиялайди, муҳими улар яхши мусиқани, жанрларни, ҳалқ ва мумтоз мусиқасини ажратишга ўрганадилар. Тадкиқот натижалари болаларнинг қизиқиши билан қўшиқ қўйлаб, мусиқа тинглаб, композиторлар ҳаёти билан таниша бошлаганликларини кўрсатди. Ҳатто аввалига мусиқа маданияти дарсларига эътиборсизлик билан қараган ўқувчилар ҳам, оҳир-оқибатда мусиқа маданияти дарсларига кўтаринки руҳда, бирор бир янгиликдан хабардор бўлиш ниятида кела бошладилар.

Ўқувчиларда «Мусиқа маданияти» ўқув фани таркибидаги турли хил фаолиятларга бўлган қизиқиши ва интилиш кучайди. Кўпчилик ўқувчиларда мусиқа тинглаш, қўшиқ қўйлаш, ритмик ҳаракатлар бажариш жараёнларига саводли, яъни онгли равишда ёндашиш малакалари шаклланди.

Ўқувчиларда мусиқий асарнинг ифода воситалари ва шаклини таҳлил қилиш малакасини шакллантириш уларда ўз фикрларини bemalol баён қилиш кўникумаларини шакллантириди.

«Мусиқа маданияти» дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш ўқувчиларнинг мусиқий билимларга, жумладан мусиқа саводига

қизиқишиларини кучайтируди. Ўқувчилар эндиликда мусиқий бошқотирмаларни бемалол ечадиган, ноталарни яхши биладиган, товуш ва унинг хусусиятларини англайдиган, мусиқа ифода воситалари ҳақида аниқ тушунчаларга эга бўлдилар.

Тажрибалар дарсларнинг самарадорлиги уларнинг тўғри уюштирилишига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Мусиқа «тил»и ҳамма ва барчага тушунарли ва яқин. Шунинг учун у инсонларнинг руҳиятини кўтариш, қувонч ва роҳат баҳш этиш билан бирга, ўсиб келаётган ёш авлодни шахс сифатида шакллантиришда беназир ёрдамчидир.

Мусиқий билимларни ўзлаштириш ўқувчиларда нафақат мусиқий саводхонликни, балки мусиқий дунёқараш, мусиқий дид, мусиқий тафаккур ва шу каби сифатларни шакллантиришга хизмат қилиши амалда ўз исботини топди.

Ўқувчилар мактабга келган илк кунлариданоқ, санъатга, айниқса, мусиқага интилиш ва қизиқишилари юқори бўлади. Шунинг учун мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ўқитувчининг мутахассис, ўз соҳасининг устаси сифатида билимдонлиги ва ижодий баркамоллигига боғлиқдир.

Мусиқа маданияти дарслари – ўқувчиларда мусиқий дид ва мусиқий дунёқарашни шакллантирувчи энг муҳим воситадир. У ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний, ғоявий шаклланишига таъсир этади. Мусиқа ўқувчиларда борлиқ ҳақида ўзига хос «шахсий нуқтаи назар»ни, воқеа ва ҳодисаларга фаол ва ижодий муносабатни шакллантиради. Мусиқа алоҳида шахсга ва кенг жамоага ҳам бирдек таъсир қиласи (эмоционал, ижодий, эстетик, ғоявий, педагогик, физиологик ва ҳоказо). Айнан шунинг учун ҳам «Мусиқа маданияти» ўқув фанининг хусусиятларидан келиб чиқиб, назарий ва амалий йўналишдаги материалларнинг мақбул нисбатини сақлаган ҳолда, мусиқанинг барча мавжуд имкониятларини очиб бера олиши керак.

Ўқитувчиларга:

1. Дарсларни ташкил этишда, жумладан, мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида тизимлиликка риоя қилиш. Шунда ўқувчиларнинг шахсий сифатлари бир маромда шаклланади.
2. Чорак мавзуларидан келиб чиқсан ҳолда мусиқий-назарий билимларни бошқа фаолиятлар билан узвий олиб бориш.
1. Мусиқа маданияти дарсларида, хусусан, мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Илғор педагогик тажрибалардан ибрат олиш ва дарсларни ўйин тарзида қизиқарли қилиб уюштириш.

3. Ўз педагогик маҳоратини, малакасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш.

4. Ота-оналар билан доимо мулоқотда бўлиш орқали ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш йўлларини излаш (махсус мусиқа мактаблари, мусиқий тўгаракларга жалб этиш).

7. Ўқувчиларнинг умумий мусиқий билим даражаларининг қизиқиши ва мойилликларини аниқлашда синфнинг ва ҳар бир ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

8. Дарс мобайнида ижодий кўтаринкилилкка эришиш ҳамда ўқувчиларнинг эркин фикрлаши, дарс материалларига нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини bemalol айта олишига имкон яратиш.

9. Ўқувчиларнинг ижодий шаклланишини доимий назорат остига олиш. Лозим топилса, бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларга бириктириш.

10. Ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда дарсларни табақалаштириб ўтиш.

11. Ўрганиладиган ҳар бир мавзунинг таълим ва тарбиявий моҳиятини очиб бериш орқали дарс ўтиш мақсадга мувофиқдир.

12. Синф-дарс шароитидан келиб чиқсан ҳолда, мусиқа саводи, қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, рақсга тушиш, болалар чолғу асбобларида чалиш фаолиятларини қўллаган ҳолда, концерт-дарсларни уюштириш. Бу ўқувчиларда жамоа олдида, саҳнада ўзини тутиш, ҳаётий вазиятларни осон идрок этиш, янада юқори босқичларга интилиш ҳиссини шакллантиради.

13. Мусиқий асарларнинг ғоявий мазмунини очиши жараёнида ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказиш, олган таассуротларини расм чизиш орқали акс эттириш, керакли ривоят, мақол ва маталларни қўллаш, асарнинг мусиқий-назарий ва бадиий қирраларини очиб беришга ўргатиш. Ўқувчиларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, билимларни тўплаш орқали керакли хулосалар чиқаришга ўргатиш. Мусиқа маданияти ўқитувчиси ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширса, юқоридаги вазифаларни натижалар янада самаралироқ бўлади.

Ота-оналарга:

1.Фарзандларининг мусиқий маданиятини ривожлантириш учун доимо мусиқа маданияти ўқитувчиси билан алоқада бўлиш.

2.Фарзандининг мусиқий қобилияти борлигини сезганда, уни мусиқа тўгаракларига, махсус мусиқа мактабларига жалб этиш йўлларини излаш.

3. Оилада фарзандларини радио, телевидение орқали миллий, ҳалқ, эстрада мусиқаси билан таништириб бориш.

4. Фарзандларини ёшига мос мусиқий асарлар билан мунтазам таништириб бориш.

5. Мактабдаги мусиқа маданияти дарсларида фаол қатнашишлари учун фарзандларини керакли ўкув қуроллари, дарсликлар, ўкув қўлланмалари, карточкалар ва чизмалар билан таъминлашлари.

Мактаб маъмуриятига:

Мусиқа маданияти кабинетини замон талабларига мос тарзда жиҳозлаш (пианино, кўргазмали қуроллар, техник воситалар ва ҳоказо).

Байрамларда, мактаб ташкилий ишларида мусиқа маданияти ўқитувчиси ва ўкувчиларни концертлар уюштиришга жалб этиш, бунинг учун шартшароитлар яратиб бериш.

Мусиқа бўйича туман ва шаҳар танловларида иштирок этиш учун қобилиятли ўкувчиларни жалб этиш.

Мактаб ичидаги мусиқий танловлар ташкил этиш.

Ижрочилик, созандалик, хонандалик йўналишлари бўйича синфдан ташқари тўгараклар ташкил этиш.

Тадқиқотчиларга:

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнининг педагогик тизимини 5-7-синфлар мисолида тадқиқ этиш.

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўкувчи шахсини шакллантириш муаммосини мактабдан ташқари муассасалар мисолида тадқиқ этиш ва илмий-педагогик ечимини ишлаб чиқиши.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллин Э. О начальном этапе музыкального обучения в общеобразовательных школах Японии // Музыкальное воспитание в школе, вып.9. М., 1984.
2. Абдуллин Э., Цыпин Г. Программа, устремленная в будущее // «Советская музыка», 1988, №10.
3. Авратинер В. Обучения и воспитание музыканта-педагога. М., 1981.
4. Акбаров И., Хусаинов Т. III синф мусика дарслиги учун методик қўлланма. Т., 1974.
5. Алаев Ю. Пути формирования навыков многоголосного пения в детском хоре //Музыкальное воспитание в школе, вып. 10, М., 1985.
6. Анисимов А. Дирижёр-хормейстер. Л., 1976. /7. Апраксина О. Методика музыкального воспитания в школе. М., 1983.
7. Апраксина.О.А. Методика музыкального воспитания в школе. (Учебное пособие для пед. институтов по спец. 2119 «Музыка и пение») –М.: Просвещение, 1983. -222с.
8. Арисменди А. Дошкольное музыкальное воспитание. М., 1989.
9. Арчажникова Л.Г. Профессия-учитель музыки. –М.: Просвещение, 1984. -110 с.
10. Асафьев Б. О хоровом искусстве. Л., 1980. -214
11. Бандина А., Попов В., Тихеева Л. Школа хорового пения. Выи.1. Для школьников младшего возраста. М., 1981.
12. Бахритдинова Н.А. Ўзбекистон болалар хор маданияти. Т., 2002, -110 б.
13. Васильева А. Организационные принципы работы детского хора//Вопросы методики преподавания музыкальных дисциплин. Т., 1991
14. Венгрус Л. Вокально-хоровая работа с детьми дошкольного возраста. Автореф. дисс. на соискание уч. ст. к. иск. Л., 1988.
15. Ветлугина Н.А., Кенеман А.В. Теория и методика музыкального воспитания в детском саду. –М.: Просвещение, 1983. -255 с.
16. Ветлугина Н.А. развитие музыкальных способностей дошкольников в процессе музыкальных игр. М.: АПН, 1988г., -247стр.
17. Вопросы методики музыкального воспитания детей. М.: «Музыка», 1985, -127 стр.
18. Воспитание музыкой. М.: «Просвещение», 1991 г., -204 стр.
19. Кабалевский Д.Б. Как рассказывать детям о музыке? М.:Просвещение, 1984. -256 стр.
20. Мамиров К. Воспитание нравственных чувств младших школьников в

процессе обучения музыке. Дис. на соис. канд. пед. наук. (13.00.01.) -Т., 1986. - 186 б.

21. Матонис В. Музыкально-эстетическое воспитание личности. -Л.: Музыка, 1988. -86 с.
22. Методика преподавания музыкальных дисциплин: Сб. статей. -Т.: Ўқитувчи. 1989. -95 с.
23. Музыкальная психология: Учебное пособие. / автор сост. Кадиров Р.Г., -Т.: Музыка, 2005. -80 с.
24. Музыкальное воспитание в школе. Вып.19.: Сб. статей. / Состав. О.Апраксина. М.: Музыка, 1987. -110 с.
25. Орирова Р. Ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш (мактабдан ташқари муассасалардаги мусиқий түгараплар мисолида). Т., 2007, -76 бет.
26. Соипова Д. Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўкувчи шахсини шакллантириш. П.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. (13.00.01.), 2006 й., -198 б.
27. Соипова Д. Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш. Т.:Фан ва технологиялар нашриёти, 2005 й., -84 бет.

Мундарижа

Кириш.....	3
I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МУСИҚА ТАРБИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ.....	8
Мусиқа санъатининг аҳамияти.....	9
Мусиқа қобилиятини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари.....	12
Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ёш психологик хусусиятлари.....	17
Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари гурӯҳ ва фаолиятлар кесимида.....	23
Мусиқа машғулотлари.....	49
Мусиқий эрталиклар ва байрамлар.....	50
Мусиқа раҳбари (ўқитувчиси)га қўйиладиган асосий талаблар.....	51
Мусиқа ўқитиш методикаси педагогик принциплар тизимида.....	55
Мусиқа ўқитиш методлари.....	63
Бола ривожланишида мусиқанинг ўрни.....	70
Мусиқа болаларнинг эстетик киёфасини шакллантирувчи восита сифатида.....	73
Болаларни жисмоний тарбиялашда мусиқанинг роли.....	74
 II БОБ. МУСИҚА ТАЪЛИМИДА МУСИҚИЙ ФАОЛИЯТЛАР.....	76
Мусиқа идроки (tinglash) – болалар мусиқий фаолиятининг етакчи тури.....	76
Кўшиқ куйлаш фаолияти.....	82
Мусиқий-ритмик харакатлар фаолияти.....	97
Болалар мусиқий чолғуларида ижрочилик фаолияти.....	109
Мусиқа саводи.....	123
 III БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.....	127
Умумий ўрта таълим мактабларидаги “Мусиқа маданияти” дарсларининг тузилиши.....	127
1-синфда мусиқа ўқитиш методикаси ва мазмуни.....	
2-синфда мусиқа ўқитиш методикаси ва мазмуни.....	
3-4-синфларда мусиқа ўқитиш методикаси ва мазмуни.....	
5-6-синфларда мусиқа ўқитиш методикаси ва мазмуни.....	

7-синфда мусиқа ўқитиш методикаси ва мазмуни.....

IV БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МУСИҚА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ ТИЗИМИ.....

Америка қўшма штатларида мусиқа таълими.....	
Англияда мусиқа таълими тизими.....	
Японияда мусиқа таълими тизими.....	
Швейцарияда мусиқа таълими тизими.....	
Венгрияда мусиқа таълими тизими.....	
Германияда мусиқа таълими тизими.....	
Болгарияда мусиқа таълими.....	
Голландияда мусиқа таълими.....	
Руминияда мусиқа тизими.....	
Чехияда мусиқа таълими.....	
Россияда мусиқа таълими тизими.....	
Эстонияда мусиқа таълими.....	
Литвада мусиқа таълими.....	
Уругвайдада мусиқа таълими.....	
Польшада мусиқа таълими.....	

V БОБ. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУСИҚА ТАРБИЯСИ ТИЗИМИ.....

Синфдан ва мактабдан ташқари мусиқа тарбияси шакллари.....	182
1920-90 йиллардаги мусиқа ўқитиш методикаси.....	183
Мусиқий тарбиявий ишларнинг оммавий шакллари.....	187
Мусиқий тўгараклар.....	189
Ихтисослашган мусиқа мактабларида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари.....	199

VI БОБ. МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ..... 209

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш шакллари.....	209
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....	218
АДАБИЁТЛАР.....	222
Мундарижа.....	224